

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2006.

# ҒАЗНАВИЙЛАР

Тарихий роман

МАҚСУД  
ҚОРИЕВ



*ТАНЛАНГАН АСАРЛАР*



III  
*ЖИЛД*



ҒАЗНАВИЙЛАР

Тарихий роман



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006.

**Қориев Мақсуд**

Ғазнавийлар: Тарихий роман. — Т.: «Шарқ», 2006. — 256 б.

**ББК.84(5Ў)6.**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2006.

Бу дунё ҳаёти аввалидан охиригача тасодифий эмас, балки еру осмондаги ҳар бир зарра етук ҳикмат ва ўлчов билан яратилгандир. Барча мавжудот бири бири билан узвий боғлиқдир. Қилинадиган яхши-ёмон амаллар ҳам аниқ қонунқонда асосида ўз мукофот ва жазосини олгусидур.

*Қуръони карим ояти.*

## **КАРВОНСАРОЙ**

Шаҳар чеккасидаги карвонсарой келди-кетди кўплигидан ҳамиша гавжум. Бугун кўрган одаминг эртасига бирданига қайгадир ғойиб бўлади қолади. Одамлар гўё бир меҳмон, қайдан келиб қайга кетар, ҳеч ким билмасдек. Шунданми, ўзи бир қўниб кўргилик ўтар дунёни ҳам кўпчилик карвонсаройга қиёс айлайдир.

Хуросон мамлакати пойтахтига айланган Ғазна шаҳрига кириш дарвозаси ёнида бунёд этилган карвонсаройда дунёнинг ҳамма чеккаларидан савдо-сотик ишлари билан келган турли миллат, қавм, элатларга мансуб савдо аҳлига йўлиқасиз. Нарийёғи Ироқ, Миср, Юнонистон, Маккаю Мадинадан, бериёғи Кошғар, Ҳиндистон ва Чиндан, Бухоро, Самарқанд сингари мамлакат ва шаҳарлардан келганларнинг сон-саногии йўқдек. Кашмирий зарбоф шохилар, турли қимматбаҳо заргарлик буюмлари, нодир хитойи чинни асбоблар, дон-дун, мева-чевалар дейсизми, ҳамма-ҳаммаси бор бунда. Бир томонда турли газлама, уй-рўзгор буюмлари ортилган аравалар, туялар, от-уловлар тирбанд. Одамлар чехрасига боқиб келган юртини билиб олиш ҳам қийин эмас.

Айниқса, Ҳиндистондан келтирилган моллар, турли, ранго-ранг нозик шоҳи сарийлар ёки заргарлик буюмлари беҳисоб. Сулоласининг шавкатли намояндаси бўлмиш Султон Маҳмуднинг Ҳиндистон юришларида қатнашган саркардалар, жангчилар ўлжа ай-

лаб орттириб келган буюмлар Фазна бозорида арзонгаровга сотилиб кетарди.

Савдо аҳлининг Фазнага оқиб келишига тагин бир сабаб, бунда кундан-кун ривож топиб, кенгайиб бораётган Фазнавийлар салтанати довуғи бўлади.

Нима дейсизларки, оламгир, жаҳонгашта, Султон Махмуд Фазнавий ўз салтанатида савдо-сотик ишларига кенг йўл очиб бермиш, ҳатто уларга яхши имтиёзлар туғдирибдур деган бой-боёнларга хуш келадиган хабар олам аҳлини шу диёри азимга йўлламиш.

Карвонсаройда савдо ишлари кеча-кундуз тинмасди. Бозорга чикмасдан келтирилган ноёб моллар шу ернинг ўзида ҳам Фазна боёнлари, давлатмандлари томонидан кўтара савдо қилинади. Бойваччалар бозоргир молларни арзонроқ баҳода улгуржигга олиб, кейин шаҳар растасига олиб чиқиб, дўконларга тақсимлаб бериб, майдалаб сотадилар.

Карвонсарой хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайдир. Биров гулоб, биров чоғир ичадир. Турли емак-ичмаклар бунда муҳайё. Тандир кабоб, кобулий шўрва, пишлок, сомса, қулинг ўргилсин яхна, сур гўштар дейсизми, истаганингизни сипориш айланг, башанг, чакқон хизматкорлар тавозеъ ва эътибор билан бирпасда ҳозир-нозир этадир. Айникса, кошғарлик ошпазлар тайёрлаган хамир таомлар севиб тановул этиладир.

Шақиллаган, қақиллаган гавжум карвонсаройга мўйлаблари сабза урган йигирма беш ёшлар чамаси, қадди-басти келишган бир мусофир йигит кириб келди. Афтидан, у бу томонларга биринчи келиши бўлса керак, бегонасираб, бир чеккада ийманиб турадир, кимга мурожаат этишни билмас, атрофда жой йўқ, ғала-ғовур, барча ўз иши билан банд. Навқирон мусофир елкасидаги офир хуржунини бир чеккага қўйдида, уёқ-бу ёққа аланглади. Ўнғайсиз аҳволда турган эди:

— Ҳой йигит, бу ёққа келинг, жой бор, — деди соқол-мўйлабларига оқ оралаган кўринишидан эътиборли, башанг кийинган бир зодагон.

Йигит овоз келган томонга қараб одимлади. Шоҳи

кўрпачалар тўшалган алоҳида шоҳсупада эътиборли бир зот савлат тўкиб ўтирарди.

— Қани, тортинмай келаберинг. Мусофирга ўхшай-дурсиз? — деди зодагон. Кейин меҳмонга разм солди. Жайдари йигит, пешанасидан ақл ёғилиб тургандай кўринди кўзига.

— Ассалому алайкум, — деди ийманибгина мусофир.

— Хижолат чекманг, ахир, бу масканни карвонсарой дерлар, шу кунларда нечундир одам бисёр. Не ҳам дердик, ўткинчи дунё бу. Одамлар келиб-кетабе-ради, — деди хушмуомалалик билан зодагон.

Мусофир йигит камсуқумлик билан кўрсатилган жойга чўкди.

— Бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш дерлар, қани, танишиб кўяйлик. Менинг исми-шарифимни Абу Солих Саъид дерлар. Асли бағдодлик эрурмен. Фазна мулкинда бир неча дўконларим бордур. Мол олиб, мол сотурмен. Қани, меҳмон, дастурхонга қаранг...

Мусофир йигит ер остидан Абу Солихга қаради: харҳолда, анча иймонли, инсофли одам кўринур. Ранги-рўйи тиник, юзидан нур томиб турур, кўринишидан кўнгли эзгуликка мойилдек. Юрагида негадир шу одамга меҳр уйғонди. Кўнглида: «Бу зот билан бирга шикорга ҳам борса бўлур», деб қўйди.

— Маъзур тутгайсиз. Ўзимни таништирай, Хурсоннинг Байҳақ мавзесидан бўлурмен. Исмин Абул Фазл Муҳаммад. Мусофир юртларга маърифат ҳамда бирор юмуш истаб келиб эрдим. Эшитдимким, Султон Маҳмуд Фазнавий илм-маърифатга эътиборли подшоҳ эрмиш. Оллоҳ таоло Султон баракотидан бизни ҳам дариф тутмасун. Илм аҳлига кўп саховат кўрсатур эрмиш.

Ўртага сукут чўкди. Абу Солих Саъид мусофир йигитга ер остидан қараб қўйди, ҳаётга эндигина йўлланма олаётган, ўзига кадр-киммат, илм-маърифат истаб келган навқирон Абул Фазл Муҳаммад қандай қилиб ҳукмдор саройига йўл топгай, девон атрофидаги буромад истайдурғон хулосахўр казо-казолар унга йўл беришармикин?

— Иним Абул Фазл, Ғазна шахрига келиб хўб иш қилибдурсиз. Аммо шуни билингким, ҳамма жойда ҳам хўроз бир хил қичқирур. Султон Маҳмуднинг хоқонлиги ҳам, бийлиги ҳам бор, агар билсангиз. Аммо унга рўбарў бўлганда, толеъ ёр бўлиб, иттифоқо кўнглига ёқиб қолсангиз, бахтингиз очилиб, барака топиб кетурсиз, агар кўнглига ўтирмасангиз, дилингиз озор чекиши ҳам эҳтимолдан йироқ эрмас. Ул зоти олий қаттиққўл саркардаи замон эрурлар, арзи-маган гуноҳингиз учун бошингиздан ажралиб қолишингиз ҳеч гап эрмас! Шуниси борки, олампадох илм аҳлига, аҳли-донишларга эътиборли подшоҳи замон эрур.

— Камина қулингиз, мақтаниш эрмас-ку, кўп илм-ҳикматлардан анча хабардордурмен. Боз устига, хуш-хат эрурмен. Қуръони каримни бошдан-оёқ ёддан ўқурмен. Ҳатто уни тафсир этурга ҳам ақлим бовар қилур, — деди Абул Фазл мақтаниб юборганидан бир оз хижолат чекиб.

— Сиз, биродарим, аввало қандай йўл билан бўлса ҳам, албатта, сарой маликушшуароси Ҳасан Унсурий жанобларига учрашмоғингиз даркор. Ул жаноб, билсангиз, ажаб зукко шоири замон эрурлар. Саройдаги олимлар, шоирларнинг барчаси ана шу эътиборли зотнинг изми бирлан хизматга олинур. Агар ўшал кишининг кўнглига йўл топсангиз, ошиғингиз олчи деяберинг. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Ҳасан Унсурий кўнглида кек сақлайдурғон, бирмунча қайсарлиги ҳам бор деб эшитганмен. Ёмонликни кечирмайди ҳам, унутмайди ҳам.

— Мен ул зотнинг рисолаларию байтларидан бо-хабармен. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистон сафари чоғидаги паҳлавонликлари, кофирларга қирон келтириб қилган жангу жадаллари ҳақида ёзган жангномаларини ҳам ўқиганмен. Унсурий ҳазратларининг биткан байтлари манаман деган кўп атоқли шоирлар-никидан қолишмас.

— Унсурий жаноблари билан каминанинг ҳам бир оз яқинлигимиз бордир. Ул зот ҳам тижорат ишлари-



га андак мойил эрурлар. Харҳолда, камина орқали баъзан савдо-сотиқ, олди-берди деганларидек... Буёғини ўзингиз билурсиз. Чунончи, Султон Маҳмуднинг суюкли фарзандлари шахзода Масъуд ҳам савдо ишларига аралашиб турурлар. Ул зотнинг биздан ҳам озгина манфаатлари бордир.

Абул Фазл Байҳақий Абу Солих Саъид Бағдодийнинг гапларини эътибор билан тинглаб, бу одамда гап кўп экан, нима қилса ҳам Оллоҳ билгувчи-да, мени шундай эътиборли, салим инсонга йўликтирибдур, қайдам, тақдирим шу киши билан боғлиқдир, деб хаёлидан ўтказди.

— Ҳасан Унсурийнинг суҳбатларида бўлганмен, — давом этди Абу Солих. — Сизга деганимдек, Султон Маҳмуд жаноби олийларининг ишонган кишилари эрурлар. Унга «Сарой маликушшуароси» деган номни онҳазрат ўзлари бермишлар. Сафар чоғларинда, жангу жадалга тўлиқ юришларинда ҳам Унсурийни бирга олиб кетурлар. Базму тарабларида қатнашур, шикорга чиққанларида ҳам ҳамроҳ тушур, баъзан, зарурият чиқиб қолганда, кечалари ҳам Ҳасан Унсурийни уйдан чақиртириб олиб келган пайтлари ҳам бўлур эркан. Султон шеърият, ғазал-хонликни ёқтирур, мусиқа шинавандаси эрур. Ўзлари ҳам гоҳ-гоҳ ғазаллар тўқурлар, деб эшитганим бордур. Яна шуниси борки, Ҳасан Унсурий Ғазнадаги энг бадавлат зотлардан биридур. Бир надимдек обрў-эътиборли. Юзлаб қўй-қўзилари, сон-саноксиз мулки, зару кумушлари бордир. Шу кунларда саройда тўрт юзга яқин шоиру фузалолар йиғилмиш. Аларнинг сардори, агар билсангиз, Ҳасан Унсурий жанобларидур. Энди, гапнинг индаллосига келсам, айтганимдек, ул шоири замоннинг кўнглига ёқиб қолсангиз бўлгани, албатта, ул жанобнинг паноҳида саройга ишга жойлашиб олурсиз.

— Сизга айтсам, менинг падарим Сейистонда Амир Сабуктегиннинг надимларидан бири бўлган. Султоннинг падарибузрукворлари отамни беҳад хурматлар эрдилар.

— Жуда яхши... Барибир, Сиз олдин Унсурийга

айтинг бу гапларингизни, ҳаммасини подшоҳга ўша етказур, фақат шундагина мушкулнингиз кушод бўлмай.

— Хасан Унсурийга қандай йўлиқурмен. Бир мусофир бўлсам, бу ерда бирорта танишлигим йўқдур...

Абу Солиҳ Саъид ўйланиб қолди, бу содда йигит, ҳарҳолда, саройга, Хасан Унсурий ҳузурига шунчалик кира олмайди. Боз устига сарой маликушшуароси юмушлари бошидан ошиб ётибди. Хали подшоҳ билан сафарда, ҳали шикорга кетишади, юмушлари кўплигидан кейинги пайтларда бозорга ҳам келмай қўйган. Аммо бу навқирон йигитга сидқидилдан ёрдам бериш даркор. Савоб иш-ку бу, бир иқтидорли одамни ҳаётга йўллаш, тақдирига сабаб бўлиш, ҳамиёт кўрсатишдан ҳам саховатли иш борми дунёда. Абул Фазл Муҳаммад илмли, ақлли, келажаги порлоқ йигитга ўхшайди. Буни Абу Солиҳ Саъиднинг юраги сезиб, билиб турибди.

— Майли, эртага қадар худо ҳофиздир. Сиз шу ерда дам олиб туринг. Мен бир шаҳарга чиқиб келай. Зора, бахтингиз чошиб, девонга яқин бирорта одамни учратиб қолсам.

Сухбатдоши кетгач, Абул Фазл Байҳақий йўл юриб обдан чарчаган экан, ёстиқ ташлаб чўзилди. Қанча вақт мизғиди, билмайди, қулоғига таниш ёқимли куй эшитилди, гўё уни аллалаётгандай. Кўзи уйкуда-ю, мунгли куй уни ўз домига тортиб кетгандек. Мусиқани ким чалапти, қаердаман ўзи?! Кўзини очай деса негадир очолмайди, гафлат уни ўз комидан қўйиб юборишни истаётгандай. Ниҳоят, ўз ҳолига келиб, уйқуси учди, фикри равшанлашди. Уднинг ёқимли овози унга таниш. Кимдир қадим-қадим замонларнинг тенгсиз бастакори, машҳур қўшиқчи Борбаднинг «Наврўзи ажам»ини эзиб чалмоқда. Дилрабо куйни тинглаганча, хаёллари тўзғиб, ўз тақдири, келажаги ҳақида ўйлар, бахти чопадими, йўқми, толеъ ёр бўлиб шу буюк салтанатдан бирор-бир иш топиб олармикин?

Уднинг юракни эзиб юборадиган дилнавоз оҳанги Шарқ мусиқий санъатининг асосчиларидан бири бўлмиш Борбаднинг аянчли, фожиали ҳаётини эслата-

ди. Бастакорнинг «Шашмаком» йўлларида яратилган «Хусравоний», «Наврўзи бузург», «Наврўзи ажам», «Наврўзи хоро» каби ўлмас бисоти хали қанча йилларга қадар яшар экан? Бундай бой маънавий мерос ҳеч қачон ўлмайдди, абадийдир, хаёлидан ўтказди Абул Фазл Байҳақий.

Борбад ҳақида кўплаб ҳикоятлар, ривоятлар тарқалган эди. Айниқса, «Саркаш нақли», «Некисо нақли» билан машҳур ривоятлар унинг ёдидан ҳеч ҳам чиқмайди. «Ганжи гов», «Ганжи бодовард», «Роҳрави шабдиз» куйларининг яратилиши билан боғлиқ ҳикоятларни қайта-қайта ўқиган. Замонанинг Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби буюк сиймолари ҳам ўзларининг мусиқага доир битган рисолаларида Борбад истеъдодига юксак баҳо берганлар.

Абул Фазл эса буюк алломалар битган ноёб китобларни кўп мутолаа айлаган. Хаёлга ботганча ўз ўзи билан сўзлашиб билмай қолибди, қараса сарой соҳиби унга нималарнидир демоқчи. Абул Фазл унга хурмат юзасидан ёстиқдан ўзини тортиб, ўрнидан туриб ўтирди.

— Жаноб Абу Солиҳ Саъид тайинлаб кетдилар. Сиз бемалол шунда бу кеча қолаберинг. Не хизматингиз бўлса, менга айтурсиз. Исминм Аълоуддин Бадавий эрур, — деди соҳиби хона самимийлик билан.

Шу пайт бирдан кўчада говур-ғувур, тўс-тўполон бошланди. От туёқларининг овози эшитилди. Ўтирганлар хайратда, нима гап ўзи деб. Маълум бўлишича, бир тўда суворийлар шаҳар дарвозасидан чиқиб, қаергадир кетишмоқда. Шу дамда карвонсаройдагилардан кимдир, куни кеча Ҳиндистон сафаридан музаффар бўлиб қайтиб келган Султон Маҳмуд Ғазнавий шикорга борурлар, деб қолди.

Абул Фазл: «Султон Маҳмудни бир кўриб қолай», деган умидда карвонсаройдан чиқиб, қўрқа-писа йўл чеккасида турди.

Дастлаб икки отлик кўча ўртасидан тасирлаганча бақириб-чақириб, йўлларни бўшатиб, ҳаммаёқни «тозалаб» кетди. Сўнг узокдан Султоннинг ўзи кўринди: хукмдорни хешу ақраболари қуршаб олишган эди.

Абул Фазл подшоҳдан кўзини узмай, эътибор билан қараб турарди. Султон булутдек оппоқ от устида. Бошида дастор, эгнида эса қимматбаҳо анжомлари. Кўриниши басавлат, қорачадан келган, кенг яғринли, паҳлавон келбатли. Негадир минган отининг бели эгилиб кетгандай туюлди Абул Фазлга. Шу пайт бир суворий шитоб билан келиб унга:

— Нима қилиб анқайиб турибсан, галварс? Кўрма-япсанми подшоҳи олам келурлар, жўна бу ердан! — деб қамчисини ўкталиб бақириб берди.

Абул Фазл писиб ўзини яна карвонсаройга олди. «Оббо, Султоннинг шикорга бориши шунчалик ваҳима бўлса, унинг жанг қилиши қанчалик даҳшатли бўлур эркан», деб кўнглидан ўтказди.

## ОТА ВА ЎФИЛ

Шаҳзода Масъуд темирчилар маҳалласидан ўтиб кетаётган эди, иттифоқо такачининг болғасидан сачраган бир чўғ учиб келиб, унинг заррин тўни енига тушиб куйдирди. Бу шундай тезлик билан рўй бердики, буни оташгар ҳам, шаҳзода амир ҳам сезмай қолдилар. Заррин тўндан тутун чиқиб кетгандан сўнг, амир билиб, отнинг жilовини қаттиқ тортиб юборган эди, от кишнаб олдинги оёқларини кўтариб, кейин таққа тўхтади. У отдан тушди-ю, темирчининг дастгоҳига бостириб кириб, ҳеч нарсадан беҳабар устани қамчи билан боши-кўзи демай савалай кетди. Қамчи зарбидан уста дод-фарёд чекар, босконни ушлаб ўтирган ўғли бўлса, шаҳзоданинг оёғига ёпишиб, «Отамга озор берманг», деб тинмай ёлворар эди. Қайда дейсиз, Амир Масъуд: «Мана сенга ҳам», деб ўғлига ҳам бир-икки қамчи солди.

— Мени кечиринг, амирим, аблаҳман, бадбахтман, каззобман. Ўғлимни урманг, гуноҳ менда! Сизга тушган чўғ учун илоҳо қўлим кесилсин, мен... мен...

Амир Масъуднинг важоҳати ёмон, ғазаб ўти унинг димоғига келиб тақалган, кўзларига қон тошиб, иложи бўлса, шу топнинг ўзидаёқ темирчини ўлдириб қўяқолса.

— Майли, ўзинг ҳукм чиқардинг «қўлим кесилсун» деб, айтқонингча бўлақолсун, — деди-да, унинг буйруғини кутиб турган яроқбардорига:

— Ҳой, Бектемир, темирчининг анави болтасини олиб, унинг ўнг қўлини кесиб ташла, ўзига-ўзига ҳукм чиқарди, — деди.

Буйрукни эшитиб, темирчининг жон-пони чиқиб кетди:

— Мени кечиринг, амирим, жўжавурдай жонмен, қўлимни кесиб ташласангиз тирикчилигим не бўлур? Хали жужуқларим ёш, ундан кўра ўлганим маъкул...

— Майли, ўлишни хоҳлайсанми?

Жимиб қолган темирчининг ранги докадек оқариб кетганди. Қўл-оёқлари титрарди. Устахона ёнида тумонат йиғилиб қолган. Аммо улар бир сўз ҳам айта олишмас, чунки шахзода Масъуднинг қаҳри қаттиқлигини ҳамма билади.

Амир Масъуд кўпинча расталарда айланиб юрар, савдо аҳли билан олди-бердиси ҳам бор эди. Айниқса, бошқа кентлардан савдо-сотик билан Ғазнага мол олиб келган савдогар-корчалонлар билан хуфия «олди-бердиси» ҳам бўларди. Уларга маблағ бериб, фойдасини ортиғи билан ундириб олар, баъзан ўз обрў-эътиборидан фойдаланиб, улар берган маблағларни қайтармай, сарсон қилиб юрган вақтлари ҳам бўлган. Бағдодлик бир савдогарнинг олтмиш минг динор пулини бермай, сарсон қилгани, оқибатда савдогар Султон Маҳмуд ҳузурига арз билан боргани, отаси: «Савдогарнинг ҳақини тезда бергил, йўқса, олдига тушиб шарият қозиси олдига боргил, улар қандай ҳукм чиқарса, ўшани бажаргил», дегани бутун аҳли Ғазнага маълумдир. Мана, бугун ҳам шахзода Масъуд растадан ўтиб кетаётиб, темирчилар маҳалласида шундай бир воқеага дуч келдики, бу олдинги можародан ҳам ўтиб тушди.

Кейин Бектемирга қараб бақирди:

— Не учун серрайиб турурсен? Болтани ол дедим-ку сенга!

Бектемир темирчини судраб эшик олдига олиб чиқ-

ди, кейин боскон ёнида турган болгани олиб яқинлашган ҳам эдики...

Бир қаландар келар шул томонга қараб, елкасида хуржун, қўлида асо, бурро-бурро сўзлаб, бўзлаб келар, дийдиё ўкиб:

— Бу оламни кезиб чиққан ғариб девонамен! Маконим йўқ, ундай десам қарорим ҳам йўқ! Чархи кажрафтор жабр-жафосидин дод солайму ё? Кимга додимни, юрак дардимни сўйлай, эй ёронлар? Ахир, Оллоҳ Арши аълода бўлса? Подшоҳга етмоқ мушкул эрур! Биз бўлсак ўртада хору зор, саргардонмиз, иложсиз, ўз ёғинга, ўзинг қоврулабер, эй инсон зоти деганларидек! Бу боқий дунёнинг аввали ҳам, охири ҳам йўқдур! Инчунин, бирор кимса унда боқий қолмагон шу дамгача. Фақат боқий қолур сўз қудрати, донишмандлар ҳикматлари, инсонларга қилган сенинг яхшилигинг! Мен ғарибнинг сўзларига қулоқ осинг! Шунин билангким, бу ёруғ жаҳонни қайтар дунё дерлар, яхши амаллар қилиб, меҳр-мурувват кўрсатганлар икки дунё хор бўлмағай! Зўравонлар, золим кимсалар, ғийбатчилар, иблис ниқобидаги ғаламуслар дўзахийдирлар, охирати йўқдир аларнинг! Эй амирим, ахир Сиз буюк тегинлар авлодидандурсиз, томирингизда туркий қавмлар қони қайнар, юрагингиз динидиёнатингиз ислом нури бирлан мунаввардир. Бобонгиз Сабуктегин қалби нурли, мурувватли, олижаноб инсон турур. Бас, шундай эркан, инсоф-адолат юзасидан ҳукм айланг! Кўриб турибдурмен, бир шўрликка қазаб қиличини санчмоқчисиз. Не гуноҳи бордир? Қаттиқ меҳнатда қотган қадоқ қўллар эртаю кеч оташ ичра болға урар. Ул ҳам мендек бир фақир-бечорадур. Жужуқлари етим қолса, ким боқади шўрликларни? Бир йўқсулга яна қўшилади қатор-қатор қўли қисқа етим-есирлар.

Масъуд унинг суҳандонлигига ҳайрон, кейин сўради:

— Эй дарвиш, дунё кезиб не хулосага келдинг?

— Биз яшаб турган замин бениҳоя гўзал, кўркам ва бири кам эрур. Йиғлаб туғилиш бор, аммо йиғлаб ўлиш яқсонлиқдур.

– Бунчалик нотикликни кимдин ўргандинг?  
– Оллоҳ китобидан, донишмандлар сўзидан.  
– Қайдан келурсен ва қайға кетурсен?  
– Бу ажиб бир жумбоқ эрур! Аммо дунёга келиш бор, кетиш ҳам. Бобокалонлар демишларки, инсон туғилганда йиғлаб дунёга келур, ўлаётганда эрса бу олам ишларидан кулиб кетур.

– Нечун дунёни бевафо дерлар?

– Бундай дегувчиларнинг ўзлари бу ҳаётда ўз йўлларини топаолмаган ношуд, галамус, ёмон ниятли шайтонбошлар эрурлар. Ахлоқсизга дунё коронғу, муҳаббатсиз инсонга дунё бевафо, ўғри-каззобга дунё тор эрур. Одам борки, бу дунёга меҳмон эрур. Фақат бошимиз узра порлаб турган унсиз юлдузлар ёғдуси мангудир, улар ҳам тақдир тақозодан сўйлар, агар билсангиз.

– Сени подшоҳ этиб қўйса не қилардинг?

– Шоҳлик салтанати дарвозасига адолат қиличини осиб қўярдим.

– Бунинг маъноси не?

– Қонли урушларга чек қўйиб, аҳли мусулмонларни маърифат нуридан баҳраманд этардим. Сиёсатим мезони этиб ҳақиқат, ҳа, фақат ҳақиқатни олур эрдим, одамларга яхшилик, меҳр-мурувват эшигини очиб қўярдим. Барча мусулмонларни мазҳабий адоватдан халос этиб, бир жон, бир тан этиб бирлаштирган, жаҳонни эрса ислом нури билан мунаввар этган бўлур эрдим...

Қаландар Амир Масъудга мурожаат этиб:

– Шаҳзодам, мени афу этгайсиз, ижозат айласангиз бир фикр миямга келур, айтмасам бўлмас.

Шаҳзода Масъуд:

– Нима фикр эркан, айтабер, — деди

– Сизнинг устингизга темирчининг болғаси зарбин келиб тушган чўғи ангиз, фақат бахт-саодат белгисидир. Ўзингиз танангизга бир ўйлаб кўринг, мен билурменким, бу шўрлик темирчи неча йиллардан бери ўз дастгоҳинда оҳангарлик қилур, аммо шул вақтга қадар бирор кимсанинг устига оташ келиб тушмағон. Бу фавқулодда ҳолат эрур. Сизга келиб қўнган чўғ,

айтганимдек, амиримга бахт-саодат, беҳисоб бойликлар олиб келгай. Бу, Оллохнинг иноятидир.

Амир Масъудга мўйсафиднинг сўзлари маъқул тушди шекилли, бирпас ўйланиб қолди.

Шу аснода саройдан ўзига таниш ғуломи келиб қолди:

— Амирим, мана бу мактубни отангиз бериб юбордилар, — деди шоша-пиша.

Шаҳзода Масъуд хатни олиб ўқий бошлади:

«Ўғлим Масъуд, темирчига жабр қилмагил, уни ўз холига қўйгил. Бу менинг ота сўзим, ҳам бу фармони олий деб билурсен. Шу хатни олгач, тезда хузуримга етиб кел, сенга айтадурғон сўзларим бордур».

Хат Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўз қўли билан катта-катта ҳарфлар билан ёзилган эди. Тагига ҳукмдорнинг ўзи имзо чекибдур.

Бу отасининг ўғлига иккинчи бор берган дашноми эди.

Амир Масъуд темирчига:

— Майли, мана бу мўйсафид бобонинг ҳурмати туфайли сени кечирдим, — деди.

Кейин чўнтагидан бир ҳамён чиқариб темирчига берди.

Амир Масъуд саройга кириб келганида билдики, ҳали машварат тугамаган, эшик ёнида турган ғулом: «Шаҳзодам, отангиз, ўғлим келса, кираберсин деб эрдилар», деб қолди.

Амир Масъуд кириб, мажлисда ўтирганларга салом бериб, кейин одатда ўзи ўтирадиган жойга бориб чўкди.

Машваратда Султон Маҳмуднинг чизгиси билан бунёд этилаётган «Кўшки Ғазния» қурилиши ҳақидаги масала муҳокама этилмоқда эди.

Маълум бўлишича, кўшк қурилиши асосан охирлаган. Энди бу хушқомат кошонани пардоз-андозлаш ишлари ҳақида сўз борарди. Султон бу масъул ишга энг моҳир, қўли гул уста-наққошларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади, улар қаерда бўлмасин, Бухоро, Самарқанд, Хоразмдами, тезда Ғазнага келтирмоқ зарур, биз Ҳиндистондан асир этиб олиб келганлар орасида ҳам наққошлар, ўймакор усталар бор.



Шу дамгача сукут сақлаб ўтирган шахзода Масъуд ўрнидан турди-да, отасига таъзим айлаб деди:

— Акам Мухаммад Гургонда барпо этган «Жомеъ масжиди» безакларини ишлаган устазода Мирзони яхши билурсиз. Ё бўлмаса «Саъидия» мадрасасини бунёд этган чизмакаш, ўймакор, тошлардан гул ясай-дургон Хожа Абдулла Ҳасанни ҳам Фазнага олиб келмоқ даркор эрур.

— Хўл ёдимга солдинг, уларни мен яхши билурмен, Хожа Аҳмад Ҳасан, эшитдингизми Масъуднинг гапларини? Бир жойга ёзиб қўйинг, ёдингиздан кўтарилмасун!

Шахзода Масъуд хурсанд, хартугул отаси уни кўллаб-қувватлади.

Кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди. Ҳарҳолда Султон энди ўғлини койимайди, кечирди, шекилли. Машварат тугади, энди ота-бола ёлғиз қолдилар.

— Ҳамма гапдан вокиф эрурмен. Эшитдим, темирчининг кўнглини кўтариб жуда тўғри қилибдурсен. Ҳа, ўғлим, дунёда, эл-юрт кўзи олдида обрў-эътиборингни сақлаб, маъқул амаллар қилиб юрсанг, асло кам бўлмайдурсен. Буни икки қулоғинг бирлан эшитиб олғил. Фазна аҳли йиғилганда Пири Калон ҳам қайдандур пайдо бўлибдур деб эшитдим. Ул зотни мен яхши билурмен, Хизр назар қилган донишманд инсон эрур, билсанг. Бобонгни олдига бориб кел, сени сўраётган эрди, чамамда, соғинибди шекилли. Масъуд нега ҳузуримга келмай қўйди деб, ул зоти олийнинг маслаҳатларини олиб турсанг чакки бўлмас.

Шахзода Масъуд бошқа ака-укаларига қараганда анча шижоатли, баъзан отасига аччиқ гапларни тортинмай айтиб юборадиган одати ҳам бор. Акаси Мухаммадга кўпинча: «Сен шалвайгансан, сендан подшоҳ чиқмайди», дейди баъзан ярим ҳазил, ярим чин аралаш. Баъзан шундай дамлар бўлардики, отасидан маслаҳат ҳам қилмай, кўп ишларни ўзича ҳал этиб юборар, кейин Султон Маҳмуд ўғлининг ўзбошимчилигини сезиб қолса, бир баҳона топиб, отасига кўнглини кўтарадиган яхши гаплар айтиб, амаллаб қутулиб кетарди. Сарой аҳли, казо-казолар ҳам Масъуддан

хайқишар, унга гап қайтара олишмасди. Вазирнинг ўзи ҳам Масъуднинг тижоратга доир масалаларини ҳал этиб бергач, «Отангизга билдирмай кўяколинг», деб кўярди.

Султон Маҳмуд ўғлининг ана шу ўзбошимчалигини, муҳими, акаларидан ҳам ўзиб, кўпроқ ҳокимиятга интилишини сезиб-билиб юрарди. Балхлик савдогар билан бўлган можаро туфайли ўғлига қаттиққўллик қилганлиги-ю, кўнглини оғритганлигидан ўзи ҳам бир оз ўйлашиб қолди. Бир савдогарни деб ўшалар олдида ўғлининг шохини синдирганлиги учун кўнгли бир оз ачинди ҳам. Кейин: «Балки қилғон ишим тўғридир», деб ўзини ўзи тинчлантирди. Аммо нима қилиб бўлса ҳам «хато»ни албатта тузатиш керак, деб ўйлашиб юрди.

Шу мақсадда бу воқеадан бир неча кун ўтгач, Султон Маҳмуд шахзода Масъудни ҳузурига чақириб ҳол-аҳвол сўраб, бир оз уёқ-буёқдан сўзлашиб ўтирди. Ҳар гапда ўғлига назар ташлар, кўнглида нима бор, ўша дашномимдан кейин Масъуд ўзини қандай тутаркин, нима деркин, деб хаёлидан ўтказарди. Ҳар қалай, Масъуд инсофга келиб, шу учрашувдан фойдаланиб, қилган гуноҳлари учун падарибузрукворидан узр сўради. Шунда Султон Маҳмуд:

— Жигаргўшам, кўзимнинг оқи-қораси, ўғилгинам, майли, узрингни қабул айлаймен. Шунини унутмагилким, бировга ноўрин ёмонлик қилмоқ ёки омонатга хиёнат қилмоқ, бировнинг ҳақиға ружу этмоқ гуноҳи азимдур. Агар биз сен каби савдо аҳлига ноўрин муносабатда бўлсак, улар салтанатимиздан юз ўгириб, шахримиздан қадамларини узиб кетурлар. Ахир, бозорларимизни мол билан тўлдириб, эл ҳожатини чиқараётган тужжорга эътиборсизлик қилсак, бундан ҳам ортиқ нодонлик бўлурму? Айниқса, анави темирчига қилғон зуғуминг ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Ўзинг танангга бир ўйлаб кўр, ўғлим. Бундай ноўрин қилмишларинг учун фақат сенга эмас, менга, салтанатимизга ҳам нохуш гаплар тарқалгай. Бундайн қилмишимиз Яратганга ҳам ёқмагай. Умр бўйи исломга ривож берган Султон Маҳмуднинг ўғли иймонсиз эркан,

темирчининг қўлини кесмоқчи бўлибди ёки қарз олиб бермайдур, бировлар ҳақиға хиёнат қилибдур, деган гапларни мен кўтаролмайман.

Шахзода Масъуд бу насихат гапларни бошини қуйи солиб, эътибор билан тинглади.

Зийрак ота эса шу топда ўғлининг хаёлидан нималар ўтаётганлигини албатта билар эди. Масъуд ёшлигидан кўп ноўрин ишларга қўл урар, одамлар кўнглини ранжитар, акаси Муҳаммадга ҳам кун бермасди.

Шундан сўнг ота-бола яна илгаригидан ҳам бир-бирларига яқинлашиб, тез-тез учрашадиган бўлиб қолишди. Султон Маҳмуд шахзода Масъуд билан, унинг тарбияси билан қаттиқроқ шуғулланиш лозимлигини ўша савдогар можаросидан сўнг кўпроқ тушунди. Ўғил тарбиясини қўлдан чиқармаслик керак. Унга қараб туриш, иложи бўлса кўпроқ ёнида олиб юриши, машварат йиғилишлари, давлат арбоблари, олиму фузалолар билан учрашувлар, базм кечалари, шоирлар мушоираси чоғида ўғлини кўпинча ёнига ўтқазиб оладиган бўлди. Масъуд бундай илтифотдан хурсанд бўлса ҳам, баъзан бир баҳона топиб ўз тенгдошлари, яқин улфатлари хузурига «қочиб» қоларди.

## **БОБОКАЛОН ЎГИТЛАРИ**

Эл-улус овзида шундай гап тарқалибдурким, нима дейсизларким, Султон Маҳмуд Фазнада гўзал боғ барпо этибдурким, анинг донғи бутун оламга кетибдур. Ўзи ҳам боғмисан боғ эрмиш, гўё биҳиштнинг бир парчаси дерлар бориб кўрганлар. Агар ўша боғи гулшанга кириб қолсангиз, гўё жаннатга тушиб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Бунда дунёдаги барча гулларнинг намунаси бор эрмиш: атир гул, кизил гул, духоба гул, пушти гул, осмон ранг гулсафсарлар, ҳаммаёққа хуш бўй таратаётган садаю райхонлар, бинафшалар, кечга томон келинчакдек хандон очилган намозшом гулларни дейсизми! Барчаси шунда: гўё гуллар дунёси.

— Мана буниси гули сиёҳ. Буни Султонга деб ниҳолини Боғи Эрамдан келтирибдурлар, — дейди боғбон тимқора бўлиб очилиб ётган зимистон тундек сиёҳ гулларни кўз-кўз қилиб.

Баҳор айёми бўлганлигидан боғда барча мевалар кийғос гуллаган.

Оппок бўлиб хилма-хил жилоланаётган ҳамда шу кўркам сокинлик қўйнида эндигина мева тугишга ҳозирланаётган дов-дарахтларга қараб кўз қувонади. Сарҳовуз атрофидаги фавворалардан отилиб тушаётган биллур шалолалар боғ ҳуснига ҳусн қўшган.

Сайроқи қушларнинг навоси тинмайди.

Қайдандир гуллар ишқида бу масканга олислардан учиб келган булбуллар галаси гулзордан чаманзорга ўтиб, сарву мажнунтоллар шохидан-шохига кўниб, эртаю кеч тинмай хониш айларди.

Боғнинг бир чеккасидаги қаср саройда Султоннинг меҳрибон падарибузруквори Носируддавла Амир Сабуктегин истиқомат айларди. Ўғли боғни қайта қурган чоғида жондан ортиқ суйган отасига чорбоғ ичида алоҳида кошонасифат қаср қуриб берган. Бу гўшада паҳлавони замон, Ғазна мулкининг ҳақиқий хожаси макон этиб, туну кун Оллоҳга тоат-ибодат айлаб, қилган саховатли ишлари роҳатини кўриб фарзандларининг дуо-ижобатини қилур эди.

Букун боғга ўғиллари, қариндош-уруғлари суюкли бобокалонлари ҳузурига йиғилишган. Укаси Наср, ўғиллари Юсуф, Муҳаммад, невараси Масъуд, қизлари... Маҳмуд бўлса, ана шу кунги маросим ташкилотчиси, ҳамма ишга бош-қош. Ҳа, у аллақачон отасидан кейин бўлажак ҳукмдордек ўзини тутати.

Мана, пири бадавлат Бобокалон тўрда савлат тўкиб ўтирар, баҳодирона жуссаси ўзига ярашади, барваста. Ҳали ҳам жангга кирса ғозий бўлиб қайтар, куч-қувватга тўла. Унинг кўксига тушган оппок соқоли ўзига улувворлик бахш этади. Бу ерга йиғилган мажлис аҳли ўртасида ундан новча, кенг яғринли, девқомат одам йўк, паҳлавонлар сараси ҳам шу улув зот. Султон Маҳмуд ўғиллари ичида шахзода Юсуф бобосига ўта меҳрибон, куйинчак, унинг ҳоли-ахволидан ҳамми-

ша тез-тез хабардор бўлиб турар эди. Неваралари ичида шахзода Масъуд ўзини бобосига жуда яқин тутар, бобосининг ҳаёти, жаҳонгашталиклари, жангу жадаллар чоғида кўрсатган жасоратлари билан қизикар, қачон бўлса унинг хузурига келиб оқилона суҳбатидан мамнун бўларди. Мана, шундай муборак кунда ҳам шахзода Масъуд бошқалардан фарқли ўлароқ, бобосининг ёнига ўтириб олиб, уни саволларга кўмиб, ҳар бир воқеа-ҳодисани синчковлик билан сўраб-суриштириб ўтирарди.

— Бошинг осмонга етганда ҳам, бандаликни унутма. Вақти келганда олам остин-устин бўлиб кетади. Подшоҳ гадога, гадо эса шоҳга айланади. Буни ҳаёт қонуни дерлар. Ҳокимлар, хокону подшоҳлар ўзгарар, сиёсат ҳам янги подшоҳ, янги қонун дерлар. Шундан сўнг ҳақиқат ёлғонга, ёлғон эса ҳақиқатга айланур. Одамларга ҳам муносабат ўзгарур. Амал курсисида ўтирган обрў-эътиборли киши энди кичкинагина беобрў, дилмурда одамга айланиб қолур... Ҳамиша эл-юрт гами билан яшамоқ керак. Ватан сенинг онаизорингдур. Уни севмоқ иймондандир. Ҳамиша ҳақ йўлини тутгил, агар одамларга ёмонлик, ғаламуслик қилиб, эътиборли инсонларга зуғум ўтказиб, энди менга ҳеч кимнинг кучи етмайди, ҳукмдорман деб юраберсанг, охири вой бўлғай, нопок қилмишларинг учун алардан жавоб олмасанг, Оллоҳдан олурсан. У ҳамма нарсани кўриб, билиб, сезиб, эшитиб тургувчи яккаю ягона Парвардигори оламдир... Подшоҳларнинг ўз фуқароларига адолат билан ҳукмронлик қилганлари ибодат қилғувчининг ўз хонадонигаги умр бўйи қилғон ибодатидан ҳам афзалдир. Яна шуни ёдда тутингларки, улкан ишларни уддаламоқ учун ўта доно, ақлли бўлиш шарт эмас. Одамлар кўнглига, дилига йўл топмоқ даркор. Аммо ўта адолатли, фозил подшоҳнинг бўлиши мумкин эрмас, чунки бу дунёда беҳаловат ёвузлар, ғаламуслар, ўғри, муттаҳамлар кўп эрур. Аларни тийиб, жазолаб, тартибга солиб турмоқ керак. Агар шундайлар бўлмаганда эди, жазолаш ҳам, қатл этиш ҳам бўлмасди. Жазолаш қилиш қанидан чиқмай, бемалол айш-ишратда юрган бўлур эрди.

Ўғил, невараларимга айтадиган насихатим шулки, бирон кун сизлар ҳам бора-бора салтанат тахтига муяссар бўлурсизлар, тожу тахтга чиққанларингда ноўрин мақтовларга маҳлиё бўлманглар. Шунинг билангларки, улар сизларни чин дилдан мақтамайдилар, ўлганлари кунидан, яхши кўриниш, бирор мансаб олиш учун шундай қилурлар. Мақтовларга берилиб кетган подшоҳ оқибат-натижада инқирозга юз тутгай... Қуръони каримнинг «Қасос» сурасида барчамиз учун ибратли бўлган оқилона фикрлар келтирилган. Унда инсонлар ибрат олишлари лозим бўлган икки золим кимсанинг қилган кирдикорлари ва шу туфайли топган оқибат ҳалокатлари ҳақида ҳикоят қилинур. Биринчиси, ўз қўл остидаги ҳукму салтанат сабабли ўзидан кетиб қолган, ҳатто ўзини худо деб аташгача бориб етган золим ва мустабид подшоҳ Фиръавн бўлса, иккинчиси топган молу давлатига маст бўлиб дину диёнатини унутган Қорун ҳақидадир. Уларнинг бири сувга чўкиб ўлгани, иккинчисини ер ютгани ҳақида хабар беради ва икки дунё саодати бўлмиш иймон ва эътиқодга даъват этиш билан яқунланади... Буни ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманглар, айниқса, сен, менинг севимли неварам Масъуд, — деди Сабуктегин.

Сабуктегин бобонинг насихатларини ўғил-қизлари, неваралари кўп эшитган, бобоси уларнинг қулоқларига ҳаёт ҳақиқатини қуйгани-қуйган, сабоқларим, ўғитларимнинг агар биттаси кирмаса, бошқаси киради деб. Фарзандлари боболарининг саргузаштларини, чеккан азоб-уқубатларини онда-сонда, яқин қариндош-уруғларидан эшитишган, лекин ҳаётидаги фожиали дамларни унчалик яхши билишмайди.

Бу сафар барча фарзанд-неваралари жамулжам бўлганда, шахзода Масъуд ўша кечмишлари ҳақида сўраб қолди. Бобоси нима ҳам қиларди. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса, шуларга айтиб бермаса, кимга айтсин. Бошдан кечганларини нарига дунёга олиб кетадими? Болалар билиб қўйгани яхши, фойдаси тегса тегадикки, зарари бўлмас.

«Маросим бошланишига ҳали анча вақт бор, ях-

шиси, сўзлаб берақолай, кейин бундай шароит, йиғин бўладими, йўқми», хаёлидан ўтказди Сабуктегин.

— Бўлмаса эшитинглар, менинг бошимдан кечганларим, аламли, ғам-ғуссали, хор-зорликлару, саодатли, бахтиёр дамларни, — деди Бобо фарзандларига мурожаат қилиб. — Менинг падарибузрукворим, калонимиз Алптегин ҳазратлари Шошга обиҳаёт оқиб келадиган баланд тоғлар ёнбағридаги боғу бўстонлик ям-яшил кишлоқда тамал топган эдилар. Биз уч ака-ука эдик. Акам Исҳоқтегин, укам Биллатегин ҳам менга ўхшаш паҳлавонқомат эрдилар. Отам бўй-басти дароз, мендан ҳам жуссали, элда обрў-эйтибор қозонган инсон эрдилар. Ул зотни бирор киши ҳам оёғини ердан уза олмаган.

Хов, анави боғимиз оёғидаги осмонўпар чинорлар бор-ку, кўраяпсизларму, уларнинг илдизлари она заминга жуда ҳам чуқур кириб кетган, яхши эйтибор қилсангиз, пастидан ҳам яна янги шохчалар чиқиб турибди. Туркий эл-улусларни худди ана шу чинорларга қиёс қилса бўлур. Биз шундай таги-тахти пухта, илдизларимиз теран уруф-аймоқлармиз, Мағрибдан Машриққача тарқаб кетган элатмиз. Биз бўлсак ана шу турк қавмининг бош бўғинимиз. Сизлар буюк бобомиз паҳлавон Алп Эртўнга\* ҳақиндаги халқ дostonларини ўқиганмусиз? Ўша дostonларни ёшлигимдан ўқиб ёдлаб юрардим. Ана шу бахшининг шеърларини ўқисангиз, туркнинг кимлигини ўқиб, билиб олурсизлар.

Мана, эшитинг, қанча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, мана бу шеърый мисралар ҳамон ёдимда турибди.

*Қачон кўрса ани турк,  
Шодликка тўлар тўлиқ.  
Унда бордур улуглиқ,  
Бу сўзда ҳеч лофи йўқ.*

---

\* Алп Эр Тўнга — тарихий манбаларда туркий халқларнинг машҳур қаҳрамони Афросиёб деб ҳам юритилади. У Эрон шоҳи Кайковус томонидан ўлдирилган.

Пахлавон Алп Эртўнға ўлдирилгандан кейин, халқ томонидан элнинг сеvimли фарзандига аталиб тўқилган ва «Муғлар гиряси» номи билан Бухорода машхур бўлган мунгли кўшиқ бундай бошланади:

*Алп Эртўнға ўлдиму?  
Эгасиз очун қолдиму?  
Озлик ўчин олдиму?  
Эмди юрак йиртилур.*

Ўша дostonларда кўшиққа солиб куйланадиган тўртликларда Алп Эртўнғанинг сеvimли ёрига ўлими олдидан йўллаган шеърий мисралари ҳам бор:

*Кетди кўзимнинг нури,  
Кетди танамнинг руҳи.  
Қайдан топай севганим?  
Юракда қолди қайғу.*

Афтидан, сўзларим бошқа томонга бурилиб кетди... Нима қилай, Алп Эртўнға ҳақидаги кўшиқларни жуда севардим-да... Энди мен ўсиб-унган Шош ҳақида сўзлайдиган бўлсам, Шош шундай бир шахри муаззам эрдиким, анинг қоқ ўртасидан сержило катта сув оқар, шаҳар атрофи кўм-кўк яйловлар, ям-яшил ўрмонзорлар эрди. Бизнинг ерларимиз оёғи катта анҳор ёқасига келиб тақалур эрди. Шошнинг сермева боғ-роғлари, кўркам табиати фанимлару душманларнинг ҳамиша эътиборида эрди. Шул боисдан ҳам шахримиз ҳамиша хавф-хатар остида, дашт кипчоқлари тез-тез яйловларимизга ҳужум этиб, чорвамизни ўғирлаб, йигит-қизларни олиб кетишарди. Хуллас, саҳройилар бизга тинчлик беришмасди. Боз устига, Сомонийлар ҳам Шошга кўз тиккан эдилар. Шундай дамлардан бирида Сайхун бўйида Сомоний лашкарлари билан қаттиқ жангу жадал бўлди. Фанимлар биздан кучли, лашкарлари эса сон-саноксиз эрди. Аммо шошликлар бўш келмай мардларча жанг қилдиларки, ўшанда қонлар дарё-дарё бўлиб оқди. Шунда иттифоқо минган отимнинг қорнига найза санчилиб, отдан ўнгарилиб тушдим. Бир оёғим



от остида қолди. Сомонийларнинг бир паҳлавон лашкарбошиси қўлимга кишан солиб занжирбанд айлаб, кўп асирлар қатори мени ҳам ҳайдаб олиб кетишди. Кейин Бухоронинг қул бозорига олиб бориб, ҳамма асирлар қатори мени ҳам арзон-гаровга пулладилар. Мени бир савдогар арзимаган ақчага сотиб олиб, бошқа қулларга қўшиб, ўзга юртларга олиб кетди. Қулжаллоб шундай бешафқат, баттол одам эрдик, илоҳо, худонинг қахрига учрасин ул дўзахий, деб ҳаммамиз уни йўл-йўлакай қарғаб борардик...

Ҳа, менинг бошимга тушган азоб-уқубат ҳеч бир душманинг ҳам бошига тушмасин... Эшитиб қўйинглар, фарзандларим, менинг ҳаётим, ҳасратларим битта дафтарга сирғайдур, ёзсанг бир катта дoston бўлғай.

Хўжайиннинг мендан ташқари яна ўн учта қули бор эрди, мен ўн тўртинчиси эрдим. Бизни сотиш мақсадида Жайхундан ўтиб, Гургонга олиб борди... Эҳ-хе, йўлдаги чеккан азобларимизни кўябер, чўлу биёбонлар оша йўл юрамиз, кун иссиқ, сув йўқ, хўжайин бўлса золим, каззоб, боз устига ўлгудек хасис...

Оч-наҳор Гургонга етиб боргунимизча жонимиз ҳалқумимизга етди, ит азобини кўрдик. Хуллас, Гургон амири етгита қулни сотиб олди. Менга эътибор ҳам этмади. Мен билан яна олти қул сотилмай қолдик. Кейин бизни Нишопурга ҳайдади. Йўл-йўлакай яна тўртта қулни пуллади. Яна мен, икки қул қолдик. Кўринишим, афғи-ангорим ҳеч кимга ёқмасди. Улар мени масҳара қилиб, «қора бажком» («қора ҳўкиз») дейишарди. Йўлда хўжайиннинг мен минган учала оти ҳам яғир бўлди. Жуссам офир бўлса керак, шўрлик отларга зўр келарди, чамамда. Нима қилай, айб менда эмас. Оллоҳ мени шундай бадбашара, жуссали этиб яратган бўлса. Мени сўкиб-сўкиб яна бошқа от беришди. У ҳам шундай ҳолатга тушиб, яғир бўлди. Энди хўжайиннинг ғазаби кўзғаб, мени қамчилай кетди: «Сен бесўнақай ўтмас қул, жонимга тегиб кетдинг, ҳе, ҳўкизга ўхшамай ўл», деб ўлгудек савалади. Шундан кейин: «Мана сенга, бўлмаса», деб отнинг эгарини елкамга юклаб, дашту биёбонлардан яёв ҳайлади. Йўл-йўлакай хўрлигим келиб, Оллоҳдан нажот

истаб, оч-наҳор биёбон бўйлаб борардим. Йўл юриб, мўл юриб қандайдир дарахтзор бир гўшага етиб келдик. Қоронғу тушиб, кеч бўлиб қолгон эрди. Яхшиям Оллоҳнинг кечаси бор экан. «Майли, шу ерда тунаймиз», деб қолди хўжайин. Чунки у аблахнинг ўзи ҳам итдек чарчаганди... Таҳорат олиб, хуфтон номозини ўқидим. Тоат-ибодат айлаб, Оллоҳдан шафқат сўраб, такбир айтиб ўтирар эрдим. Ҳеч ким мен билан сўзлашмас, илло, мендан ҳазар қилишарди. Хўжайин бўлса менга тесқари қарар, кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Ахир гуноҳим не ўзи, деб кўзларимда ёш билан яна Оллоҳга ёлбора-ёлбора ширин уйқуга кетибман. Тушимдамиш: соқоллари оппок, басавлат бир мўйсафид ёнимга келиб: «Ўғлим, нега хафа кўринасан?» деб сўрабди. «Бахтсиздирман, бу дунёга келиб рўшнолик кўрмадим», дедим йиғлаб.

— Хафа бўлма, ўғлим, Яратганга шукур қил. Мен сенга бир мужда келтирдим, — деб қолди мўйсафид.

— Қандай хабар экан? — сўрайман ошиқиб.

— Оллоҳ таоло инсон ҳақиқий бахт-саодатга эришмоқ учун тўрт нарсага амал қилмоғи даркор эрур: иймонга, эзгу амалга, ҳақ йўлга ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат этишга. Сен ҳам шуни ҳамиша ёдингда тут. Энди мен сенга айтсам, қувончли, саодатли кунларинг яқин, ўғлим, сени кўрганингни ҳеч ким кўрмас. Ҳали шу чўллардан ўз ғолиб лашкарларинг билан ўтурсен, бахт сенга кулиб боққусидир. Билгилки, ўша давлат қуши бошингга қўнганда, адолат билан иш тутғил, ҳамиша эзгуликка мойил шафқатли ишлар қилғил. Етим-есирларнинг бошини силагил, бекорга қон тўкмагил. Шунда давлатинг яна ҳам зиёда бўлғай. Дунёда энг обрў-эйтиборли зотга айланурсен. Сенинг давлатинг бутун авлодларингга мерос бўлиб ўтғай. Бир сўзимни ҳамиша ёдингда тутгил. Оллоҳни ақл билан эмас, қалб билан ҳис этмоқ даркор эрур. Инсон деган мана шундай бўлади. Энди, менга сўз бер айтганларинга амал қилғайман деб, — деди мўйсафид.

— Сўз бераман, тепамда Оллоҳ турибдур, — дедим.

Шундан сўнг мўйсафид кўлини дуога очди. Чўчиб уйғониб кетдим, қарасам, тушим эркан. Қандайдир қудратли бир куч вужудимдан ўтиб кетгандай сездим ўзимни. Рухиятим кўтарилиб, ўзимда йўқ, гўё хазрат Али Шоҳимардоннинг қудратига эга бўлиб қолгандай эрдим. Якка ўзим, ҳамма уйқуда. Хўжайин ҳам. Юрагим дук-дук урар, бепоён самога қараб, Оллоҳга минг бор ҳамду санолар айтиб, кейин таҳорат олиб, эллик ракат номоз ўқидим, йиғладим. Худога нола қилдим. Шу муқаддас кеча менинг ҳаётимда бир умр эслаб қоларлидир. Ўша жойлар кейин ёдимдан чиқмасин деб, бомдод намозидан сўнг отнинг қозигини олдимда, чўли азимнинг бир белгилик жойига қоқиб қўйдим.

Тонг отди. Йўлга тушиш керак. Хўжайин ўлгудек майда гап, синчков, ҳар бир нарсага аралашарди. «Ҳамма нарса жойида турибдими», деб бирма-бир текшириб чиқди. Қараса, отнинг қозиғи йўқ. Роса тўполон қилди. Мендан яна гумонсиради. Улар учун шунақа ўғри-каззоб, бахтиқаро одам эдим. Турқим бузук, юзларим бадбашара бўлғонлиги учун ёмон хаёлларга борар эрдилар. Шу боис хўжайин нима ёмонлик бўлса, мендан кўрарди. Гунохкор ҳам, ўғри, каззоб ҳам мен. Битта қозиқ деб елкамга кетма-кет қамчи тушди. «Энди сени бир сариқ чақага бўлса ҳам сотиб юбораман, жонимга тегиб кетдинг, бебахт, аблах», деб ҳақорат қилди. Аммо энди менга бу ҳақорат, қамчилар ҳеч қор қилмасди. Юрагимда ҳам, дилимда ҳам, фикру ёдимда ҳам Оллоҳ, зўр умид-орзулар, ширин хаёллар билан яшардим. Манзилга етиб борганимизда бу ернинг амири Алптегин деган зот эркан. Кўп саховатли инсон кўринди кўзимга ул. Чунки унинг юзларидан нур томиб турар, негадир менга узоқ тикилиб қолди. Юрагим орқамга тортиб кетди, нечунким, менинг турқим амирга ёқмади, кўзига ёмон кўришиб кетдим шекилли, деб баданимдан совуқ тер чиқиб, ўзимни қайга қўяримни билмасдан қолдим. Яна Оллоҳга: «Бу одамнинг юрагига меҳр сол, кўнглига мурувват уруғини сочгил!» деб Яратганга ёлборардим. Амир ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ хўжайинимга: «Шу қулингни, майли, мен сотиб олурмен», деб қол-

са бўладими. Юрагимдан қуёш чиқиб кетгандай бўлди. Чунки ўйлаб қарасам, ул зот ҳам аслида ўз қавмимиздан эркан. Худди отамни кўргандай бўлдим, раҳматли падаримнинг исми-шарифлари шул улуг зотда қолгон эркан. «Оббо, тушимми ёки ўнгимми? Оллоҳданми ё бандасидан бўлдим, қилган тоат-ибодатларим Худога етиб бордимми ё?» деб хурсанд бўлиб кетдим. Хўжайин шайтоннинг ёғини ялаган одам эмасми, буни сезиб: «Агар мана бу икки қулимни ҳам қўшиб олсангиз, буни сизга сотаман», деди. Кейин мени кўрсатиб: «Қаранг, бу қулим ҳаммасидан ҳам кучли, чидамли!» деди. Мана сизларга каллоблик, худбинлик! Мен хайрон, нечун мени мақтаб қолди бу номард, деб. Амир жуда ҳам одамохун, мард инсон эркан. Хўжайиннинг гапларидан бир оз аччиғи келиб сўкиб юбормоқчи ҳам бўлди, кейин: «Хақ гапни айтсам, ўлгудек пасткаш одам эркансен. Майли, сўзларимга хафа бўлма, буни умр савдоси дерлар. Шул кул туфайли мана бу икки қулингни ҳам сотиб олганим бўлсин!» деди. Мен хайрон, аммо бу Оллоҳнинг марҳамати эркан, кейин ўйласам. Кўнглим ёришиб кетгандай, яна худога шукурлар айлаб, ўзим ҳам сезмай, кўзимга ёш келди...

Бахтим чошиб, рўшнолик кўрдим. Амир мени шу кундан бошлаб ўзига хизматкор этиб олди, эгнимга яхши либослар бериб кийинтирди...

Худога минг бор шукурларким, саховатли бир инсоннинг меҳри тушиб, унинг менга қилган яхшиликлари учун унга садоқат билан, сидқидилдан хизмат эта бошладим. Энди унинг шахсий соқчиси, ишонган энг яқин кишиси бўлиб қолган эдим. Бора-бора бир-биримизга меҳримиз товланиб, гўё ота-боладек бўлиб кетдик. Энг оғир, хавфли дамларда уни бало-қазолардан химоя қилдим, хатарли кунларда, жангу жадаллар чоғида қалкон бўлиб, ёғийлар қиличидан омон сақладим.

Ха, энг муҳими шундаки, мен энди барча синовлардан ўтган эдим. Шундан сўнг менинг содиқлигим, меҳр-оқибатим, айниқса мардлигим учун ўзига лашкарбоши этиб тайинлади. Ўз тақдиримдан хушнуд эрдим. Аммо хаёт бир жойда турмас эркан, амир оғир

хасталикка йўлиқиб, анча ётиб қолди. Энг машҳур табиблар ҳам унинг дардига даъво топа олмадилар. Мен унинг атрофида парвона, кечалари мижжа қоқмай унинг тепасида ўтириб чиқаман. Таҳоратга ҳам кўтариб олиб бораман. Ҳаммаёғини ювиб, тозалаб, кейин таҳорат қилдириб бўлгач, ёнида ўтириб унинг учун ҳам, ўзим учун ҳам намоз адо этардим. Аммо шўрлик бедаво дардга йўлиққан экан, нима ҳам қилиш мумкин, тақдир-да, вақти-соати етиб, ёруғ дунёдан кўз юмди. Илоҳо, анинг жойи жаннатда бўлғай! Амир Алптегин вафоти олдидан машварат тузиб, яқинларини йиғиб, мени ўзига ворис этиб тайинлади.

Ул олижаноб инсоннинг отамдан ҳам ортиқ менга қилгон яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймен. Уни Оллоҳ ўз даргоҳида қабул айлағай. Дунёда ана шундай, одамларга караму мурувват айловчи инсонлар кўпдур. Қадимда ўтган буюк алломалардан бири Лукмони Ҳаким ўз битикларинда тўрт минг ҳикматни қайд этган эканлар. Ана шулардан саралаб тўрт сўзни танлаб олиб эрканлар. Бу тўрт сўздан иккитасини доимо ёдда тутиш, қолган иккитасини эрса унутиш керак, дебдурлар. Доимо ёдда тутиш зарур бўлган бу икки сўздан биттаси унинг қилган ёмонлиги бўлса, иккинчиси бошқанинг қилгон яхшилигидир. Унутилиши керак бўлган икки сўздан биттаси ўзининг қилгон яхшилиги, иккинчиси эса бошқанинг қилгон ёмонлигидир.

Мен ана шу яхши инсоннинг васиятлари, ўғитларига амал қилиб, адолат юзасидан иш тутдимки, оқибат-натихада унинг Султоният сарҳадларини кенгайтириб, мерос қолдирган Фазна шахрини эса обод, мўътабар шаҳарга айлантирдим.

Тагин, бир муҳим саховатли ишим шул бўлдики, ўша мен кечаси тунаб қолганда Хизр алайҳиссаломни тушимда кўрган, худди ўша қозик қоқиб кетган жойга бир карвонсарой барпо этиб, ул ерни ҳам обод айландим.

Кейинчалик Шошдан бола-чақаларимни Фазнага келтириб, шу ерда макон топдик, мана, ўша тушимда кўрган улуғ зотнинг айтганлари кушод топиб, энди Фазна салтанатини, Оллоҳ насиб этса, ўғилларимга

мерос этиб қолдирғумдур. Фарзандларимга Оллох инсоф берсун, адолат билан салтанатни бошқарсун. Сен, Масъуд, энг севимли неварамсен, сиз кадрдонларим, бобонгизнинг насиҳатларига эътибор ва эътиқод билан қулоқ осинглар. Ҳали сизлар кўп саховатли ишлар қилмоғингиз даркор эрур. Салтанат эрса адолат билан кучли бўлур. Уни ақл-заковат билан, қаттиққўллик билан, қолаберса, меҳр-шафқат билан бошқармөк даркор эрур. Шунда уни қўлингизда кўп йиллар мустаҳкам ва муқим сақлаб қолурсизлар. Маҳмуд хозир бу ерда йўқ, унга айтадигон сўзларим ҳам кўпдур.

Яна сизларга айтадурғон ва ҳамиша ёдда тутиш лозим бўлган муҳим бир сўзим бордур. Яъни улғулик — адолатга, хурсандчилик эса хотиржамликка, яқинлик — дўстликка, ақл бўлса илм ва тажрибага мухтождир.

Шуни унутмангизки, устоз сизларга маънавий ота бўлур. Яхши мураббий отадан ҳам ортиқ турур. Ақл-ақлдан мадад олур, рух бўлса руҳдан қувват-куч топади. Инсонга рух, маънавий қувват бағишлайдурғон — иймон ва эътиқоддур.

Сиз, фарзандларим, невараларим, кечган барча синоатларни тингладингиз. Менинг кечмишларим ана шу айтқон сўзларим исботи эрур. Замон тақдири билан қулликка тушиб, мушкул аҳволда, хор-зорликда уқубатлар чекиб юрганимда ҳам ўзимни йўқотиб, тушқунликка учрамадим, ақл-идрок билан, эътиқодимни маҳкам сақлаб, дилимда ҳам, тилимда ҳам Оллоҳни алқадим, чунки у барча нарсани билиб, кўриб, эшитиб, сезиб тургувчи яккаю ягонадир.

Шуни билингларки, томирларимизда туркнинг қони бор, Оллоҳнинг меҳри тушган авоми заминмиз. Ўзлигимизни англағон, миллий ғуруримиз кучлидир. Ҳар қандай қийинчиликларга бардошли, иродали, бағрини ҳам, сўзимизни ҳам бермайдиган, боз устига меҳр-мурувватли олижаноб инсонлар эрурмиз.

Бу донишмандларга хос сўзлар кўпни кўрган бобонинг ҳаёт боғидан ноёб гуллару, ақл хазинасидан дуру гавҳарлар эди.

Шу дам гулом келиб, барча меҳмону, хешу ақраболар жамулжам бўлишиб, Амир Сабуктегинни интизорлик билан кутишаётганлигини маълум қилди.

Ха, мана бугун ана шу жаннатмакон «Боғи Фируз»да базми жамшид. Бунинг боиси, айтганимиздек, Султон Махмуд Ғазнавий жондан ортиқ суйган падарибузруквори Носируддавла Сабуктегин таваллуд куни шарафига тантанали катта маросим ўтказмоқда.

Бутун сарой аҳли: казо-казолар, ҳарбий саркардалару вилоят ҳокимлари, шоиру фузалолар, машҳур алломалар, амирлар, яқин қариндош-уруғлар маросимга таклиф этилган. Бўст, Заминдовар, Кўсдар, Бомиён, Тоҳаристон, Ғўр вилоятларидан, Балх, Машҳад, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятлардан совға-саломлар билан азиз меҳмонлар таклиф этилган. Энг яхши ошпазлар, новвойлар, сомсапазлар, шунингдек, хушовоз хонандалар, мусиқачилар, раққосалар, кизиқчилар, хуллас, ҳамма-ҳаммаси шунда. Ҳаммаёқда шодиёна. Хизматкорлар, гуломларнинг кўли кўлига тегмайди.

Боғ гўё сайилгоҳга айланган. Барча жамулжам бўлгач, фавворалар ёнидаги меҳмонлар учун алоҳида қурилган кўшкнинг тўридан бу кунги тантана сабабчиси — Ғазнавийлар салтанатининг бобокалони Носируддавла Сабуктегин савлат тўкиб ўтирибдилар. Атрофида фарзандлари, невара-чеваралари. Бутун бир олижаноб туркий салтанат.

Табриқлар, қутловлар, совға-саломлар бошланди. Дастлаб Бухоро шахридан келган Сомонийлар элчисининг совғаси барча меҳмонларни ҳайратда қолдирди. Бухородан келтирилган шоҳона тўннинг баҳоси йўқ эди. Чопоннинг ҳар ер, ҳар ерига қадалган қимматбаҳо тошлар, зебу зарлар кўзни олади. Олтин камарнинг ўзи бир дунё. Камарга қадалган қимматбаҳо биллур тошлар кўзни қамаштиради. Бундай тенгсиз совғаларнинг боиси ҳам бор. Зеро, Сомонийлар салтанати жиддий хавф остида қолганда Ғазна вилояти ҳокими бўлган Амир Сабуктегин рустамона жанг қилиб, Бухоро тахтини қаттиқ ҳимоя қилган! Ўшанда Амир Нухнинг душманларини бирин-кетин мағлуби-

ятга учратган. Буни бухороликлар ҳеч қачон унутмайдилар. Ҳар бир вилоят ҳокимларининг совғаси бир-биридан ортик, ўзига хос. Гўё «кимўзар» қабилда тухфалар тайёрланган эди. Султон Маҳмуднинг ўзи ҳам отасига бош-оёқ сарупо: кимхоб тўн, почта пўстин, кини олтиндан қилинган ханжар ва атайин Мисрдан келтирилган булутдек оппоқ от совға этди.

Сабуктегин хурсанд, бу илтифот-меҳрибончиликдан, ўзини кўярга жой тополмасди. Кеча узоқ давом этди. Эргалабга яқин одамлар тарқалишди. Ота-бола ёлғиз қолишиб, бир пиёла чой устида бир-бирларига меҳр билан термулганча ўтиришарди. Отанинг ўғлига айтадиган гаплари, панд-насихатлари кўп. Маҳмуднинг баъзи бир одатларини, ноўрин қилмишларини отаси яхши билади. У яратган буюк салтанатни узоқ йиллар сақлаб қолмоқ учун ақл-идроқ, куч-қудрат керак. Ўғли зукко, аммо айтиб қўйса зарари бўлмас.

— Меҳрибон падарибузрукворим, қалай, менинг боғим сизга ёқдимۇ? — деб сўраб қолди ўғли Маҳмуд.

— Умрингдан барака топ, ўғлим. Боғинг жуда ҳам зебо ва дилқушо эркан, — деди отаси фахрланиб. — Мени иззат-икром айласанг, кам бўлмагайсен! Оллоҳ сени ёрлақасун, давлатингга ривож берсун.

— Сиз учун жонимни ҳам берурмен. Сиз давлатимиз пуштипаноҳи, бизнинг обрў-эътиборимиз ҳам Сиз туфайлидир. Аслида, бу боғи-гулшаннинг яратилиши ҳам Сиз туфайлидир. Энг саховатли, савоб ишларингиздан бири Ғазна дарёсини бўғиб, тўғон қуриб, шаҳарга обиҳаёт бахш этган ҳам ўзингиз эрдингиз-ку! Сиз: «Мен Ғазнанинг амиримен», демай ўша жазирама иссиқда пешанангизни боғлаб олиб, эл-юрт қатори жон куйдириб ишлаганингиз, катта чинорларни кесиб тўғонга босганингизнинг ўзим гувоҳимен. Бундай инсонпарвар мурувватингизни кўриб, ғазналиклар, атроф-теварак, узоқ-яқин қишлоқлардан деҳқонлар келишиб тўғон бунёд этишда иштирок этишган.

— Ҳақ гапни дединг, ёдингда турган эркан, ҳақиқатдан қурилишда бутун эл-юрт қатнашди, агар ўйлаб



қарасанг, ўша катта тўғон туфайли шаҳар обод ва кўркамдур.

— Мен бунёд этган «Боғи Фируз» ана шу обиҳаёт туфайлидир, — деди Маҳмуд.

— Менинг сенга айтадурғон яна кўп гапларим бордур, бир оз қулоқ бер, ўғлим.

— Икки қулоғим ҳам сизда, отажон, — меҳр билан деди Маҳмуд.

— Сендан минг бор розиман, лекин дунё шунча кенг бўлса ҳам, вақти-соати етгач, торлик қилиб қолади. Одам борки, бу фоний дунёга меҳмон. Шуни билгилки, ўта камтарлик баъзан манманликка олиб борур. Ўта хурмат эса хушомадга сирпаниб кетиши мумкин. Ўта фурурланиш бўлса мақтанчоқликка элтади.

Султон Маҳмуд отасининг сўзларига ўйланиб қолди, мендан не хато, камчилик ўтди деб. Отасига юзланиб деди:

— Сўзларим магар пойма-пой бўлса афу этгайсиз. Маликулкалом эрмасдурмен. Аммо, демокчиманким, Сиз менга нафақат меҳрибон ота эрурсиз, балки яқин маслаҳатгўйим, меҳрибон устозимсиз. Сўзларингиз, панд-насиҳатларингиз мен учун олтиндан ҳам қиммат турур. Илоҳо, бахтимизга умрингиз узоқ бўлсин. Ниятим шулки, сиз меҳрибон, донишманд падарибузрукворимга қўлимдан келганча хизмат этсам, меҳрингизга минг бор меҳр билан жавоб қайтарсам, фарзандлик бурчимни охиригача адо этсам, дерман.

Кейин Сабуктегин бир оз ўйланиб турди-да, ўғлига деди:

— Эй, юрак-бағримнинг парчаси. Энди буёғи қанча қолди, билмасмен. Ёлғиз Оллоҳгагина аёндур бу. Шу маросим чоғида ўзимнинг муфлис кунларимни ёдлаб қолдим. Минг бор шукрларким, шу даражага эришдик. Ахир, мен замон тақозоси бирлан бир ожиз одам қатори қуллик занжирига ҳам тушиб қолғон эрдим. Мана, энди ким эрдиму, ким бўлдим. Сен ҳозир давлат чўққисидасан. Янги подшоҳ — янги қонун дерлар. Ўз йўлинг, ўз иш услубинг бордур. Бунимен сезиб, кўриб турибдурмен. Одамларга зуғум айлаб,

каттиқ сўзламағил, айникса, ўзингга яқин кишиларингга! Оллоҳ сенга иноят айлаб, олий даражага кўтариб кўйди, овозингни эмас, мартабангни. Шунини унутма! Энди сен бунёд этган боғ масаласига келсак, бундай гўзал боғни давлати бўлган ҳар кимса ҳам барпо эта олур, лекин сен шундай бир боғ бунёд айлағинким, бундай бўстонни бунёд этиш ҳеч кимсага муяссар бўлмасун, унинг меваларидек мева ҳеч ерда топулмасун, — деди ўғлига маъноли қараб.

Султон Маҳмуд отасининг сўзларидан ҳайратда қотди. Дунё кўрган донишманд отаси бир нарсани билмасдан сўзламас, буни ўғли ҳаммадан ҳам яхши билур эди.

Султон Маҳмуд сўради:

— Азиз падарибузрукворим, Сиз айтаётган қандай боғ эркан?

— Эй, кўзимнинг нури, билгилким, бу боғ доно кишилар суҳбатидир. Ҳа, олиму фозиллар, шоиру ғазалхонлар, олижаноб, комил инсонлар мажлисидир. Дунёда яхши ишларни зухурга келтириш унинг дарахти бўлса, эл-юрт ичра яхши ном қолдирмоқ унинг мевасидир. Ҳеч бир нарса дунёдан изсиз йўқолиб кетмас, ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам!

## **МЎЛТОНДАГИ ЖАНГ**

Эрталабдан Султон Маҳмуднинг лак-лак лашкарлари энди Мўлтон шаҳрини ўраб олишган.

Султоннинг урушсиз таслим бўлиш ҳақидаги таклифини Мўлтон рожаси Раж Капор бутунлай рад этди. Хатга ёзган жавобида «Сиз келгиндилар, ўз элингизга жўнаб қолинглар, бўлмаса...» каби ноўрин хунук сўзлар билан Султон Маҳмуд Ғазнавийни ҳақорат қилган.

Шаҳар атрофидаги сайхонликка қатор олачуқ капалар қурилган. Ошпазлар овқат тайёрлаган, жангчилар қурооларни тартибга келтирган, деворлар, дарвозаларни бузадиган тош ва мой-ёғ билан отадиган манжанақлар ҳам тайёр.

Махсус айғоқчилар гуруҳи шаҳар атрофларида изиб юришар, қалъага кириш мумкин бўлган қулай жойни аниқлашар, у ёқ-бу ёқларда кўриниб қолган хиндларни тутиб келтириб сўроқ қилишар, маълумотлар тўплашарди.

Махсус «ғазовотчи»лар бўлса, шаҳарга ҳужум бошланишини пойлаб, жангу жадалга шай туришибди. Лашкарнинг барчаси зирх тешувчи найзалар тутган эдилар, бошдан оёқ темирга кўмилиб, жангу жадалга хозир-нозир бўлиб турардилар.

Султон Маҳмуд шундай қудратли ҳарбий кучга эга эдики, унинг сон-саноксиз жанговар тайёргарликдан ўтган туркийлар, форсийлар, ғўрийлар, дайлабийлар, хуллас, турли миллат, эл-қавм, уруғлардан ташкил топган лашкарлари ўттиздан ортиқ жанг қилиш ҳунарини эгаллаган жангарий ғозийлардан иборат эди.

Султон Рожанинг ҳақоратли қилмишига ғазоби қўзғаб кетди, кейин: «Унга бориб айтинглар, агар мард бўлса, ўзи майдонга чиқсун», деб яна жавобнома юборди.

Хуллас, энди қаттиқ жанг бўлади. Агар Рожанинг ўзи майдонга тушса, унда паҳлавон Маҳмуд уни яхшилаб адабини бериб қўяди. Чунки Султон Маҳмуд соҳибқирон шундай маҳоратли жангчи эдики, шу дамгача ҳеч ким унинг елкасини ерга тегиза олмаган. Шуниси қизиқ бўлдики, Раж Капор таслимнома олиб борган жангчининг кулоқ-бурунларини кесиб азоблагандан сўнг, «Султонингга бориб айт, биз у ўйлаган кўрқоқлардан эмасмиз. То бир қошиқ қонимиз қолгунча жанг қилурмиз», дебди. Шундан сўнг жанг кунини ҳам белгилабди.

Юз-кўзлари қонга бўялган элчи Султон Маҳмуд қароргоҳига кириб келганда унинг теппа сочи тикка бўлиб, бу одобсизликми ё номардликми, билолмай қолди. Кимсан, жаҳонгир Султон Маҳмуд Ғазнавийга нисбатан қилинган ўта ҳурматсизлик учун ғазабнафрати ошиб, энди иложи бўлса шу дамдан бошлаб шаҳарга ҳужум бошлашга ҳам тайёр. Аммо Султон соҳибқирон ўзини босди. Бунақа вақтда ҳаммаёқни ўйлаб, маслаҳат билан иш тутмоқ даркор! Қизиққон-

лик қилиш кетмайди. Отаси Сабуктегиннинг панду насихатлари ёдига тушди: «Мухораба чоғида қизиқ-қонлик қилмоқ мағлубиятга олиб келур. Ақл-заковат билан, ҳаммаёқни ўйлаб, душманнинг имкониятларини ҳисобга олиб иш тутмоқ даркор».

Хуфтон намозидан сўнг Султон қароргоҳига барча саркардалар жам бўлишди. Унда эртага бўладиган жанг режалари ҳақида сўз борди. Филбонларга алоҳида топшириқлар берилди.

Эрта тонг билан ёғийлар юрагига ваҳима солиш учун филларга юкланган ногораларни чалиб, сўнг оташ ва ўқ отувчиларни олд қўшинга жойлаб, кейин катъий хужумга ўтмоқ даркор. Режа шундай.

Агар хиндлар жанговар филларини мухорабага чиқарсалар, оташ отувчилар филларни кўрқувга солиш учун барча нарсаларни шайлаб қўйишлари лозим бўлади.

Туркий қўшинлар сардори Муҳаммад Дамирхон пахлавоннинг махсус қисмлари Султон Маҳмуд билан ёнма-ён, елкама-елка жангга тушадилар. Шу билан бирга ҳар бир бўлинма саркардаларига катъий топшириқлар берилди. Ўйин тугагач, ҳамма чиқиб кетди.

Султон Маҳмуд вазири Амир Ҳасан билан ёлғиз қолди. Энди одатга кўра яна бир асосий масала ҳал этилмоғи керак. Олинган хабарларга кўра Мўлтон рожасининг хазинасида бойликлар ошиб-тошиб ётибди. Олтин-кумуш тангалару зеб-зийнатлар беҳисоб, деган маълумотлар бор. Буни Султон айбқчилари аллақачон билиб олишган. Ўша ўлжаларни эҳтиётлаб, талон-тарож этилишига йўл қўймасдан олиб кетиш ва қўлга олинган бойликларни эҳтиётлаб сақлаш масаласида ҳам икковлон бу ишга мутасаддий бўлган, ишончли кишилар ҳақида келишиб олишди.

Ниҳоят, жангу жадал бошланадиган дам ҳам келди.

Тибилжон садолари янгради, ноғора шовқинидан осмон қаърида нотинчлик кўзгалди. Бурғу садосию лашкар хайбатидин гардун гумбазига зилзила тургандай. Шу вақт шаҳар дарвозаси очилиб, зулукдек қора от минган хинд рожаси Раж Капор чиқиб келди. Ат-

рофида жанговар лашкар бошлиқлари. Кейин сон-саноксиз лашкарлар ҳайқириқ-бақириқлар билан майдонга саф тортиб турдилар.

Кўпинча жанг тафсилотларини ёзиб юрғувчи шоир Асжадий ўз битикларида бундай таърифлайди: «Саркардаи замон, амир Султон Маҳмуд тулпорларини ўйнатиб, майдон ўртасига тушибди, сўнг хиндлар рожаси Капорга дедилар:

— Эй, сен нобакор, палид, қани, мард бўлсанг кучингни кўрсат, майдонга чик. Истасанг таслим бўл, ҳали ҳам кеч эмасдур, беҳуда қон тўкилмасун.

— Кўп чиранаберма, сендақанги келгиндиларни кўп кўрганмен. Барчаси зарбимизга дош беролмай, зўр-базўр қочиб қутилган. Сенинг тақдиринг ҳам шундай бўлади! — деди Рожа.

— Нечун ўзингга шунчалик бино кўюрсанким, сен ўзинг бир бадбашара маҳлуқ бўлсанг, — деб от суриб бориб, бошига пайдар-пай қилич урган эрдилар, агар сипар тутиб қолмаганида, зарбасидан иккига бўлиниб, жони дўзахга равона бўлур эрди.

Шунда пайтдан фойдаланиб, ул аблаҳ ҳам Султонга қилич солган эрди, Султон Маҳмуд чакқонлик билан уни рад этиб, яна қайта қилич солдилар, зарбнинг кучлилигидан номарднинг бошидаги кулохи учи кетди. Султоннинг жаҳли бўғзига келиб, яна унга пайдар-пай ҳамла қила кетдилар. Рожа бўлса ҳар сафар хужумга чап бериб, зўр-базўр ўзини амирнинг кучли зарбидан сақлаб қолур эрди. Шунда Султон Маҳмуд: «Қани отдан туш, қиличингни ташла!» деб, ўзлари ҳам мардонавор дулдулларидин тушиб, қўлларидаги қуролларини бир чеккага ташладилар. Рожа бўлса гавдасини лапанглатиб зўр-базўр отидан тушди ва пахлавон Маҳмудга рўбарў келди.

— Сен хом сут эмган итвачча, шундай семириб кетибдурсенким, ҳатто жанг қилишга ҳам ярамайдурсен! Қани энди кўрсат кучингни!

Рожа деди:

— Эй сен, келгиндилар подшоҳи, хиндлар элига ўлим истаб келдингму? Башарангга бир қара, алвастига ўхшарсен! Ёшлигингда қўтир бўлганмисанким,

сендай хунук махлукни «Султон» деб атабдурлар. Қани, бир додингни бериб қўяй! — деб, бор кучи билан у ҳам Султонга ташланди.

Икковлон бел олиб узоқ курашдилар. Шунда соҳибқирон «Оллоҳи акбар» деб, ғанимни белидан кўтариб, ерга чунонам қаттиқ урдиларки, зарбнинг кучли-лигидин малъуннинг икки оёғи бир қарич ерга кириб кетди. Майдонда саф тортиб турган минг-минглаб Ғазна лашкарлари айюҳаннос солиб, кичкириб юбордилар. Душман лашкарлари эса сукутда, гўё дамлари ичларига тушиб кетгандай. Кейин Султон Маҳмуд бир наъра тортдилар-да, рожанинг ўнгланиб олишига ҳам имкон бермай, харифни ердан суғириб олиб, ерга яна андоқ зарб билан урдиларки, унинг қовурғаларининг қирсиллаши бутун майдонга эшитилгандай бўлди.

Рожа энди лат еб анча ожиз ҳолатда тиз чўкиб, Султондан омонлик сўради. Аммо подшоҳи олам унга раҳм-шафқат этмай, ёнларидан ўткир шамширларини олиб, дўзахийнинг калласини сапчадек узиб ташладилар. Ана энди росмана жанг бошланди.

Икки томон лашкарлари чунонам жанг қилдиларки, гўё осмони заминдаги куёш ҳам ҳайратдан булутларни юзига парда этиб олгандай эди. Тиғу шамширлар ялтирашидин майдон машъаллар билан тўлиб кетгандай туюлар, икки томон лашкарлари шовқинқийқириқлар билан жанг майдонида жавлон уришар, аёвсиз, қаттиқ жанг бошланган эди. Хар иккала томоннинг баҳодирлари, диловарлари бир-бирларига ташланиб, шундай жанг қилардиларки, қонлар гўё дарё-дарё бўлиб оқарди. Майибларнинг нолишлари, оғриқдан азоб чекаётганлар, жон бераётганларнинг сўнгги нидоси жанггоҳга дўзах тусини бергандай эрди. Майдон юзаси ўликларга тўлиб кетди. Айниқса, Султон Маҳмуд билан ёнма-ён жанггоҳда жавлон ураётган турк лашкарлари сардори Дамирхон «ғазавот»чилари шундай муҳораба қилдиларки, улар хужум қилганда, душман сафлари чок-чокидан сўкилиб кетгандай эди. Дамирхон қайга ҳамла айласа, ҳиндлар унинг зарбига бардош беролмай, қочишга йўл тутар эрдилар. Шу вақт шаҳар дарвозасидан юзга яқин девси-

фат филлар пишқириб, дахшат билан майдонга кириб келабошладилар. Ҳар бир филнинг жуссаси тоғдек баҳайбат, қўрқинчли эди. Олов-оташ отувчи жангарийлар бунга олдиндан шай бўлиб турган эрдилар, улар машғалаларни ёқиб алохида тайёрлаб кўйилган оловли коптоксимон ёғлаларни тепаликлардан туриб филлар устига йўналтирдилар. Филлар қўрқувдан бўқириб, ўз лашкарларини босиб-янчиб шаҳар дарвозаси томон қоча бошладилар. Буёқдан Султоннинг жангчи филлари ҳам майдонга кириб келди. Энди жанг шундай тус олдики, оқибатда кун ботгунга қадар ҳиндлардан минглаб жангчилар кирилиб кетдилар. Алқисса, жангу жадал то тун қоронғусига қадар давом этди. Қоронғулик босиши билан бирдан тибилжанг садолари янгради. Икки томон ҳам жангни тўхтатдилар.

Эрта тонг билан дарвозалар очилиб, шаҳарнинг обрў-эътиборли кишилари Султон Маҳмуд ҳузурига омонлик, сулҳ истаб ташриф буюрдилар. Амир аларнинг илтимосини қабул айлади.

Кўёш оламни мунаввар айлагач, Султон Маҳмуд зўр тантана билан шаҳарга кириб бордилар. Сўнг Капорнинг ҳашаматли саройига ташриф буюрдилар. Рожанинг ўғли шаҳзода Рафиқ Капор келиб, Султоннинг қўлларини ўпиб, иззат-икромлар кўрсатди. Сулҳ тузилди. Ҳазинада шундай кўп бойлик, тиллою қимматбаҳо зеб-зийнатлар бор эдики, аларни олиб кетмоқ учун қанча қарвон бўлса ҳам озлик қилур эрди. Кечаси билан базми жамшид қурилди. Сипоҳларга, саркардаларга ҳам кўп инъомлар берилди, ҳар бир жангчига бир олтин ва ўн дона кумуш танга мукофот улашилди.

Омон-омонлик бўлиб, сулҳга имзо чекилди. Фазнага юбориладиган йиллик хирож миқдори ҳам келишиб олинди. Хирож шартига биноан, ҳар йили элликта фил, юз минг тилло танга, зеб-зийнатлар, юзлаб куллар Фазнага юбориб турилиши келишиб олинди. Ҳиндлар одатига кўра сулҳ тузилгач, унга содиқлик рамзи сифатида Рожанинг битта бармоғи ханжар билан кесиб олинди.

Базм кечасида энг яхши кўшиқчилар, мусиқачилар, бир-биридан гўзал раққосалар иштирок этди. Рафик Капор Султон Маҳмуд ҳазрат олийларига кўп навозишлар кўрсатиб, подшоҳнинг бошларидан дуру гавҳарлар сочиб кўнгилларини шод айлади.

Андин сўнг Султон Маҳмуд Мўлтонда катта ғалабага эришиб, зафар нашидаси билан маст бўлиб турган чоғида кечга томон Ғазнадан чопар келди. У Султон Маҳмуднинг падарибузруквори Сабуктегин ҳазрати олийларининг ёруғ дунёдан кўз юмганлиги хақидаги шум хабар эди...»

Ана холос, бир ёқда зафар, бир ёқда бўлса нохушлик. Султон Маҳмуд энди ўзининг энг яқин таянчи, суянган тоғидан айрилган эди. Буёғи қандай бўлдийкин? Юраги узилгандай бўлди, гўё энг қимматли севган нарсасини йўқотгандай, мустаҳкам таянчидан айрилгандай. Дунёда нима кўп, ғанимлар, олчоқ ғаламуслар. Ғазна салтанатига бўридек кўз тикиб турганлар кўп! Шундай бетинч ғалвали замонда заиф бўлсанг, бирпасда сени еб қўйишади. Атроф-теваракда тишини вижирлатиб турганлар отасининг вафот этганлигини эшитишлари билан турли нағмалар чиқаришлари турган гап. Неча йиллардан бери азиз падари фарзандларини атрофига олиб, сўзини ҳам, салтанатини ҳам ҳеч кимга бермай, дадиллик билан ҳукмронлик қилиб келмоқда эди. Отаси бор эди, кўнгли тўқ эди. Энди ҳамма ғалва унинг бошида.

Яна шу нарса маълум бўлиб қолдики, отаси Сабуктегин амир Маҳмуд катта ўғли бўлса ҳам, не учундир тахтга ворис этиб кичик ўғли Исмоилни васият қилган. Маҳмуд бўлса худди шу дамда Ҳиндистонда юрибди.

Амир Маҳмуднинг кўнгли бир оз эзилди, безовта буёғи нима бўлади деб. Чунки укаси Исмоилнинг феъли-атвори, нималарга қодирлиги унга маълум. У Ғазна салтанатидек буюк Султониятни идора этишга қодир эмас. Атроф-теваракдаги ҳокимлар унинг гапига кулоқ солишмайди. Девондаги амалдорлар ҳам унчалик менсишмайди. Зотан, отаси бетоб бўлиб ётганда ҳам, вилоят ҳокимлари ўзларини бир оз эркин сезиб ғимил-



лаб қолишган эди. Айниқса энди, буёғи нима бўларкин, деб кулоқларини динг қилиб туришибди.

Амир Маҳмуд бир неча кундан сўнг Балхга етиб келди. Ҳаммалари оқ кийиб, бола-чакалари, яқин қариндошлари билан уч кун мотам тутдилар. Қурбонликлар қилиб, эл-юртга ош берилди. Фазнага тобеъ бўлган ҳокимлар, амирлар унга таъзия билдириб, уч кун унинг атрофида парки-парвона бўлиб турдилар. Чунки улар амир Маҳмуд тахтни укасига бериб қўймаслигини билишарди. Бағдод халифасидан ҳам казо-казолар келиб, унинг кўнглини кўтарган бўлдилар.

Амир Маҳмуд отасининг барча тадбир йўқловларию, маросимларини аъло даражада адо айлаб, кейин ўз қўшинлари билан Фазнага етиб келди. Бир неча кун давомида укаси билан бирга салтанатдаги келишмовчиликларга барҳам берди. Отаси вафотидан сўнг унга хиёнат қилган, бошқа вилоят ҳокимларига гап-сўз ташиган амалдорларни қаттиқ жазолади. Шундан сўнг Фазна салтанати ўз-ўзидан амир Маҳмуд қўлига ўтди. Подшоҳлик тахтини акасига ўтишига укаси Исмоилнинг ўзи ҳам оқибат рози бўлди. На чора, бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Шундан сўнг Фазнага тобе ҳокимлар ҳам ўз-ўзидан тинчиб қолдилар.

Бағдод халифаси ҳам мамлакатда тартиб, осойишталик ўрнатган, шу билан бирга ҳокимлар билан ҳам усталик билан тил топишган амир Маҳмудни тан олиб, унинг номига хутба ўқитишга амри-фармон этдилар. Шундан сўнг амир Маҳмуд ўзини Фазна тахтининг ҳақиқий хўжайинидек ҳис этди. Обрў-эътибори ошиб, ҳокимиятда мустаҳкам ўрнашиб олди.

Буёқдаги барча ишлар, режалар амалга ошгач, амир Маҳмуд энди илгаридан ўйлаб қўйган ўз мақсадларини, режаларини рўёбга чиқаришга киришди. Дастлаб Балх, Термиз, Бўст шаҳарларининг нойиби бўлгач, Бағдод халифаси Қодир бин Амируллоҳдан Хуросонни ва шу билан бирга отаси Сабуктегинга берилган лашкарбошилиқ унвонини талаб этди. Шу фурсат ичида дадиллик билан Хуросонга юриш қилиб, Хуросон ҳокимини ҳам ағдариб, ўзини биринчи бор «Султон» деб эълон қилди.

Шундан сўнг Бағдод халифаси Маҳмуднинг ана шу хизматлари, унга кўрсатаётган иззат-хурматларини юксак баҳолаб, Султон Маҳмудни «Яминуд-давла ва тожул-милла», яъни «Давлатнинг ўнг кўли ва миллатнинг тожи» деган олий унвон билан тақдирлади.

Бағдоднинг паноҳида ўзини эркин хис этган Султон Маҳмуд Қорахонийлар билан ўзаро муносабатларини бир ёқлик қилиш, иложи бўлса яхшилаш режаларини тузди. Эртаси куни машварат йиғилиш бўлди. Унда ана шу энг зарур масала, Хоразм ҳақидаги йўл-йўриқлар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

## **ХОРАЗМ ФОЖИАСИ**

Ҳиндистонга қилинган навбатдаги юриш ҳам ғолибона яқунланди. Бу эса Фазна салтанатининг обрў-эътибори, шукуҳини янада оширди. Қанчадан-қанча бойликлар Фазна хазинасини тўлдириб, салтанатни янада мустақкамлашга моддий имконият яратилди. Энди Султон Маҳмуд ўзининг навбатдаги режаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиб қолди.

Султон Маҳмуд аёнларидан бири бўлмиш Абу Наср билан ўз режалари ҳақида сўзлашиб ўтираркан, энди мавзу Хоразм ҳақида эди.

— Олампаноҳ, бир қошиқ қонимдан кечгайсиз! Айтадурғон бир сўзим бор эрди, — деб қолди вазир.

— Сўзла!

— Маълум бўлишича, Қодирхон Хоразм шоҳи Маъмун бирлан музокаралар олиб борур эрмиш, афтидан, бу ташаббус Гурганждан чиққанга ўхшайди.

Султон Маҳмуд хушёр тортди:

— Қайдан топдинг бу совуқ гапни?

— Маълумот аниқдур, олампаноҳ.

— Маъмун яна хаддан ошур. Бунинг чорасини албатта кўрурмиз. Аммо Қодирхоннинг ҳам эсини жойига келтириб қўймоқлик даркор эрур. Фикримча, улар яқинлашиб тил топишмағони маъкул, икковлон бирлашгудек бўлса, Фазна мулкига соя солгай. Хоразмликлар қайсар, бир сўзлик халқ эрур. Қадимдан ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб яшашни истайдурлар.

— Хоразмшоҳ Маъмурнинг ўзига иттифоқ излашининг сабаби мендан кўра ўзингизга кўпроқ маълумдир. Бизнинг айтганларимизни ҳалига қадар бажармади ё сарой аёнлари ҳузурида Маъмурнинг путури кетиб қолгонга ўхшар...

— Барча бало ҳам шундадур. Яқинда Мовароуннахрга лашкар тортиб борурмен. Сен Қодирхонга мактуб билан тезда чопар юбор, дегилким: «Султон Махмуд Мовароуннахрни ўз кўзи билан бир кўриб келмоқчи».

Вазир таъзим билан чиқиб кетди.

Шундан кейин, бир неча кун ўтгач, Султон Махмуд Мовароуннахрга юриш учун тайёргарлик кўра бошлади. Қодирхон бўлса Султондан келган мактубни ўқиғач, қўриқиб кетиб, Султон Махмудга зудлик билан жавоб ёзиб юборди: «Биз бир-биримиз билан қон-қардошлармиз. Сен биз учун бегона эмасдурсен. Икковимиз ҳам турк қавмидандурмиз. Ислом лашкарларига бошмиз. Агар лозим бўлса, овора бўлиб юрмай, яқин ишончли кишини юборсанг ҳам бўлур», деб ёзибди.

Султон Махмуд жавоб мактубни ўқиб, ҳаммасини тушунди. Қодирхон яна найранг қилмоқда, деб эртасигаёқ зудлик билан катта қўшин тортиб, Мовароуннахр сари йўл олди.

Навбахор фаслида Султон Махмуднинг кўп минг кишилиқ, яхши қуролланган жанговар қўшинлари кўхна Самарқанд шаҳри остонасида пайдо бўлди. Бу қадимий шаҳри азимнинг осмонўпар миноралари, мустаҳкам деворлари, серхашам дарвозалари Қорахонийлар салтанати куч-қудратидан далолат бергандай савлат тўкиб тулар эди.

Дастлаб жангу жадалларда пишиб кетган минг-минглаб суворийлар, кейин шай қуролланган пиёдалар, мустаҳкам қалъаларни эгаллашга қодир бўлган жангарийлар саф-саф бўлиб, шаҳар атрофидаги сайхонликларга, лолалар қийғос очилиб ётган қир-адирларга ёйилиб кетган.

Ҳаммаёқ қий-чув, шовқин-сурон, қилич-найзаларнинг шақир-шуқурию, отларнинг безовта кишнаши,

одамларнинг хайкириқлари билан қўшилиб юракка ваҳима солар, Самарқанд остонасида гўё катта бир қирғинбарот бошланаётгандек туюлар эди.

Замонларга сайқал берган Самарқанд бўлса сукутда. Дарвозалар тақа-тақ беркилган. Дарвоза тепасидаги соқчилар шаҳар бўсағасида бўлаётган наъшу намоларни зийраклик билан кузатиб туришибди.

Султон Маҳмуд сув ёқасидаги хуштабиат манзарали ерга ўз қароргоҳини ўрнатди. Барча ишлар режали, расамдли, Султоннинг синчков айёрлари бўлса шаҳар атрофи бўйлаб изғиб юришибди.

Энди буёғи нима бўларкин. Ҳаммининг кўзи Самарқандда. Қодирхон қандай йўл тутаркин, жанг қилади-ми, йўкми?

Шу вақт ҳеч қутилмаганда шаҳар дарвозаси ланг очилиб, оппоқ булутдек серсавлат тулпорда, ўзининг хеш-ақраболари қуршовида Қодирхон пайдо бўлди. Барчанинг кўзи унда.

Қорахонийлар хоқони жанг либосида эмасди. Устида шохона зарбоф тўн, кўриниши савлатдор, пахлавон қомат, бўйи дароз, сақол-мўйлаблари қоп-қора, ўзига ярашган. Атроф-теварагида соқчилари ҳам йўк. Айтишларича, акаси Арслонхон унга: «Сен ўйлаб иш тутгил, Маҳмуд иқтидорли, бахти чопган саркарда эрур. Иложи бўлса, унга қарши борма, уруш қилиб беҳуда урунма, яна бир томони қавмимиз бирдур. Боз устига қуда-андачилиғимиз ҳам бор», деб панднасихат этган эмиш. Шу боис бўлса керак, афтидан, Қодирхон урушдан кўра сулҳ йўлини афзал кўрган бўлса ажаб эмас.

Қодирхон дарвозадан чиқиб, тўппа-тўғри Султон Маҳмуднинг қароргоҳи томон юрди. Хоқоннинг ташрифи ҳақида Фазна ҳукмдорига ҳам хабар етди шекилли, у ҳам қароргоҳидан чиқиб, унга пешвоз бўлди. Хон отдан тушиб, очиқ юз билан Султон Маҳмудга қучоқ очди. Икки ҳукмдор бир-бирларини бағирларига босиб, худди қадимий яқин дўстлардек кўришдилар.

Султон Маҳмуд Қодирхонни ўз боргоҳига таклиф этди. Бир дам ичида дастурхонлар ёзилиб, емак-ичмак келтирилди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, Султон Маҳмуд босиғи билан гап бошлади:

— Раҳматлик падарибузрукворим: «Сенга мен қудратли давлат тузиб бердим, энди бу ёғи ўзинга боғлиқ. Насихатим шулким, туркийнажот қардошларимиз бирлан дўст бўлиб яшагил. Бизнинг қонимиз ҳам, дину диёнатимиз ҳам бирдир. Вафотимдан сўнг, улар билан иложи бўлса, уруш-жанжал қилиб юрма», деб васият этмишлар...

— Худо раҳмат қилсун Сабуктегин бобокалонимизни. Ажаб бир донишманд, камтарин инсон эди. Ул раҳматли туркий қавмлар бошини бир жойга қовуштиришни жуда-жуда орзу қилур эрдилар. Жойлари жаннатда бўлмай, Оллоҳ ўз даргоҳида қабул айлағай, — деди Қодирхон.

— Отам ҳақинда кўп яхши, ибратли сўзлар дедингиз. Бу мен учун бутун мамлакат хирожидан ҳам ортиқдир. Энди, гапнинг индаллосига келсак, биз шунча лашкарлар билан жанг қилғони келганимиз йўқдур. Сизнинг ҳам ниятингиз шундай эркан, келинг, ўрта-миздаги совуқчиликка барҳам бериб, яхши қўшничилик қилайлик.

— Бизнинг ҳам дилимиздаги гаплар шудур, олам-панох, — деди Қодирхон бу сафар Султон Маҳмудни улуғлаб.

Султон Маҳмуд унга ётиғи билан деди:

— Хоразм шоҳи Маъмун билан яширин мулоқотларингиз бор деб эшитиб эрдим. Ул олий зот бир ёғи бизга куда-анда эрурлар. Ахир, Сиз билан биз ҳам шундай-ку!

— Султон ҳазратлари, бу гаплар сиз ўйлаганчалик эрмас. Ҳарҳолда, Маъмун билан яхши дўстлигимиз бордур, бу сир эрмас, локин Хоразмшоҳ билан дўстлик алоқаларимиз сизга нисбатан ёмон ниятимиз бор, деган гап ҳам эрмас.

Шундан сўнг гап-гапга қовушиб кетди. Фуломлар таом келтирдилар. Қодирхон билан Султон Маҳмуд ёнма-ён ўтириб бир табакдан таом ошадилар. Бу яхшилик белгиси, дўстлик нишонаси эди.

Учрашув сўнгида икковлон бир қарорга келдилар: Хоразм Ғазнавийлар салтанатига итоат этгай, Мовароуннахр эса Қорахонийларга бўйсунадиган бўлди.

Фазна Султони бу ёқдаги ишларни жойига келтириб қўйгач, энди шоҳ Маъмунга тинчлик бермай, турли йўллар, баҳоналар билан қилдан қийик ахтариб, унга зимдан зуғум ўтказа бошлади. Шоҳ Маъмуннинг маслаҳатчилари аввалига иложи бўлса, нажот йўлини ахтармоқ даркор ё бўлмаса бирдан-бир чора — Туркистон хонлари билан алоқа боғламоқ, деб маслаҳат беришарди. Зеро, сулҳ тузилган бўлса ҳам, улар Фазна ҳукмдоридан ҳар қалай қутулиш йўлларини ахтармоқда эрдилар. Аммо Султон Маҳмуд унақанги анойилардан эмас, унинг айғоқчилари ҳамма жойда ҳозир-нозир, кўз-қулоқ.

Хоразмда жаҳонга машҳур олим-уламоларнинг бирлашиб, «Мажлиси уламо» деб аталмиш Академияни ташкил этилганлиги бу ажойиб маърифат диёрида илм-фанга нақадар катта эътибор берилганлигининг яққол далилидир.

Хоразмда илму фан маърифат камоли йўлида жаҳонга машҳур кўп қиррали олими замон бўлган Ал-Хоразмий мактаби давомчиларидан бири, буюк олим Абу Райҳон Бериунийнинг устози ва амакиси Абу Наср Ироқнинг хизматлари чексиздир. Икковлон Хоразм шоҳи Маъмуннинг изми, меҳр-муруввати туфайли ана шу илм мажмуасининг бошида турдилар. Уламолар мажлисига жаҳоншумул ҳаким ва олим Ибн Сино келиб қўшилиши мазкур илм масканининг обрў-эътиборини яна ҳам ошириб юборди. Шундан сўнг «Мажлиси уламо»га Шарқ оламининг энг атоқли олиму фузалолари оқиб кела бошладилар. Натижада унинг донғи, шуқуҳи бутун дунёга машҳур бўлиб кетди.

Хоразмшоҳ бош бўлган мазкур уламолар анжуманига аъзо бўлганлар фақат илм-фаннинг бир соҳаси билангина шуғулланмай, тафаккур доираси кенг, кўп қиррали илмга эга бўлган маърифатли инсонлар эдилар.

«Мажлиси уламо» анжуманларида риёзат, ҳандаса, тиббиёт, юлдузшунослик, фалсафа, мантиқ, тарих, мусика, адабиёт ва бошқа ақлий, нақлий билимларга доир кўп муаммолар муҳокама этилар ва маълум масалалар бўйича илмий шарҳлар кўриб чиқилган. Улар

амалий машғулотларни Ал-Берунийнинг фазошунослик ишхонасида ёки Ибн Ироқнинг кимё лабораториясида олиб борганлар. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, ўша вақтларда Хоразмга самодан тушган метеоритни мажлис аъзолари бориб қўришган, унинг кимёвий тузилишини ўрганишган. Берунийнинг Ибн Синога ёзган ва кенг мунозараларга сабаб бўлган ўн саккиз саволига Ибн Синонинг жавоблари ҳам Маъмун академияси аъзолари ўртасида маълум ва машҳур бўлган. Бу ёзишмалар оддий хатлар эмас эди. Икки буюк сиймонинг фандаги турли масалалар бўйича илмий мусохабалари бўлса ҳам, лекин аслини олганда мазкур ёзишмалар ўша даврдаги мавжуд икки фалсафий оқимнинг дунёвий қарашлари, илм-фан ривожини йўлидаги илмий мушоҳадалари эди.

Ибн Сино Берунийнинг унга юборган хатига жавоблари алоҳида китоб қилинган. «... бу Абу Райҳон Муҳаммад ал-Берунийнинг Хоразмдан менга юборган масалаларининг жавоби ҳақида ёзган рисоладир. Худо сени мақсадингга етишинг билан шод айласун. Барча орзу қилганларингни раво қилсун, икки дунё саодатини сенга насиб этсун», деб «Берунийга ёзган жавоблари»ни дўстона, самимий сўзлар билан бошлайди. «Мажлиси уламо»нинг донғи Бухоро, Самарқанд, Фазна ва бошқа Эронзамин шаҳарларига қадар бориб етди. Чунки дунёга машҳур олимлар Хоразмда илмий марказ ташкил этганлари Маҳмуд Фазнавийнинг вашига тегар, унинг салтанатида қанча шоирлар, алломалар йиғилган бир замонда, Шарқнинг энг машҳур олимлари бориб-келиб Хоразмда мажлис тузган бўлсалар, бу қанақаси? Фазнанинг обрў-эътиборига соя солади-ку, қай йўл билан бўлмасин, уларнинг мажлисига барҳам бермоқ даркор. Айниқса, Абу Али ибн Синодек буюк ҳаким, олими замон унга «тутқич бермай» Хоразмга кетиб қолган бўлса. Тарихий ёзувлардан маълум бўлишича, Султон Маҳмуд Хоразм шоҳи Маъмунга йўллаган мактуби Фазна ҳукмдорининг ана шу фикрларининг исботидир.

Хатда шундай деб ёзилган эди: «Бизга маълум бўлишича, Хоразмшоҳ хизматида илмнинг турли соҳалари

бўйича тенги йўқ алломалар йиғилмишлар. Аларким, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл ал-Масихий, Абул Хайр ал-Хаммор... ва ушбуларни сиздан саройимизга юборишингизни, зотан, улар бунда бизга хизмат этмоқни ўзлари учун шараф деб билмоқлари ва биз ким аларнинг илм-санъатларидан баҳраманд бўлгимиздир. Буни биз Хоразм шоҳидан сўраймиз...»

Масаланинг бу даражада қўйилишини Хоразм шоҳи ҳеч ўйламаган. Бу хатнинг мазмунида ҳам сўров, ҳам қатъий талаб сезилиб турарди. Энди нима қилсун, бугун Шарқ оламини алғов-далғов қилиб, ҳайкириб турган Ғазна давлати ҳукмдорининг раъйига қарши бориб бўлармиди.

Хоразмга хат олиб келган Султоннинг энг ишончли кишиси амир Хожа Ҳусайн Али Миқойилнинг вазоҳати ҳам, ўзини тутиши ҳам масаланинг нақадар қатъийлигини, мажбурийлигини билдириб турарди. Яна бунинг устига ўша дамларда гўё Султон Маҳмуд Хоразмни босиб олишга тайёргарлик кўрмоқда деган шовшув гаплар ҳам тарқалган эди. Султон Маҳмуднинг Хоразмга юборган элчиси бўлса гапни яна узокдан олиб, шоҳ Маъмунга насиҳат қилмоқчидек, ётиғи билан: «Сизнинг Султон Маҳмуддек пуштипаноҳингиз бўлса-ю, бундай қондошликнинг қадрига етиб нечун унинг номини хутбага кўшиб ўқитмайдурсиз», деб қолди. «Сизга бу ҳақда яна неча бор айтиш керак? Бир томони куёвсиз, Султон Маҳмудга поччасиз, шуни билурсизму?» Шунда шоҳ не деярин билмай, қийин аҳволга тушиб қолди.

Эртаси куни саройга бутун аркони давлату лашкарбошилар йиғилишганда шоҳ ана шу масалани айтиб, уларга маслаҳат солгандай бўлди. Бу гапни эшитиб, барча сарой аҳли бирдан жим бўлиб қолдилар. Лашкарбошиларнинг юзларида жиддийлик. Кейин бирдан ғовур-ғувур, тўс-тўполон бошланди.

— Хоразм бировларга кул бўлиб яшамағай, шундай йўл тутсангиз бобокалонлар арвоҳи ургай сизни! Ўша қора таппи синглисини эшакка тескари миндируб, Ғазнага жўнатиб юбормоқ даркор. Сиз куёв бўлга-



нингиздан кейин тилингиз узун бўлиши керак эмасму, ёшулли, — деди лашкарбошилардан бири.

— Хоразм элига маърифат нурини сочиб турғон «Мажлис уламо» қайда, нега азиз ватандошимиз Берунийдек буюк алломани Ғазнага олиб кетишди. Бошқа алломалар-чи? Устоз ибн Ироқ-чи? Ахир у илм оламида яккаю ягона эди-ку?! Улуғ ҳаким Ибн Сино ҳам Гурганчда макон топган эрди. Халқимизга қўп саховатли ишлар қилур эрди. Унинг қадрига етмадинг, — деди саркардалардан бири.

Тўс-тўполон бошланди. Ундаги гапларни эшитган одамнинг тепа сочи тикка бўлиб кетарди. Агар бу ҳақоратлар Султоннинг қулоғига етиб борса борми, ана ундан кейин кўрасиз. Яхшиям, Султоннинг элчиси эрта тонг билан жўнаб қолган экан. Агар бу можароларнинг устида бўлганида нима бўлур эрди?! Энди барча шоҳ Маъмунга қарши. Вазир Абу Саҳл ақлли, тадбиркор зот эмасму, ўртага тушиб: «Шоҳимизнинг аҳволини тушунинглар, пуштипаноҳимизга ҳам ўнғай тутманглар, масалани яна бир ўйлаб кўрайлик», деб одамларни юпатди. Ғазабнок мажлис аҳли шундан кейингина «кўрамиз ҳали» дегандай зўр-базўр тарқалишди.

Бу ёқда Султон, бу ёқда ўз муҳолифлари, икки ўртада шоҳ, аросатда! Нима қилсун?!

Сўнг шоҳ ўз яқинлари билан қолди. Шунда унинг маслаҳатчиларидан кимдир: «Бунақа масалани кўпчиликка айтиб, кенгашиб ўтирмасдан шартга ҳал этиб юбормоқ даркор эди. Ахир подшоҳ амри вожиб, ўзингиз фармони олий бериб, хутбани Султон номига ўқитиб юборавринг», деди.

Бошқалар жим, ҳаяжонда, бир фалокат юз бермаса эди деб.

Шу гап Маъмунга бир оз далда бўлди. Бошқа иложи ҳам йўқ. Одамлар кўникиб қолади деб фармони олий берилди. Ғавфо, фожиа ана шундан кейин бошланди. Бутун лашкарбоши, сипоҳсолар, аркони давлат аҳллари йиғилишиб, шоҳ саройи томон йўл олишди. Энди уларни вазирнинг насиҳатлари ҳам, шоҳнинг шукуҳи ҳам тўхтатиб қололмас эди. Сараланган махсус соқчи-

лар ҳам уларга бас кела олмади. Шоҳ ўз кўшида яшириниб олган, ҳаёти қил устида турар эрди.

Шундан сўнг аҳли оломон кўшк дарвозасини кўриклаб турган соқчиларни уриб-суриб, бир чеккага чиқариб ташлашди. Эшиклар тарақлаб очилиб, ҳамма ўзини ичкарига урди. Шоҳ Маъмун оломондан қочиб қайгадир кетишга шайланиб турган экан. Сипоҳийлар унинг уст-бошларини, қуролларини ечиб олишди, қўлларини боғлаб, итариб-суриб қатл майдони томон олиб боришарди.

Шу топда Хоразмдек буюк давлатни бир неча йилдан бери бошқариб келаётган салтанат соҳибини ҳимоя қиладиган бирорта мард топилмасди. Ҳамма унга қарши, барча лаънатлайди, нафратланади. Майдонга одам сифмас, тумонат гўё бутун Гурганж шу ерга тўплангандек. «Сабуктегиннинг суюкли куёвлари шу олий зот эрурлар, у ўз халқига хиёнат қилди», деди кимдир. «Сангсор қилинсин», дейишарди аҳли оломон.

Шоҳни қатл майдонидаги дор устунига боғлаб қўйишди. Шўрлик куни кеча заррин тахтда, бошига олтин тож қўйиб, бутун Хоразм мулкини бошқариб турганди. Дунёга донғи кетган, олиму фузалолар ҳузурда савлат тўкиб илм-маърифатдан сабоқ берган буюк шоҳ шу топда хасдан ҳам хор, чумолидек хокисор бўлиб қолган. Энди унга нажот йўли йўқ, одамлар уни тушунишмайди, ҳатто ишташмайдилар тушунишни. Куни кеча шоҳнинг қўлларини ўпиб, оёқларига йиқилиб, ҳар бир сўзини маъқуллаб турган унинг энг яқин кишилари, ишонган тоғлари шу топда қатл майдонида, ўз жонларини сақлаб қолиш учун сукут сақлаб, томошабин бўлиб туришарди. Баъзиларининг қўлларида тош, шоҳнинг муборак бошини ёришга ҳам тайёрдек.

Илм-маърифат ҳомийси Шоҳ Маъмун ҳали навқирон йигит, энди ўттиз икки ёшга қадам қўйган. Шул аснода унинг паҳлавондек қадди-басти кичкинагина бўлиб қолгандай эди. Дийдалари юмук, уни кузатиб турган минглаб ғазабли кўзларга қарашдан ожиз. Лаблари пичирлаб, тинмай калима келтирар, Оллоҳга ҳамду санолар айтар эди.

— Сангсор қилинсин!

Оломон ичида турган бир сипохсолар кўлидаги катта тошни шоҳга отган эди, келиб Маъмуннинг кўкрагига урилди. Шоҳ букчайиб қолди, афтидан, зарб билан отилган тош унинг кўкрак қафасига қаттиқ урилганди. Энди тошлар ҳар тарафдан отилар, бири шоҳнинг қўлига, оёғига, бошига келиб тегарди. Маъмуннинг юз-кўзлари қонга беланди, хушидан кетиб, турган жойида калласи бир ёққа қийшайиб, ҳаётдан кўз юмди...

Фожиалар шундан кейин яна бошқачасига тус олиб кетди.

Авжи қирқ кунлик саратон, жазирама иссиқ. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг кўп минг кишилик лашкарлари Хоразм мулкига бостириб кирди. Ўлка жанубидаги саҳрода бўлган қаттиқ жангда Хоразм лашкарлари бутунлай тор-мор этилди. Шоҳ Маъмунга хиёнат қилган фитначи кўзғолончилар бошлиқларининг барчаси ҳибсга олиниб, Хоразмшоҳ салтанати ағдариб ташланганлиги эълон қилинди. Хоразм тахтига турк қавмидан бўлган Маҳмуд Ғазнавийнинг содиқ амалдорларидан бири Олтунтош шоҳ этиб тайинланиб, Хоразм Ғазна салтанатининг вилоятларидан бири деб эълон қилинди.

Шу тахлит Хоразм мусаллам этилди. Гуллаб-яшнаб турган илм-маърифат маскани «Мажлиси уламо»нинг ҳам тагига сув кетди. Академия олимлари Ғазнага жўнатилди.

Фақат Абу Али ибн Синогина ўз устози Абу Саҳл Масихий билан Эронзамин шаҳарларига йўл олди.

## **ИККИ БАЙТ**

Ҳамиша қайноқ ва нотинч шаҳри азим Ғазнанинг серқатнов кўчалари. Одамлар гавжум. Қарасангиз бир ёқда оғир юк кўтариб олган ҳаммоллар, бир ёқда туя қарвонлари, от-эшак миниб бозор томон кетаётган бой-боёнлар, савдо аҳли.

Соч-соқоллари ўсиб кетган, елкасида мешкоб кўта-

риб олган сув сотувчи иссиқда хориб чанқаганларга обихаёт улашади.

Елкасига хуржун осган, бошида кўк салла, кийимлари юпун, ўрта бўйли, озғингина ўрта ёшлардаги киши мешкобчидан бир коса муздаккина сувни олиб, симириб ичди-да, «Худога шукур» деб мўйловини энги билан артиб қўйди ва:

— Фазна ҳукмдорининг саройи қай томонда? — деб сўради ундан.

Мешкобчи Султон саройини суриштираётган кишига истехзоли қараб:

— Бозордан ўтиб, ҳўв анави юқорига қараб кетадиган катта кўчадан тўппа-тўғри Султон саройига борасиз! — деди.

Фазна салтанати ҳукмдорини суриштираётган бу одам туслик шоир Абул Қосим Фирдавсий эди.

Фирдавсий қандай қилиб бўлса ҳам ўша кезлари кун сайин кудратли давлатга айланиб бораётган Фазнавийлар салтанатида хизмат этиб, ижод майдонига чиқиш орзуси билан яшар эди. Йўқчилик, юпун ҳаёт жонидан ўтиб кетган. Зеро, ёзган шеърларини ким ҳам ўқийди дейсиз. Тус кичкинагина, кишлоксимон шаҳарча бўлса. Боз устига Омил вилояти ҳокими халққа кўп зуғум ўтказар, Фирдавсийга турли йўллар билан тихирликлар қилар, шоирни қўярда-қўймай ўзи, оиласи ҳақида шеър, қасидалар битишини истар эди. Шу боис фақирлик жонига тегиб кетган шоир катта умидлар билан хурмат ва нажот истаб Фазна шаҳри томон йўл олган эди. Султон Маҳмуд саройида иқтидорли шоиру алломаларга ҳар жиҳатдан эътибор яхши, унда шоирлар анжумани йиғилган деб эшитгани бор. Шу боис «Зора, мен ҳам ҳукмдорнинг эътиборига тушсам», деган ниятда шеърлар, қитъа ва қасидалар битиб, қандай қилиб бўлса ҳам саройдаги шоирлар мажлисига қатнашувга йўл ахтариб, шу томонларга келаберган. Аммо унга саройга йўл бўлсин!

Фирдавсий сарой олдига келиб, «Бу олий даргоҳга қандай қилиб кирсам», деб ҳайрон турган эди, иттифоқо бир бойвачча йигитни сарой олдида учратиб, у отдан тушиши билан чопиб олдига борди-да, чакқон-

лик билан хуржунларини кўтариб олди. Бойвачча ҳам танги йигит экан, Фирдавсийга минг бор миннатдорчиликлар билдириб, бир дирхам беришни ҳам унутмади. Йигит девон эшиги олдида: «Хуржунимга қараб туринг», деб ичкарига кириб кетди-ю, бир оздан кейин яна қайтиб нарсаларини шоир Унсурийнинг хизматкорига тутқазди. Шундай имкониятдан фойдаланиб, Фирдавсий ҳам халиги хизматкор билан нарсаларни кўтаришиб, Унсурий хонасига кириб олди, ўтирганларга салом бериб, бир чеккага чўккалади.

— Хой киши, нечун бемаврид, бесўроқ девонга кирдинг? — деди Ҳасан Унсурий.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, жаноб! Сизни орқа қилиб, халиги танишим бойвачча йигит билан девонга кирган эрдим, — бир оз ёлғон сўзлаганидан ўзи хижолатда эди шоир.

— У сенга ким бўлурки, анга эргашибдурсан?

— Унинг хизматларини ўтаб юрур эрдим, сизни бир кўриш иштиёқида эканлигимни унга айтиб эрдим, «Мен билан юргил, сени уларнинг мажлисига олиб борурмен», деб етаклаб келаберди». Ёлғон сўзлаганидан ранги қизариб кетди, ҳа, у ўз ҳаётида биринчи бор шундай ёлғончилик қилиши эди.

— Эй биродар, шуаро мажлисига шоирдан бошқа киши сизмайду, — деди қалам тебратиб ўтирган шоир Фаррухий унга ер остидан қараб.

Шунда Фирдавсийга бир оз жон кириб деди:

— Бу бандаи мўминда ҳам бу фанда андак шуруъ бор турур, — деди ийманибгина.

Асжадий ҳам, Фаррухий ҳам бир-бирларига маъноли қараб кўйишди.

— Ажабо, чувринди саҳройи бу билан нима демокчи? Шоирлик даъво қилаётганга ўхшайду. Ўзи ҳам анча айёрроқ кўринур. Қарашлари теран, гаплари пишик, билиб-билиб сўзлар, — деди Асжадий.

Фирдавсий бўлса ўнғайсиз бир ахволда. Унга савол берган Фаррухийга ер остидан қараб кўйди. Кийиниши шоҳона, қарашлари теран. Юзидан нур томиб турарди. Асжадий бўлса анча соддароқ. Ҳаммадан ҳам Ҳасан Унсурий кўзига бошқачароқ кўринди.

Тийран, ширин тил, ўтирганларнинг барчаси унга му-тедек. Афтидан, сарой шоирлари даврасида Ҳасан Ун-сурий энг эътиборли, подшоҳга яқинлиги ҳам борлиги сезилиб турарди. Хонада яна бир неча шоирлар ҳам бор эдики, Фирдавсий уларни танитайди. Ҳа, улар сарой шоирлари, бу бўлса ғариб, нотавон, юпун, қиш-лоқи бир деҳқон. Уларнинг кўзлари Фирдавсийга ти-килган, гўё еб қўядигандек.

Шунда Унсурий деҳқон шоирни имтиҳон қилмоқ мақсадида бир мисра айтди:

— **Чун орази ту моҳ набошад равшан**, яъни (Ора-зингдек чарх аро бир мохитобон кўрмадим), қани, шоир, бунга не деурсиз?

Фирдавсийнинг хаёллари тўзғиган, гўё фикрлари чуваллашиб кетгандай. Шунда юқорида савлат тўкиб ўтирган Асжадий қўшимча қилди:

— **Монандайи рўйхати гул набувад дар гулшан**, яъни (Гул юзингдек бу чаманда очмоқда юз битта гул), Фаррухий деди:

— **Мужгонат гузар ҳаме кунад аз жавшан**, яъни (Мужгонларинг тивига жавшан ҳам бардош этмас).

Энди ҳаммалари Фирдавсийга қараб туришди: «Қани, бу қишлоқи шоир гап топиб берармикан?» дегандай.

Фирдавсийнинг бу борада унчалик тажрибаси йўқ. Подшоҳ саройидаги қилни қирққа ёрадиган, кўпинча бекор ўтириб ёки шоҳона базм кечаларида назм ай-тишда мусоҳаба қилаверишда пишиб кетган шоирларга сўз топиб бериши осон эмас-ку. Деҳқон шоир шу аснода девон шоирлари тан берадиган бир сўз айтиши керак! Бўлмаса иш тамом, саройдан чорифингни суд-раб чиқиб кетавер. Энди, ҳамма гап шунда. Тақдири ё уёғлик, ё буёғлик бўлади. Шунда шоирнинг илҳом булоқлари қайнаб кетгандай бўлиб, унга тикилиб тур-ган синовчан кўзларга қараб деди:

— **Монанди синони Кай дар жанги Пашан**, яъни (Пашан жанги чоғида гўё Кай найзасидек).

Ўтирганлар камтарин, юпун кийинган рустойи шоирга қойил қолгандек бир-бирларига қараб қўйди-лар.

Устоз Унсурий Фирдавсийга деди:

— Зебо қилиб айтдинг, магар сенга салтанатлар тарихидан воқиғлик бор турур!

Шунда Фирдавсийга бир оз жон кириб, хурсанд бўлиб деди:

— Камина ҳам баҳоли қудрат оз-моз қалам тебрати турурмен.

— Қайси мавзуларда? — деди Дақиқий қизиқиб.

— Бале, янаким Ажам подшоҳларининг тарихи менга ҳамроҳ турур. Аларни кўп мутолаа қилганмен. Шул борада андак битканларим ҳам бордур...

Шоирлар бир-бирларига қараб, яна кўз уриштириб қўйишди: «Бу дехқон шоирда бирор сир борга ўхшайдур!» дегандек.

Бир оз суҳбатдан сўнг Унсурий ғазал мулкига дидиллик билан кириб келаётган бу шоирнинг суҳанворлик шеvasига қодир эканлигига ишонч ҳосил этди. Шундан сўнг саройнинг шу мажлисида ҳозир бўлган шоирлар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб, уни ўзларига ҳамсуҳбат этишни лозим топдилар. Энди буёғи Султоннинг кўлида, буни сарой малиқушшуаросигина ҳал эта олиши мумкин.

Сўнг Унсурий Фирдавсийга:

— Сиз шу ерда бир оз сабр билан кутиб туруринг! — деди-ю хонасидан чиқиб кетди.

Шоир ҳаяжонда, ўқтин-ўқтин қаршисида китоб мутолаа айлаб ўтирган Асжадий, Фаррухий, Дақиқий ва ўзи танимаган шоирларга қараб қўярди. Улар гўё бепарво, энди ўз ишлари билан машғул, шоир билан гўё ишлари ҳам йўқдек. Чунки масалани энди фақат Султон Маҳмуд Ғазнавийгина ҳал эта олади.

Кошки эди, кишилар тақдирини кўрсатадиган бир сеҳрли ойнаи жаҳон бўлса-ю, шу аснода, шу хонада келажакда бутун жаҳонга машҳур бўлиб кетадиган «Шоҳнома»дек тенгсиз асарнинг муаллифи ўтирганлигини уларга намойиш этиб, кўрсатиб қўйса. Шу олдий, соддагина қишлоқи киши вақти келиб тақдир тақозоси билан шоирларнинг шоири, улуғларнинг улуғи бўлиб тарих саҳифаларида абадулабад қолиб кетишини кўз олдиларига келтира олсалар эди...

Фирдавсий сукутда. Ўзича хотиржамдек. Ҳа, шу дамда унинг тақдири ҳал бўлади: ё уёқлик, ё буёқлик! Султон раҳм-шафқат қиладими, ё бўлмаса ўз йўлига кетаверсин, бир рустойи хашаки деҳқон шоир олий даргоҳимизга келиб нима ҳам каромат кўрсатарди, деб ўйлармикин?

Бир неча дақиқа ўтгач Унсурий кирди, юзида илик табассум.

— Сизни Султон ҳазратлари шу дамнинг ўзидаёқ қабул этгайлар. Қани, изимдан юринг! — деди қатъийлик билан.

Асжадий билан Фаррухий: «Унсурийнинг ҳам қизик одатлари бор, уни тушуниб бўлмайди. Нима қиларди шу ҳали ёр шоирни Султонга рўбарў этиб», дегандай бир-бирлари билан кўз уриштириб қўйишди.

Султон ўзи ёлғиз эди. Ҳамиша ёнида камарбаста тургувчи вазир Абу Наср ҳам йўқ, қайгадир бирор юмуш ё топшириқ билан чиқиб кетган. Фақат шахсий соқчигина бир чеккада хушёр турар эди. Ҳукмдор бўлса анча яхши кайфиятда гулоб ичиб ўтирарди.

Фирдавсий ҳаяжонда. Ўз фикрлари, ақл-заковати доирасидан туриб адибларга хос ҳиссиёт билан ҳукмдорни кузатарди. Султоннинг чеҳраси анча хунук. Гўдаклигида чечак билан оғриган бўлса керак, юзлари чўтир. Аммо хунуклиги гўё ўзига ярашарди. Авжи куч-қувватга тўлган. Шижоатидан кўп ишларга қодир кўринар эди. Кўзлари ўткир, жуссаси ҳашаматли. Тоғни урса талқон қилгудай паҳлавон қоматли. Қарашлари қаттиқ, синовчан. Серзарда, золимлиги одиллигига нисбатан кўпроқ туюлди унга. Агар кўнглига ёқсанг, дилига ўтириб хуш кўриб қолса, сени осмонларга кўтариши мумкин. Агар ёқмасанг, кўнглингга озор беришдан қайтмас.

— Сен туслик бўлурсенму? — сўради Султон Маҳмуд шоирга тикилиб.

Фирдавсий жавоб ўрнига бошини эгиб «ҳа» дегандай бўлди.

Султонга аниқ-аниқ жавоб бермай, кўрқибми ё тортинибми забонсиз ўтирган шоирни подшоҳга маъқул қилмоқ учун энди уни қўллаб-қувватлаб юбориш пай-



ти келган эди. Унсурийнинг бу соҳада тажрибаси кўп, тагин иш бошқа томонга бурилиб, нозик табиат шоир подшоҳ Ҳазабига учрамасун, деган ниятда ётиғи билан гап бошлади:

— Олампадох, мени маъзур тутгайсиз. Агар рози бўлсангиз сўйлай. Бул шоир асли Тусдан турур. Исми шарифи Ҳасан ибн Исҳоқ ибн Шарафшоҳ эрур. Туснинг саҳросида коризи ва чаҳорбоғи бордур. Отаси билан бирга шу чорбоғни обод айлаб, ширин-шакар мевалар, сабзавотлар етиштирармиш. Шу обод ва кўркам боғ эл-юрт назарига тушмиш. Чорбоғни аҳли жамоа шу боис Фирдавс деб атамишлар. Бул шоир беҳад ширинзабон эркан. Кўркам назаллар, қасидалар битмиш. Бу ишлари ҳам ўша ерликларга ёқиб, унга Фирдавсий куныси бермишлар. Шундан бери уни Фирдавсий деб улуғлар эканлар. Яна бир махфий ўзингизга айтиб хабардор этиб қўядиган сўз шундаки, Омил ҳокими кўп хулосахўр, не юмуш билан борсангиз, қўлингга қарайдиган инсон эркан. Бу ночор, захматкаш шоирга ҳам тинчлик бермас, ҳадеб ўзи, оиласи ҳақида шеър, қасида ёз деб ҳоли-жонига қўймас эмиш.

Султон юпун кийинган, бошидаги кўк дастори ҳам ҳадеб ювилавериб оқариб-сарғайиб кетган Фирдавсийга ер остидан синчковлик билан караб турди-да:

— Сенинг шохлар афсонаси ҳақида назм қилмоққа ҳадафинг бормиш? Бу ишни уҳда этурмисан? «Шохнома»ни назм қила олурмисан? — деди.

Фирдавсий Султонга куллуқ қилиб:

— Бале, иншооллох, — деди.

Шоирнинг сўзларида ҳарҳолда ўзига ишонч, қатъийлик бор эди.

Унсурий яна гапга аралашди:

— Онҳазрат, Фирдавсий бисёр хуштабъ, суханворликка қодир турур. Ишончим комилки, гумонимча, банда тарихи Ажамнинг уҳдасидин чиқа олур.

— Майли, андоқ бўлса, сен унга ишончинг комил эркан, уни саройимиз шоирлари даврасига олурсизлар, биз рози! — деди ҳукмдор.

Кейин ўйлаб туриб:

— Майли, «Шоҳнома»ни ёзсун. Биз бу вазифани унга ишониб топшируرمىз. Ҳар бир байти учун бир тилло мукофот берурмиз. Бу Султон Маҳмуд Ғазнавий сўзимдур! — деди подшоҳ.

Унсурий Фирдавсийга ишора қилиб деди:

— Куллуқ қил, Султонимиз сенга кўп меҳрибонлик кўрсаттилар.

Фирдавсий юрагидан ўт чиқиб кетгандай бўлди. Нима учундир икки қулоғи шанғиллаб, хаёллари бўлиниб, Султон Маҳмудга бир оз сўз демокқа ҳам, миннатдорчилик айтишга ҳам тили бормас, гўё шу топда ҳуши кетиб қоладигандай ҳолатда. Кейин қулоғига: «Эс-ҳушингни йиғиб ол, бўшашма! Ҳали синов тамом бўлгани йўқ!» деган садо келгандай туюлди.

Фирдавсий ўрнидан туриб, Султонга куллуқ қилди:

— Илоҳо, дунё тургунча туринг! Олампаҳо, менига қилган бу саховатингиз учун менидан қайтмаса Оллоҳдан қайтсун! Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсун! — деди.

Султон Маҳмуд Унсурийга юзланиб деди:

— Майли, энди шу аснода менинг мадҳимга бир байт десун! — деди шоирга тикилиб.

Қийин бир вазият. Энди шу дамда шоирнинг тақдири бутунлай ҳал бўлади. Иншооллоҳ, бахти чопай-чопай деб турибди. Ё бўлмаса аксинча. Бирор сўз топиб беролмаса, шу даргоҳдан ноумид бўлиб, қуруқ қўл билан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Аммо шоир ўз кучига, ақл-заковатига, назм мушоирасида ҳеч кимга сўз бермаслигини сезиб турибди, ҳа, у ўзига ишонади.

Фирдавсий қўлини кўксига қўйиб, ҳукмдорга таъзим тавозеъ айлаб туриб: **«Чу кўдак лаб аз шири модар, Ба гуҳвора Маҳмуд жўяд нахуст»**, яъни «Гўдак она кўкрагидан ажралган ҳамон, Биринчи айтар сўзи Маҳмуд эрур».

Султон Маҳмуд тахтдан туриб кетди. Ранглари қизариб, «бале, бале» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир дақиқа ичида тўкилган бир байт шеър унга жуда ҳам ёқиб тушган эди. Шу пайтга қадар уни улуғлаб, мақтаб ёзилган мадҳиялар, қасидалар

жуда ҳам кўп. Лекин унинг сиймосини улуглаб, шу оддийгина икки сатрли деҳқонча сўз билан, ҳали тили чиқмаган гўдак қалбининг нидосини шу шаклда бера олиши ва шоирнинг топағонлиги подшоҳни хайратга солди. Хурсанд бўлиб кетганидан Унсурийга деди:

— Ўйлайманки, шу шоир «Шоҳнома»ни назм этиб, қиёмига етказгай. Анга бўстони хоснинг саройидан яшамок учун бир ҳужра ва маскан беринглар. Шоҳона маош муқаррар айланглар.

Султон Маҳмуд шу дамнинг ўзидаёқ барча масалаю муддатларни белгилаб, Фирдавсийга кўп эътибор кўрсатди.

## **ОЙНИНГ ЯРМИ ЁРУФ, ЯРМИ ҚОРОНҒУ**

Ғазнавийлар салтанатида ўзга бир ажиб гўзал бир мамлакат ҳам бор: бу шоирлар, ғазалхонлар, қиссахонлар, олимлар, фозиллар гулшани. Уларнинг ҳар бири бир дунё, тўғриси, маърифий олам. Шарқ дунёси гулшанларида етилган нозик ақл соҳиблари, сўзи кескир донишмандлар, инжа таъб қалам соҳиблари, барча-барчаси бунда жамулжам. Кўркам, чиройли мажлис тузиб, Маҳкамаий девони давлатга маънавий салоҳият, тароват бахш этган эдилар.

Султон Маҳмуд давлати паноҳида уй-жой, туриш-турмуш, маош оладилар, хуллас, Ғазнавийлар давлатида барча шароитлар яратилган аҳли маърифат учун.

Шоирлар мажлисининг бошида сухангўйлик ҳунари соҳиби, шоири замон ширинсўз Ҳасан ибн Аҳмад ал-Унсурий, сарой малиқушшуароси ўлтирур. Унсурий ҳақиқатдан ҳам шу гўзаллик гулшанида ноёб гул, қалам аҳли сардори эди.

Унсурий Султон Маҳмуд учун ҳам, шахзода Масъуд учун ҳам умр бўйи садоқат билан хизмат қилди. Салтанат даргоҳида нафақат шоир, балки етук давлат арбоби бўлиб камол топди. Адабий мероси тенгсиз уммонга ўхшайди, ўттиз минг байтдан иборат девони элларга машхур ва манзур бўлди.

Унсурий битган қасидалари мадҳиянинг энг олий намунаси эрди. Шеърятда бадий тасвир кучли, маъноси ҳам ранг-баранг. Мисраларида эса нозик ифодалар жозибали тасвирланган эдики, бу фақат унинг услубигагина хослигини кейинги авлод шоирлар ва олимлар ҳам тан олади.

Унсурийнинг «Шодбахр ва Айнулҳаёт», «Хингбут ва Сурхбут», «Вомиқ ва Узро» ва бошқа дostonлари ҳам эл-юртга машҳур бўлди. Султон Маҳмуд шоирнинг ана шу дostonлари учун «Хизонайи Яминуддавла», яъни «Маҳмуднинг хазинаси» деган мартаба бағишлаган эди.

Шеърят салтанатининг яна бир қалам соҳиби Али ибн Жулуғ ал-Фаррухий аслида чағониёнлик ширинсухан шоир, табиат, гўзаллик шайдоси, кўркем табиатни мадҳ этувчи гўзал қасидалари билан шуҳрат қозонган, ғазаллари, рубойлари фақат ўз забонига, ўз қалбига хос оҳангга эга. Айниқса, «Султон Маҳмуд мотами» қасидаси бетакрор бадий асар сифатида кейинчалик Шарқ оламига машҳур бўлиб кетади.

Шоирлар даврасида замоннинг олд шоирларидан Асжадий, Манучехрий, Аторудий, Лабибий, Маҳжурий, Масъудий, Зийнатий, Мансурий... Барчаси ўша даврнинг донгдор, элга манзур назм ва наср соҳиблари эди.

Энди ушбу шоирлар гулшанига яна бир нодир ва ноёб истеъдод соҳиби, тенгсиз, ширинзабон, замонанинг етук ақл эгаларидан тагин бири Абул Қосим Фирдавсий келиб қўшилди.

Оллоҳ унга шундай ноёб калом инъом этганки, ҳақ гапни десак, сўз билан ифодалаб бўлмас.

Шоирга эътибор билан қараб турсангиз, жуссаси кичкинагина бўлса ҳам, кўриниши улугвор, юзлари нурли, пешонасидан ақл зиёси ёғиб тургандай туюлади.

Фирдавсий шоирлар даврасига келиб қўшилишидан кейин адиблар мажлисининг обрў-эътибори яна ҳам кўтарилди, донғи оламга таралди.

Шоир учун алоҳида ҳужра, ўзига ярашиқлик зарур анжомлар, кўрпа-болиш, идиш-товоқ деганларидек ажратилди. Бу ишларга сарой маликушшароси Ҳасан Унсурийнинг ўзи нозирлик қилган эди.

Фирдавсийга берилган ҳужра бошқаларникига нисбатан анча кенгрок, китоблар учун тоқчалар, ишлаш учун чиройлик хонтахта, қалам-қоғоз дейсизми, шоир учун не зарур бўлса, барчаси муҳайё этилган. Тоқчаларда Куръони каримнинг Макка, Мадина, Қоҳира, Бағдодда кўчирилган нусхалари, ислом алломалари жамлаган ҳадис китоблари.

«Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув» деганларидек, шоир учун бундай ибратли имконият ҳар нарсадан ҳам афзал ва беминнат бир шароит эди.

Энди хотиржам, бемалол, анчадан бери ўйлаб, режалаштириб, баъзан ўз имконияти даражасида ёзиб юрган муаззам асари устида ишлаш пайти келган эди.

Шоирлар даврасида ҳам Фирдавсий учун алоҳида жой шоири замон Абу Мансур Дақиқийнинг ёнгинасида. Бир томонида эса шоир Абул Ҳасан Фаррухий ўтирарди.

Шоирлар мажлисидагилар барчаси иззат-икромда десак хато бўлмас. Ўриндикларга атласу баҳмал кўрпачалар тўшалган, парку болишлар қўйилган, хонтахталар оёқлари ҳам моҳир усталар томонидан қойиллатиб жимжимадор ишланган эди.

Биринчи куни шоир ўзига ажратилган ўриндиққа чиқиб ўтирганда, барчанинг нигоҳи ҳам, эътибори ҳам Фирдавсийда бўлди. Бировлар ҳурмат юзасидан, бошқалар фарзгўйлик билан қараши сезилиб турарди. Айримлар эса: «Тағин бир шоир сафимизга қўшилибди-да», деб қўя қолишди.

Фирдавсийга шоирлар даврасидан ўрин берилганлиги сарой аҳли ўртасида ҳам анча шов-шувга сабаб бўлди.

Фирдавсий «Шоҳнома» ёзиб берурмен, деб Султон Маҳмудга ваъда айлабдур, энди аввалдан «Шоҳнома» ёзаман деб юрганларнинг ҳолига вой, хуллас, шунақанги турли-туман гап-сўзлар.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Фирдавсий шоирлар мажлисига қабул этилгандан кейин обрў-эътибори яна ҳам ошиб кетди. Маҳкамаи девондаги ёш шоирлар шоирнинг бадиият санъатлари соҳасидаги заковатини, айниқса қадимий тарихни пухта билишини фаҳмлаб етдилар.

Хавасманд қаламкашлар шоир теварагида гирди-капалак, ҳатто унинг ҳужрасига ҳам кириб, ўзлари ёзган янги ғазал ёки қасидаларини шоирга бериб, маслаҳатини олишга интилар эди. Унсурий, Дақиқий ва бошқа атоқли устозларнинг шогирдлари ҳам баъзан Фирдавсийга маслаҳат билан кирадиган пайтлари ҳам бўлди.

Фирдавсийнинг бағри кенг, баъзи сарой шоирларига ўхшаб манманлиги йўқ, камтарин инсон, ундан маслаҳат сўраб ҳузурига кирганлардан бирортасини ҳам кўнглини кўтармай чиқариб юбормайди. Баъзи шоир йигитларнинг битган ашъори ёқиб қолса, уёқ-буёғини кўриб, айрим ибора, сўзлар, қофияларини, истиора-ю ўхшатишларини ўзгартириб тузатиб бераверади. Ёшлар бўлса, унинг тузатишларини, тахририни тепасида туриб, синчковлик билан кузатиб боради.

Дақиқий хайратомуз истеъдод соҳиби, шоирлар даврасида унинг ҳам обрў-эътибори анча баланд, дилбар ғазал ва қасидалари билан эл ичра машҳур ва маълум эди.

Султон Маҳмуд Ғазнавий «Боғи Фируз»да дам олган дамларида бир куни Дақиқийга «Шоҳнома»ни сен эплашинг мумкин», деб кўпчилик алломалар гувоҳлигида тантанавор вазифа юклаган эди.

Шоир ўша дамларда «Гуштасп ва Аржасп» дostonни устида ишлаётганлиги учун «Шоҳнома»дек буюк дostonни ёзиш имкониятига эга эмасди, албатта. Кейин Фирдавсий пайдо бўлди-ю, Султон Маҳмуд Абул Қосим Фирдавсийга тўсатдан «Шоҳнома» ёзишни топшириб юборгач, ўзи сездирмаганда ҳам, шоирнинг иззат нафсига тегди.

Шу туфайли биринчидан, у Султоннинг гапини икки қилди, боз устига сезиларли моддий рағбатдан ҳам маҳрум бўлиб қолди.

Фирдавсий шоирлар даврасига кириб, ўзига белгиланган мўътабар жойда ўтирганда Дақикий кўз қири билан унга қараб қўяр, ғимирлаган ҳасад қалбини эзар, гўё зироаткор шоир «Шоҳнома»ни шу дамдан бошлаб ёзаётгандек туюларди бояқишга. Дақикий ичидан тутақиб, хўрсиниб қўяр, жаҳл чикқанда ақл кетади, деганларидек, шоир не хаёлларга бормади, дейсиз.

Бир куни Фирдавсий Султон қабулхонасига бир сабаб билан бориб қолган эди, Дақикий подшоҳ хузурига кирмоқ истаб ўтирган экан. Салом бериб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, шоир бунга йўл қўймай ёнидаги бўш жойга чўкди. Шунда Дақикий:

— Сиз мендан хафамисиз? — деб сўраб қолди.

— Нечун бундай хаёлларга бордингиз? — деди Фирдавсий хайрон бўлиб.

— Саломимга алик ҳам олмадингиз?!

— Паришон хаёлда эрдим, мени кечиргайсиз!

Фурсатдан фойдаланиб, Фирдавсий ўртани очиқ қилиб олиш вақти етди дегандай гап ташлади:

— Эшитдим, «Шоҳнома»ни подшоҳимиз сизга топширган эканлар, нечун ёзмадингиз?

— Сиз олиб қўйдингиз-ку уни мендан! — деди бир оз қизишиб Дақикий.

— Ҳар бир шоирнинг ўз йўли, дунёга қараши бор. Мен «Шоҳномаи Мансур»ни ҳам ўқиган эдим. Бухоро амирлари уни назмга кўчиришни сизга топширганларидан ҳам вокифдурмен.

— Ҳа, шундоқ, ҳаммасини яхши билур эркансиз! Тўғриси, имкониятим бўлмади ўшанда.

— Шундай денг?! — деди Фирдавсий, кейин бир оз ўйлаб турди-да: — Келинг, майли, шоҳлар китобини сиз ҳам ёзаберинг, хоҳласангиз мушоира қилишайлик. Чин сўзим бу, зотан, пировардида қўшалок «Шоҳнома» яратилиб қолмай. Сизнинг ўз йўлингиз бор. Меники эса сал бошқачароқ. Шу бахона назм мулки шоҳлар ҳақидаги икки китоб билан зийнатлангай.

Дақикий «ха» ҳам, «йўқ» ҳам демади, бир дамлик

сукутдан сўнг: «Сизнинг панжангизга панжа урмоқ мен учун мушкулдур», деб бир оз кулимсираб қўйди.

Шу топда Дақиқийни Султон хузурига чорлади-лар.

Ўша кеча Фирдавсий хужрасида тонг отгунча шам ўчмади.

Қўлида қалам, тилида калом, хаёллари тўзгиган. Тафаккури кўзгусида кўхна тарихнинг қадимдан-қадим замонларда яшаган, оламга машҳур шоҳлар, подшоҳлар, амирлар, эл суйган қаҳрамонлар, Рустам паҳлавон ёзмоқ бўлиб дилига тугиб қўйган севимли қаҳрамони, сўнг Сухроб, Каюмарс, Жамшид, Захҳок, Судароба, Сиёвуш, Афросиёб... Шоир улар сиймосини яратиш хусусида ўйлар, хужранинг уёқ-буёғига юриб, дoston сатрларини тўқир эди. Ўзи ҳам қаҳрамонлари бўлиб сўзланади, гўё бошпанасиз қолган мусофирдек тақдирлардан тақдирларга, воқеалардан воқеаларга, ривоятлардан афсоналарга саёҳат қилади, ҳар бир эшикдан илҳом фариштасини излайди, тарих эшигини қоқади.

«Шоҳнома»ни китоб қилиб чиқса, тахминан юздан ортиқ дostonдан иборат бўлиши мумкинлигини чамалади.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»ни аллақачон ипидан игнасигача синчковлаб ўрганиб чиққан.

«Авесто» муаллифи пайғамбар Зардушт Шарқ оламининг биринчи файласуфи, нотик, шоир, донишманд алломаси бўлган. Қарама-қарши кучлар — Ёруғлик билан Зулмат, Кеча билан Кундуз, Эзгулик ва Ёвузлик, табиатдаги қарама-қарши йўналишларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти ҳақидаги фалсафий ҳақиқат «Авесто»да ўз ифодасини топган эди. «Нимадан бошлай, кимлар ҳақда сўйлай, қадим тарих саҳифаларини варақлаб, назим сатрларини битсам дейман ақлим-тафаккурим етгунга қадар.»

Фирдавсий тун ярмида хужра эшигини очиб ташкарига чиқди. Ҳаво очиқ, мусаффо, ҳов анави осмон тагига ботиб кетаётган чақалоқ ойга — ҳилолга



кўзи тушди. Кўкнинг ўроғи осмон гумбазига бемалол ёнбошлаб олибдур гўё бутун қаққашон унга колгандай. Рост, ўзига тинч, роҳат-фароғат, элгаюртга бўлса нотинчлик. Бунинг учун ойни гуноҳкор этиб бўлмас, албатта. Ахир, у шўрликда не айб? Ўзига қолса ҳеч кимга жабр этишни истамайди-ку?! Табиатнинг азалий қонунияти шундай — ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғу. Дарвоқе, ҳаёт ҳам шундай. Кунларнинг ҳам қонунияти шундай: ярми ёруғ кун, ярми сокин тун. Дунё шундай бунёд этилган, худди рисоладагидек. Ана шу қонуният бузилгудек бўлса, издан чиқса, ўша куни дунё остин-устин бўлиб кетгусидур.

Фирдавсийнинг фикрлари жўшқин, сокинлик кўйнида қўйилиб келмоқда, гўё дунё қонуниятларининг тағ-тубига етадигандай.

Тонг арафасида осмон узра чамандек сочилиб етган нуқрадек тиниқ юлдузлар эса кундуз тафтини сезиб, тобора хиралашиб бормоқда.

Шоир ҳужрасига қайтиб кирди. Анчадан бери ёнаётган шам тугаб сўнглашиб қолибди, у ҳам табиат қонуниятига бўйсунган, кундуз олдида ҳеч кераксиз бир нарсага айланиб қолаётгандай.

Фирдавсий шамни ўчирди. «Шохнома»ни қандай бошласун?

Кўрпачага чўкди, қўлидаги қалам бўм-бўш саҳифалар билан тиллашмакка шайланди. «Ақл васфида бир неча сўз», деб сарлавҳа қўйди:

*Букун, эй хирадманд, сўзни аввалдан  
Бошлайлик ақлнинг мақтови билан.*

*Ақл тўғрисида не билсанг гапир,  
Қизиққанни этма кўпам мунтазир.*

*Худо неъматларин олийси идрок,  
Ақлни васф этар кимки дили пок.*

*Ақл бир тирик жон, билмайди завол,  
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.*

*Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,  
Ҳар икки оламда ақлли обод.*

*Ақлдан гамгинлик, шодлик, ўктамлик,  
Ақлдан борлиғу йўқлиғу камлик...*

Ана шу дебоча буюк, тенгсиз, бўлажак асар «Шоҳнома»нинг илк сатрлари эди.

Тонг қушлари наво айлади янги кун туғилди деб.

Табиатда уйғониш, қоронғилик ҳам ўз мақомини ойдинликка бўшатиб берди.

Бошланажак ёруғ кун инсонларга яна нималарнидир тухфа этадир, кимдир дунёга келадир, кимдир у билан видолашадир, узлатга кетадир...

Фирдавсий чарчагандай, озгина мизғиб олмоқчи бўлди. Кўзига уйқу тикилиб, мияси бир зум фикрлашдан тўхтаган эди.

Сўнгра уйқу қурғур уни аллақайларга олиб кетди...

Хужрага кимдир кирди, сезиб, эшитиб турибди, аммо кўзини оча олмайди.

Нотаниш киши, афтидан, боладек уйқуга кетган шоир ҳолатини сизди шекилли, қўлидаги нарсаларини секин-аста бир чеккага қўйиб, «тағин уйғотиб юбормай» дегандек шарпадек сокин хонтахта чеккасидаги кўрпачага ўтирди.

Фирдавсийнинг кўзи уйқуда, бироқ фикри тағин жонланди, кимдир шу хонада нафас олаётгани унга аниқ-тиниқ эшитилиб турибди. Ҳарҳолда, ким бўлса ҳам ўзига яқин, сизди, шоирни уйғотиб юбормай деб эҳтиётлик билан оёқ учида ҳаракат қилмоқда.

Шоир ўзини комига тортган уйқусини зўрлик билан қочирди-ю, ўрнидан турди. Қаршисида севимли қизи Манижа ўтирибди, отасига меҳр билан термулиб:

— Манижа, жон қизим! Юрагимнинг бир пораси! Қайдин келиб қолдинг? Хайрият, ўзинг бор экансан мендек бир ғарибни йўқлаб келадиган.

Фарзандини бағрига босди. Қизи бўлса хўнгиллаб йиғлар, кўз ёшлари шашқатор бўлиб юзларини ювар, отасининг соқолларини силаб, юзларидан ўпар эди:

— Отажоним, меҳрибоним! Жудаям соғиниб кетдим-ку сизни! Эртаю кеч хавотирдамен, сўнгги кунларда тушларимдан чикмай қолдингиз! Гоҳо-гоҳо кўрқиб, юрагим орқамга тортиб кетади!.. Ахир, сиз аждаҳо комида тургандай хавф-хатар чангалидасиз-ку, отажон?!

— Йўк, қизим, ундай дема!.. Дарвоқе, «Девор муш дорад, муш гўш дорад», демишлар! Буни эсингдан чиқарма асло.

— Кечиринг, нима қилай, алоқ-чалок тушлар кўравергач, нима бўлса бўлди-да деб келабердим.

— Шунча йўлдан озор чекиб келибсан! Бирор отулов топдингми?

— Қўшнимиз такачи Абдулланинг эшак аравасини сўраб олдим, ҳақини берармен дедим. Ҳартугул, бахтимга шу ёққа келаётган карвон чикиб қолди. Ўшаларга қўшилиб келавердим.

— Арава қайда?

— Ҳаммомчининг уйига қолдириб келдим, эски боғбонимиз Исматулла маслаҳат берди, тўғри ҳаммомчиникига борабер деб.

— Хўп қилибсан-да! Кўп азият чекибсан-да! Ахир, Тус билан Ғазна ораси озмунча йўлми?.. Майли, ўзим ҳам жуда соғиниб эрдим, — деди шоир қизига ийиб, кейин, негадир кўзларига ёш қалқди...

Манижа анча ўзини олдириб қўйган, ранглари кетиб, кўзлари киртайиб қолибди. Сочларининг оқлари кўпайган. Чаккалари ич-ичига кириб кетгандай туйилди отасига. Юпун кийинган, оёғида эски чорик, устидаги ёпинчиғи ҳам ювилабериб-ювилавериб эскириб кетган.

— Мени бу ерда яхши кутиб олишди, хавотир олма. Мана, кўриб турибсан, барча нарса муҳайё. Лекин ҳали қиладурғон зарур ишларим бор. Икки-уч ойдан сўнг Тусга жўнайман. Кейин яна катта сафарга кетишим зарур. Худо хоҳласа, ҳали яхши кунлар келади. Сизлар кўрган кунни ҳеч ким кўрмайди. Ҳа, қизгинам, ҳамма ишлар жойида бўлади, бунга иймоним комил эрур.

— Вой, эсим курсин, сизга совға-саломлар келтирган эдим, — деди-да Манижа бир чеккада турган, анча эскиб кетган тўрва-халталарни келтирди. Кейин отасининг қўлёмаларини, сиёҳ-қаламларини бир чеккага олиб, келтирган емакларни хонтахта устига қўя бошлади:

— Мана, бу кувачадаги сариёғ. Бу халтадагиси сиз ёқтирган зогора нон, қовоқ сомса! Мана бу сочикқа ўралган қатлама, ўз қўлим билан тайёрлаганмен. Мана бу сузма, пишлоқ! Мана бу халтадаги эса қурут, кечалари ишлаганингизда шимиб ўтирасиз.

Фирдавсий қизи келтирган нарсаларга қараб, ўзининг кадрдон қишлоғи, раҳматли отаси-онаси кўз ўнгида намоён бўлди. Шўрлик қизи шундан шунгача олиб келган нарсалар болалиқдан севиб, ардоқлаб тановул этган она сутидек кадрдон неъматлар эди. Тағин кўзида ёш кўринди, қизига сездирмай енги билан артиб қўйди.

— Менга қара, қизим, шунча нарсани нима қилиб овора бўлиб кўтариб юрибсан! Ахир, мен подшоҳ даргоҳидамен-ку? Еганим олдимда, емаганим ортимда! Хукмдоримиз дастурхонидаги нарсалар ҳам бизга насиб этади, агар билсанг.

— Мана, бу қурут, пишлоқ, сузма эскимайди. Совуқроқ жойга қўйинг, қолганларини дўсту биродарларингиз билан баҳам кўрурсиз, — деди қизи.

Эртадан бери отаси атрофида парвона бўлиб зорланаётган кийим-боши анча юпун қизининг меҳр-оқибати шоир юрагини эзар, кўзи ёшга тўлар, кейин унга сездирмай артиб қўяр эди.

— Майли, қизим, сен айтқонча бўлақолсин. Кўп куйинаберма, энди мен билан юр, сени Ғазна бозорига олиб борурмен! Ўзингга, болаларингга совға-салом дегандай...

Фирдавсий қизини бошлаб сарой дарвозасидан чиқаётганда сўради:

— Сени саройга индамай қўйиб юбордиларми?

— Дарвоза ёнида бир йигит турган экан, мен унга отамни кўргани келдим, деган эдим, «Отанг ким?» деб сўраб қолди. «Отажоним шоир Абул Қосим Фирдавсий» деган эдим, мени бошлаб, ўзи нарсаларимни

кўтариб хужрангиз эшигига қадар олиб келиб, қўйиб кетди.

Фирдавсий қизини бошлаб Ғазна бозорига етаклади. Эгнига чиройли қўйлак, шоҳи рўмол, оёғига пойабзал, тагин болаларига майда-чуйда олиб берди. Кейин бир аравани қира қилиб, Фозил ҳаммомчининг уйига қадар элтиб қўйди.

— Мана, бу сенга, қизим, — деб ёнидан тилло тангалар солинган ҳамённи узатди, бу унинг Султониятдан оладиган ойлик маоши эди. — Қани, энди янги олиб берган кийимларингни кийиб ол.

— Йўқ, отажон, йўлда кир бўлиб қолади. Эскисини кийиб кетабераман. «Янгини эски сақлар», дер эдилар онажоним.

Эшак арава йўлга тушди.

Фирдавсий қизининг орқасидан қараб қолди, тагин кўзига ёш тўлди...

\* \* \*

Ана шу дийдорлашувдан кейин уч ой ўтгач\*, Фирдавсий Унсурий ҳузурига кириб деди:

— Ҳазратим, энди рухсат этсангиз, бу ерда қиладурғон ишларим ниҳоялади. «Шоҳнома» учун дунё кезиб яна қўп ривоятлар териб келмоғим зарур, буни сиз яхши билурсиз.

Унсурий:

— Бунинг учун Султоннинг розилиklarини олмоқ даркор. Мен онҳазратнинг измисиз сизга бир нарса айта олмасмен, — деди.

— Йўқса, камина қулингизга не маслаҳат берурсиз?

— Сабр қилинг, бир мавриди келиб қолур, ҳарҳолда, жаноб Султонимиз ихтиёридаги зарур одамсиз. Ўзингиз ул олий зот ҳузурига бир кириб чиқмасангиз бўлмас.

---

\* Давлатшоҳий Самарқандийнинг «Тазкирайи Давлатшоҳий» асарида бу воқеа бундай ҳикоя қилинади: Фирдавсий «... муддати тўрт йил Ғазнавийнинг қалъасида «Шоҳнома»нинг назмига машғул эрди ва андан сўнг ижозат ҳосил айлаб Ватанига жўнади. Муддати тўрт йил Тусда турди. Яна Ғазнага ружу қилди ва ҳаёлда «Шоҳнома»нинг тўрт қиссасини қайд назмига келтирган эрди. Арзга еткурди ва Султоннинг назари кимё асарига маъқул айлади ва Султон анго навозиш ва меҳрибонлик кўрсатур эрди...»

— Буёғи ҳам сизга боғлиқ эрур, — деди Фирдавсий.

Ана шу маслаҳатдан сўнг бир ҳафтача ўтгач, Фирдавсий ўз хужрасида майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб, қўлёзмаларини тартибга солиб турган эдики, фулом кириб, подшо ҳазратлари йўқлаётганини маълум қилди. Шоир шоша-пиша юз-қўлларини ювиб, ўзига оро берди, янги либосларини кийиб, сўнг ёза бошлаган дostonларининг баъзи бир парчаларини олиб Султон Маҳмуд ҳузурига йўл олди. Маҳкамаи девон сари бораяпти минг хаёллар билан, энди ҳукмдор уни қандай қабул қилади, сафарга чиқишга рухсат этадими, йўқми? Ёки шу ерда ўтириб ёзасан, деб қолса-чи, дарвоқе? Аммо шоирнинг қўлида «Каюмарс» достони бошланишидан аввал Шарқ анъаналарига кўра Султон Маҳмудга бахшида этилган мадҳия ҳам бор. Султон ҳузурига кирганда, ўзича гапни ўша бағишловдан бошласам чакки бўлмас, деб ўйлаб қўйган. Биладики, ҳар қандай ҳукмдор ўзи ҳақида ёзилган яхши сўзга, мактовга муҳтож эрур. Айниқса, барча ишлари юришиб, ҳукмронлик чўққисига кўтарилган чоғида подшоҳлар мактовга, ўзларини улуғлаш касалига йўлиқадилар, бу бутун тарих давомида синалган ҳақиқатдир. Маҳмуд Ғазнавий кейинги йилларда шуҳрати ошиб, ўзини энг улуғ саркарда, соҳибқирон, донолар доноси, миллат ва дин пуштипаноҳи деган мактов сўзларни кўпроқ эшитгиси келадиган бўлиб қолган, уни шарафлаб қасида ёки мадҳия ёзган шоирлар ҳукмдорнинг эътибор ва ҳурматиға, қолаберса мўл-кўл мукофотларига сазовор бўлдилар. Албатта, барча нарсаларға аниқлик киритадиган тарих шуни кўрсатадики, ўз шахсиятини улуғлашға, мактовларға ўрганиб қолган ҳукмдорлар учун бундай жараён улар учун мағлубият ва салтанатдан путур кетишининг бошланишидир.

Фирдавсий Султон ҳузурига кириб борганда ҳукмдор шоир Унсурий, вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан билан суҳбат қуриб ўлтирар эди. Султонға салом бериб, унга бахт-саодат, обрў-эътибор тилаб, яхши сўзлар деди. Султон уни ҳурматлаб, ўз ёнидан жой

кўрсатди. Фирдавсий кўли кўксида, камсуқумлик билан кўрсатилган жойга чўқди, ўтирган жойида бир оз хижолат чекиб, уёқ-буёғини тузатган бўлди, кўлидаги бир тўп қоғозларни ёнига қўйиб, Султонга қараёлмай бошини ҳам этиб ўтираверди. Унсурий деди:

— Эй подшоҳи олам, шоири замон Фирдавсий жаноблари сиздан беҳад миннатдор эрурлар. Мана бир неча ойдан бери «Шоҳнома» устида тинмай иш олиб борурлар. Билишимча, дostonнинг дебоча қисмлари ёзиб бўлинган. Энди буёғига Эронзамин ва Туронзамин мамлакатларига сафар қилиш орзусидадирлар.

— Маблағ-чи, ахир сафарнинг ўзи бўлмайди-ку?!

— Ахир, Сиз бор-ку, пуштипаноҳимиз, адиблар, шоирларнинг жонқуяр отаси, — деди Унсурий бу сафар Фирдавсийнинг ёнини олиб.

— Ҳай, майли, сен ҳамма нарсага гап топиб берурсен. Шоирнинг ўзи не дер, нега ўзи жим?!

— Олампаноҳ, Сиздан минг бор миннатдордурмен, қайси бир шоҳ ўз салтанатида шунча шоиру алломаларга шароит яратиб, ҳатто маош ҳам тўлаб турур?! Ҳадиси шарифда олиму фузалоларни ҳурматиззат қилгон ҳукмдор ҳар икки дунёда Оллоҳнинг меҳр-мурувватига сазовор бўлмай, деб ёзиб қўйилмиш.

— Бале, бале, шундай, ҳақ гапни айтдингиз, «Шоҳнома»дан ёзилиб тайёр бўлган жузълари борму?

— Ҳа, таксир, кўлимда «Каюмарс» дostonининг оққа кўчирилгани бор, хоҳласангиз ўқиб берай.

— Қани, вазири аъзам, Сиз не деурсиз?

— Ихтиёр Сизда, ҳукмдор, биз Сизнинг қулингиз эрурмиз, — деди Хожа Аҳмад Ҳасан.

Фирдавсий кўлидаги қоғозларни варақлаб, «Каюмарс» дostonини ажратиб олди. Кейин ўзига хос қироат билан ўқий бошлади:

*Нақлин бошлаб дейди сўзамол деҳқон,  
Жаҳон тожин илк бор киймиш қай инсон?*

*Илк бор шоҳлик тожин кийган киши ким?  
Тарихин эслолмас бирорта ҳаким...*

Султон Махмуд ёнбошлаб кўзини юмганча дostonни охиригача қаноат билан тинглади.

— Бошланиши яхши, беҳад хузур этиб тингладим. Энди сенга бир саволим бор. Айт-чи, дostonда ҳали билишимча, сен Рустам, Сухроб, Сиёвуш ё Афросиёбнинг қахрамонликлари ҳақинда ёзурсан. Бу, албатта, тўғри. Хўш, айт-чи, Фазна салтанатини барпо этган, сарҳадларини кенгайтириб, ярим Ҳиндистонни ўзига мусаллам этган қахрамонлар ҳақида ёзиш керакми, йўкми? Ё бизда Рустамга, Сиёвушга ё Афросиёбга ўхшаган паҳлавонлар кам деб ўйлайсанми? Хўш?

— Улуғ ҳукмдоримиз Султон Махмуд Ғазнавийнинг ҳазрат Али Шохимардондек жанг майдонида наъра тортиб жавлон урганлари, кофиру ёғийларни қирғинбарот қилганларини кўрмагансан. Сен бўлсанг ўша қадим афсонавий шоҳларни мақтайсан, — деди анчадан бери сукут сақлаб ўтирган Хожа Аҳмад Ҳасан.

Фирдавсий хижолатда қолди. Ахир, унинг улкан мақсади не-ю, булар нима деб жавдирашмоқда? «Шоҳнома» ўз номи билан қадим замонлардан бошлаб ўтган, эл оғзида дoston бўлган афсонавий шоҳлар, соҳибкиронлар ҳақидаги қисса-ку! Шоир энди бир нарса дейишга ҳам ҳайрон, агар гап қайтарса, ҳақ гапни айтса, иш чаппасига айланиб кетиши мумкин. Тушунтирган билан барибир гапи ўтмайди. Ўйлади: Мен ким, бир оддий шоир бўлсам, на амалим, на давлатим бор! Қаршимда оламини титратиб турган шоҳ ўлтирибдур, тагин ҳақ сўзлаб, қизим айтгандек, аждаҳо комига тушиб қолмай?! Яхшиси, бу ердан силлиққина чиқиб кетай! Хаёлига «Шоҳнома»нинг бошланишидаги ақл хазинасидан чиққан ўша мисралар келди: «Ширин сўз бўл, эй сен билимдон, Тилинг совуқ сўзла, булғатма осон».

— Олампаноҳ, Сиз бизнинг пуштипаноҳимиздурсиз! Аслида «Шоҳнома» Сиз жаноби олийларига бағишланмиш! Китобнинг дебочаси ҳам анъанага кўра онҳазратларига аталган мадҳия билан бошланур.

Фирдавсий қўлтиғига қисиб олган бир даста қоғозларни варақлаб-варақлаб ана шу мадҳияни топди:



— Жаноби олийлари ижозат этсалар, ўкиб берсам, — деди.

— Йўқ. Мадҳияни бизга ташлаб кетурсиз. Ўзимиз ўкиб олурмиз, — деди Султон Махмуд.

Шоир эҳтиром билан бағишловни Султонга топширди.

Эртаси куни Фирдавсий тонг билан Ғазна шаҳрини тарк этди. Ҳа, шоир ўзининг шоҳ асарини поёнига етказмоқ ниятида катта ва кенг йўлдан Шарқ олами бўйлаб йўлга чиқди, оёқ етгунча кетди...

## **ШОИРНИНГ ЎЛИМИ**

Бу кун замона пешқадам шоири Дақиқийнинг ҳашаматли хонадонига бир баҳона топиб девон шоирлари гап-сўз йўқ, тўппа-тўғри «бостириб» келдилар маликушшуаро Ҳасан Унсурий бош-қошлигида. Афтидан, шоирлар ўзаро ҳазил-хузул билан Дақиқийни ғафлатда қолдириб, уйда базми жамшид куришмоқчи. Бунақа воқеалар ҳазилкаш дўстлар даврасида тез-тез бўлиб турарди.

Дақиқийнинг ҳовлиси шаҳарнинг энг хушманзара жойида, Султон саройидан унча ҳам узоқ эмас. Ҳовли сахни катта, ўртада сарҳовуз, атрофи оқ мрамор билан чиройли зиналанган, супаланган, орасталанган.

Сарҳовуз ёнида шийпон, моҳир усталар уни исломий безаклар, нақшлар билан кўркам қилиб ишлаган. Бу хонадонга қадам ранжида қилган ҳар қандай одам аввало ана шу кўркам шийпонга кўзи тушади. Шийпон атрофи гулзор. Унда гулларнинг барча хиллари мавжуд.

Катта ҳовли атрофидаги қафасларда хилма-хил сайроқи кушлар. Қумри, тўти, саъва ва бошқа қандайдир сиз ҳеч қачон учратмаган паррандаю даррандалар. Буларни кўриб хонадон соҳибининг дидига, табиат, кушларга иштиёқмандлигию ҳаваскорлигига қойил қоласиз.

Катта ҳовлидан ташқари яна ичкарида кичкина ҳовли ҳам бор. Унда аёллар, бола-чақалар, хизматкорлар туришади.

Дақиқий ҳамкасб дўстлари келишини билганми, билмаганми, ҳарнечук анча яхши тайёргарлик кўрган. Чунки шоирларнинг феъли-атвори унга маълум. Айтса-айтмаса хонадонинга кириб келишаверади. Шуни билиб, хонадон соҳиблари ўша шийпонга чиройли гиламлар, атласу бахмал кўрпачалар тўшаб, дид билан шинам дастурхон тузабдурлар. Ҳовуз чеккасида чиройли кўзачаларда турли шарбатлар, ичимликлар салқинлатиб қўйилган. Уларни кўриб, «Бугун роса зўр базм бўлар экан», деган фикрга келасиз.

Ҳасан Унсурий барча дўстлар номидан кимхоб тўн, заррин камар, мохир усталар қўли билан тикилган дастор ҳадя этди. Асжадий олтин қинли ханжарни камарига боғлаб: «Мендан шу арзимас совғани қабул қилинг! Илоҳо, назмингиз шу ханжардек ўткур бўлсун», деди. Лабибий бўлса Маккада китобат этилган, чиройли филофга солинган Қуръони каримни тақдим айлади. Ишқилиб, дўстларнинг бирортаси ҳам куруқ келмаган, ҳар ким ўз дидига яраша шоирга ёқадиган тухфа келтирган.

— Мавлоно, эшитишимизча, «Гуштасп ва Аржасп» достонини ҳам тугаллаган эмишсиз. Муборак бўлсун! — деди Унсурий шоирнинг устига зар чопонни ёпар экан.

Дақиқий сарой маликушшуаросига минг бор раҳматлар айтиб, кейин меҳмонларни тўкин дастурхонга таклиф этди.

— Мавлоно Дақиқий жаноблари, Султонимиз сизга буюрган вазифага киришсалар ҳам бўлур.

— Энди навбат «Шоҳнома»га! Уни фақат сиз удадай олурсиз, — деди гапга аралашмай турган ширинсухан шоир Лабибий.

— Дақиқий жаноблари камолот ёшинда эрурлар. Авжи куч-қувватга тўлган, тоғни урса талқон этадургон чоғлари, — деди Асжадий.

— Бу кун аҳли мажлис муборак хонадонингизга дoston яратилган кун боисидан тўпландик, чамамда, — деди Унсурий.

— Энди «Шоҳнома»га навбат, — деди яна Лабибий Унсурийнинг сўзларини қувватлагандай.

— Ахир Султонимиз уни анави Фирдавсийга инъом этдилар-ку? — деди Дақиқий бир оз гина қилгандай.

— Буни Унсурий жанобларидан сўранг, — деди Асжадий дастурхон тўрида ўтирган Унсурийга ишора этиб.

— Фирдавсий фасихзабон шоири замон эрур, «Шохнома»ни ул қаламга олса нур устига нур! Буни назм мунозараси дерлар, уддасидан чиқсам мен ҳам баҳоликудрат ёзаберурмен.

— Бадиҳахонлик шиори ҳам шул эрур. Сабаб шулким, бадиият олами яна бир янги назм дурдонаси бирлан бойгай, — деди Дақиқий.

— Бале, бале, ҳақ гапни айтдингиз, — деди Унсурий шоирнинг сўзларини маъқуллаб.

— Қани, дастурхонга марҳамат, — деди Дақиқий меҳмонларни шийпонга таклиф этиб. У ўзида йўқ хурсанд ва бахтиёр эди.

Фазна салтанати энг таниқли алломаларининг шу куни дастурхон атрофидаги мажлиси оқиллар, суҳандонлар, ғазалхонлар суҳбати бадиҳахонликка айланиб кетди. Чиройли гулдор кўзачаларда лола ранг биллурдек тиниқ майлар келтирилди. Ҳар бир қадах ғазал, бадиҳа айтишув билан нўш этилар, яна бир ёқда эса хушовоз ҳофизлар вақти-вақти билан дилбар қўшиқларни хониш айлар эди.

— Бу ёққа кел, хой, Нажиб, — деб сарҳовуз атрофида майда-чуйда ишлар қилиб куйманиб юрган, бўйибаста келишган бир зангини чорлади уй эгаси. Нажиб — Дақиқийнинг содиқ кули. Султон Махмуд ўзи шоирга ҳадя қилган. Нажиб ажаб чиройли суҳандон, боз устига хушовоз хонанда. Уд, чанг чалишда унга етадифон чолғувчи йўқ деса хато бўлмас. Дақиқийнинг назмда битган кўп манзумаларини ёддан ўқийди. Шу боис баъзан Дақиқий битган ғазалларию дostonлари, қасидаларини кечалари унга ўқитиб тинглайди.

Қора кул югурганча хўжайин ёнига келди.

— Қани, «Гуштасп ва Аржасп»дан ўша ўзинг ёдлаб олгон сўнги байтларни ўқиб бер-чи азиз меҳмонларга! — деди шоир.

Нажиб бадий ўқиш устаси, овози ҳам жарангдор, тиниқ ва ширали эди. Мажлис аҳли қулнинг истеъдодига қойил қолиб, унга кўп яхши сўзлар, тасанно айтдилар.

Қул ҳам, хўжайин ҳам ўзида йўқ хурсанд. Нажиб бўлса, Дақиқийнинг ёнида ўзини мақтаётган сарой шоирларига махлиё бўлганча турар, гўё дostonни хўжайини билан ёнма-ён ўзи ёзгандек хис этарди. Дақиқий Нажибнинг кўпинча қуллигини ҳам унутиб, кечқурунлари овқат келтирганда: «Ёнимда ўтир, ёлғиз овқатланишни истамаймен, сўнг дostonнинг янги бобларини ўқиб берурсен!» деб қоларди.

Ҳақиқатдан улар қул билан хўжайинга ўхшашмасди. Нажиб ҳам шундай муносабатга ўрганиб қолган, баъзан шоир ёзган назм, насрларига айрим мулоҳазаларини ҳам билдирган пайтлар бўларди. Кечалари дoston ўқиш вақтида Дақиқий чарчаб ухлаб қолар, қул бўлса ундан рухсат ҳам олмай ўз хонасига кириб ухлайберарди.

Унсурий деди:

— Бу қулингиз саёз ёзилган асарни ҳам бундай суҳандонликда яхшига ўтказиб юборур. Уни Фазна бозорига даллол қилиб қўйса ҳам ўрнига қўяди, — деб ҳазиллашди.

Қулги кўтарилди. Дақиқий бир оз хижолатда, гўё унинг сўнгги ёзган дostonи саёз асарга чиқариб қўйилгандек туюлди. Унсурий буни сезди шекилли:

— Сизнинг кўнглингизга бир гап келмасун, мен «Гуштасп ва Аржасп»ни саёз деяётганим йўқдур. Дostonингиз энг ибратли асар ҳисобланур. Ўз баҳосини аллақачон олрон. Камина фақат ҳазил қилдим, холос.

Ҳа, бу ерда ўтирганлар биладиларки, бу ҳам ҳазил, ҳам тагидаги зил эди.

Мажлисга жон кирди. Қадаҳлар яна тўлдирилди. Фазалхонлик, бадиҳағўйлик борган сари авжланиб борарди.

Шароб кайфидан мастона кўзлари сузилиб, эзгулик оламида илҳоми жўш ураётган, дўстлар мажлисидан хушнудлиги беҳад ошган шоир ўзига хос оҳангда шеър ўқий кетди:

*Дақиқий чор хислат баргузида аст,  
Ба гети аз ҳама хубию зишти:  
Лаби ёқут рангу, нолайи чанг,  
Майи хуш рангу, дини зардушти.*

(Дунёдаги ҳамма яхшилик, ёмонликлардан  
Дақиқий тўрт хислатни танлади:  
Ёқут рангли лабу, чанг ноласи,  
Хуш ранг маю, зардуштийлик динини.)

— Офарин, офарин! — деди Унсурӣ ва шоирни келиб кучоқлади.

— Қани, қадаҳлар тўлдирилсун, — деди Асжадий, афтидан, унинг тўртлигига жавоб бермоқчи эди. Аммо кўзада май тугаб қолган экан.

— Май борму, ё? — Дақиқийга мурожаат этди.

— Хой, Нажиб, қайдасан, май келтур?! — деди Дақиқий бўш кўзачага ишора қилиб.

Қулбачча эшитмадими ё бирор юмуш билан бандмиди, ҳадеганда келабермади. Бу ёқда бўлса базми жамшид қизиб кетган. Хонадон соҳиби Дақиқийнинг ҳам кайфи анча тарак.

— Нажиб, қулоғинг карму?

— Қулбаччани жуда эркалатиб юборибдурсиз, чамамда... — деди кайф аралаш Лабибий.

— Нажиб, қаёқдасан, итвачча! — деди бу сафар ғазаб билан шоир.

Ҳеч ким овоз бермагач, Дақиқий жаҳл билан шийпондан пастга тушди, қўлида бўш кўзача. Қараса, қули сарҳовузнинг нариги чеккасида ўтириб, ўзича ниманидир овоз чиқариб ўқимокда эди. Бу ҳолатни кўриб Дақиқийнинг жаҳли энди миясига уриб кетгандай бўлди. Шоирнинг хаёлидан ёмон бир фикр ўтди: «Нажиб қора барзанги қул эканини унутиб қўйибди», шундай буюк алломалар ҳузурига чақариб, мактаб, унга дoston ўқитганига пушаймон. Унга илтифот айлаб, ҳадеб ширинсухан, мусикачи, хуш овоз деявериб, талтайтириб юборганга ўхшармиз. Ўз ҳақхуққини унутиб қўйди шекилли, унга бекорга достонини ўқитиб ўтирган экан, мактовларга суйилиб кетган бу нодон қул.

— Аблах, нонкўр, таги паст кул, сен ҳали мени ҳам менсимай қўйдингму? — деб қўлига тушиб қолган бир гавронни олиб, қулини уёқ-буёғи демай савалай кетди.

Нажиб бўлса дод-вой қилар, кейин ўзини ҳимоя этмоқчи бўлиб, гавроннинг бир ёғини ушлаб олди. Қул бақувват, қўллари кучли эди. Хўжаси қўлидаги гавронни бор кучи билан ўзига тортган эди, гаврон чеккасидаги бир кичик тигдор гудда Дақиқийнинг қўллари тилиб, қонатиб юборди. Оғриққа чидай олмаган шоир гавронни қўйиб юборган эди, орқаси билан йиқилиб, боши сарҳовуз чеккасидаги мрамар тошга қаттиқ урилди. Қарабсизки, бир зумда оғзидан лахта-лахта қон оқа бошлади. Кўзлари негадир олайиб кетди. Типирчилай-типирчилай ҳовуз бўйида осмонга тикилганча кўзлари бақрайиб қолди...

Тўс-тўполон, кий-чув. Бу шум хабарни эшитиб, Дақиқийнинг бола-чақалари можаро бўлаётган катта ҳовлига югуришди. Хотини тепасига келиб фарёд чекиб, юзларини юлиб йиғлар, катта ўғли, қизлари бўлса бир чеккада бўйинини ҳам этиб, бўзрайганча турган қулбаччани тепкилай кетишди. Уни шундай урдиларки, бирор жойи соғ қолмади. Бир кўзини шоирнинг кизи ўйиб олди, ўғли бўлса болта билан бошига урди. Қулбачча қонга беланиб жон талвасасида ётарди.

Базми жамшид азага айланди. Қувончларга тўлиб турган муборак хонадон бирпасда мотамхонага айланди.

Дақиқийдек оламга машҳур, зукко шоир авжи камолот ёшида Оллоҳ даргоҳига кўчди.

Дақиқийни дафн этиш маросимида Султон Маҳмуд бошлиқ саройдаги барча аркони давлат қатнашди.

## ШИКОРДАГИ ВОҚЕА

Куз фасли, дов-дарахтлар заъфарон рангга кирган.

Ажабо, ҳув анови шафтолининг тепадаги япроқларида гўё қуёш нури қолиб кетгандай.

Хар фаслнинг ўз фазилати бор деганларидек, кузнинг ҳам ўзига хос таровати, кўркамлиги бор.

Ғазна шахрининг дарёга тутшиб кетган чеккасидаги ўрмон, чакалакзорлар куз фаслида ов қилиш учун айниқса қулай.

Теварак сокинлик қўйнида. Фақат ўрмон жарчиси зағизгоннинг хавотирли чувиллаши жимжитликни бузаётгандай, юракка аллақандай вашлик солаётгандай туюлади.

Ғазна ўрмонзорлари турли жонзотларга бой. Айниқса, кийик, тўнғиз, қуён, дарёга тутшиб кетган камишзорларда тустовуқлар кўп. Йўлбарсларни айтмайсизми! Бир вақтлар Султон Маҳмуд Ғазнавий тўқайзорда энг катта турон йўлбарсини овлаганлиги тилларда дoston бўлиб кетган, Асжадийдек ширинкалом шоир бу воқеага атаб қасида ҳам ёзган эди.

Давлат ишларидан анча чарчаган Султон Маҳмуднинг кўнгли тагин шикор истаб қолди.

Ҳузурига вазир Абу Насрни чорлаб, ов анжомларини тайёрлашни буюрди. Барча аркони давлат «энди бир мазза қилиб олурмиз» деб хурсанд, чунки, Султон иштиёқ билан овга берилиб кетади-ю, ўзлари бўлса роҳатланиб, кўнгилларини ёзиб, яйраб айш-ишрат қилиб олишади-да.

Шикор ихлосмандлари ўрмон ёқасидаги сайхонликка етиб келишди. Қаршида адоғини кўз илғамас ўрмон. Овчилар саф тортиб, «жанг»га тайёр туришибди. Олдинда Султоннинг ўзи.

Бирдан шикор бошланганлигини билдиргувчи суровози янгради. Бу ишга мутасаддий этиб тайинланган, овлоқнинг қаерида нима борлигини беш қўлда биладиган йўлбошловчилар ишга тушиб кетишди. Хизматкорлар бўлса қўлларига гаврон тутиб, «қув-қув» деганча «ўрмон аҳли»ни безовта қилиб қўзғатишар, ўрмон чеккасидаги қулай бир жойда қўлига камон тутиб: «Қани, тезроқ чиқақол», дегандай ўлжасини отишга ҳозир-нозир бўлиб подшоҳи олам турарди.

Қани энди, ови келса-ю, устаси фаранг, мерган овчи бирпасда ўлжасини отиб ўлдиради қўяди. Ўрмондаги ғала-ғовурдан чўчиб бир неча тустовуқ ваҳима

солиб учиб кетди. Аммо уларга камон ўқи етмасди — олисда. Мохир овчининг кўзларини куйдирганча қайгадир бориб кўнишди.

Султон Маҳмуд қўлдан чиқиб кетган дастлабки ўлжани уриб ололмаганига бир оз бўлса ҳам ранжиди. Бу яхши аломат эмас — ови ўнгидан келмаса-я. Негадир у шуни кўнглига олди.

Тагин қув-қув бошланди. Чакалакзор ўрмонда эса осойишталик, гўё бугун жонзотлар овчилар келишини билиб қайгадир ғойиб бўлгандай. Султоннинг кўнглига тагин ғашлик чўкди, нахотки, бирорта кийик ё тўнғиз учрамаса-я? Ҳамиша хар ишда омади келадиган, бахти оёғи остидан чиқиб турадиган подшоҳи олам шу топда гўё омадсиз одамга айланиб қолгандай. Туриб-туриб ҳеч нарса чиқмаганидан сўнг камонни елкасига осди-ю, ҳеч кимга индамай-нетмай, «чух» деганча, оти бошини дарё томонга қараб бурди.

Нарироқда подшоҳни кузатиб турган соқчилар Султон Маҳмуднинг ортидан боришмоқда эди, уларга қараб: «Мени хов ўша ерда кутиб турунглар, биттанг ҳам орқамдан борма», деб ҳалиги келиб тушган жойга ишора қилди. Соқчилар ҳайрон, нима қилишни билмай, «Олампаноҳнинг айтгани — айтган» дегандек жойларида қотиб турардилар.

— Сенларга не дедим? Қани, кўзимга кўринманглар! — деб бақирди яна.

Подшоҳнинг ғазабидан қўрқиб кетган соқчилар ўша дастлаб келиб тушган томонга жўнадилар.

Султон Маҳмуд шу аснода негадир бир ўзигина ёлғиз, ўз хаёллари билан қолишни истагандай. «Жаҳл чиққанда, ақл кетади» деганларидай, омад келмаган ё бирор нарсадан ранжиган вақтда Султоннинг кўзига кўринган одам яхшилик кўрмасди, албатта. Унинг қаҳридан қаттиқ нарса йўқ, буни атрофдагилар яхши билишади. Султоннинг ортидан бирорта соқчи бормади, бора олмасди ҳам.

Султон Маҳмуд ғазабдан отга қамчи урган ҳам эдики, бунақа ҳақсизликни кўрмаган тулпор пишқи-



риб, кушдай учиб кетди, лекин уни бошқариб бораётган подшоҳи олам бирданига жиловни тортди, от сўликнинг оғриғидан олдинги икки оёғини кўтариб, зўр-базўр ўзини тўхтатиб қолди. Қаршисида эса одамларнинг хайқириғидан кўрқиб, шу томонга қочиб чиққан чиройли бир кийик йўл юзасида безовта, у ёқ-бу ёққа аланглаганча турарди.

Султон Махмуд отнинг жиловини бехосдан тортиб қолганининг боиси ҳам шунда экан. Кийик бўлса ўзидан нарида турган важоҳатли суворийни кўрди-ю, негадир шошилмасдан, бепарволик билан ўрмон томон юра бошлади. Овчи бўлса, отидан тушиб, аста-секин кийик ортидан камонини сошлаб, қорама-қора борар, энди яқинлашиб мўлжалга олиб, отай-отай деганда кийик овчини алдагандай тезроқ юриб кетар эди. Подшоҳ ҳам унинг ортидан: «Хап, сеними, энди сени кўлимдан чиқариб бўпман», деб буталар орасидан қийналса ҳам ўрмон ичкарасига кириб кетаверди. Бир вақт қарасаки, кийик бир зумда қайгадир ғойиб бўлиб қолди. Жимжитлик, «шитир» этган овоз ҳам эшитилмасди.

Султон Махмуд бир сирли дунёга тушиб қолгандай, ҳозиргина кўриниб турган жонзот бир зумда ис-сиз йўқолса, бу қандай синоат? Балки анави дарахтлар орқасига беркиниб турган бўлса-чи? Энди жасур овчи оёқ тагидаги шохларни ҳам шитирлатмай, эҳтиёткорлик билан кийик йўлидан кўзини узмай борар, қўлидаги камони бўлса отишга шай эди.

Бора-бора қаршисидан каттагина ариқ чиқиб қолди. Суви тиник. Куз япроқлари уни ойнадек тиндириб қўйган. Кўринишидан саёзга ўхшарди, Султон Махмуд ундан сакраб ўтмоқчи бўлди. Мўлжаллаб кўрса, оёғи етмайди. Ариқни кўз билан ўлчаганда уч газча келар, ариқ чуқурми, саёзми — бунни билиб бўлмас, тагига чўккан япроқлар ариқ тубини кўрсатмас эди.

Нима қилса ҳам заъфарон фасли, Султон Махмуд хайрон бўлиб турди. Кейин ўйлади: кийик шу ариқдан сакраб ўтиб кетган бўлса ҳам ажаб эрмас. Барибир ҳеч қаерга кетмайди. Шу пайтгача унинг қўли-

дан бирор жонзот қочиб қутулмаган. Ахир, у умри бўйи шикор билан шуғулланган. Ов қилиш подшоҳнинг севган эрмаги.

Султон Махмуд энди ўйлаб-нетиб ўтирмай, дангал бир оёғини ариққа ташлади, аммо ариқ подшоҳ ўйлагандек саёз эмас, анча чуқур экан. Қадимда бобокалонлар «саёз оққан сувдан кўрқ» деб бежиз айтмаганлар. Бунини эшитмаган ё эшитган бўлса ҳам, шу топда унга амал қилмади. Қараса, бир оёғи ботиб кетмоқда. Энди иккинчи оёғини қўймаса бўлмасди. Шундай ҳолат юз бердики, агар иккинчи оёғини қўймаса, ариққа ботиб кетиши мумкин бўлиб қолди. Ноилож қўлидаги камон ўқини ариқ бўйига санчди-ю, ботиб қолган оёғини чиқариб олмоқчи эди, лекин оёғи борган сари ариқ тубига чўкиб борарди. Ўнғайсиз бир ҳолат. Теварақда эса ёрдам берадиган бирорта зот йўқ. Хукмдор қийин ахволда, шунча йиллар давомида ов қилиб бундай аянчли ҳолатга ҳеч қачон тушмаган. Музаффар юришлар, сувсиз саҳролар бўйлаб жазирама тагида ҳориб-чарчаб юрган чоғлари ҳам, баланд тоғлардан ошаётганда ҳам бундай ахволни бошдан ўтказмаган.

Нима қиларин билмас, гўё энди ёлғиз бир ўзи иложсиз бир ахволда қолган одамга ўхшарди. Мабодо, ушлаб турган камон ўқи синиб кетса борми, ботқоққа чўкиб кетиши ҳеч гап эмас. Ана шуларни ўйлаб, негадир кўз олди қоронғилашди, ўзини идора эта олмай шалвираб қолди. Бу қанақаси бўлди, ҳар нарсага ақл-фаросати етадиган, айтган сўзи ўқдай мўлжалга бориб тегадиган подшоҳ шу ботқоқдан чиқиб кетиш учун йўл топа олмаса! Дарё эмас, денгиз эмас, шу саёз ариқда ноилож ахволда ўлиб кетаверса, бундан ҳам аянчли ҳолат бўлиши мумкинми? Шунча қудратли аркони давлати, бекиёс бойликлари, ҳамма-ҳаммаси шу топда сарик бир чақага ҳам арзимайдиган нарсага айланиб қолгандай. Бутун Шарқ оламида энг обрў-эътиборли, кўкларга кўтариб мақталган, ардоқланган подшоҳи олампадох бўлса-ю, шу кичкинагина балчиқ сувдан чиқолмай ётса! Унинг обрў-эътиборини билдирувчи «Давлатнинг ўнг қўли ва миллатнинг тожи»,

«Мўминлар амири», «Ҳақиқат ҳимоячиси», «Дин пешвоси» деган қатор-қатор унвонлари-чи? «Кимсан, оламини титратиб турган манаман деган шоҳлар, амирларни ўзига бўйсундирган Султон Маҳмуд Ғазнавий шикор маҳалида ариққа ботиб қолиб, ёруғ дунёдан кўз юмибди», деган гап шармандалик эрмасми! Шу дақиқа хаёллари тўзғиб, кўз ўнгидан кўп нарсалар ўтди.

Қилган гуноҳларим учун Оллоҳ менга шундай жазони лойиқ кўрди шекилли, деган хаёлга ҳам борди. Гуноҳларим шунчалик кўп эканми? Ғазна шаҳри ёнидаги қуллар манзилгоҳидаги зуғумлар учунми ёки Ҳиндистон, Хуросон, Мовароуннаҳр мамлакатларида бўлган жанглар чоғидаги қаттиқ хунрезликлар қилгани учунми? Авом халққа кўз-кўз қилиниб, фил оёғи остига ташланганлар, дорга осилганлар, ваҳшийларча сўйилганлар учун Яратганнинг унга берган жазосими бу? Қанча-қанча одамлар унинг фармони билан кўз олдида жаллод қиличига ҳукм этилди-да, ахир!

Султон Маҳмуднинг кўнгли не учундир маҳзун, кўзларида ёш намоён. Подшоҳ ҳеч қачон йиғламаган. Ўйлади: «Худонинг раҳми келиб, шу ботқоқдан эсон омон чиқиб кетсам, хунрезликларга чек қўюрмен, одамларга фақат яхшилик қилурмен, эл-юртга ош берурмен, етим-есирларнинг кўнглини олурман, бошини сийлайдурмен».

Балчиқ оёғини борган сайин пастга, сув остига тортоқда. Кун совуқ, оёғи музлаб қолган бўлса ҳам пешанасидан тер чиқиб, кўнгли беҳузур, юраги эса қинидан чиқиб кетгундек қаттиқ урарди. «Эй оламини яратган, барча нарсани билиб, эшитиб, сезиб, кўриб турадиган яккаю ягона Оллоҳ, ўзинг раҳм айла, гуноҳларимни кечир! Ахир сен кечирувчи, раҳм-шафқат қилувчисенку?! Наҳотки, мен шу ерда шармандаларча ўлиб кетадиган бўлсам! Жангда ғозий бўлиб шаҳид бўлсам армоним йўқ эди!» Бу Султон Маҳмуднинг дил-дилидан чиққан муножоти эди.

Шу топда узоқдан ўша ўзи отмоқчи бўлиб, қувиб келган кийик кўрингандай бўлди. Кўзи тиниб, унчалик илғай олмас, ҳақиқатдан ҳам келаётган кийикми ё инсон боласими? Меҳрибон падарибузруквори Амир

Сабуктегин айтиб берган кийик хақидаги хикояти ёдига тушди. Ўша кийикка қилган яхшилиги учун отаси кўп савобга қолган, ишлари ўнгидан келиб юришиб кетган. Султон бўлса овлоқда ёлғиз турган сайдини отмоқчи бўлиб, уни таъқиб этди. Балки бу кийик ҳам ўшанақа муқаддас жонзот бўлса-чи? Балки Оллохнинг ўзи шу йўл билан Султон Маҳмудни синамоқ учун юборгандир. Кўнглига яна бир фикр келди: балки бир вақтлар отам эрк бериб қолдириб кетган кийик боласи шу бўлса-чи? Менга яхшилик истаб йўл юзасига чиқиб турган бўлса ҳам ажаб эрмас. Мен бўлсам уни отиб жиш қилмоқ истадим. Бу билан гуноҳга ботдим. Ҳа, Яратган ўз бандаларини ҳар хил ҳолатда синаб, имтиҳон айлаб кўрар экан, бойликлари кўпайиб кетиб, осмон фалакка кўтарилган, босартусарини билмай қолганда ҳам, йўқчиликда, азобуқубатларга тушиб қолганда ҳам. Шундай синовлар чоғида киши кўнглига бир ҳақиқат келади: ҳар бир инсон, подшоҳми, Султонми, шоҳми ё бир фақир ночор гадоми, барибир ҳаммаси Оллох таолонинг бандаси эрур. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Бир зум ичида шуларни хаёлидан ўтказди-ю, яна кўз олди равшанлашиб қараса, келаётган кийик эмас, бир навқирон йигит бўлиб чикди. Аммо шуниси қизиқки, кейин эътибор билан қараган эди ўша йигит кийикни етаклаб келмоқда экан. Ана холос, бу қанақаси бўлди энди?! Худди эртақлардагидек бир ҳолат. Бунақаси хатто тушга ҳам кирмаган.

Нотаниш йигит келди-ю, кийикни қўйиб, қўлидаги узун гавронини сув ўртасига санчиб, чаққонлик билан бир сакраб ариқнинг уёғига ўтиб олди. Кейин Султон Маҳмудни қўлтиғидан олиб, даст кўтарди-да, қуруқликка чиқариб қўйди. Жангу жадал чоғларида, ҳарифлар билан олишганда ҳам ҳукмдорни шу дамгача ҳеч ким ердан уза олмаган, кўтара билмаган, унинг елкасини бирорта паҳлавон ҳам ерга тегиза олмаган. У яккаю ягона мардимайдон, минганда энг кучли, бақувват отнинг ҳам бели синиб, туёқлари метин ерга ботиб кетадигандай кўринади. Катта сафарлар чоғида йўл-йўлакай бир неча бор отини алмаштирар, агар

миниб кетаверса, отнинг усти албатта яғир бўлиб, бир неча кун ишга ярамай қоларди. Бу унга ота мерос. Азиз падарибузруквори Сабуктегин ҳам ўша кулликда чўл бўйлаб хўжайиннинг отини миниб келаётганда, тошининг овирлигидан икки-уч отни ишдан чиқариб яғир қилганда, хўжайини томонидан роса калтакланган. Отасининг овир кечмишлари Султоннинг ҳеч қачон ёдидан чиқмайди, бу воқеаларни отаси фарзандлари, невараларига қайта-қайта ҳикоя қилиб берган. Қаранг-а, энди жангу жадаллар соҳибкиронини бир нотаниш йигит ботқоқдан даст кўтариб олди.

— Олампаҳоқ, маъзур тутгайсиз, бекорга билмай бу ботқоққа тушиб қолибдурсиз. Сиз, беодоблигим учун кечиргайсиз мени! — деди камтарона узр сўраб йигит. Чунки шу топда унинг қаршисида дунёга донғи кетган саркардаларнинг сардори, ўта қаттиққўл, ҳеч кимга сўзини ҳам, тилини ҳам, белини ҳам бермайдиган Ғазнавийлар сулоласининг энг таниқли подшоҳларидан бири ажиб бир аянчли, иложсиз ҳолда турарди.

Султон Маҳмуд ариқнинг нариги томонида ўзига қараб турган кийикка, кейин қаршисида турган паҳлавонкелбат номаълум йигитга назар ташлади, худди туш кўраётгандай туюлди унга. Шу бало, ким билсин, қазо ботқоғидан эсон-омон чиқиб олганлигидан хурсанд бўлишини ҳам, аянчли ҳолатига ачинишини ҳам билмасди. Ўз халоскори жасур йигит олдида подшоҳ эмас, кичкинагина мутеъ одам бўлиб қолгандай. Иззат-нафси анча букилган бўлса ҳам, бунга энди рози, энди дунёга қайтадан туғилди, бир аянчли шармандалиқ ўлимдан қолди, шу олижаноб йигит қутқарди уни, ёруғ дунёга олиб чиқди.

— Менинг исми-шарифим Алп Жамол Заблустоний эрур. Шу ўрмонда истиқомат этурмен. Қасбим овчилик. Аммо жонзотларга ҳеч қачон озор бермайман. Кўпроқ дарёдан балиқ тутиб, тамадди қилурмен.

— Нечун ишламайдурсен, шунча куч-қувватинг бор эркан?

— Бошқа корим ҳам бордур. Сизга ҳақ сўзни десам, мени билганлар Жамол ўғри ҳам дерлар. Аммо ўзим ўғри бўлсам ҳам, жафокаш камбағал, ҳалол мех-

нат қиладурғонлар мулкига кўз олайтирмайдурмен. Сизнинг давлатингиз паноҳида баъзи бир ҳаромхўр, хиёнаткор, пора олиб бойиб кетган нафси бузуқларнинг уйига тушиб, меҳнатсиз ўғирликдан орттирган нарсаларини ўзларига ҳеч озор етказмасдан пинҳон элтурмен. Бунда баъзан ўзлари ҳам қаршилиқ қилмагйдурлар. Чунки уларнинг айбларини бўйинларига қўйиб, ўзларини «рози» этиб, қимматбаҳо нарсаларини олиб кетурмен... Ана шу ўғирликдан топган бойликларни бева-бечораларга, бахтсиз аҳволга тушиб қолган ночор одамларга улашиб берурмен.

— Астаффуруллоҳ, бундай саховатли ўғрини биринчи бор учратиб турибдурмен! Дунёда шундай инсонлар ҳам бор экан-да? — деди Султон Маҳмуд таажублангандай.

— Мен сизнинг паноҳингиздаги амалдорларнинг нопок ишлар билан машғул эканликларидин ҳам воқифдурмен, — деди Жамол Зобулистоний ҳукмдорга тик боқиб.

Султон Маҳмуд Ғазнавий хаёли бўлиниб, давлатим паноҳидаги ҳаромхўрлар ким эркан деб, кўз ўнгидан ўтказди. Бу одам нимага шаъма қиладур? Демак, мен ўша ҳаромхўр муттаҳамларни паноҳимда сақлаб турган эрканман-да! Бир оз жаҳли чиққандай бўлди, агар тахтда ўтурган чоғида унга шундай гапларни айтса жаллодни чақириб калласини олдирган бўларди. Шуларни ўйлаб ғазаби кўзғади-ю, кейин ўзининг шу дамдаги мазлум аҳволини ўйлади, яна ўзига қайтди, қаршисида турган овчи йигит маънавий жиҳатдан ундан баланд. Чунки уни ўлим чангалидан қутқарди. Шу дамда не деса ҳам ҳаққи бор. Аммо бу ҳақгўй ўғри тўғри гапларни айтаётган бўлса ҳам ажаб эрмас. Авомнинг гапларига ҳам кулоқ осмоқ даркор. Локин, паноҳимдаги порахўрлар деб кимларни айтмоқчи? Уларнинг ҳаммасини биламан, демоқда-ку?! Бу йигитнинг ичи тўла сир бўлса, шояд. Ҳаммасидан хабардор. Яхшиси...

— Мана шу табиатнинг беозор оҳусини жаноби олийларига ҳадя этурмен. Уни ёшлигидан ўзим сут бериб боққанмен. Онаси овчи тузоғига илинган эрди...

Жамол Зобулистоний овчи кийикни кўтариб бориб, Султон Махмуднинг отига ўнгариб қўйди.

Султон Махмуд отга ўнгарилган кийикни олиб, овлоққа етиб келганда, барча сарой аҳли хавотирда, ови унчалик юришмаган подшоҳ тезда келиб газаб ўтини бошимизга ёғдирар деб ўйлаб турган эди. Улар ҳукмдор отига кийик ўнгариб «хурсанд» келаётганига шодланиб қийқирдиларки, хатто май ичиб кайфда турган шоир Унсурий шу дамнинг ўзидаёқ подшоҳи олийнинг шаънига шеър ҳам тўқиб юборди.

Султон Махмуд отга ўнгарилган кийикни хизматкор надимларга бериб, уни ўзи бунёд этган боғга олиб бориб, парвариш этмокни таъкидлади. Кейин барча аъёнлар билан ўтириб, дилдан узоқ суҳбатлашди. Бунақа вақтларда кўпларнинг кўнглини арзимаган нарсага ҳам оғритадиган, озор берадиган олампаҳо негадир ҳеч кимга ёмон сўзламади. Ҳамма билан дилдан сўзлашиб, чакчақлашиб ўтирди.

Ўша куни ов унчалик яхши ўтмаган бўлса ҳам, бу сафар Султон Махмуд Ғазнавий учун жуда катта ҳаёт мактаби бўлди. Овчи йигит унинг кўнглига газаб, зулм, шафқатсизликдан кўра кўпроқ ҳақиқат, эзгулик уруғини сочгандай. Шикордан сўнг, подшоҳнинг соғлиғи ҳам бир оз ўзига келиб қолган, саройдаги ғуссали вазият анча яхшилангандай, ҳаёт ҳам шукуҳлангандай эди.

## **НАВБАҲОР КЕЧАСИ**

Баҳор фасли бошланди.

Наврўз арафасида табиат, бутун борлиқ қиш уйқусидан уйғонган.

Бундай кезларда гўзал фасл шарофатидан киши қалби эзгуликка, кўркамликка интилади.

Султон Махмуд аср намозини ўқиб, хос хонасига кириб даричани очиб юборган эди, нимтатир илиқ, ҳисларни китикловчи кўклам ҳавоси димоғига урилди. Бу хонадан бутун шаҳар қафтдек кўриниб туради, жаннатосо «Боғи Фируз» ҳам.

Қоронғу туша бошлаганлиги учун шаҳардаги минг-минглаб чироқлар юлдузлардек милтирар, осмони эса тўнқариб қўйгандай туюлади кишига. Ҳов, анави «Боғи Фируз»нинг чироқлари бўлса айниқса қоронғу тунда равшанроқ ва чиройлироқ яракларди.

Аввалига, у ҳеч нарсани ўйламай, боғдаги ёнаётган чироқларга махлиё бўлганча қараб турди-ю, кейин бир нарса келиб миясига урилди: «Нечун боғнинг ҳамма чироқлари ёқилғон? У ерда бирор маросим ё тўй бўлмоқдаму? Мен саройда бўлсам, бошқалар базми жамшид қилмоқдаму? Бунга қандоқ ҳадди сиғибди эркан? Ахир, ким менинг измимдан ташқари кайфу сафо қилур унда?»

Султон Маҳмуд дарғазаб бўлиб, катта хонага чиқди-ю, тахт ёнида турган қўнғирокни олиб, баралла чала бошлади. Хизматкор гулом ҳовлиққанча кириб, қаршисида ғазабда турган ҳукмдорга таъзим билан бош эгиб турди.

— Қайда Ҳасанак?!

— Шоирлар билан суҳбат айлаб ўлтирибдур! — деди қўрқа-писа у.

— Чақирғил!

Вазир кирди.

Султон Маҳмуднинг вазоҳатини кўриб амир Ҳасанакнинг ранги қув учиб кетди. Чунки ҳукмдор тахтда эмас, хонанинг ўртасида ғазабнок турар, ранглари қизариб, кўзларига қон тўлгандай эди. Бундай маҳалда подшоҳга яқинлашма, иложи бўлса кўзига кўринма! Демак, бир кўнғилсиз воқеа юз берганга ўхшайдур, деб қўрқа-писа подшоҳга қуллуқ қилганча қўл қовуштириб турди.

— Ким бор боғда?

— Ҳеч ким, олампаҳо.

— Нега ҳамма чироқлари ёниб турибдир. Ким маишат қилур? Ҳазна салтанатинда мендан ўзга подшоҳ ҳам борму ё?

— Давлатпаҳо, якка-ягона ҳукмдоримиз ўзингиз! Пуштипаҳоимиз ҳам ўзингиз!

— Йўқса, ким менинг боғимни оёқости қилибдур?!

Ҳожа Аҳмад Ҳасанак елка қисди. У ҳам ҳайрон.



Султон Махмуд Ғазнавийнинг ўғиллари ё ака-укаларидан бирортаси тўй-ҳашам ўтказадиган бўлса, албатта, ҳукмдордан руҳсат олмоғи жоиз. Билади, боғ барпо этилгандан бери хали ҳеч ким подшоҳ изнисиз бирорга тадбир ё маросим ўтказмаган.

— Нечун нафасинг ичингга тушиб кетди? Ахир, менинг боғимга ким мендан сўроқсиз борибдур? — деди-да, ғазаб билан вазирни хос хонасига олиб кирди. — Ана, бемалол томоша қилабер, боғда базми жамшидона! Сен эрсанг, анави сафсатабоз шоирлар билан майнавозчилик қилиб ўтирибдурсен.

Вазир ёқа ушлади, тили калимага келмай нуқул: «Астаффуриллох, астаффуруллох!» дер эди.

— Сен-чи, вазири аъзаммусен ё бир масхарабозму!

— Олампанох...

— Қани, отларни эгарлагил! Кетдик боққа!

— Шундоқ, кўриқчиларсизму? Ўзимиз бораверамизму?

— Қўрқасанму ўзинг боришга, ландавур!

— Сиз борсиз-ку? Нечун кўрқурмен! — деди бир оз ўзини тутиб олиб.

— Бирорга эски-туски кийим келтир! Қаландарлар жандасин топсанг, кўп яхши бўлғай! Ҳеч кимга овиз очма!

«Боғи Фируз» томон йўл олишди. Йўл бўйлаб борар эканлар, иккаласи ҳам ўз хаёлида. Вазирнинг кўнгли нотинч, хавотирда. Бирор ноўрин иш бўлса, унинг боши кетиши ҳам мумкин-да. Бунақа вақтда подшоҳ ўз ўғли бўлса ҳам аяб ўтирмайди. Шаҳзода Масъуд Ҳиндистон сафарида ёки шаҳзода Муҳаммад борганмикин? Шаҳзода Муҳаммад кўрқоқ, падарининг раъйига қарши боролмас-ов? Укалари ҳам. Хўш, унда ким бўлди юрак ютиб боққа тушган кимсалар?

Етиб келганларида вақт хуфтандан ошиб қолган, ҳаммаёқ зимистон, теварақда ҳеч зоғ йўқ. Султон Махмуд «Боғи Фируз»ни барпо эттирган кезларда атрофдаги ерли аҳолининг деярли ҳаммасини кўчириб юборган эди.

Подшоҳ билан вазир боғ дарвозаси ёнига келиб, уёқ-буёққа разм солдилар — тагин бирор ўғри ё айвоқчи бўлмасин деб. Дарвоза ичкарисидан қулфланган экан. Энди қандай қилиб кириш мумкин? Боғбон қаерда экан? Нега у Султоннинг юзига оёқ қўйиб, боғга бегона одамларни киритибдур? Боғбон ақлли, фаросатли, шоиртабиат, ҳалол ва пок инсон эди-ку?!

— Қани, Ҳасанак, энди сен ичкарига кирмоқнинг бир иложини топ. Тақиллатсак бўлмас! Бу сирли жумбоқ жумбоқлигича қолиб кетиши мумкин!

Вазир уёқ-буёқларга қараб, боғни бир айланиб чиқди. Қараса, бир жойда деворга суялиб ўсган ўрик бор экан. Ёдига тушди. Бир куни боғбон айтган эди — қўшни қишлоқнинг болалари боққа тушиб меваларини ўғирлаб кетишмоқда. Кейин шу ўрикни кесиб ташламоқчи бўлганда, ўша ерли бир нуроний мўйсафид «Ҳосил бериб турган дарахтни кесиб увол қилиб бўлмас, қўябер, болалар олганча олсун! Бу боғ меваларидан барча, ҳатто ҳайвонлар, қушлар ҳатто ҳашоратлар ҳам баҳрамад бўлишлари керак. Савоби эса саховат дафтарига ёзилади», деган кесишга рухсат бермаган эди.

Ўрик қурғур тиканли экан, ҳаммаёғини тилиб ташлади. Шунда ҳам Султондан гап эшитмай деб тирмашиб чиқаверди. Бир амаллаб чиқиб олди-да, кейин боққа тушди. Дарвоза ёнига борган эди, ҳартугул қулфланмаган экан. Ичкаридан тамбалаб занжирлаб қўйибди. Кўнгли таскин топди, кейин тамбани тушириб, аста-секин дарвозани очди. Султон бўлса пойлаб турган экан, лип этиб ўзини ичкарига олди. Икковлашиб оёқ учида, ўша базм кечалари ўтказиладиган мухташам меҳмонхона сари йўл олишди.

Меҳмонхона чироқларининг ҳаммаси ёқилган, гўё тўй, базм ёки шоҳона қабул маросими ўтказилаётгандай чароғон. Оҳиста-оҳиста эшик ёнига келиб, ичкарига қарашди. Султон жим, вазир бўлса ҳайратдан тиллари лол. Ичкаридагилар билиб қоладигандай, эҳтиёткорлик билан, нафасини ҳам ичига ютиб туришарди.

Ана томоша, ана базми жамшидона!

Қай кўз билан кўрсинларки, азамат хонтахтага дастурхонлар ёзилган, сархил мева-чевалар, ширинликлар, таомлар тизилган. Дастурхон атрофида ўн саккиз ёшлар чамаси ошуфтаҳол, юзлари ойдек бир қиз, қаршисида бўлса хуснда қиздан ҳам қолишмайдиган навқирон, мўйлаби энди сабза урган хушсурат йигит ўлтирар эди. Қизиғи шундаки, боғбон Дониёр бобонинг ўзи уларга косагуллик қиларди. Учовлари ҳам кайфу сафо билан бахтиёр, гўё бутун дунё ташвишларини унутишган. Бобо пиёлага лаболаб май қуйиб, аввал қизга, сўнг йигитга узатар, бунда ўзини ҳам унутмас эди. Қиз шўх, бир гапириб, ўн бор кулар, кулгиси ҳам, ишваси ҳам ўзига ярашган. Йигит эса ёрининг хусну жамолидан маст, хаёлчан, қаршисидаги соҳибталъатдан нигоҳини узмас, бутун вужуди билан муҳаббат кучоғига ўзини ташлаган.

Қиз қўлига пиёлани олиб, боғбонга қараб ё бир сўз, ё назм айтди. Йигит ҳам унинг сўзларига қўшилгандай бир нарсалар деди. Кейин йигит билан боғбон қадахларни бўшатдилар. Қиз косани бир чеккага қўйди-да, ўрнидан қўзғалиб, боғбон ёнига ўтириб олди-да, унга нималардир тушунтирган бўлди. Боғбон унга ўз қизидек меҳрибонлик қилар, юзларини силар эди. Учовлон яктан бўлволиб меҳр-муҳаббат нашъасини сураётгандек.

— Ҳасанак, бу, боғбон дейман, биз соддагина одам деб юрсак, балойи азим экан-ку! Камтар, мушфиқ бир киши эрди. Қарангки, соқий бўлиб, биз билмаган бегоналар билан апоқ-чапоқ бўлиб ўлтирар... Сен ҳам вазирман деб юрган экансан-да гердайиб! — деди Султон Махмуд илмоқли оҳангда.

— Одамлар кўнглида нима борлигини билиб бўлмас, жаноби олийлари!

Шу вақт қиз ўрнидан турди-да, ёстиқ устига эҳтиётлаб қўйилган торни олиб, созлай бошлади. Кейин бир чиройли ғазални хониш қила кетди.

*Кўзларим қолди йўлинда, бир хабар олмасмиди!  
Кўнглинда гар дарди бўлса, интизор этмасмиди?*

*Мижжа қоқмай кечалар, ҳажринда ёндим ўртаниб,  
Қалбима бир чўғ тушибдир, ул нигор билмасмиди?*

*Ҳолидан этмас хабар, бевафолик шунчаму?  
Беқиёс меҳрим гиёсига назар қилмасмиди?*

*Аҳли дониш демишким: «Кўнгил кўнгилдан сув ичар»,  
Қайда ул васлин йўли, билса гар келмасмиди?*

*Севғи дарди бедаводур, кимга сўйлай дардим?  
Маълум ўлса ул табиба, ошикор этмасмиди?*

Нотаниш қиз овози шундай тотли, шундай ёқимли эдики, бунақанги дилбар навони Султон Маҳмуд шу пайтгача эшитмаган. Султоннинг серҳашам анжуманларига не-не олия мақомидаги ҳофизлар, кўшиқчилар, созандалар келмайди дейсиз. Қайдаки дилнавоз кўшиқчи ёки дилфириб ҳофиз бўлса, ёки уд, най, чанг, тор чолғучи санъаткор бўлса, оёғини ерга тегизмай саройга олдириб келарди. Истеъдод соҳиблари санъатидан баҳраманд бўлгач, мўл-қўл совға-саломлар бериб, юртига хурмат-икром билан жўнатиб юборарди. Энди бўлса, шундоқ қўл етгулик жойда шундай дилнавоз, боз устига ғоят гўзал, дилбар хонанда қизни кўриб турадир. Ҳаваси келди. Бахтга чўмган йигитга ҳам. Султон ҳам даврада ўтириб, хушовоз қиз кўшиқларини тинглагиси келди. Олдинига негадир истихола қилиб, даврани бузишга кўнгли бўлмади. Шу паллада ўзини оламни титратиб турган подшоҳ эмас, бир кўшиқ ихлосманди, нозанин хонанданинг асиридек ҳис этди. Қани энди, анави хос боғбоннинг ўрнида ўзи бўлса-ю, хушхон кўшиқчи қиз хонишини ёнида ўтириб эшитса! Дунёнинг ишлари роса қизиқ, кўп ғалати. Қарангки, шу аснода ўз қошонасига кира олмайди. Бу қанақаси, биз подшоҳлар учун ҳам адолат борми ўзи бу дунёда?!

Султон Маҳмуд шуларни дилидан ўтказди-ю, миёнида кулимсираб, ёнида даричадан мўралаб, бу синопатларга маҳлиё бўлиб турган вазирига ўтирилди. Бу амалпараст, қилни қирқ ёрадиган Хожа Аҳмад Ҳасанак деган зот ҳам кўзига жимитдеккина, чинакам

санъатни, оханглар гўзаллигини тушунмайдиган, ҳеч бир мақбул ишга қурби етмайдиган нотавон бир одамга ўхшаб кўриниб кетди.

— Нима қилиб, кўз ёшларингни артиб ўтирибдурсен? Буларга ҳукминг ўтадиму, йўқму? — деди Султон Маҳмуд дашном бергандай.

— Амр айланг, олампаҳо, истасангиз ҳозирок уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, оёғингиз остига ташлай! — деди вазир.

— Сенга яккаш қўл-оёғини боғлаш, зўравонлик қилиш, зуғум ўтказиш бўлса...

— Нима қил, дейсиз? Буюринг, олампаҳо.

— Бир иложини топ! Мен уларнинг мажлисига кўшилмоғим шарт!

Хожа Аҳмад Ҳасанак тағин ҳайрон бўлди. Буёғига энди нима бўлади? Султоннинг истагини қандай қилиб бажарсам экан? Бостириб кирса бўлмаса? Қўрқиб кетишади, маишати бузилади. Чамаси, Султон Маҳмуд ҳам бу мажлис аҳли сирларидан воқиф бўлмоқчи!

Бир нарса ёдига тушгандай кулимсираб қўйган вазир Султонга юзланиб деди:

— Суҳбатга ҳамдам бўлмоқнинг бир чораси бордур.

— Қандай чора?

Вазир Султонга муғамбирона боқиб:

— Қани, юринг, дарё бўйига тушайлик. Бир балиқчини яхши танийман. Сиз уч-тўртта балиқ кўтариб, балиқчи бўлиб, мажлисга кирурсиз. Кайф устида ўтирганлар балиқни кўриб, хурсанд бўлиб, сизни ўз суҳбатларига қўшиб олурлар, — деди.

— Ақлингга тасанно, Ҳасанак, ақлингга балли! Бундай топағонликни кимдан ўргангансен?

— Сиз олий жанобларидан, олампаҳо! — деди вазир.

Тағин иккковлашиб дарё бўйига тушдилар.

Вазир балиқчининг фақир кулбасига кириб, тўртта тирик балиқ олиб чиқди. Қўлида қандайдир эски бир чопон.

— Жандангизни ечинг! — деди вазир.

— Нечун?

— Ахир, қаландарлар балиқ тутмайди-ку!

Султон Махмуд жандасини ечиб Хожа Ахмад Ҳасанакка тутқазди.

Вазир енглари, елкаларининг пахтаси чиқиб кетган эски бир чопонни Султонга кийдириб қўйди-да ҳазиллашиб:

— Олампаноҳ, янги сарполар муборак! Энди балиқчи чопонини зарбофт тўн ўрнида кўргайсиз! — деди.

Султон Махмуд истар-истамас кулиб қўйди. Хожа Ахмад Ҳасанак ҳукмдорга ҳеч қачон бунақа қалтис ҳазил қилмаган, шу ҳолатда ҳукмдор унинг ҳазилига парво қилмай, кўнглига олмай ўтказиб юборди.

— Агар рухсат этсангиз, жандангизни Сизнинг номингиздан балиқчига кийдирсам. Ул бояқиш бунақа янги жандани умрида кўрмаган.

Султон ва вазир балиқларни олиб боққа қайтишди.

Тадбиркор вазирнинг кўнглига яна бир фикр келди. Султонни боғбон яхши танийди-ку, буёғи нима бўлади?

— Олампаноҳ, фикримга яна бир нарса келди, боғбон сизни таниб қолса не бўлур?

— Тўғри айтдинг! Бир амаллаб боғбонни чақириб олмоқ даркор.

— Балиқчини ҳам бирга олиб борурмиз. Боғбонни чақириб олади, биз бўлсак, унгача пинҳон турурмиз.

— Кейин-чи?

— Буёғини менга қўйиб бераверинг!

Боғбонни бир амаллаб меҳмонхонадан олиб чиқиб кетишди. Барча ишлар мўлжалдагидек кечди. Ичкарида эса кайфу сафо давом этмоқда. Йигит оромда, қиз эса муҳаббат нашидасида. Иккаласи ҳам шу бахтли дамларда бу дунё ташвишларини бутунлай унутишган, боғбон чиқиб кетганига ҳам парво қилишмади.

Эшикдан балиқ кўтариб кириб келаётган «Балиқчи»ни кўрди-ю, «Кўшиқчи қиз» хурсандлигидан қийқириб юборди, шодлигини ифода этмоқчидай бирдан хиром айлаб кетди, «Раққоса»га айланди қолди. «Муғанний» эса торни олиб шўх, ўйноқи куйни чала бош-

лади. «Раққоса» келиб «Балиқчи»га илтифот билан таъзим этди-да, қўлидаги ипга тизилган балиқларни олиб, гўё балиқлар сузишини ифодалагандек хона бўйлаб хиром айлар, чехрасида чиройли таббасум, сүзик, ғамзали кўзлари тош юракларни ҳам эритиб, ўйна-тиб юборадигандай, хиссиётларга гоҳ ором, гоҳ жўшқинлик бағишлаб, жонга мадад берар эди. «Раққоса» ўйнаб-ўйнаб келди-да, дастурхондаги май тўла кўзачани олиб, косани лаболаб қилиб «Балиқчи»га тутди. «Балиқчи» «Раққоса» қўлидан пиёлани олиб, чанқаб турган кишидек бир симиришда сипқориб юборди. «Раққоса» тагин карашма билан дастурхондаги узумдан бир шингил узиб олди-да, тагин ўшандок хиром айлаб, «Балиқчи»га узум ғужумни битта-битта-лаб егизиб қўйди. «Балиқчи» дастурхон четидаги кўрпачага чўкди. «Раққоса» ҳам рўбарўсига ўлтириб, иккинчи косани тўлдириб «Балиқчи»га тутди.

— Тутган балиқларингиз учун минг бор раҳмат сизга! Балиқни яхши кўришимни қайдан била қолдингиз? Эй саховатпеша киши, ошиқ Баҳром билан унинг маъшуқаси даврасига хуш келибсиз! — деди.

— Исминг недур, эй сарвқад қиз?

— Гулчехра! — деди қиз.

— Исминг ҳам жисмингга монанд эркан! Сенинг ҳам исминг шоҳона экан, эй йигит! — деди-да Султон косани бўшатиб қизга узатди.

Гулчехра жуда ҳам шўх, косага қуйилган майни ичмаса ҳам, ўзини гўё ичгандек, кайф қилгандек тугарди. Ҳар бир ҳаракати, сўзи, кулгуси ўзига жуда-жуда ярашиб тушар, жон олғувчи чўлпон кўзлари ҳар қандай кишини ҳам бир зумда ўзига ром этар эди.

Гулчехра учинчи косани ҳам тўлдириб Султон Махмудга тутди.

Султон ўзи ҳам билмай, гўё қизнинг ҳукмига тобе бўлиб қолган, ичмаса бўлмайду. Гулчехранинг адоли қарашлари уни ҳам ўзига ром этиб қўйганди. Не қилсун, у ҳам эркак зотидан-ку?

Гулчехра пиёлани олди-да:

— Улуғвор, баҳодирона қадди-қоматингиз Рустами

достонни эслатур. Нечундир балиқчига ўхшамайдурсиз? Кўзларингизда қандайдир олий ҳимматли, буюк кишиларга хос қарашлар мужассам, — деди.

Султон Махмуднинг кайфи анча кўтарилган, пайдар-пай нўш айлаган май негадир бошини айлантирмоқда, хаёлларини тўзғитиб, негадир ёшлик йилларини, навқиронлик дамларини кўз ўнгига келтирар эди. Ичаётган майи боғбон томонидан фақат Султон Махмуд учун алоҳида тайёрланган, олий навдаги узум шарбати эди. У канизаклар базмида, гўзаллар оғушида, истаган дилбар аёллар билан кўп мулоқотда бўлган, уларнинг мажлисларида ҳукмдор мақомида иззат-икром кўрган, истаганча машат қилган. Лекин бу фараҳли ва сирли кечада оддий балиқчи сифатида, ёш ошиқ-маъшуклар даврасида ҳам ўзини шу қадар эркин, бахтли ҳис этдики, афсоналардагидек мажлисга тушиб қолганлигидан мамнун ва масрур эди.

— Сизларга ҳавасим келди... Айтинг-чи, қайдан келурсиз ва қайга кетурсиз?.. Не сабабдин бу гўзал боғга келиб қолдингиз? — сўради икки ёшга мурожаат этиб.

— Эҳ-хе, — деди Гулчехра, — бошимизга тушган савдолар душманзимизнинг ҳам бошига тушмасун.

— Қандай савдо эркан?

Гулчехра бир хўрсиниб олди-да сўзлай кетди:

— Биз аслида Балх шаҳридан бўлурмиз. Отамнинг касби-кори кулолчилик, мусиқа, қўшиқ ихлосманди, тор, уд чалур эрдилар. Аҳён-аҳёнда хушнавонга фазалларни хиргойи қилиб турар эрдилар. Кулолчилик дўкони бозорнинг бир чеккасида эди. Ўғли бўлмаганлигидан баъзан майда-чуйда юмушларига ўзим ёрдам бериб турар эрдим. Бир куни отам зарур юмуш билан қайгадир кетиб эрдилар. Дўконда қолган эдим, харидор йигит келиб чиройли бир кўзачани харид қилди. Кўзачани олаяпти-ю, кўзи менда. Уялиб ерга қарадим, рўмолим билан юзимни беркитдим. Кўзачанинг баҳоси бир дирҳам эди. Йигит чиқиб кетгандан сўнг қарасам, кичик бир ҳамённи қўйиб кетибди. Очиб кўрсам, ўн дирҳам



экан. Хаёлга ботдим. Нега шундай қилибди деб? Аммо негадир йигитнинг сиймоси, қарашлари, оппок тиниқ юзларига ярашиб тушган сабза мўйловлари кўз олдидан кетмас эрди. Ўша куни хаёлим тўзғиб, кечаси билан безовта ухладим... Эртаси яна отам хузурига бордим. Кечаги йигит келди, битта кўзача харид этиб, яна ўн дирҳам солинган ҳамён ташлаб кетди. Отам бошқа юмушлар билан банд эрдилар, мен у берган ҳамённи кечагисига қўшиб, беркитиб қўйдим. Шундай қилиб, бир ҳафта ичида саккизта кўзача сотиб олди. Мен ҳам унга ўрганиб қолгандай эрдим. Унинг келишини интиқ кутадиган бўлиб қолдим. Агар бир оз кечикиб қолса ичкиб кетардим...

Гулчехра жимиб қолди, қаршисида кайф билан ўтирган Баҳромга қараб қўйди. Негадир ийманиб турибди.

— Қани, уялмай сўзлайвер, нега жимиб қолдинг? — деди Султон Маҳмуд

— Буёғини Баҳром айтиб бера қолсин, — деди Гулчехра.

Баҳром давом этди:

— Шундан кейин қиз хузурига бир неча кун бора олмадим. Чунки савдо-сотик ишлари билан олис Тунис шаҳрига кетишга тўғри келди. Ўша томонларда юрибман-ку, хаёлим Гулчехрада, ётганда ҳам, турганда ҳам уни ўйлайман. Гулчехрани дилдан севиб қолган эдим. Шаҳар бозорида юрган эдим, бир аёл менинг ёнимга келиб: «Эй йигит, мусофирга ўхшайсиз, мана шу қўйлакни сотиб олинг, суюкли хотинингизга яхши тухфа бўлгай», деб қолди.

— Бу қандай қўйлак? — дедим.

— Буқаламун матосидан тикилган. Бир кунда бир неча тусга кириб товланаверади... Оқ, қизил, сарғиш, кўк... — деб мақтайверди у молини ҳайратланганимни сезиб.

Ўзим ҳам бозорга Гулчехрага бир арзийдиган совға олай деб тушган эдим. Кўзимга ургандай уни юз дирҳамга сотиб олдим... Қолганини Гулчехранинг ўзи ҳикоя қилиб бера қолсун.

Гулчехра давом этди:

— Бахромнинг Тунис мамлакатидан келтирган фаройиб совфасини уйга олиб келдим. Қувончимдан теримга сифмай, кечаси билан ухламай чиқдим. Кўйлак менга жуда ёқди. Қувончларим чексиз эди. Бунақаси ҳеч кимда йўқ, ноёб совға. Уни кийиб кўчага чиқдим. Кетаётган эдим, бир аёл менга қараганча бўзрайиб, анграйиб қолди. Кейин овозининг борича: «Ҳой, одамлар, мусулмонлар, анави қизнинг кўйлагига қаранглар, ҳозир оқ эди, бирдан сариқ бўлиб қолди!» деб бакириб юборди. Шунда бир жулдур чопон кийган мўйсафид қаландар: «Астаффуриллоҳ, астаффуруллоҳ, халойиқ, охир замон бўлди, халойиқ! Бу одам эмас, шайтон, шайтон!» дея калимайи шаҳодат келтира бошлади. Бирпасда оломон йивилди. Ҳамманинг кўзи менда. Бир тўда йигитлар қаландарнинг сўзларидан кейин муштларини қисиб, мен томон кела бошладилар. Ўзим отамнинг қошига кетаётган эдим, аҳволни кўриб, уйга томон югурдим. Кимдир орқамдан тош отди, хайриятки, тегмади. Қарасам, оломон, ёшу қари ортимдан қувиб келмоқда. Уйга кирдим, эшикни занжирлаб, эҳтиётдан тамбалаб кўйдим. Хонамга кириб, дарҳол устимдаги кўйлакни ечиб, сандиққа беркитдим. Бошқа кўйлагимни кийиб олдим... Эшигимиз олдига туманот одам йивилди. Ҳалиги йигитлар эшикни бор кучлари билан уриб тепа бошлади. Мўйсафид қаландар бўлса яна: «Халойиқ, охир замон бўлди, халойиқ! Яқинда яъжуж-маъжужлар ҳам келармиш! Ҳалиги шайтонни олиб чиқиб, сангсор этмоқ керак», деб жазаваси тутиб бақира берди. Онам кўрқиб таҳмонга чиқиб олган, зир-зир титрар эдилар. Кейин менга: «Тезроқ қоч бу ердан», деб қолдилар. Ҳовлимиздан кўшнимизникига туйнук очилган эди. Ўша ердан кўшнимизникига чиқиб қарасам, боғча эшиги очиқ турган экан. Боғчага ўзимни олдим. Уёқ-буёққа қараб турган эдим, деворнинг бузилган жойига кўзим тушиб қолди. Эсимга тушди — у ёни орқа кўча. Ўша ердан чиқиб, ҳеч қаёққа қарамасдан, нафасим оғзимга тикилиб югуриб борардим. Кимдир олдимдан чиқиб, мени маҳкам ушлаб олди. Жон-поним чиқиб кетди,

бўлди, «энди ўлдим!» деб, хушим кетиб йиқилибман... Бир маҳал уйғонсам, бир ойнаванд чарагон хонада атлас кўрпаю баҳмал тўшаклар устида ётибман. Хайрият, соғ-саломат эканмен деб, Оллоҳга шукрона айлаб, ўрнимдан туриб ўтирдим. Хайратдаман, уйлар анча саранжому саришта. Даричадан ҳовлига қарадим — ҳаммаёқ гулзор, ариқларда шарақлаб сувлар оқиб ётибди. Ҳовлида эса ҳеч зоғ йўқ. Чиқишга кўрқдим, жойимдан кимирламай ўтирабердим... Кеч бўлди, қоронғу туша бошлади. Ёлғиз ўзим, хувуллаган хайхотдек ойнаванд хонада, очиги, кўрқиб, бир чеккада қисилганча, миқ этмай ўтирардим. Ўзи, бу дунёда нималар бўлмоқда? Наҳотки, ҳаётга эндигина йўл олаётган ёш қизалокнинг нигунлик ҳолатига ёрдам берадиган бирор зот топилмаса деган ҳаёллардан изтиробда эдим... Бир томондан қорним оч, анчадан бери туз тотмаганмен, ичишга бир пиёла сув ҳам йўқ... Бир маҳал эшик калити буралиб, биров йўталган овози эшитилди. Кўрққанимдан бир чеккада турган сандикнинг орқасига бекиниб, энди буёғи нима бўлар экан дегандек, тинмай: «Эй Яратган эгам, ўзинг раҳм-шафқат айла! Энди менинг сендан бошқа меҳрибоним йўқдур», деб ёлворардим. «Гулчеҳра, қаердасен?» Бу ўша таниш овоз, мен суйган, меҳр қўйган Баҳромнинг овози эди. Юрагимга гўё қуёш келиб киргандай бўлди. Билмай, чопиб келиб, Баҳромнинг қучоғига ўзимни ташладим. Бу ҳаётимдаги энг саодатли, бахтиёр дамлар эди. Шамъ ёқилди... Баҳром келтирган таомларни бирга ўтириб тановул айладик... Икки ошиқ бир-биримизга қараб тўймасдик... Қани, энди шундай бахтиёр дамлар умр бўйи бўлса эди, дейман ўзимга ўзим. Кейин Баҳром: «Шаҳарда дув-дув гап. Анави девонасифат қаландарлар: «Шаҳарда шайтон кезиб юрибди, охир замон бўлди» деган ваҳима тарқатишган. Уйингиз эшигини бузиб киришибди. Қидириб «шайтон»ни топиша олишмабди. Бунақа ваҳимали гаплар подшоҳ даргоҳига ҳам бориб етмасдан қолмайди. Мулозимлар ва айғоқчилар ҳаммаёқни тинтув қилишган, одамлардан «ўша шайтон қандай рангдаги кийимда эди» деб суриштириб ётишибди... Тезда шаҳардан

чиқиб кетишимиз керак, йўлга зарур бўлган кийим-кечак, озуқа, барчасини тайёрлаб келдим. Мен бу ерга қоронғу тушиши билан билдирмай келдим. Отангизга ҳам, онангизга ҳам ҳамма гапни айтдим, кўнглингиз тўқ бўлсин», деди... Шундай қилиб, йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, мана бугун шу диёрга, шу гўзал боққа етиб келдик. Боғбон ажиб бир донишманд, саховатпеша инсон экан. Бизнинг ғариб ахволимизни кўриб, кўрган-кечирганларимизни эшитиб, шу ерда бир кеча тунаб қолишга рухсат этди.

Гулчехра ҳам, Баҳром ҳам сукутда. Икковлари хаёл дарёсига чўмган.

«Балиқчи» сиймосидаги Султон Маҳмуд ўрнидан кўзгалиб, Баҳромнинг ёнида турган кўзачадаги шаробни қадахларга қўйди-да:

— Қани, шу қадахни сизларнинг бахтингиз учун кўтарайлик. Иншооллох, ёмон кунлар ортда қолғай, саодатли кунларингиз бошланғай, болаларим!.. — деди.

Гулчехранинг ёдига балиқлар тушиб қолди. Балиқлар бўлса бир чеккада ўқтин-ўқтин типирчиламай қўйган эди.

— Балиқчи бобо, балиқларни тановул қиламизми ё йўқми?.. Қани, пишириб келинг-чи, энди, — деди ёш қизлардек эркаланиб. Баҳромга қараб деди: — Қани, қўйинг энди отахонга.

Баҳром пиёлаларни тўлдириб, бирини Гулчехрага, иккинчисини Султон Маҳмудга, учинчисини ўзига олди-да, қандайдир бир рубойни ўқиб:

— Келинг, ажойиб, олижаноб балиқчи учун коса кўтарайлик! Илоҳо, бахтингиз чопсун! Ким айтибди балиқчидан подшоҳ чиқмайди деб. Оллоҳ хоҳласа балиқчи ҳукмдор бўлур, подшоҳ эса балиқчига айланиб қолур, — деди.

Гулчехра майни ичмай бир чеккага қўйди-да: — Сиз менга отамни эслатдингиз, — деди меҳр билан. — Энди, сизга агар оғир келмаса, ана шу балиқларни пишириб келсангиз.

Қизиқ бир ҳолат, бир томондан оламини титратиб турган подшоҳ бўлса, шу ёшгина қиз унга балиқни пишириб келинг, деб турган бўлса нима қилсун? Бўлар

иш бўлди, шу даврага тушди, энди охиригача сирни бой бермаслик керак. Йўкса, иш бузилади. Шуларни ўйлади-ю, «хўп бўлади» деди-да туриб, балиқларни кўтарганча чиқиб кетди.

Эшикда Хожа Аҳмад Ҳасанак хавотирда пойлаб турган экан, унга:

— Мана бу балиқларни тезда пишириб кел, фармони олий шундоқ! — деди.

— Мен балиқ пиширишни билмайман. Афу этурсиз, олампаҳо!

— Ҳукмдорнинг фармонини бажармасликка нечук хаддинг сизди? — пўписа қилди Султон.

Хожа Аҳмад Ҳасанак индамай балиқларни кўтарганча дарё бўйидаги балиқчи кулбасига равона бўлди.

Султон Маҳмуд ёлғиз. Бугунги кеча «Минг бир кеча»даги эртақларга ўхшаб кетарди. Ҳа, ҳаётнинг ўзи бир ҳикоятдай, эртақдай. Дунёда не-не воқеалар бўлмайди дейсиз. Қарангки, шундай буюк салтанат бошида даври-даврон суриб турган, кимсан Султон Маҳмуд Ҳазнавий, сирли бу тунда бир ёшгина кизнинг хоҳиши билан балиқ пиширишга мажбур.

Тун ярим кечадан оғиб кетган. Султон боғ ўртасидаги меҳмонхона эшиги ёнида балиқчининг жулдур кийимларида ўз вазирини пойлаб ўтирибди.

Ҳукмдорнинг баданлари жунжиб совқота бошлади, вазирдан бўлса дарак йўқ. Кайфи ҳам анча тарқаб, негадир кўзлари юмилиб кетаверди. Қанча вақт ўтганини билмайди, бир вақт вазири қоврилган балиқларни ликопчага солиб олиб келганда Султон мизғиб қолган, совуқдан бошларини эски тўн билан ёпиб олган эди.

— Балиқ пишди, олампаҳо! — деди вазир. Султон чўчиб уйғониб кетди.

— Намунча кечикиб кетдинг?

— Балиқчи ухлаб қолган экан.

Султон Маҳмуд қовоқларини ишқалаб, балиқларни олиб меҳмонхонага кирганда, икки ошиқ бир-бирларига бошларини суяб, уйқуга кетган эдилар. Султон уларга хавас билан қараб турди-да:

— Нақадар бахтли ошиқ-маъшуклар! — деди.

Коврилган балиқларни дастурхонга қўйиб, уларни безовта қилмай, деб, оёқ учида юриб хонадан чиқиб кетди.

Кутиб турган вазирга:

— Қани, энди кетдик! Сен уларни эрта билан хузуримга олиб борурсен, — деди.

Баҳром тонг билан чўчиб уйғонди. Уёқ-буёққа разм солади. Қаерда тунаб қолибди, ўзи ҳам хайрон, фикрлари чувалашиб кетгандай. Кечаси билан алоқ-чалок тушлар кўриб чиқди. Биттаси ҳам ёдида қолмабди. Онаси топишмоқ айтарди ёшлигида: «Томга беда ёйиб қўйсам, эрталаб турсам битта ҳам йўқ» деб. Ўша ёдига тушди.

Гулчехра бўлса ҳамон уйқу оғушида, негадир юзларида табассум. Ширин тушлар кўраётир гўзал бир фаришта. Баҳром унинг хусну жамолига махлиё бўлганча турар, шу топда ўзини гўё дунёдаги энг бахтли инсон деб билар, чунки ошуфта, табиатнинг шу чиройли бир мавжудоти унга насиб этган. Шукур, энди Гулчехра ёнбошида, оғушида! Уни севади, жонидан ҳам ортиқ кўради суюклисини.

Ором олаяпти жимгина, бир ҳовучдеккина бўлиб, ўй ўйлаб ўйига ета олмас, икки қалб, икки дил бирига пайваста бўлса-ю, бу ёғи не бўлғай энди? Такдирлари-чи?

Баҳром Гулчехрани ўзининг пок севгиси, садокати билан бахтли, саодатли қилиши керак. Шунга кучиқуввати, иродаси етадими? Ахир, севги севги бўлса-ю, унинг имконлари бўлмаса, дарбадарликда, уй-жойсиз, ватансиз не қилурлар? Шўрлик кизни, ухлаётган гўзални кўринг, чарчаган, толиққан, бу машаққатли йўлларда ватангадо бўлиб, не азоблар чекмади дейсиз! Ҳаммасига мен, ҳа, мен сабабчи! Бахтли қиламан деб, уни бахтсизлик йўлига етакладим. Севги-муҳаббат ҳам имкон доирасидан ташқарида! Агар ғойибдан бир марҳамат ё мурувват бўлмаса, юриш-туришларида, турмушларида ҳаловат бўлмас, севги, муҳаббатнинг холига вой унда!

Гулчехрани уйғотгиси келмас, қўй, бир оз ором

олсун, дейди ўзига-ўзи ошиқ йигит. Шу аснода бир нарса сезгандай Гулчехра уйғониб кетди. Уйғонди-ю, ўзига меҳр билан тикилиб турган ошиқ йигит кўзлари унинг кўзлари билан учрашди. Ҳа, ҳақ гап, кўз очиб кўргани шу унинг! Эҳ-ҳе, уни ўз ёнида кўриши билан бахтиёр эди.

— Вой, мунча ҳам эрта турибдурсиз? Биров уйғот-диму Сизни?

— Йўқ, жоним, сенинг хусн-жамолингни кўрмоқ истаб эртароқ туриб олдим.

— Йўғ-е, қўйинг-е! Мен бўлса ғафлат уйқуси босибдур, чарчаб-ҳориган эканмен.

Гулчехра турди, уёқ-буёғини тузатган бўлди. Бирпасда ўзига оро бериб, худди қўғирчоқдек бўлиб олди.

— Вой, қаранг, қоврилган балиқ! Ухлаб қолиб-миз-да! Балиқчи қани, боғбон-чи?

Шу вақт эшикдан тасир-тусур қилиб, ваҳима билан икки сипоҳий кириб келди.

— Биз Султон маҳкамасидан келдик. Қани, туринглар, Султон Маҳмуд хазрат олийларининг муқаддас боғларига кирмоққа ким ижозат берди сизларга?

— Боғбон бобо! — деди Баҳром.

— У ким бўлибдурки, сизларга рухсат этур? Қани, олдимга туш! Бўл! — деди Баҳромга ўдағайлаб.

Гулчехра билан Баҳромни банд айлаб, саройга олиб келдилар. Саломхона қабулхонасида ҳали ҳеч ким йўқ. Энди бомдод номози тугаганлиги учун вақт анча эрта, ҳали ҳеч ким хизматга келмаган. Онда-сонда Маҳкамаи девон хоналарини супириб-сидириб юрган фаррошларгина кўриниб қоларди.

Тутқунларни «шу ерда қимирламай ўтиринглар» деб саломхона чеккасидаги кутиш учун ажратилган жойга олиб келиб ўтқазиб қўйишди.

Гулчехранинг кўзлари Баҳромда, тинмай йиғлар, овоз чиқармай юраги йиғлар эди. Кечаси билан қилган маишат, хурсандчиликлари бурнидан чиқиб кетди шўрликларнинг. Баҳром «Бу англашилмовчилик бўлди!» деб Гулчехрани юпатишга уринади. Қайда дейсиз, қиз боланинг юраги гўё гул капалаги. Ўзи ҳам дир-дир титрар, ичида Яратганга ёлвориб, мадад,

меҳр-шафқат истар, мушқулининг осон қилишини сўрар, сўнг ўзини тута олмай яна ич-ичидан хўрсинар эди. Энди Оллоҳнинг ўзи раҳм айламаса, бу даргоҳдан эсон-өмон чиқиб кетиб бўлмас. Бу ҳақ гап.

Баҳром деди:

— Кечаси бир яхши туш кўрибмен. Сенга айтиб бермоқчи эрдим, афсус, ҳамма ишлар чаппасига айланиб кетди.

Гулчехра йиғламсираб сўради:

— Қандай туш эркан, яхшилиқками?

— Тушимдамиш, бир чаманзор ичинда сайр этиб юрган эмишимиз. Фақат сен ва мен. Ҳеч ким йўқ. Қарасак, ҳаммаёқда булбуллар шохдан-шохга ўтиб сайрар, тинмай, бири олиб, бири қўйиб наво айлар эрмиш. Қизиги шундаки, булбулларнинг овози шундай қаттиқ эмишки, кулоқларимизни гаранг қилиб юборибди. Икковлон қулоғимизга пахта тикиб олибмиз. «Булбул кўп бўлса ҳам, кўнгилга тегар эркан», дебсан секингина гўё улар эшитиб қолмасин деб. Шу вақт битта булбул келиб сенинг бошинга, биттаси меникига қўнибди. Кейин икковлашиб сайрар эмишлар, лекин бу қушларнинг овози жуда ҳам ёқимли, дилнавоз эмиш. Худди сен кеча тунда балиқчига айтиб берган қўшиғинга ўхшар эмиш.

Шу вақт гулзор ичиндан бошига тож қўйган, савлатдор бир паҳлавон қомат киши чиқиб келибди. Ким экан ул инсон? деб қараб турсам, ўша балиқ пиширишга чиқиб кетган балиқчи эмиш... Хайратдан уйғониб кетибман...

— Жуда қизиқ туш... Рост, бизнинг ҳаётимиз ҳам бир тушга ўхшар. Ўзим ҳам билмасман, буёғи не бўлғай? «Яна бу бошимизда қандай савдолар бор эркан?» — деди-ю, Гулчехра боз кўзига ёш олди. Шу пайт саройга бирин-кетин девон хизматчилари кириб кела бошлади. Ўз хоналарига ўтиб кетаётиб, барчанинг кўзи қабулхона чеккасида маҳзун ўтирган бири-биридан хушрўй йигит ва қизда. Улар ҳам таажжубда, каллаийи саҳарлаб бу ёшлар девонга нима учун келишибди деб.

Биринчи бўлиб қабулхонага вазири аъзам Хожа



Аҳмад Ҳасанак кириб келди. У ер остидан Султон қабулига келган йигит ва қизга қараб қўйди. Зеро, унинг ўзи эрта тонг билан Султоннинг амри туфайли уларни олиб келишга одам юборган. Ҳамма гапдан воқиф, тез-тез юриб, Девондаги ўз хизмат хонасига йўл олди. Вазирдан кейин бирин-кетин сарой шоирлари кириб кела бошладилар. Энг охири сарой маликушшуароси Ҳасан Унсурий кўринди. У маъюс ўтирган қиз билан йигитни кўриб, қабулхона ўртасида тўхтаб қолди. Ҳайратда, булар не сабабдин каллаи сахарлаб девонга келишибди, бунақаси сарой тарихида бўлган эмас, деб. Улар эса бир-бирларига суяниб ўтиришар, гўё мўмин-маъкул мусичалардек камсукум ва муштипар. Шоирнинг илҳом дафтарига ўтли мисралар тушаётгандай, ўзи хаёл дарёсига чўмиб кетгандай эди. У қиз ва йигитга қарай-қарай ўз хонасига йўл олди.

Ниҳоят, бир неча дақиқалардан сўнг ғулум келиб, вазирни Султон Маҳмуд ўз ҳузурига чорлаётганини билдирди. Хожа Аҳмад Ҳасанак шошганча ҳукмдор хонасига кириб кетди ва ортидан бирин-сирин бошқа казо-казолар ҳам таклиф этилди. Охири Абул Фазл Байҳақий ҳам бу суҳбатдан қуруқ қолмади.

Гулчехра билан Баҳром хижолатда. Шунча олий зотлар подшоҳ ҳузурига таклиф этилди, бунда бир гап бўлса керак, деб қўрқа-писа ўтиришар, тақдир уларни ўзлари ҳам билмай шундай олий даргоҳга олиб келиб қўйганидан ҳайратда эдилар.

Бир вақт бир хушсуврат киши келиб, Баҳромнинг қўлларидаги кишанларни ечиб қўйди. Кейин икковларини бошлаб Султон Маҳмуд ҳузурига олиб кирди...

Ажабо, дунёда нима ишлар бўлмоқда ўзи! Наҳотки, шу икки ёш тақдири бутун жаҳонга машҳур ва маълум бўлган амирлар амири Султон Маҳмуд Ғазнавийгача етиб келса? Ҳукмдорнинг бундан бошқа иши йўқми? Баҳромнинг шу топда хаёлидан шу фикрлар ўтди. Ё мамот, ё ҳаёт! Ё ғазаб, ё нафрат! Ё бахт-саодат! Масала худди шундай қўйилган тарозунинг икки палласига! Ё уёққа, ё буюёққа оғиб кетади шу аснода ҳақиқат тарозуси. Гулчехранинг кўзлари гўё юмук.

Қаршисида уларга тикилиб турган подшоҳу ақраболарга қарай олмайди. Қизалоқ қалби гулдек нозик, унақабунақа оғирликни, жабр-зулмни кўтара олмайди. Фақат аламли кўз ёши тўқа олади, холос. Унинг кучи ўзигагина етади, аламини эса йиғидан олади. Милт-милт кўз ёшларигина унинг юрагини бўшатади. Бошқа иложи ҳам йўқ, фақат эзгулик, меҳр, севги-садоқат, қўшиқ айтиш, тор чалиш, ғазалхонлик бўлса унга!

Султон Маҳмуд деди:

— Биз сизларни хузуримизга олиб келишимиз боси битта. Хўш, йигитча, айтинг-чи, бу элларга не истаб келибдурсиз? Ёнингиздаги қизалоқ ким эрур?

Хамманинг кўзи энди Баҳромда. Сарой аҳли учун уларнинг бу даргоҳга келиб қолганлиги ўзи бир жумбоқ. Ҳар ким ўзича турфа хаёлда, ўйлаб ўйига етолмас, фақат Султоннинг ўзи, вазиргина ҳамма воқеадан воқиб.

— Бизнинг тарихимиз узундан узоқ эрур. Сўзлаб бермоқ учун анча вақт керак. Олампадох, Сизнинг муборак вақтингизни олиб, сўзлаб ўтирмоққа ҳожат борми? Биз фақирларнинг аянчли дарди шу олий даргоҳга арзирму? Агар илтифот этмоқчи бўлсангиз, шафқат айлаб, гуноҳимиздан ўтиб, бизни озод этинг, ўз ихтиёримизга қўйинг!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Гулчехра ер остидан Султонга қараб қўйди. Негадир подшоҳнинг овози унга танишдек туюлди. Уни қаердадир эшитган, кулоғи остида турибди. Кўзлари ҳам таниш. Қаердадир кўришган, кимнидир эслатади. Ўйлаб ўйига етолмас, ёки тушида кўрганмикин?

Султон Маҳмуд деди:

— Энди гап бундоқ. Сизлар менинг боғимга рухсатсиз кирибдурсизлар. Ахир, подшоҳнинг боғига кирмакка кимнинг ҳадди сиғибдурки, сизлар уни оёқ ости қилсангизлар?

— Олампадох, кечиринг. Биз билмадик. Боғбон бизга рухсат этди. У ажойиб раҳмдил киши эркан, бизни тушунди. Унинг розилиги билан бир кеча тунаб қолиш учун... Агар Сизни боғингиз эканлигини билсак,.. — яна кўзига ёш олди Гулчехра.

— Бўлди, бўлди. Биз сизларни кечирдик. Йиғлама, кизим, — деди Султон бу сафар меҳрибонлик билан.

Султон Маҳмуд Берунийга мурожаат этиб:

— Хўш, Абу Райҳон, не деюрсан, кечирурмизму?

— Албатта, Сизнинг ҳукмингиз ҳақ, олампадох!

— Жаноб Унсурий не деюр? — деди Султон ҳайратда ўтирган шоирга юзланиб. Шоир деди:

— **Ингизор ҳукмингга ул, гул бадан, гулгул санам...** — Шу байтни ўқиб Асжадийга юзланди, жавоб қил, — дегандай.

Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи мақсадига эришур деганларидек, Гулчеҳра ўрнидан туриб, мана бу мисрани ўқиди:

— **Раҳм қил, давлатли Султон, кўрсатиб меҳру карам.**

Асжадий деди:

— **Токи ул ошиқу маъшуқ чекмасун дарду алам.**

— Бале, бале! — деди Султон Маҳмуд кулиб. — Энди менинг ҳукмимни эшитинглар. Ҳаётнинг бул ноёб чечакларига «Боғи Фируз»да ҳашамли бир ажиб тўй айлаб, уларга бахтдан тахт тилайлик. Фазна мулкидан бу бахтиёр ёшлар учун уй-жой берилсун. Бу менинг Султон Маҳмуд сўзим, ҳукми олий эрур!

Гулчеҳра кўзларида севинч ёшлари, Баҳром ўзида йўқ хурсанд ва бахтиёр. Баҳромнинг қулоғига секингина шивирлади:

— Подшоҳ подшоҳ эмас, ўша, ўша «Балиқчи»-ку, сезмадингми?

## **АШУРО БАЙРАМИ**

Мусулмон оламининг азалий айёмларидан бири «ашуро» байрами келди.

Эл-юртда мотамсаро бир вазият: негаки «ашуро»да халифа Алининг ўғли Ҳусайн Карбало даштида ганимлари томонидан қатл этилган, шахид бўлган.

Ислоннинг шиъа мазҳабидаги бандайи мўминлари ашуро байрами кунда кўчаларни тўлдириб, «Ё Ҳасайно!», «Ё Ҳусайно!», дея уввос солиб йиғлайдилар.

Аёллар ҳам сочларини ёйиб, жазавалари тутиб, дод-фарёд чекиб, Имом Хусайнга аза тутадилар.

Бу кун бозорлар ҳам тақа-тақ бекилган, нонвойлар нон ёпишмайди, қассоблар ҳам мол-қўй сўймай, ўз дўконларини тарк этадилар.

Соқоллари киндигидан ўтган, сочлари тўзғиб юзларини ҳам бекитиб юборган бир чувринди девона эса кўзларини юмиб олиб, насихатомуз дийдиё ўқийди. Бир томонда бўлса бу дунё ишларидан норозидек, таркидунё қилган қаландарлар жазавалари тутиб бараварига: «Ё Оллох, дўст, ё Оллох, Ҳақ дўст, ё Оллох, охир замон бўлди» деб одамлар юрагига фулфула солишади. Улар бу кун Парвардигорга ҳамду санолар айтиб, дунёни бақосиз ҳам вафосизга чиқариб, одамларда умидсизлик, таркидунёчилик кайфиятини тугдирадилар.

Фазна шаҳри жомеъ масжиди эшиги олдида пешин намози ўқиб бўлингач, шиъалар билан суннийлар ўрта-сида шундай тўс-тўполон бўлдики, оқибатда, қараб-сизки, бировлар майиб бўлган, бетлари қонаган, бошқаларнинг боши ёрилган, бировнинг оёғи синган, хуллас, тартибсизлик авжига минди.

Бунақа пайтда одам одамни, ит эгасини танимайди.

Кимнингдир офиз-бурнидан қон келиб, масжид дарвозаси ёнида ҳушдан кетиб ётибди.

Хунрезлик чоғида баъзан ҳатто оға инисини, ота ўғлини танимайди. Чунки ўғли шиъалардан, отаси сунний мазҳабидан. Мазҳаби бошқа бўлса, бас, ота-бола ҳам жикқамушт.

Аҳмад Ғозий деган бир йигит тўс-тўполонда ёқалашиб, уни тартибга чақирган амакисини ўлдириб қўйди. Масжид эшиги ёнида оламдан ўтган киши девон хизматчиларидан бири — Муҳаммад Али, муштлашганлардан бири шиъа, иккинчиси суннийлардан эди.

Авом-чи, бояқиш қора халқнинг ҳаёти ҳам хавфхатарда. Уруш-жанжал бўлгандан кейин, калтакнинг бир учи бошқаларга, мазҳабпарастлик тўполонига аралашмаган гуноҳсиз кишиларга ҳам тегиб ўтади-да!

Одамлар шиъаларнинг бу қилмишларига, ашуроода

ўзларини ноўрин тутишларига гўё бепарқдай. Баъзи ақли расо, ҳуши жойида, бетараф сунний мазҳабидаги мусулмонлар бўлса мусулмон шиъаларнинг девонасифат, дарвишона хатти-ҳаракатларини кўриб, бу қайсар диёнатсизлар туфайли бирор фалокатга йўлиқиб қолмай деганча этакларини силкиб, ғофиллардан нари, узоқроқ кетишарди.

Ниҳоят, бир нуроний мўйсафид оломон ичидан чиқиб тўполончи тартиббузарларни инсофга чақирмоқчи бўлди:

— Хой, инсонлар, нечун бир-бирларингизни уриб ўлдурурсизлар? Шу ҳам мусулмончилик бўлибдурму?! Ахир Оллоҳдан кўркмайсизларму? Эс-ҳушларингизни йиғиб олинглар! Сизларни шайтон йўлдан оздирибдур. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳивассалам сўнгги бор ҳаж қилганларида Арофат водийсида ўз туялари устида туриб, бир юз йигирма беш минг ҳожидан қаршида қилган ваъзларида айтганларини наҳотки унутган бўлсангизлар?! Пайғамбаримиз ўз васиятларида: «Эй инсонлар, сўзларимни диққат билан эшитингиз. Билмайман, балки бундан кейин сизлар билан бу ерда яна бир бор бирга бўла олмасмен... Асҳобим, эски жаҳолият давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди... Эй мўминлар, Раббингиз бирдир. Отангиз-онангиз бирдир. Барчангиз одамийдансиз. Одам эса туфрокдандур... Ҳеч кимнинг бошқадан устунлиги йўқдур. Шариф ва устунлик — фақат фазилят ва тақво биландур. Шунини яхши билингки, ҳар бир мусулмон мусулмоннинг биродаридур. Бутун мусулмонлар бир-бирларининг биродарларидурлар. Айни тенг ҳақларга эгадурлар. Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг...» дея васият қилганлар. Пайғамбаримиз васиятларига амал қилмоқ ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарз эрур. Сиз-чи, ислом фарзандлари бўла туриб, ўз биродарларингизга ҳамла қилурсизлар. Ахир, сизлар муқаддас динимиз исломда эканлигингизни унутдингизму?! Сизларни, яна бир бора айтаманки, шайтон йўлдан оздирибдур, Ла илаҳо иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулиллоҳ!»

Шу пайт аллакимнинг узокдан отган тоши мўйсафиднинг қоқ пешанасига келиб тегди-ю, юз-кўзи қонга бўялиб ағдарилиб тушди. Нодонларга насихат этман деб шўрлик ширин жонидан ажралди. Шундан кейин бутун авом кўзғалиб, яна муштлашиш бошланиб кетди. Биров-бировни танимас, оёғи синган, боши ёрилганларнинг саноғи йўқ. Дод-фарёд чекканлар, бир-бирлари билан бўғишиб, муштлашаётганларни айтмай-сизми? Бир такводор мўйсафид: «Ажабо, барчаси Оллохнинг бандалари, ислом фарзандлари-ку? Нахотки, мусулмон мусулмонни ўлдирса?» деб кўзига ёш олди.

Қайдандир қилич, қалқон кўтарган сарой соқчилари пайдо бўлиб қолишди. Тўс-тўполонни бошлаганлардан бир нечтаси ҳибсга олинди. Қолганлари қочиб бирпасда ин-инларига кириб кетди.

Маълум бўлишича, ўша жони куйиб, ёниб сўзлаган зот Фазна масжидларидан бирининг мутаваллиси Хожа Муҳаммад Содик кўп эътибор ва иқтидорли, эл ҳурматига лойиқ инсон экан.

Масжид ёнидаги жанжал-тўполон ҳақидаги хабар Султон Маҳмудга ҳам бориб етди. Унга вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак бўлган синоатларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай сўйлаб берган. Шу воқеа устига хизматкор кириб, шаҳар аҳли номидан бир неча киши арз-дод билан Султон ҳузурига келганини хабар этди. Негаким, нонвойлар «ашуро» байрами баҳонасида ишламай қўйган эдилар. Шаҳарда нон йўқ. Аҳли фуқаролар ҳам бундан норози.

Султон Маҳмуднинг ғазаби қайнаб, ўрnidан туриб кетди.

— Нонвойлар саркорини тезда ушлаб ҳузуримга келтуринглар, — деди қаҳр билан.

Хукмдор давлати паноҳидаги бу фитначилар нахотки салтанат юзига оёқ тирасалар? Бу, ахир, давлатга, қолаверса, Султониятга қарши исён эмасму?! Султон Маҳмуд Фазнавийнинг ғазаби бир кўзғаса борми, юзлари қизариб, кўзларига қон тўлиб кетар, кўриниши эса даҳшат тусини олар эди. Қани, энди шу пайтда ана шу нодонлардан биттаси кўзига кўринса! Ўз кўли билан оғзини йиртиб ташлаган, ё калтаклаб,

минг азоблар билан ўлдирган бўлур эди. Султоннинг важохатини кўриб, атрофда турган девон акраболари ҳам ҳаяжонда. Билиб турибдиларки, шу дақиқада яна бир даҳшатли хунрезлик бўлиши аниқ. Чунки давлат бошлиғи шиъаларни ўлгудек ёмон кўрар, кўрарга кўзи йўқ эди. Иложини топса, ана шу мазҳабпарастларнинг барчасини дорга тортса, қиличдан ўтказса. Чунки улар исломга иснод келтирурлар, Пайғамбаримиз амалларига зид иш тутурлар.

Бир оз вақт ўтиши билан нонвойлар саркорини оёғини ерга теккизмай Султон ҳузурига келтирдилар. Унинг ранги бўздай оқариб кетган, турган жойида ўзини тутолмас, қўл-оёқлари қалтирар эди. Жуссаси чоғроққина, така соқолига ҳали оқ югурмаган. Бутун кўриниши, кийиниши шиъаларга хос. Ўзи билиб, тушуниб турибдики, энди бу даргоҳдан омон чиқиб кета олмайди.

— Эй сен, нонкўр аблах, ит эмган, нечун фуқароларни ранжитдинг?

— Олампаноҳ!

— Нега нонвойлар ишламай кўйибдурлар? Бу ахир ўтакетган аҳмоқлик-ку?!

— Мен... мен...

— Сен ҳам ўша шиъаларданмусен?

— ...

Саркорнинг тили айланмас, ўзини оқламоққа бир сўз ҳам, сабаб ҳам тополмасди.

— Забонинг йўкму, нечун сукут сақлайдурсен? Сўйла! Бўлмаса, hozир бирпасда тилингни чиқариб кўюрмиз... Жаллод! — бақирди Султон ғазаб билан.

Нонвойлар саркори энди жонидан умидини узган, фақат лаблари кимирлар, тинмай калима келтирар эди.

— Тилингда калима, дуппа-дуруст мусулмонсен, шундайму?

— Шундай... Алҳамдулиллоҳ, мусулмон... — деди зўр-базўр.

Эшик ёнида қилич кўтариб, сиёҳдек хос либос кийган жаллод кўринди.

— Манов бояқишнинг гапиришга тили айланмас

эмуш. Қани, бир тилини чиқариб қўй-чи, — деди тутоқиб Султон.

Бунақа ишларга устаси фаранг бўлиб кетган жаллод ёнидан ўткир пичоғини чиқарди-да, саркорнинг тилини қўли билан тортиб туриб шартта кесиб олди.

Нонвойлар саркорининг оғзидан тиркираб қон олиб кетди. Томоғига бир нарса тикилгандай фўлдилларди. Эс-хуши оғиб, қаршисида турган жаллодга нималардир демоқчи бўлар, аммо овози чикмас эди.

Султон Махмуд бу жазони тезроқ сўнгладиб қўяқолмай, жаллодга деди:

— Бошини танасидан жудо айла!

Жаллод саркорнинг қўлини орқасига қайириб, бўйнига ханжар тортиб юбормоқчи эди, Султон:

— Тўхта, осонгина ўлиб кетмасун! Уни олиб чиқиб, филнинг оёғи остига ташланглар! Кейин мурдасини фил тишларига боғлаб, шаҳар бўйлаб сазойи айлангларки, токи бу барча нонвойлар учун ўрناق бўлсун!

Нонвойлар саркорини худди Султон айтгандек фил оёғи остига ташлаб, минг азоблар билан ўлдиришди ва мурдаси бутун шаҳар ахли кўз олдида намоиш этилди.

Шундан кейин шаҳардаги барча нонвойлар анча кеч бўлиб қолган бўлса ҳам, ишга тушиб бозорга нон чиқардилар.

Эртаси куни тонг билан «ашуро» кундаги тўполон чоғида ўлган Хожа Муҳаммад Содикнинг жанозаси ўқилди. Маййитни дафн этиш чоғида ҳам мозорда шиъалар тағин тўполон кўтаришди. Кўмиш маросимида кўплаб одамлар тўпланган, қабристонга бутун Фазна ахли кўчиб келган эди. Уруш-жанжал чиқармоқчи бўлганларни оломоннинг ўзи бир дам ичида суриб ташлади. Уларга бош-кош бўлиб, гижгижлатаётган Қосим ал-Хошим деган бир каззоб оломон томонидан калтакланди, Султон одамлари уни зўр-базўр қутқардилар ва зиндонга ташладилар.

Ислом мазҳаблари ўртасидаги бўлиниш оқибатида муштлашиш, хунрезликкача борадиган бундай жоғролар айни бошқа диндагилар учун қўл келар, улар



шундан фойдаланиб, ислом дини обрўйини туширишга ҳаракат қилишарди «бўлинганни — бўри ер» деганларидек.

Рай ҳокимаси Саида Хотун Султон Маҳмуд Ғазнавийга хат йўллаб, шиъалардан шикоят айлагани ҳам маълум. Улар шаҳарда тартибсизликлар қилаётганликлари, савдо ишлари билан бошқа мамлакатлар сари йўл олган, ҳатто ҳаж қилмоқ ниятида Каъбатуллоҳга кетаётганларга хужум қилиб, уларнинг молларини, пулларини тортиб олаётганликлари ҳақида арзиҳол этганликлари ҳам сир эмас.

Султон Маҳмуд хуфтан намозидан фориф бўлгач, бу кунги нохушликлардан сўнг негадир кўнгилхушлик истаб қолди. Кун бўйи бўлиб ўтган можаролардан Султоннинг юраги ғаш, ҳафақонлиги анча ошиб кетган, шу боис кўнглини кўтарадиган бир дилкаш суҳбатдошга маҳтал эди. Бунақа вақтда, девондагилар яхши билишадиларки, шоир Унсурийдан ўтадиган одам йўқ.

Сарой маликушшуароси Султон кўнглини ёзишга, ҳукмдорнинг дилига хуш келадиган гапларни топиб-топиб гапиришда унга етадигани йўқ. Вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг энг ишончли сирдоши бўлса ҳам, баъзан одамлар ҳақида сўз юритганда, кўпинча ўз манфаатларидан келиб чиқиб, улар хусусида фикр, мулоҳаза билдиради. Шунинг учун ҳам Султон Маҳмуд кўнгил ёзадиган маҳалда Хожа Аҳмад Ҳасанни ҳамсуҳбат қилмайди.

Хизматкор ғулом дастурхон ёзиб емак-ичмак, турли мева-чевалар келтирди. Ҳа, шу онда кўнгил май истар, дили дилига пайваста суҳбатдош зарур. Ҳукмдорнинг дилидан ҳам шу фикр ўтиб турган эди. Бу дунё шундай, жаҳонни тебратиб турган, вазоҳатидан қаҳр-ғазаб ёғиб турган шаҳаншоҳлар ҳам шахсий ҳаётида оддий одамларга ўхшаб нон ейди, овқат танаввул айлайди, май ичади. Ҳамма баробар нафас олган ҳаводан фойдаланади, зарур ҳожат ишларини бажаради. Ахир улар ҳам инсон, Оллоҳнинг бандаси эрур.

Шу вақт эшикдан вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак кириб келди. Султон Маҳмуд унга қараб:

— Яхши келдинг, Ҳасанак! Бор экансан-ку?! Фуломларга айт, тезда бориб Унсурийни хузуримга олиб келсунлар, — деди.

Бу фармон вазирнинг бир оз гашига тегди. «Шу топда шоир нега керак бўлиб қолди экан?» деб ўйлади. Аммо Ҳасанак яқин сирдош бўлса ҳам, подшоҳга бирор сўз дейишга ботинолмади. Чунки бунақа вақтда фикр айтмоқ ақлдан эмас. Султоннинг кўнгли негадир сархушлик истар.

— Нечун жим турурсен? Уйига хизматкор фуломларни юбор! Тезда оёғини ерга тегизмай олиб келсунлар. Султон чорлайди, деб айтсунлар.

Сарой хизматкорлари шоирнинг уйига борганда, Унсурий дўстлар даврасида кайфу сафо этиб ўтирарди. Шоир ўз ҳамкасблари Асжадий, Фаррухий, Лабийлар билан ширин суҳбатда эди. Хизматкор кириб: «Султон Маҳмуд сизни ўз хузурига чорлайдулар», деган эди, Унсурий кайф устида: «Султонга бориб дегилким, мен ул кишининг давлатлари соясинда чоғир ичиб ўлтирибдурмен. Худо насиб этса, эрта тонг билан хузурларига етиб борурмен», деди.

Хизматкорлар Унсурийнинг сўзларини подшоҳга оқизмай-томизмай еткурган эдилар, Султон бир оз ўйланиб турди-да, мийиғида кулиб қўйди. Нима қилса ҳам қилиқлари ўзига ярашадиган, эркатой шоир бу сафар ҳам подшоҳ кўнглини унчалик ранжитмади. Ўз кадрдонлари билан маишат этиб ўтирган бўлса нима бўпти? Уларнинг мажлисини бузмаслик керак, кўнглидан ўтказди у.

Султоннинг оёғини уқалаб ўтирган вазир ер остидан подшоҳга қараб, наҳотки, олампаҳо Унсурийнинг одобсизлигини кечиради деб, кўнглидан ўтказди. Шу дамда эркатой шоирдан қасдини олиш вақти келган эди. Шуларни ўйлаб, бир сўз айтмоққа оғзини жуфтлаган ҳам эдики, Султон Маҳмуд хизматкорларга:

— Боз қайтиб боринглар. Агар келолмаса, айтқон эрдим-ку, оёғини ерга тегизмай олиб келинглар деб.

Хизматкорлар хайрон, қандай қилиб оёғини ерга тегизмай олиб келурмиз деб.

— Галварслар, нечун тушунмайдурсизлар? Гиламга солиб тўрт томондан кўтариб келинглар, — деди.

Хожа Аҳмад Ҳасан айтмоқчи бўлган гапи ичида қолди. Бу, албатта, Султоннинг ўз шоирига ишончи ва икромининг белгиси эди.

Шундан сўнг, бир неча дақиқалар ўтгач, қарангки, халиги хизматкорлар гиламнинг тўрт чеккасидан кўтарганча кайфи анча баланд шоир Унсурийни Султон Маҳмуд ҳузурига олиб киришди. Султон гўё ғазабда, хўмрайганча шоирга қараб турарди. Кутиб қолган подшоҳнинг вазоҳатига қараб, Унсурий бир оз хушёр тортди, гиламдан тура солиб:

— Эй оламини тебратиб турган улуг подшоҳи олам, қиблайи бокарам! Чорлаб экансиз, узримни қабул айланг! Сизга бир оз эркалик қилиб қўйган эрдим, — деб айбдорларча бошини қуйи солиб турди.

Султон Маҳмуд:

— Хўш, айт-чи, мен кимман ўзи? — деб қолди қатъийлик билан қовоғини солиб.

Шунда Унсурий бу қийин ва анча қалтис вазиятдан чиқиб кетмоқ ниятида Султонга қараб тўрт мисра шеър ўқиди:

*Сен шундай бир шоҳсанки, Фарбу Шарқда,  
Жухуд ҳам, габру тарсо ва мусулмон ҳам,  
Сажда ва тасбеҳ ўгириш чоғинда, «Эй худо,  
Маҳмудни ўзинг асра!» деб дуода ҳар дам.*

Вазир аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан ҳам таажжубда, шоирнинг оқилона ҳозиржавоблигига, ақл-заковатига ва шундай нозик бир паллада Султоннинг кўнглига ёқадиган назм ибораларини топиб, тезкорлик билан ўқиган шеърини сатрларига қойил қолганидан, «Шоир эмас, бир балойи азим экан!» дегандек хайратда турарди. Ҳа, вазирнинг шоирга тан бермасдан иложи ҳам йўқ эди.

Султон Маҳмуд бўлса, аввалига ҳеч сўз демай шоирга қараб турди-да, кейин қарсақ чалиб: «Офарин, офарин», деб юборди ва:

— Ҳасанак, хазиначига айт, шоир Унсурийга оғзига сиккунча гавҳар келтурсун! — деб фармон берди.

Бир оздан сўнг, қутичага солинган дуру жавохирларни кўтариб хазиначи ҳозир-нозир бўлди. Султон Маҳмуд жавохирлар тўла қутичани қўлига олди-да:

— Майли, оғзингга солмай қўяқол, шунча гавҳар барибир сенинг кичик оғзингга сифмас! — деб ҳазил қилди.

Ўша куни шоир ва Султон ярим тунга қадар май ичиб, ширин суҳбат қурдилар.

## САФАРНОМА

Султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг бошдан оёғигача қуролланган кўп минг сипоҳийлик лашкари Ҳиндистон мамлакатининг Матҳура вилоятига етиб келди.

Кун ўлгудек исиб кетганидан нафас олиш ҳам қийин. Қани энди, шу ерда бир тошқин анҳорми, дарёми бўлсаю, маза қилиб чўмилсанг. Ҳатто ичишга ҳам сув топилмай турганда «дарё» қайда дейсиз.

Лак-лак лашкарлар барча қурол-аслаҳалари билан Матҳура қалъаси ёнига келиб тўхтади.

Атроф-теваракда ҳеч зот йўқ, жимжитлик. Балки қалъадагилар овоз чиқармай биқиниб ётгандир. Қўқисдан ҳужумга шайланиб турган бўлишса-чи? Бундай бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Султон Маҳмуд Ҳиндистонга бир неча бор қилган зафарли юришларида бу ажойиботлар, фаройиботлар диёрида кўп сир-асрорларни кўрди.

Ҳиндлар ўз эътиқодларига мустаҳкам ҳамда интизомли халқ. Уришишга унчалик иштиёқлари йўқ.

Султон Маҳмуд бир оз ўйлаб турди-да, лашкарига қалъага ҳужум бошлашни амр этди.

Бир неча сипоҳийлар катта бир ёғочни олиб, кўплашиб қалъа дарвозасига ура бошладилар. Дарвоза унчалик ҳам мустаҳкам эмас экан. Бир зарбнинг ўзида орқасига ағдарилиб тушди.

Зарбдор қўшинлар «Оллоҳу акбар» деб ҳужумга ўтдилар. Аммо бостириб кирганларида, ичкарида одам

зоти йўқ эди. Қарасалар олтин ва қумушдан ясалган бутлар, одамга ҳам, ҳайвонга ҳам ўхшамайдиган ярим-ҳайвон, яримодам ҳайкаллар гўё лашкарга таажжубда қараб: «Нега осойишталигимизни бузуб, бузгунчилик қилурсизлар?» дегандек турар эдилар.

Маълум бўлишича, бу хиндларнинг пайғамбари Кришна туғилган қадамжой, муқаддас маскан экан.

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг фармони билан барча ҳайкаллар, бутлар бузиб ташланди, ғорат қилинди.

Матҳура вилояти аҳолиси тинч-осойишта ҳаёт кечирар, агар уларга ҳужум қилинса, урсанг, сўксанг ҳам қаршилиқ кўрсатмас, қўйдек ювош, бутун вужуди, қалби билан ўз худоларига, ана шу жонсиз ҳайкаллар, бутларга сиғинар экан.

Султон Маҳмуднинг шу ишга масъул, мутассадиий кишилари қалъанинг юқори ва ер остидаги хоналарига чача барчасини бирма-бир кўздан кечириб чиқдилар.

Ҳинд қабилаларининг бутун умр бўйи шу жонсиз ҳайкалларга эътиқод қўйиб, эртаю кеч сиғиниб, ўзлари бўлса ниҳоятда ночор ҳаёт кечирсалар ҳам бу қимматбаҳо ноёб нарсаларга кўз олайтирмай, эҳтиётлаб, авайлаб сақлаб келаётганликлари бир томондан ўта ҳалоллик, эътиқодда мустаҳкамлик нишонаси бўлса, иккинчи томондан нодонликдан бошқа нарса эмас эди. Йўқсилларча ҳаёт хиндларни шунга мажбур этган бўлса ҳам ажаб эмас.

Султон Маҳмуд олтиндан қилинган битта бутни синдириб, майдалаб, кейин тарозуга солиб тортиб кўришни буюрди. Тарозу келтириб, олтин синиқлари устма-уст қўйилиб тортилган эди. Ундаги соф олтинлар роппа-роса тўқсон саккиз минг уч юз мисқол чиқди.

Кейин вилоят хазинасига киришган эди, унда шунча кўп олтинлар, зеб-зийнатлар бор эдики, уларнинг ҳисобига етиб бўлмасди.

Хазинанинг бир чеккасида турган қумуш симлар билан чиройли қилиб ишланган сандиқ ҳукмдорнинг диққат-эътиборини тортди. Сандиқ қулфлоглиқ, калити йўқ эди. Сандиқларни очишга моҳир уста Зайнобиддин заргарни чақирдилар. Уни Султон жанговар

юришларида хамиша ўзи билан бирга олиб юрар, босиб олинган шаҳар, вилоятлар хазиналаридаги сандиқларни очишга, ундаги зеб-зийнатларни баҳолашга устаси фаранг эди.

Уста кичик бир сим билан сандиқ қулфини мохирлик билан очиб берди. Не кўз билан кўрсинларки, сандиқ ичида шундай катта ҳажмдаги гавҳар кўз нурины олиб яраклаб турарди. Султон Маҳмуд уни қўлига олиб турди-да, Зайнобиддинга юзланиб, уни ҳам тарозуда тортиб кўришни буюрди. Гавҳарнинг оғирлиги тўрт юз эллик мисқол чиқди. Бунақа катта ҳажмдаги қимматбаҳо тошни Султон Маҳмуд ҳали кўрмаган эди. Омаднинг келишини қарангки, урушсиз, талафотсиз, қон тўкмасдан сон-саноксиз, беҳисоб бойликларга эга бўлди.

Ўша кеча лашкарга ҳам дам берилди, коринлари тўйғизилиб, олинган бойликларнинг бир қисми қўшин бошлиқларига, жангчиларга улашилди. Одатда Султон Маҳмуд ғалабага эришиб, катта бойликларни қўлга киритганда оддий лашкарларга ҳам тухфалар беришни унутмасди. Рағбатлантирилмаган одам қолмасди. Бу эса уларнинг руҳини яна ҳам кўтарар, зеро, сафар қопчиғида тиллоси, кумуши ва бошқа совғалари бўлган жангчи уруш машаққатларини унутар, ўз манфаати йўлида ҳар қандай қийинчиликка ҳам бардош берарди.

Султон Маҳмуд бир оз дам олгач, ўзи билан айёрлар бошлиғи Камак Ҳамадонийни бир неча соқчиларини олиб, Матхура қўрғонининг нариги томонидаги кимсасиз қолиб кетган қандайдир ташландиқ саройларни кўриб келмоқчи бўлди. Бир маҳаллар барпо этилган бу сарой мустаҳкам пишиқ фиштлардан қурилган, унда маймунларнинг бутун бир дунёси истиқомат қилур экан. Ҳаммаёқ маймун, дарахтларда, сарой томларию, хоналарида ҳам. Улар афти-ангори ўзларига таниш бўлмаган «келгиндилар»ни кўриб, бирдан тўполон кўтариб юбордилар. Баланд дарахтлар устига ё бўлмаса сарой томига чиқиб олиб, от устида савлат тўкиб турган подшоҳи оламга гўё «келгиндилар» бошлиғи шу бўлса керак, дегандек нималардир деб кичқиришарди.

Баланд том бошида савлат тўкиб ўтирган, жуссаси барча жонзотлардан катта бўлган она маймун Султонга: «Сен инсонлар подшоҳи бўлсанг, мен маймунларнинг шаҳаншоҳиман!» дегандай хўмрайганча мўлтираб турар, кейин атроф-теварақдаги тинимсиз дарахтдан-дарахтга сакраб безовта бўлаётган «ватандошлари»га нималардир деб бакириб қўярди.

Шу пайт дарахт устида уёқ-буёққа сакраб, безовта кичкираётган бир маймун чаққонлик билан пастга тушиди-да, Султон соқчиларидан бирининг бошидаги дасторини олиб, яна жойига чиқиб уни кийиб кия олмай майнавозчилик қила бошлади. Бошяланг қолган соқчининг жаҳли чиқиб кўлидаги камонни созлади-да, маймунни нишонга олиб, энди отмоқчи бўлган эди, Султон Маҳмуд: «Кўй, отма, Оллоҳнинг бу махлукларига озор берма. Шунчаки ўзлари ҳам азалдан Яратганнинг қаҳрига учрамишлар. Йўқса, маймун ҳолатига тушиб қолурмиди?» деди. Кейин подшоҳ: «Кетдик» деб, отининг жиловини орқага бурган эди, ҳалиги маймун яна чаққонлик билан дарахтдан тушиб, соқчининг дасторини қайтариб бошига кийгизиб қўйди. Ҳамма кулиб юборди.

— Ана, кўрдингми, агар уни отганингда, балого қолур эрдинг. Маймунлар сени талаб, тилка-пора қилган бўлур эрдилар, — деди.

Маймунлар сардори бўлса жимгина, босиқлик билан ўтирар, «сен бизга тегмасанг, биз ҳам сенга тегмаймиз», дегандек Султон Маҳмуд Ғазнавийга маъноли қараб турарди.

Матҳура қалъасидаги тарихий обидалар улуғ халқнинг истеъдоди, ақл-заковати ҳамда ўз анъаналарига содиқлиги нишонаси эди. Ўзлари бир бурда нонга зор бўлган, қашшоқлик, йўқчилик жон-жонларидан ўтиб кетган бу жафокаш эл шундай қимматбаҳо, ноёб обидаларга, бойликларга тегмай, уни муқаддас билиб, авайлаб сақлаб келаётганликлари минг бор таҳсинларга лойиқ эди.

Султон Маҳмуд кечаси билан қалъада безовта ухлади. Ҳаво дим. Боз устига чивин кўп.

Ҳаммаёқ ёпиқ бўлса, бу чивин қургурлар чодир ичига қайдан кириб олибдур? Қуловинг остига келиб бўлганда асабинг бузилиб, ўрнингдан туриб кетсан, киши.

Хукмдорни бир оз уйқу элитган ҳам эдики, тушидамиш, Фазнадаги саройда ўтирган экан, куни-кеча кўрган она маймун келиб, унга ўз ҳасратларини айтаётган эмиш. Қизиги шундаки, Она маймун шинам кийинган, эғнида заррин тўн, бошидаги тожга Матхура қальасидан олинган ўша катта гавҳар қадалган, тошнинг оғирлигидан она маймуннинг боши бир оз қийшайиброқ қолган эмиш. Султон Маҳмуд: «Бу тошни сен қайдан олдинг?» деса Она маймун: «Бунини менга пайғамбаримиз Кришнанинг ўзи совға қилган!» дебди. Кейин ёқимли мусиқа овози эшитилди. Чиройли либослар кийиб олган бир гуруҳ маймунлар ўша мусиқа оҳангига рақсга тушишар, бир хушовозли маймун эса синиқ овоз билан мунгли бир қўшиқни хониш қила бошлабди. Унинг қўшиғига она маймун хўнғ-хўнғ йиғлар эмиш.

Қизик туш, кулгили, лекин хукмдорнинг негадир кўнглига вазелик чўкди.

Уйғониб, шундан кейин ухлай олмади.

Ўрнидан туриб ташқарига чиққан эди, тунги салқин ҳаво димоғига урилиб, димикқан юраги бир оз роҳатлангандай ҳис этди ўзини.

Осмон тўла чарақлаган юлдузлар чамани, ўроқ ой бўлса осмон тагига ботиб кетмоқда.

Осмон этаги кўкарди, тонг оқара бошлади.

Султон Маҳмуд Фазнавий қайтиб келиб таҳорат олиб, бомдод намозига ўтирди. Намоздан кейин хаёлга ботди.

Бу ажойиботлар, фаройиботлар диёрида бошидан не-не савдоларни кечирган.

Ҳиндистонга неча бор лашкар тортиб келган бўлса, ҳамиша музаффар бўлиб қайтди, жуда кўп бойликларга эга бўлди, қанча-қанча кулларни Фазнага олиб кетди. Улар орасида моҳир усталар — наққошлар кўп эди. «Кўшки Фазния», «Жомеъ масжид», «Бахт минораси»ни тиклашда, шаҳарни обод этиш соҳасида-



ги ишларда Ҳиндистондан келтирилган қуллар, усталарнинг ҳам катта хизмати сингган.

Эрта тонг билан қўшинлар энди Ҳиндистоннинг Каланжар вилоятига йўл олди.

Тагин ўша кимсасиз чўллар, сахролар, яна ўша иссиқ, сувсизлик азоби.

Албатта, шунча катта қўшинни сув билан таъминлаш осон иш эмас. Бунинг учун алоҳида масъул кишилар ажратилган. Улар меш, бошқа турли идишлар, сув соладиган алоҳида сув оқмас қопчиқлар билан таъмин этилган. Аммо халқда: «Қўлдан берганга қуш тўймас» деган мақол бор. Барибир бу соҳага мутасаддий этиб тайинланган масъул кишилар, айниқса, Ҳиндистондек иссиқ мамлакатда сувни тежаб-тергаб ишлатиш зарурлигини жуда яхши билишарди.

Сувчилар бошлиғи Камол Зангий бу ерда энг обрўли, эътиборли одам ҳисобланар, ундан бошқа киши бу ишни уддасидан чиқолмайди. Шуниси муҳимки, баъзан ҳарбий вазир ёки лашкарбошилардан бирортаси: «Фалончиларга сув бер!», деса ҳам, Камол Зангий индамасдан тураберади, уларнинг буйруғини бажармайди. Чунки, бу ерни Ҳиндистон дерлар. Сув учун боши билан жавоб беради. Султон Маҳмуд унга шундай масъул вазифани ишониб юклаган.

Икки кун деганда лашкар Каланжар вилоятига келиб, Нанда кўрғони ёнида тўхтади.

Аввал отлиқлар, филбонлар, кейин пиёдалар келиб, бутун кўрғон атрофини ўраб олдилар. Бундай қудратли қўшинни кўриб, кўрғондагилар ваҳимага тушиб қолдилар.

Кўрғон хўжайини Нанда хуштабиат, сулҳпарвар бир инсон чиқиб қолди.

Кўринишдан баланд бўйли, бўйнига, кулоқ-бурунларига турли тақинчоқлар тақиб олган. Кийиниши ҳам кишини ҳайратга соларди. Бир гапириб, ўн бор куларди.

Нанда бошлиқ қалъа аъёнлари чиройли қутичаларга солинган зеб-зийнатлар, ҳукмдорга аталган қимматбаҳо саруполарни олиб келиб Султон Маҳмудга совға қилдилар.

Кейин музокаралар бошланди.

Нанда баъзи рожаларга ўхшаш унчалик зикна эмас, кўли очик, Султон не талаб кўйса барчасига ризолик билдирди. Икки томон шартномага кўл кўйишди. Худди Мўлтонда бўлганидек, хиндларнинг одатига кўра, ваъда ва вафонинг тимсоли сифатида Нанда ҳам кичик бармоғини кесиб, тўрвачага солиб, Султон Маҳмудга топширди.

Кейин зиёфат бошланди. Дастурхон дид билан тузалган, хиндларнинг энг тотли ширинликлари, пишириклари, мева-чевалар билан безатилган эди.

Кўшик, куй, рақс бошланди. Гўзал қизлар кўшик айтиб, ўйинга тушиб кетдилар.

Боз устига Нанда шоир чиқиб қолди. У Султон Маҳмудга атаб чиройли шеър битибди. Уни зиёфат чоғида ўзига хос оҳанг билан ўқиб берди.

*Сен жаҳоннинг шоҳидурсен, бошимизга соябон.*

*Бу гулшан ичра сендурсан боғимизга боғибон.*

*Хуш келибсан Хинд элига, эй замоннинг сарвари!*

*Улкан ишлар соҳибисен, сенга шухрат, сенга шон...*

Рожанинг Султон Маҳмудга аталган бу соддагина битилган бағишлови бир неча саҳифадан иборат эди.

Васфни Нанда зўр ифтихор билан ўқиб бўлгач, олиб келиб Султонга топширди. Ҳамма уни олқишлади.

Кейинчалик Фазнага қайтиб келгач, Нанда битган ўша бағишлов шеърни подшоҳ энг яхши шоирларга бериб, араб ва форс тилларига таржима қилдирди. Бунинг боиси шулким, Хиндистонга қилган босқинчилик юришида уни мақтаб васф этган бошқа бирорта ҳам хинд шоири бўлмаган. Шу маънода Нанданинг шеъри Султон учун айниқса қадрли эди.

Шартномалар тузилди, Нанда билан яхши дўстлик, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Эртасига, кетиш олдидан рожа бож учун ваъда қилинган уч юзта энг яхши, сара филларни қалъадан чиқариб юборди. Филлар пишқирган, ҳар бирининг ваҳимасидан одам даҳшатга тушарди. Буни улар атайин қилдими ё бўлмаса Султон Маҳмуд Фазнавий

лашкарининг жасоратини синаб кўрмоқчи бўлдим, харҳолда хавфли бир вазият туғилган эди. Аммо Султон Маҳмуд қўшинидаги жасоратли ва сараланган турк аскарлари қутурган эпақасиз филларни ўртага олиб, бир дамнинг ичида ўзларига бўйсундириб, юввош этиб олдилар. Буни кўрган ҳиндлар, Нанданинг ўзи ҳам Султон Маҳмуд лашкарларининг мардлигига, жасоратига, маҳоратига тан бердилар.

Шундай қилиб, энди Султон Маҳмуд яна ҳам катта ўлжалар билан Ҳиндистонга қилган навбатдаги юришидан суюкли ватани Ғазна шаҳрига йўл олди.

Султон Ҳиндистон сафаридан қайтаётганда сўлим бир кишлокда бир оз ҳордиқ чиқармоқ мақсадида бир кеча ўша ерда тунаб қолди.

Эрта билан туриб, шоир Унсурий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ва қўшин бошлиқлари билан бирга кишлок манзараларини томоша қилиб юрар экан, тобут кўтариб кетаётган бир гуруҳ жамоага дуч келиб қолишди. Улар мотамсаро кийинган бир ёшгина қизни ҳам кажавага ўтқазиб, тобут орқасидан олиб кетишмоқда эди. Бу ҳол Султонга эриш туюлди. Кейин «Нега ул қизни тобут ортидан олиб кетурлар?» деб сўраб қолди. Кейин Султоннинг тилмочи мазор томон кетаётганлардан бирини тўхта-тиб, саволга тутишган эди, у йигит ҳамма гапни сўзлаб берди.

Маълум бўлишича, баъзи бир ҳинд қабилаларнинг одатига кўра, эр ўлса, унинг бева қолган хотинини ҳам бирга қўшиб кўмар эканлар. Бу қиз яқиндагина тобутдаги йигитга никоҳ қилинган эди. Йигит тўсатдан ўлиб қолгач, энди келинчакни ҳам қўшиб кўмиб келишади, деди йигит.

— Тириклайин кўмишадими? Бу қанақаси? — сўради шоир Унсурий.

— Ҳа, тириклайин кўмишади озгина сув, нон ва бошқа емак-ичмаклар билан, — деди йигит.

Бу машъум одатдан Султоннинг кўнгли ғаш тортиди. Ёш келинчакка раҳми келди. Нима қилмоқ керак, бунинг «не чораси бор» дегандек савол назари билан харбий вазирга қаради.

— Сиз ҳукмдоримиз бўласиз, агар буюрсангиз, хозирнинг ўзидаёқ келини эсон-омон хузурингизга келтирурмиз, — деди вазир.

— Бошқа йўли йўқми? — сўради Маҳмуд айёрлар бошлиғи Камак Ҳамадонийга юзланиб.

— Агар буюрсангиз, бу ишни бизга топширинг. Ҳаммасини хамирдан қил суғургандек бажо келтирурмиз, — деди Камак.

Султон Маҳмуд вазирга қаради нима дейсан дегандек.

Вазир:

— Агар айёрлар сардори шундай десалар, ишонмоқ даркор. Унда биз бу ишга аралашмай, ўз йўлимизга кетаберурмиз.

Шундан сўнг, Султон ўз қароргоҳига йўл олди. Кетатуриб ёнида бораётган Берунийдан:

— Бу қанақа одат бўлди, Абу Райҳон? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, ҳиндларнинг баъзи бир қабилаларида ана шундай одат бор.

— Нечун шундай қилурлар, бу, ахир, жаҳолат-ку!

— Маълумотларга қараганда, ҳинд аёллари ўлгудек рашкчи бўлурлар. Мана шундай қабилаларда мазкур қусур одат туфайли кўп эркаклар ўз аёллари томонидан ўлдирила бергач, шунда «ўз эрини ўлдирган аёлни эри билан қўшиб тириклигича кўмилсин» деб амр этилган эркан. Шундан сўнг, бундай ўлдиришларга бирмунча чек қўйилган.

— Мавлоно, ахир бу келинчакнинг эри ўз ажали билан ўлган-ку?! — сўради Унсурий.

— Сиз ҳам, биз ҳам унинг қандай шароитда ўлганлигидан беҳабардурмиз, — деди Беруний бу сафар бир оз иккилангандай.

— Сизнинг «Ҳиндистон» ҳақидаги рисолангизни ҳам ўқиганим бор. Кўп ибратомуз китобдур ул, — деди Унсурий Берунийнинг Султон хузурида кўнглини кўтариб.

— Олампаноҳ, мен Ҳиндистоннинг катта дарё ёқасидаги қишлоқларида ҳам бўлдим. Унда ҳиндлар ўлган кишиларни оловда куйдириб, кейин кулини дарё-

га оқизишади. Яна шундай бир қизиқ томони борки, ночор оилалар оддий ўтинда ёксалар, бадавлат хонадонлар эса қимматбаҳо сандал дарахти ўтиниға куйдирардилар, — деди Беруний. — Хиндларнинг баъзи қабилалари гўшт тановул этмайдурлар. Сигир улар учун муқаддас хайвон ҳисобланур. Агар кўча ўртасида биронта сигир ётган бўлса, йўловчи аравалар, отликлар уни безовта қилмай деб ҳурмат-эҳтиром юзасидан уни четлаб ўтурлар. Агар экинзорға бирорта сигир кириб қолса, уни ҳеч ким ҳайдаб чиқармайди, аксинча, хурсанд бўладилар. Маймунлар ҳам муқаддас ҳисобланур. Кўп жойларда бутун-бутун мухташам саройлар улар ихтиёриға бериб қўйилган. Тағин узок-узок кишлоклардан емак-ичмак, мева-чева олиб келиб меҳмон қилурлар.

Беруний кўп сўзлаб юбордим шекилли, деб Султонға ер остидан кўз ташлади. Шунда Унсурий: «Балиқни сувға қўйиб юбордик, шекилли» деб кулиб қўйди.

— Ҳеч ким Берунийдек Хиндистон ҳаётини кўп ўрганмаган. Хиндистон буюк денгиз бўлса, Беруний ундаги улкан беназир сайёҳдир. Ҳа, шундай, — деди Султон Маҳмуд.

Беруний унга нисбатан бу сафар шунчалик яхши сўзлар айтиб, кўнглини кўтарганлиги учун ўзида йўқ хурсанд бўлиб деди:

— Менинг подшоҳимизға айтар сўзим шулким, ул олий ҳазратлари менға «Хиндистон» ҳақиндаги китобим устида ишлаш учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бердиларким, буни мен ҳеч қачон унутмасмен. Ҳукмдорнинг менға нисбатан қилгон баъзи бир зуғумлари олдинда бу олижанобликлари мен учун ғоят қимматлидир. Агар Султон Маҳмуд Ғазнавий бўлмаганда, бу тарих яратилмасди, бу ҳақ чин сўзимдир, бунга Оллоҳ шоҳид.

Шундан сўнг, Султон ўз қароргоҳиға йўл олди. Бир неча дақиқадан сўнг айёрлар бошлиғи келинчакни олиб Султон ҳузурига кириб келди.

Келинчакнинг кўзларида ёш. Тинмай йиғлар эди. Унинг одат қурбони бўлишдан қутулганиға суюнганини ҳам, норозилигини ҳам билиб бўлмасди. Бошини

хам қилганча, юзларини беркитиб бир сўз ҳам демасдан ҳукмдор ҳузурида айбдорлардек турар, кўрққанидан ранглари ўчган, дир-дир титрар эди.

Камак Ҳамадоний Султонга воқеани бирма-бир сўзлаб берди.

— Биз яшириниб, билдирмасдан гўристон ёнидаги чакалакзорда кўмиш маросимини кузатиб турдик. Улар гўрни жуда чуқур қилиб кавлар эканлар. Ўлган йигит билан бирга кўмилган аёл гўрда бемалол ўтириши, ётиши мумкин. То овқати тамом бўлгунча яшаб, кейин очлик-наҳорликдан жон таслим этаркан. Бу одат ҳиндларнинг ана шу қабиласига хос эрмиш.

Султон Маҳмуд деди:

— Мен ҳиндларнинг бу одатини билмас эрканмен. Мен Абу Райҳон Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги битикларидан ҳам хабардор эрурмен. У ҳинд одатлари ҳақида сўзлаб берганлари бор. Зеро, Ҳиндистонда жуда кўп турли қабилалар, уруғлар истиқомат айлар. Ҳар бирининг ўз одати, яшаш тарзи бор эрур. Масалан, бир жойда ўқиганим ҳам борки, бу ерларда истиқомат қилувчи форс қабилалари ўликни олиб бориб, ўлаксаҳўр қушларига ташлайдилар деб. Бунинг учун махсус жой бор эмиш. Қушлар мурдани бирпасда гўштини еб, фақат суягинигина қолдирар эркан. Кейин ўлган кишининг суяклари махсус қудуқларга ташланармиш.

— Шундай одат ҳам бордур, олампадох. Ахир ҳиндлар энг қадимий ҳамда ер юзидан сон-санови бўйинча Чин Мочиндан сўнг иккинчи ўринни эгаллайдурғон халқдур, — деди Беруний.

Гўрдан олиб чиқилган ҳинд келинчагининг тақдирига келсак, унга алоҳида эътибор, меҳр-мурувват кўрсатилди. Уни Фазнага олиб кетишга амри фармон бўлди.

— Фоят гўзал эркан! Саройимизнинг кўрки бўлсун, — деди Султон Маҳмуд.

Шунда вазир Ҳасанак деди:

— Сиз ҳам падарибузрукворингиз Сабуктегинга ўхшаб кўп саховатли иш қилдингиз. Анави ғайридинларнинг ёвуз чангалидан бир бечора, даҳшатли ўлим-

га маҳқум этилган ёш келинчакни қутқариб қолдингиз. Адолат юзасидин айтмоғим. керакким, отангиз Сабуктегин одил, ҳақиқатгўй подшоҳ бўлган. Бирор ноҳақ иш қилиб одамларни ранжитган, кўнглини оғритган одамни ҳеч қачон аямаган, ҳатто ўзининг энг яқин кишиси бўлса ҳам. Ёдимда, амири замон Бўст шаҳрини қамал қилгон чоғларида чўлда ўзларига боргоҳ қуриб, ўша жойда истиқомат қилгон эрдилар. Ўша кезлар кун шундай иссиқ эдики, кечалари ухлаб бўлмасди. Амир Сабуктегин саҳарга яқин бир оз салқин тушгач, ширин уйқуга кетган эрдилар, шу вақт ул улуғ зотнинг боргоҳлари ёнида кимнингдир йиғлагон овози эшитилмиш.

— Ҳой, ким бор? Ташқарида нола қилаётган ким турур?

Мулозимлар йиғлаётган бир мўйсафидни амир ҳузурига олиб киришди. Маълум бўлишича, арз-дод айлаб келган шу ерлик бир дехқон эркан.

— Эй яхши одам, шу ёшингда сенга ким озор берибдурки, хокисор бўлиб йиғлайдурсан? — сўради Амир Сабуктегин.

— Менинг боғим шаҳар чеккасида эрур. Бир неча тўп хурмо дарахтларим бордур. Мева тугиб, энди пишай деб турғонда, Сизнинг бир филбонингиз хурмо тагига филини боғлаб, «ҳой, тегма» деганимга қарамай, хурмоларини териб олмоқда. Ахир мен бир ночор камбағал дехқон бўлсам, тириклигим шу хурмолардан ўтса, энди нима қилурмен. Арз билан адолат истаб ҳузурингизга келдим, бошқа иложим йўқ эрди.

Амирнинг ғазаби қўзғаб кетган. Ўзини тутолмай, шу заҳотиёқ отга минди-ю, ўша томонга қараб йўл олди. Ўз чодиридан чиқиб бу можаро устида турган Абу Наср ҳам амирнинг ортидан кетди.

Амир ўз мулозимлари билан ўша ерга етиб борганда, филбон хурмо устига чиқиб олиб, қўшиқ айтар, баъзан шохдан-шоҳга ўтиб рақс тушар ва хурмоларни битта-битта териб қопчигига солмоқда эди. Шу аснода, каллайи саҳарда Амир Сабуктегиннинг бу ерда пайдо бўлиб қолишини филбон хаёлига ҳам келтирма-

ган. Ҳукмдор ўз мулозимлари билан дарахт тагида турганини сезмай, шохдан-шохга ўтиб, энди бошқа бир ўйноқи қўшиқни хиргойи этарди.

Ғазаби ҳалқумига келган Амир шу топдаёқ филбонни ўз қўли билан бўғиб ўлдирмоқчи ҳам бўлди. Лекин ўзини босди. Кейин ёнида ғазабнок турган Абу Насрга:

— Абу Наср, анави арқонни ол. Бу аблахни ўша ўзи ўйнаб, қўшиқ айтиб турган шохга осиб қўй, токи унинг бунчалик ахлоқсизлиги, ўғри қилмиши барчага сабоқ бўлсун! — деди ғазаб билан.

Абу Наср ҳам Амирнинг айтганини қилиб, дарахтга тирмашиб чиққан-да, қўлидаги арқонни усталик билан филбоннинг бўйнига осиб қўйган. Шу пайт филбон қўлидаги тўрвадан хурмолар битта бўлиб ерга тўкилар, ўзи эса дарахт шохида бўғилиб жон талвасасида типирчиларди...

Абу Наср ҳикоя қилади: Амир Сабуктегин ўшанда Ҳирот шаҳрига юриш қилишга тайёрлик қўраётган эрдилар. Ўша жангу жадал ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ҳиротликлар ҳам, ғазналиклар ҳам шундай жанг қилдиларки, умрим бунёд бўлиб, бундай мухорабани кўрмаганман. Ҳирот ҳокими эса амирнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифини қабул этмаган. Шунда Амир Сабуктегиннинг ғазаби қўзғаб, жанг майдонига тушиб, шундай шиддат бирлан рустамона жанг қилдиларки, уни сўз билан ифодалаб бўлмас эди. Натижада ночор аҳволга тушиб қолган хиротликлар омонлик сўраб таслим бўлдилар.

Шундан сўнг, навбатдаги юриш Нишопурга эди. Бомдод намозидан сўнг, амирнинг лашкарбошилари, Ғузгон амири, Хуросоннинг олий табақали зотлари Амир Сабуктегиннинг қароргоҳи ёнида эҳтиром ва ҳурмат билан ўз юртбошиларини кутиб турардилар. Одатдагидек, белгиланган вақтда амир ўз қароргоҳидан чиқиб, барча билан самимий саломлашиб, кейин тулпорларига миндилар, бошқалар ҳам ўз отларига ўтирдилар.

Жаноб Амир отлар турадиган махсус жойга йўл



олдилар. Унда амирни шу ерли дехқонлар, йўқсиллар, бева-бечоралар кутиб турган бўларди. Аввал амир уларнинг арзи-додини эътибор билан тинглаб, ўша ернинг ўзида адолат юзасидан хожатларини чиқариб берар, кейин етим-есирларга, мухтожларга хайри-эхсонлар улашар эди. Бу Амир Сабуктегиннинг Султониёт тахтига ўтиргандан бери азалий одати, ўзи хорзорликка тушиб қийналганлиги учунми, «Агар бахтим очилиб, яна рўшноликка чиқсам, эл дардига дармон бўлурмен, одамларга фақат яхшилик қилурмен», деб юрагига тугиб қўйган нияти бўлса, ажаб эмас. Чунки, жанговар юришлари чоғида ҳам йўл-йўлакай бирор қийналган, ночор аҳволда қолган одамни қаерда учратиб қолса, унга меҳр-мурувват кўрсатмасдан босиб ўтиб кета олмасди. Одамларга жабр-ситам, ҳақсизлик қилганлар ким бўлишидан қатъий назар адолат юзасидан жазога маҳкум этарди.

Сўнг Амир Сабуктегин бир неча кундан кейин бу ерда қиладиган ишлари қолмагач, шаҳарни сизга қолдириб Хиротга қайтдилар.

Абу Али Самжур бўлса, Хуросон ва Нишопурнинг қўлдан кетганига ҳеч чидолмас, қандай йўл билан бўлмасин ҳокимиятни яна қайтариб олишга интилар эди. Амир Сабуктегиннинг Нишопурдан кетганини эшитиб, шу имкониятдан фойдаланиб, шаҳарни яна қайтариб олмоқ ниятида, урушга тайёргарлик кўра бошлади. Унинг ака-укалари ўзларининг яхши қуролланган, жангларда чиниққан лашқари билан Абу Алига ёрдамга келдилар.

Султон Маҳмуд Алининг шаҳарга яна ҳужум қилмоқчи эканлигини эшитиб, шаҳардан бир фарсах масофага чиқиб, уни қарши олди. Икки ўртада қаттиқ ва аёвсиз муҳораба бўлди. Лашқарлар чунонам қаттиқ жанг қилдиларки, натижада икки томон ҳам катта талафот кўрди. Албатта, Самжур лашқари Ғазнавийларникига нисбатан икки баробар кўп эрди, чунки Нишопурнинг минглаб аҳолиси ҳам қўлига теккан қуролни олиб, Самжурга ёрдамга келган эди. Хуллас, нишопурликларнинг қўли баланд келиб, оқибат-нати-

жада Амир Маҳмуднинг лашкарлари қаттиқ зарбага учраб, пароканда қоча бошладилар. Бу Ғазнавийларнинг биринчи бор шундай мағлубиятга учраши эди. Самжур ғалаба билан Нишопурга қайтиб кирди ва ўша кунидек хутбани ўз номига ўқитди. Бу хабар тезда Ғазнавийлар бобокалони ҳазрат Сабуктегинга етиб борди. Ота ўғлининг мағлубиятини эшитиб, зудлик билан Хиротдан чиқиб Нишопурга қараб йўл олди, йўл-йўлакай ўғлининг пароканда қочиб келаётган лашкарларини тўхташиб, уларни қайтадан сафлаб, тартибга солиб, жанговар сафларини бирлаштирди. Кейин кўп қон тўкилмасин деган яхши ниятда элчи орқали Абу Али Самжурга мактуб йўллади:

«Сенга маслаҳатим, ақл-хушингни йиғиб иш тутгил, Ғазнавийлар билан ўйнашиб ўтирмагил. Айтадигон ҳақ сўзим шулким, сени ўғлим Амир Маҳмуднинг Нишопурдаги нойиби этиб қўюрмен. Мен бўлсам, сени ҳамиша қўллаб-қувватлаб турурмен, бу сўзларимни Хуросон амирига ҳам етказурмен. Бу менинг сенга оталарча насихатим турур, агар билсанг, ҳам амримдир. Тагин менинг ушбу таклифларимни бизнинг кучсизлигимиз ё сендан қўрқаётганлигимиз деб ўйламагил, ниятимиз холис ва самимийдур, бекорга қон тўкилмасун. Яна сенга бир ҳақиқатни айтиб қўяй. Бундан бир неча йил илгари, тўғриси, тўрт юз биринчи йил авжи баҳор айёмида Нишопурда бир неча кун тинмай қор ёғиб, буғдойларни, барча мева-чеваларни қаттиқ совуқ уриб кетган. Хуросонда, Ирокда ҳам шундай бўлган. Нишопурда юз етмиш минг одам очликдан ўлган. Қаҳатчилик шу даражада бўлгонким, ҳатто одамлар гўрларни очиб, маййитларни еганлар, отоналар болаларини сўйиб тановул этканлар. Бизлар ана шундай қаттиқ, аянчли дамларнинг гувоҳидурмиз, Оллоҳнинг шундай қаҳр-ғазабидан сақласун. Шу боис бу ёруғ дунёда шукурлар айлаб, яхши амаллар қилиб яшамок даркор».

Абу Али Самжурга Амир Сабуктегиннинг мактуби унча ёқинқирамаса ҳам, аммо ўзининг Ғазнавийларнинг кучли лашкарлари олдида заифлигини ҳис этарди, албатта. Боз устига Амир Сабуктегиннинг бир

сўзлиги, иккинчидан, ҳақиқатдан ҳам масалани тинчлик йўли билан ҳал этилишини истаётганлигини ҳам билар эди. Шу боис ўзининг жанг кўрган лашкарбошиларига маслаҳат солди.

Шунда лашкарбошиларидан бири, ҳам иниси Арслон Самжур жазаваси тутиб:

— Ахир, биз голибмиз-ку? Маҳмуднинг адабини бериб қўйдик-ку? Нима, биз бекорга жанг қилдикму? Уларга мутеъ бўлгандан кўра, розий бўлиб ўлмоқ афзал, — деб қолди. Ҳамма жим. Бошқа ҳеч ким фикр айтмади.

Абу Али Самжур ўйланиб қолди. Агар жанг қилмаймиз, деса саркардаларининг важоҳати ёмон, кейин босиқлик билан деди:

— Бўпти, майли, жанг килурмиз, қани тайёргарлик кўринглар, — деб фармон берди, ўзи бўлса ҳеч кимга билдирмай яқинлари билан қаергадир ғойиб бўлди. Излаб уни ҳеч қаердан топиша олмадилар.

Абу Али Самжурнинг бу номардлигидан кўнгли қолган ғазабнок лашкарбошилар Амир Сабуктегиндан омонлик истаб, шаҳар дарвозасини Ғазнавийларга очиб бердилар.

Амир Сабуктегин таслим бўлганларни ҳурмат ва илтифот билан қабул этди. Улар орасида ўзи таниган, билган атоқли жанговар саркардалар: Бектегин, Мурғобий, Шертегин, Нўштегин, Ҳожиб Абу Алилар бор эдиларки, улар кейинчалик Амир Сабуктегинга, Султон Маҳмудга содиқ бўлиб қолдилар.

Бунда мен падарибузрукворингизни нақадар тадбиркор, адолатли, боз устига тенгсиз ҳарбий саркарда эканликларини яна бир бор айтмоқчимен.

Отангиз ҳаётда ҳам, давлат ишларида ҳам, жангу жадал чоғларида ҳам турк қавмларининг буюк саркардаси Алп Эртўнғага тақлид қилар эрдилар. Баъзан, ёлғиз қолганларида унга аталган қўшиқларни хиргойи этиб ўтирганларининг гувоҳимен. Қачонки, Бухоро сарзаминига кадам ранжида этган кезларида «Гўри Мулиён»га бориб унинг қабрини зиёрат этиб, хатми Қуръон айлаб, унинг руҳига хайри эҳсонлар килур эрдилар, — дея ҳикоясини тугатди Абу Наср.

## ДИЛ ИЗҲОРИ

Шоҳми, гадоми, барибир, киши хаётида шундай дамлар бўладики, дунё ишларидан бир оз бўлса ҳам фориф бўлиб, жиндай ҳордиқ ёзиб, роҳатланишни истаб қолади. Бунақа пайтда бир оғиз ширин сўз эшитгиси, кўнгил дардларини ёзгиси, кимлар биландир маслаҳат, суҳбат кургиси келади.

Султон Маҳмуд шундай истак билан ўзининг хос хонасига кирди-да, энди бир оз дам олай, деб турган ҳам эдики, ҳузурига шуни билгандай вазир Абу Наср ал-Мишкониё кириб келди.

— Яхши келиб қолдинг, худди билгандай! Кел, бир оз оёғимни уқалаб қўй! — деди подшоҳ.

Абу Наср Султонга юзланди. Кўринишидан, ҳукмдорнинг унга демоқчи бўлган бирор дарди борга ўхшар, кўнгли бир нарсани истаб турарди.

Султон бўлса, кўрпачага ёнбошлаб, оёқларини ёйиб олган. Абу Наср унинг ёнига аста чўқди-да, ҳукмдорнинг оёқларини уқалай бошлади.

Ўртага қиска жимлик чўқди. Икковлон сукутда. Пай мушаклари анча бўшашиб қолган Султон гўё уқаловдан маза қилаётгандек, кўзларини юмиб олган.

Абу Насрнинг хаёллари бўлиниб, ўзича-ўзи ўйлайди. Бугун ҳукмдори унга нималарни демоқчи, дардлари кўпайиб қолганга ўхшар ёки бўлмаса, ундан бирор гап олмоқчими, ҳаммасига тайёр туриши, фикр айтиши, сўровларига аниқ жавоб бериши даркор. Бунақа вақтда озгина бўлса ҳам тутилиб қолса бўлмайди.

— Ҳа, нечун жимсен? Нима, оғзингга сўк солиб олдингму? — сўради Султон оёқларини уқалаётган бош маҳрамдан.

— Нима ҳам дердим, олампаҳо! Эл бахтига соғсаломат бўлсангиз, бас! Қодир Оллоҳдан эртаю кеч шуни сўрайдурмен. Сиз бор экансиз, эл-юрт тинч, биз тинч.

Султон уёқ-буёққа қимирлаб томоқ қириб қўйди. Маҳрамга бир нарса демоқчи-ю, негадир айтолмай турибди. Бир гапи бор, буни сезиб турибди. Шу боис,

гап қаергача бораркин, деб жимгина ўз ишини қила беради, чунки у подшоҳнинг одатини яхши билади.

— Отам раҳматли Шош ҳокимининг ноиби бўлганлар. Тақдир тақозоси билан бир жангда отлари йиқилиб, оёқлари от тагида қолиб, душманлар асир этиб олишган экан. Кейин қул қилиб, олиб кетишган.

Абу Наср ҳайратда. Султоннинг ўзидан бундай гапни яна бир бор эшитиши. Ажабо, шу топда нега подшоҳ ўзининг насл-насаби хусусида сўзлаб қолди? Бир гап борму, ўзи?

Абу Наср жим, ҳамон сукут сақларди. Нима ҳам десин, ҳукмдорнинг сўзини маъкулласинми? Бундай масала хусусида фикр айтмоқни ким қўйибди унга? Шу боис миқ этмасдан Султоннинг болдирини қўйиб, энди билакларини уқалай бошлади.

— Абу Наср, сенга юрагимдаги сақлаб юрган бир фикрни айтмоқчимен. Билурсанким, фуқаролар ўз подшоҳларининг хушбичим, чиройли бўлишини истайдилар. Мен бўлсам бир бадбашара, буниси етмагандек юзларим чўтир. Онам мени намунча хунук этиб туққан эрканлар, билмадим? Аҳли мўмин айтса керак, подшоҳимиз намунча хунук деб.

«Оббо, бугун ҳукмдоримизга нима бўлди ўзи, шундан бошқа гап қуриб қолган эканму?! Бу унинг хаёлига ҳам келмаган гаплар». Абу Наср учун ҳукмдори ҳаммадан ҳам хушбичим, келишган одам, жон-дилдан яхши кўради, шунча йиллардан бери эртаю кеч унинг ёнида бўлиб, бадбашара эканлигини сезмаган. Подшоҳ энди суҳбатдошини анча мушкул бир аҳволга солиб қўйганди. Лекин Абу Наср бундан қийин вазиятларда ҳам ҳеч қачон сир бой бермай, ҳукмдорга гап топиб берган.

Абу Наср бир оз ўйлаб турди-да, вазминлик билан гап бошлади:

— Эй подшоҳи олам, Султони бокарам! Демишларким, йигит киши учун ҳусн унчалик зарур эрмасдур. Гўзаллик аёлларга керак. Сиз эл-юртнинг ҳукмдори сифатида шундай савобли, ҳамиятли ишлар қилингим, аҳли фуқаро меҳр-мурувватли ишларингизни кўриб, билиб, ўз подшоҳларини севиб қолсун-

лар. Бойликка, зарга меҳр қўймай, эл-юрт муҳаббати билан яшасангиз, шунда икки дунёда ҳам Оллоҳнинг марҳаматига лойиқ бўлгайсиз. Яна шуни ҳам айтайки, Сиз Султоният тахтига ўтиргандан бери элга, юртга манзур кўп саховатли марҳаматлар кўрсатдингизки, бу ҳеч кимга сир эмасдур.

Абу Наср, тагин Султон нега менга ақл ўргатиб қолди, деб ўйламасин учун:

— Барибир фуқароларингизнинг Сизга меҳри-муҳаббати ниҳоясиздур, — деб қўшиб қўйди.

— Тўғри гапларни айтдинг, Абу Наср. Оқилона сўзларинг юрагимга малҳамдек ёкди, — деди Султон Маҳмуд мамнунлигини билдириб. Кейин: — Бугунча етар, — деди-да, ўрнидан туриб ўтирди.

Абу Наср хонтахта устида турган гулобдан косага қўйиб, хукмдорга тутди.

— Биласанму, Абу Наср, бир неча кундирким, миямда бир фикр чувалашиб юрибдур. Бировга айтмай десам истиҳола қиламен. Айтмай десам, юрагим ўртанур...

«Оббо, яна бир қийин муаммо борга ўхшар, асосий гап буёқда экан. Қани, жангга тайёрлан, Абу Наср! Подшоҳимизнинг дил сўзлари йиғилиб қолган экан», деди ўзига-ўзи. Бир неча дақиқа ўтиб, кейин подшоҳга деди:

— Эй, марҳаматли Султоним, мен сизнинг содиқ қулингиздурмен. Дилингиздаги гапларни менга айтмасангиз, кимга айтурсиз?! — деди садоқатини билдириб.

— Донишмандлар демишларким, юрагингдаги сирни уч кишидин яшурма деб. Бири — аллома табибдин... Иккинчиси — содиқ дўстингдин. Учинчиси — ақл-фаросатли хизматкорингдин! — деди Султон.

— Мен ҳам сизнинг содиқ дўстингиздурмен. Фаросатли хизматкорингиз ҳам! Жоиз эрса, аллома табибингиз ҳам ўзимдурмен! — деди Абу Наср самийлик билан.

Султон Маҳмуд ўйланиб турди-да, босиқлик билан:

— Азизим Абу Наср, билурсенми ё йўқму, анави Айёзнинг воят хушрўй, уятчан бир хизматкор қизи бордур. Тўғрисики сенга десам, нечундур унга менинг ишқим тушиб қолганга ўхшар. Эртаю кеч хаёлим ўшанда. Ўйламай десам ҳам унинг гўзал чеҳраси кўз олдимга кела берадир. Баъзан кечалари тушимга ҳам кириб чиқади. Ўзимга никоҳ қилиб олайму дейман-у, локин одамлар не дер эканлар, деб андиша қилурмен. Шундай улкан арқони давлат соҳиби бир чўри қизга уйланибди, деб мазах қилишмасмикин? Айт-чи, ақлинг бисотидан бирор ибратли фикр топиб бера олмайсанму?!

Ана холос, мен ўйлаган асосий гап буёқда эркан! Мана, энди жумбоқ ечилди. Султоннинг насл-насаб хусусидаги узоқдан олиб келган гаплари ҳам, ўзининг бадбашара, хунуклиги ҳақидаги очикдан-очик сўзлашларидан мақсади ҳам маълум бўлиб қолди.

Абу Наср Айёзнинг хизматкорини яхши биларди, ниҳоятда нозик табиат, хушбичим, ошуфтаҳол, гулрухсор қиз.

Энди у аро йўлда. Нима десун? Олманг деса, ўз юрак дардини ечилик, унга ишониб айтди. Йўқ деса, уят бўлур. Олинг, деса, бу мурувватдан эмас. Яхши-си, Султоннинг кўнглига ёқадиган бир ибратли сўз айтмоқ керак.

— Эй, подшоҳи олам! Агар, билсангиз, ҳукмдорларнинг ўз қулларига ишқи тушиб қолган дамлар ҳам тарихдан бизга маълумдур. «Ажам тарихи»да ўқиганим борким, шоҳ Баҳром Гўр бир фақир, кир ювғучининг қизига ошиқи беқарор бўлиб қолиб, охири унга уйланган. Истасангиз ўшал ҳикоятни сўзлаб берай.

Султон Маҳмуд сукутга чўқди. «Ажам тарихи»ни ўзи ўқиб чиқмаган, билмайди бу ҳикоятни. Ўрнидан турди-да, хонада уёқ-буёққа юра бошлади. «Ажам тарихи»даги Баҳром Гўр ҳикоятини сўзлаб бермоқчи бўлиб турган Абу Насрга:

— Майли, энди сенга рухсат. Ҳикоятни кейин сўзлаб берурсен. Айтганларингни ўйлаб, фикрлаб кўрурмен, — деди.

Шу суҳбатдан сўнг икки кун ўтгач, Султон Махмуд ўша гўзал чўри киз Қамарнисони ўзига никоҳ қилиб олди...

Султон Махмуднинг табиати жуда қизиқ. Жангу жадаллар тугаб, ҳаётида тинч, осойишта дамлар бошланган кезларда ўз атрофидаги яқинлари билан дам олишни ҳам ўрнига қўяди. Ҳазил-хузуллар қилиб, одамларни ҳайратга солишга ҳам устаси фаранг.

Баҳор фасли эди ўшанда. Мевалар қийғоч гуллаган. Султон Махмуд саройда базм қурмоқ истаб, шу ўтиришга «Бови Фируз»дан гуллар келтиришни амр этди.

Абу Наср ҳайрон бўлиб, ўзига-ўзи деди: «Султон шундай базм қурмоқчи экан, нечун ўша хушманзара, жаннатсимон боққа бориб қўяқолмайди. Баҳор фасли бўлса».

— Ҳа, нега ўйланиб қолдинг, Абу Наср? — сўради Султон ҳаёл суриб турган махрамидан.

— Нимани ҳам ўйлардим, олампаноҳ? Давлат ишлари хусусинда, эл-юрт ташвиши дегандек...

— Нечун куппа-кундуз ёлғон сўзлайдурсен? Сен не хусусида фикр юритаётганингни билиб-сезиб турибдурмен.

— Не хусусда ўйлаётган эрканмен бўлмаса, подшоҳим?

— Сен ҳозир, Султон базмни ўша боғда қилса бўлмайдими, деган ҳаёлга бординг! Тўғриси айтибер.

Туш пайти бўлиб қолган эди. Султон пешинги намозга кириб кетаётиб, мирзога қараб жилмайди-да, «Мутриблар боғга кетаберишсун. Ўша ерга бориб ўтирурмиз», деди бирданига халиги фикрини ўзгартириб.

Тушдан сўнг ҳаммалари боғга жўнашди. Ҳақиқатан ҳам баҳор айёми бўлганлиги боисидан боғ беҳад гўзал манзара кашф этган, ўрик, гилос, шафтолилар жўшиб гуллаган.

Зиёфат ҳали ниҳоясига ҳам етмасдан, Султон тўсатдан «саройга кетамиз», деб қолди. Вазир ҳайратда. Нима ҳам қилардик. Подшоҳ амри вожиб. Унга гап қайтариб кўринг-чи, балога қолурсиз. Йўлда бир-бирлари билан ёнма-ён бораётган фақиҳ Хусайрий билан



Уқайлий: «Султоннинг ғалати одатлари бор-да! Шундай гўзал боғни ташлаб кетсаг-а! Маза қилиб ўтирган эдик. Бу қанақаси бўлди?», деб зорланишди.

Базм саройда давом этди. Шунда Султон сўради:

— Абу Наср, боғдан ким билан бирга қайтдинг?

— Хусайрий ва Уқайлий билан, — деди Абу Наср.

— Хўш, айт-чи, улар йўлда келаётганда нима дейишди?

У индамай турган эди, саволга Султоннинг ўзи жавоб бера қолди:

— Султоннинг қизиқ одатлари бор, шундай гўзал боғни ташлаб келдик, деган бўлсалар керак.

— Худди шундай дейишган эди, олампадох.

Базм тугаб ҳамма уй-уйига кетгач, Султон Махмуд ўз одати бўйича Абу Насрга «оёғимни укалаб қўй», деб қолди. «Яна бирор махфий гап бўлса керак», деб кўнглидан ўтказди маҳрам.

— Абу Наср, сен дунё кўрган одамсан. Ҳар нарсага ақлинг етур. Ростини айт-чи менга, бирор бир шаҳарда шундай гўзал боғни кўрганмисен?

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, олампадох, тўғрисини сўзлаймен?

— Сўзла!

— Шу боғ деб Балх шаҳри атрофидаги истиқомат айлаётган минг-минглаб рабийятлар озор чекурлар, агар билсангиз?

— Нечун? — бир оз жаҳли чикди Султоннинг.

— Ахир, шундай катта боғни ишлаш, чопиш, суғориш, дарахтларини кесиб тартибга солиш учун қанча одам керак, уни қайдан олинади? Боз устига боғда бўладиган зиёфат, базмлар ҳам кўпинча ўшалар гарданига тушади. Гўшт дейсизми, ёғ дейсизми, майли, уёғини айтмай қўяқолай. Бу гапларни сизга кўпинча айтмаймиз, олампадох.

Султон Махмуд сувга тушгандек жимиб қолди. Бошқа бир оғиз сўз ҳам демади. Эртаси куни у боғ учун хазинадан махсус маблағ ажратиш, рабийятни ҳеч қачон ранжитмаслик ҳақида махсус фармон чиқарди.

## БЕРУНИЙ ВА СУЛТОН

Абу Райхон Муҳаммад ал-Берунийнинг Фазнага олиб келганларидан ҳам, мана, анча йиллар ўтиб кетди.

Ўшанда у авжи куч-қувватга тўлган, камолот ёшида эди. Бироқ, у қафасга тушгандай, занжирланган шердек бир ҳолда. Ёзадиган рисолалари кўп, она ватани Хоразмни соғинади, ўз эли, жафокаш, истеъдодли халқи билан фахрланиш ҳисси бир дақиқа ҳам уни тарк этмайди.

Шоҳ Маъмун бошчилигидаги «Мажлиси уламо»нинг илм-фан ривожини йўлидаги ибратомуз ишлари бутун оламга маълум ва машҳур. Эсиз-эсиз, Хоразм олимлари ҳали кўп тадқиқот-тажриба ишлари олиб боришлари, янги-янги кашфиётлар очишлари мумкин эди.

Беруний ана шулар ҳақида ўйлар. Албатта, у ҳали ёш, балки бу тор қафасдан қутулиб, ҳали кенг осмонларга парвоз этса ҳам, ажаб эмас. Унинг эркини, ҳуқуқини тортиб олган бўлсалар ҳам, илмини, ақл-заковатини ололмаганлар-ку?!

Ўзи ён дафтарига битиб қўйган хикматларидаги бир жумла ёдига тушди: «Билим шундай нарсаки, у яланғоч бўлганингда ҳам ўзингда қолади, ҳаммомга кирганингда ҳам».

Беруний кўхна хоразм, суғд, юнон, сурёний ва қадимги ҳинд тилларини ўрганиб олган. Аммо олимнинг ўз диёри тақдири бир дақиқа ҳам хаёлидан кетмас, юраги ёнар, гуллаб-яшнаб турган салтанатнинг вайрон бўлганлигидан дили куяр эди. Бутун маърифат, илму фанга эътибор, эътиқод қўйган, ўзи ҳам эътиборли олим, ҳам адолатли шоҳ бўлган Маъмуннинг ваҳшийларча ўлдирилиши Берунийнинг вужудини эзар, қани энди ғойибдан унга бир қудратли куч келса-ю, она юрти бошига офат келтирган ғаламусларни янчиб ташласа! Нетонгим, осмон узок, ер эса қаттиқ.

Аллома ўз хужрасида майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб турган эди, ғулом келиб, уни Султон чорлаётганлигини хабар қилди.

«Яна нима гап чиқиб қолди эркан», деб кўнглидан ўтказди.

Подшоҳ даргоҳига муносиб либосларини кийиб, сарой томон йўл олди.

Фулом уни тўппа-тўғри ҳукмдор ҳузурига олиб кирди. Беруний Султонга эгилиб салом берди-ю, аммо бориб қўлини ўпмади. Кейин «хўш, хизмат» дегандай одоб-тавозеъ билан тураверди.

Султон Маҳмуд Абу Райҳон Берунийга разм солди: «Эгилмайди, мағрур ва масрур. Агар олимлиги бўлмаса, нима қилишни ўзим билардим», дегандек ер тагидан унга қараб кўйди.

Султон ҳузурига вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак, Унсурий ва нима учундир шахзода Масъуд ҳам ҳозир эди.

Султон Берунийдан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Яшаш шароити, соғлиги билан қизиқди. Кейин:

— Чақирувим сабаби, яна ўша ҳаким Ибн Сино хусусиндадир. Билурменким, сенинг у билан яхши ошночилигингиз бордур. Маслакдош эрурсизлар. Яна Хоразмда ҳам биргалашиб кўп билим қилдингиз, чамамда. Илгари ҳам Бухорода Амир Нух ҳузуринда табиб бўлиб ишлағонда ҳам ул зот бирлан ёзишиб, хат олиб, хат беришиб турғонингиздан ҳам воқифдурмиз. Узункулоқ гапларга қарағанда, ҳозир ҳам алоқа қилиб турур эркансиз. Яна билурмизки, ул «қайсар» ёзишмалар чоғинда сен бирлан ҳам ўчакишиб қолғон экан. Унинг отаси шиъалардан эрди, агар билсанг. Ўзи ҳам ўшаларга мансуб эмасму?

Султон Маҳмуд шундай деди-ю, кейин савол назари билан Берунийга қараб турди, не деяркин деб.

— Олампадох, Ибн Синонинг илм-фан, табобат оламинда буюклигини билурмен ва унга ихлосим баланддур. Ибн Сино ханафийя мазҳаби билимларидан обдон хабардордур, Бухорода, Гурганчда ҳам устод фақиҳлардан сабоқ олган. Яна шуни билурменким, у одамлар айтқонидек, «сеҳргар» эмас, ҳақиқий алломайи замондур. Хоразмда юзлашган чоғимиздан бери «Ал-Қонун» китоби устида ишлаётганидан ҳам хабарим бор. «Ал-Қонун», иншооллох, тиббиёт оламида

тенгсиз асар бўлмай. Бунга виждоним ҳам, иймоним ҳам комил.

Султон Маҳмуд сукутда. Беруний уни гўё сўз билан михлаб қўйгандай, ҳеч қандай гапга ўрин қолдирмагандай эди. Берунийнинг мантиқан кучли сўзларидан ҳукмдорнинг яна юрагида ғазаб алангаси ёнди, айниқса «шиъалардан эмасму?» деган саволига берган жавоби ҳам салмоқли эди.

— Сен унга бир мактуб йўллағил. Ҳузуримга келсун. Истаганича зар берурмиз. Уй-жой, подшоликдан катта маош ҳам тайин этурмиз. Бундай дейишимнинг боиси шундаким, саройга бир яхши табиб зарур. Барча гина-кудуратни унутсин.

Бу сафар Султон Маҳмуд ўз ҳукмдорлиги даражасидан анча пастроқ тушиб сўзлади. Ўз мулоҳазаларини Берунийга ҳам ётиғи билан тушунтирди. Бу, албатта, унинг атрофида турган, «Ҳозир Беруний қаттиқ гап эшитади ёки Султоннинг қаҳр-ғазабига йўлиқади» деб турган ақраболарга ҳам қизиқ туюлди. Ҳарҳолда ҳукмдорнинг босиқлик билан, асабийлашмасдан Берунийга вазиятни тушунтирганлигидан уларнинг ҳам кўнгиллари жойига тушди. Беруний ҳам, Султоннинг шу гапларидан сўнг, «нима қиламан ҳадеб ҳукмдорнинг жиғига тегиб, ахир, ҳозир мен унга мутеъман-ку?!» деган фикрни кўнглидан ўтказди.

— Олампадох, Сизнинг соғлигингиз, саломатлигингиз бизлар учун ҳам зарур ва қимматли эрур. Камина жон-дилим билан унга мактуб йўллайдурмен. Балки, келишга рози ҳам бўлур. Аммо яна бир бор айтиб қўйишим лозимки, Ибн Сино ўта қайсар, бир сўзлик одам. Келаман деб сўз берса, албатта, ваъдасининг устидан чиққай.

Султон жим, негадир бошқа сўз айтмади. Вазирдан ташқари ҳаммага рухсат бериб юборди.

Беруний ҳам Султонга таъзим айлаб ўз хужраси томон кетди. Унинг ёзув курсисидан ўзи битган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг қайта таҳрир этган саҳифалари ёйилиб ётарди. Яна иш, изланиш, мутолаа, ахир бундай қарамлик шароитда ҳам олимда ишлаш учун кўп вақт, имконият бор эди,

албатта. Олим энди кўрпачага ёнбошлаган ҳам эдики, қўлини кўксига қўйиб шаҳзода Масъуд кириб келди. Чунки у олимга ихлосманд, зеро, Масъуд илми ну-жум, риёзиёт фанларига қизиқар, Беруний билан маз-кур мавзуларда суҳбат қуришни яхши кўрар эди.

Шаҳзода Масъуд деди:

— Падаримизнинг хасталиклари кундан-кун ошиб, безовтадурлар. Шу боис Ибн Сино ҳақинда кўп сўзлай-дурлар. Аммо Ибн Синога тиллодан уй қуриб берсалар ҳам Фазнага келмас. Буни мен жуда яхши билурмен.

— Хоразмдан ҳам бир кечанинг ўзида кетиб қол-ган. «Богланган ит овға ярамас. Мутеъ бўлиб яшашни истамайдурмен!» деган менга, — деди Беруний.

Масъуд Берунийнинг гапларидан шуни сездик, аллома ҳам саройдаги сиқик ҳаётдан норози, подшоҳ-нинг оғзига қараб ўтиришга унчалик таъби йўқ. Аммо нима қилса ҳам Масъуд Султоннинг ўғли. Отасининг саломатлиги унинг учун ҳамма нарсадан азиз. Шу сабаб Берунийнинг гапларидан бир оз ранжигандек бўлди.

Берунийнинг ҳам Масъудга нисбатан муносабати анча яхши. У билан очикчасига сўзлашади. Шаҳзода бўлса, Берунийнинг тўғри сўзлигини, ҳақ гап қелган-да подшоҳни ҳам аямаслигини билади. Балки, ҳали ўзи Фазна тахтига ўтирмаганлиги учун бўлса керак, Султоният шаънига олим айтган сўзларга шунчаки эътиборсиздек эди.

Яна бир томони борки, Масъуд Берунийнинг ақл-идрокига, унинг қомусий илм соҳиби эканлигига ий-мони комил, шу сабаб уни хурмат қилади, унга устоз-дек муносабатда, хурмат-эҳтироми чексиз. Саройдаги суҳбатдан сўнг, Берунийнинг ғарибона кулбасига кир-ганлигининг боиси ҳам шунда.

— Ҳазрат, сиз падаримнинг баъзи сўзларига хафа бўлманг. Ул олий зотнинг барча олимларга, айниқса Сизга нисбатан ёмонлиги мутлақо йўқдур.

— Шаҳзодам, мен буни тушуниб турибдурмен. На қилса ҳам подшоҳ подшоҳ-да! Илм аҳлини ҳеч қачон камситмаслик керак. Олим кишининг кўнгли нозик бўлғай.

— Ҳали сиз бизга зарур, керакли одамдурсиз, — деди Масъуд олимнинг кўнглини кўтариб.

Беруний шаҳзода билан хайрлашар экан:

— Шаҳзодам, шуни билингки, олимларни ҳурмат айламаган подшоҳни маҳшар куни Оллоҳнинг ўзи барчанинг кўз ўнгида шармандаю шармисор айлагай! — деди.

Шаҳзода Масъуд жим, бошқа сўз демади.

Эртаси куни машварат бўлди. Бу сафар мажлисга нима учундир Шайх Абдулланинг ўзлари ҳам ташриф буюрди. Барча казо-казолар, сарой шоирлари, олимлар ҳам шунда. Беруний билдики, Шайх Абдулла иштирок этар экан, бунда гап кўпроқ ислом дини ҳақида бориши табиийдир.

Шайх Абдулла ҳар галгидек қарматийлар, мўътазилийларга лаънатлар ўқиб, Султоннинг кўнглидаги гапларни айтди. Кейин гапни бошқа масалаларга қаратди.

Берунийга Шайх Абдулланинг масалага фақат бир томонлама ёндошиши ёқмади. Негаки, Берунийни исломнинг турли мазҳаблари ўртасидаги ҳеч тугалмас ва оқибат муштлашишгача, ҳатто бир-бирларини ўлдиришгача бориб етадиган жанжал-тўполонларга қандай қилиб барҳам бериш лозимлиги ҳақидаги масала ҳеч тинч қўймасди. Зеро, Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳам шиъаларга нисбатан нафрат-ғазоби кучли эди. Иложи бўлса, уларни қириб ташласа. Беруний бафуржа гап бошлади:

— Шайх Абдулланинг сўзларига тўла қўшилганим ҳолда, шу даврга қадар ҳал бўлмай келаётган бу масалага оқилона ёндошмаса бўлмаслигини айтмоқчиман. Яна демоқ истардимким, мусулмон мусулмонни ўлдирмасун, бир-бирларига душманчилик, ғаразғўйлик қилмасун. Биз учун Оллоҳ томонидан нозил этилган Қуръони карим асос эрур. Бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жамиятни ўлдиришдир, бир одам боласини ҳалокатдан сақлаб қолиш эрса, бутун жамиятни сақлаб қолишдир. Бу Оллоҳнинг сўзидир. Барча мусулмонлар учун бирдан-бир муқаддас китобимиз Қуръон сўзидир. Оллоҳнинг каломидан сизлар истаган саволингизга жавоб топурсиз. Қуръон покизалик, эзгулик,

меҳр-шафқат, ҳақиқат ва садоқат, одамзод учун Яратганнинг ўзи юборган тенгсиз маънавий-маърифий дастуриламалдур. Қуръони карим илм, маърифат даъватдур. Уни ўқиб, яна уқиб, маъносини охиригача чақиб олган бандаи мўмин ҳеч қачон кам бўлмайдур. Ибн Сино болалик чоғидаёқ Қуръони каримни ёдлаб олган, ҳанафийя алломаларини сирларини охиригача тушуниб олган, ўзи тафсир эта билган. Шу боис ҳам у илм-фаннинг чўққисига кўтарилгани ҳеч кимга сир эмасдур. Шу туфайли у тенгсиз алломайи замон бўлиб, бутун элга танилди.

Султон Махмуд аввалига Берунийнинг сўзларини диққат билан эшитиб турган эди, Ибн Синонинг номини эшитди-ю, қайфи учиб, яна қони қайнаб кетди.

— Ибн Сино ўта қайсар, манман, — деб юборди. Кейин яна: — Аммо ҳеч бир кимса уни тутиб, шу дамгача хузурига келтиролмади! — деди ғазабланиб.

Ҳамма жим. Энди яна асаббузарлик бошланади, бунинг оқибати яхшилик билан тугамас. Энди ҳукмдор Берунийни кечирмайди ҳеч қачон, деб ўйлашди.

Шу вақт Шайх Абдулла ўрнидан туриб, Султонга қуллуқ қилди-да, Берунийга қараб босиқлик билан сўз бошлади:

— Сизнинг битикларингиздан анча-мунча хабарим бор. Илми нужум соҳасидаги баъзи бир ишларингиз муқаддас динимиз йўлига зид эрур. Нечун сиз Хоразмда анави Масихийга ўхшаш ғайридинлар билан Ер кўринишини юмалоқ қилиб ишлабдурсиз. Ахир, Ер икки ҳўкизнинг шоҳида турур-ку?

Шундай деди-ю, Шайх Абдулла осмонга тикилиб қолди. Кейин Султон «гапимни маъқулладими-йўқми?» дегандек, унга ер остидан қараб қўйди.

Гапга энди шайх кутгандек Султоннинг ўзи аралашди.

— Қуёш тожини текшириш соҳасидаги куфр ишларингиз ҳам ислом аҳлига ёқмайдур.

Кейин Султон ўзи айтган бу фикрдан бир оз ўнғайсизланди. Чунки Беруний Қуёш тожини тадқиқ этиш соҳасидаги ишлари ҳақида Султонга сўзлаб берган эди.

— Мана, масалан, Сизнинг «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» китобингиз бизга маъкул эрур. Шундайин фойдали ишлар Оллохга ҳам маъкул бўлғай, — деди бир оз Берунийга ён босгандай.

Беруний масалага билиб-билмай ёндошаётган Шайх Абдулла ва Султон Маҳмуднинг эътирозларига индамайгина кўл қовуштириб тураберди. Нима қилсун, гапирса яна ёмон, гапирмаса, тили қичиб юраги безовта бўлмоқда.

Султон Берунийнинг бир фикр айтмоқчи бўлиб турганини сизди шекилли, мавзуни бошқа томонга буриб юборди.

— Эшитишимча, сенинг ҳамма нарсани олдиндан айтиб берадиган ажиб бир фазилатинг бор эмиш. Шу тўғриму, ё сен ҳам сеҳргармусен? Ёки анави шиъарданмусен?

— Оллохга беҳад шукурларким, барчамиз ҳақиқий ханафийя мазҳабидаги мусулмонмиз. Оламpanох, энди сеҳргарликка келсак, камина илм-фан кишисидурмен. Баъзи кимсалар айтгандек сеҳргар эмасмен, бундайлик фақат ғайридинларга мансуб эрур. Барча нарсага қодир у Яратганнинг ўзидир.

— Майли, шу олий мажлис аҳли гувоҳ, агар одамнинг ичидаги фикрини топағони бўлсанг, сени аҳли сарой олдида имтиҳон қилурмиз. Қани, айтиб берчи, камина мажлисдан сўнг саройнинг қайси эшигиндан чиқиб кетурмен?

Султон бир қоғозга ўз фикрини ёзиб, уни вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанга тутқазди.

— Қайдан чиқиб кетишимни, мана, ўзинг кўрдинг. Қоғозга ёзиб қўйдим, — деди Султон. Яна қўшимча қилди: — Агар топиб бера олмасанг, ҳолингга вой. Мендан хафа бўлиб юрма, — деди қатъийлик билан.

Мажлис аҳли хайратда, энди олимнинг аҳволи не кечур деб. Султон ёзган сўзни Беруний қайдан билсун? Агар авлиё бўлганда ҳам топа олмас. Бинобарин, топа олмаса, ҳукмдор олимни аямайди. Шўрликнинг бошига энди яна не савдолар тушади экан! Султоннинг қаҳрига учраса, зиндон қилинур. Қатл этилиши ҳам мумкин. Ҳамма хар хил хаёлда, фақат



Беруний хотиржам. Кимдир «бошида қилич турибдику, бепарво туришини қаранг-а?», деб қўйди ёнида турган шоир Унсурийга. Ҳақиқатдан ҳам Берунийнинг юзида ҳеч қандай ҳаяжон, қўрқув сезилмасди. Ҳа, Беруний чиндан ҳам хотиржам — гўё ўша подшоҳнинг чиқиб кетадиган жойини биладигандай. Барчанинг диққат-эътибори Берунийга қаратилган.

Шунда Беруний секин-аста юриб, Султонга яқинроқ келиб, қуллуқ қилди-да: «Сиз мана шу тахтнинг орқасидан чиқиб кетурсиз, олампадох», деди.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Гўё саройда пашша учса ҳам эшитиладигандай. Биров «Энди Беруний ўлди!» деса, бошқаси: «Йўқ, у сеҳргар. Билмасдан бир нарса демайди», дерди.

Шунда вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак хатни очиб баланд овоз билан ўқиб берди. Хатни тугатди-ю, ўзи ҳам хижолатда. Чунки Беруний тўғри мулоҳаза юритган эди. Султоннинг хатида ҳам ўша жой аниқ килиб ёзиб қўйилган экан.

Ҳаяжонда турганларнинг барчаси эркин нафас олдилар. Беруний ҳақ бўлиб чиқди. Олимнинг бу топафонлиги учун подшоҳ унга яхши тухфалар берур деб ўйлашган эди, аммо ундай бўлмади. Султон ўзини қайга қўярини билмасди. Аммо у ҳукмдор-ку?! Вазирга қараб ғазаб билан:

— Бу сеҳргарни олиб бориб сарой тоmidан ташлаб юборинглар! — деб қолди.

Йиғилганлар алломанинг ҳозирги ҳолатини кўриб ғоят ачинишди. Нима ҳам қилишарди! Ҳукмдорнинг фармонини шу топда бирор киши ҳам ўзгартира олмайди.

Шундан сўнг, Берунийни подшоҳ фуломлари ҳовлига, сўнг саройнинг бир чеккасига олиб боришди. Кимдир қандайдир узун шоти олиб келиб томга қўйди. Нарвон яхши жойлашдими, йўқми, деб вазирнинг ўзи текшириб кўрди. Кейин икки фулом шотига тирмашиб баланд томнинг теппасига чиқдилар. Кейин Беруний чопоннинг барини кўтариб, секин-аста эҳтиёткорлик билан нарвондан кўтарила бошлади. Вазир бўлса уни пастда кузатиб турар эди.

Мана, Беруний том бошида, бепарво, ҳов, олисларга қараб ниманидир ўйлаб турар, шу пайт ғуломлардан бири Берунийни бирдан томдан итариб юборди.

Хайрият, томнинг тагида пичан фарам қилиб қўйилган экан. Олим юмшоққина пичан устига йиқилди. Хожа Аҳмад Ҳасан югурганча бориб, Берунийни даст кўтариб олди. Оллоҳнинг иноятини қарангки, олимнинг фақат битта кичик бармоғи лат еган эди. Хуллас, Хожа Аҳмад Ҳасан бу воқеани ҳеч кимга айтмай, Берунийни саройдаги ҳеч ким билмайдиган махфий бир ҳужрага яшириб қўйди.

Шундан кейин бир ойча ўтди. Султоннинг ёдидан бу воқеалар аллақачон унутилиб кетган эди. Иттифоқо, бир куни вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак билан кўнглини очиб, уёқ-буёқдан сўзлашиб ўтиришганда Султоннинг ёдига негадир Беруний тушиб қолди-да:

— Ўша куни қазабим ошган чоғда Берунийни томдан ташлаб юбор деб, унга жабр қилгон эрканмен! Энди негадир кўнглим ғаш, — деди.

Шунда вазир:

— Сизнинг фармонингизни бажариб, Берунийни томдан ташлаган эдик. Тақдир инояти билан олим йиғиб қўйилган пичан устига тушибди. Фақат кичик бармоғи лат ебди, холос, — деди.

Подшоҳ вазирга маъноли қараб қўйди. Ўзича: «Бунинг иши, ўлгудай устамон, ақлли вазир» деб кўнглидан ўтказди. Ўзига бу ҳақда ҳеч нарса демади.

— Берунийни ҳузуримга келтир. Энди анча ақли жойига келиб, барча қилгонларига пушаймон бўлса керак, — деди.

Бир оздан сўнг олимни Султон ҳузурига олиб келдилар. Берунийнинг ранглари анча кетиб қолган, юзлари сўлгин, кўнгли ғамгин. Кўринишидан, у анча озиб кетгандай туюлди ҳукмдорга.

Беруний подшоҳ ҳузурига кирди-ю, индамай қўл қовуштириб тураберди.

— Майли, сени кечирдим, қайсарлик қилсанг ҳам, — деди Султон.

— Мен илм кишиси эрурмен. Касби-корим ҳам шул. Аммо Оллоҳни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармасмен.

— Ҳар бир мусулмон фарзандининг иймони ҳам, виждони ҳам шундай бўлмоғи даркор.

Беруний деди:

— Оллоҳ таоло осмону заминни олти кунда яратган. Осмону заминдаги энг кичик заррадан тортиб энг катта мавжудотгача барчаси шундай чеварлик билан яратилиб, ўз ўрнига, жой-жойига қўйилганким, бундай тартиб-интизомга четдан бирор йўл билан дахл қилинса, ё бутун олам мувозанатиға путур етгай. Бас, шундай экан, мен бир камтарин олим сифатида осмон жисмлари харакати, йўналишларинигина тадқиқ этурмен, холос.

— Бу ўзинг ўйлаб чиққан тумтароқ сўзлардир, — деди Султон яна қизишиб.

— Бу Қуръон сўзи. Ҳа, муқаддас китобимиздаги «Худ» сурасидаги каломдур.

Султон Берунийга ҳеч гап топиб бера олмай қолди. Кўнгли хижил, олим эса жуда усталик билан, масаланинг асл моҳиятини подшоҳга тушунтириб берди. Инчунин, Султоннинг иззат-нафсига тегмай, ётиғи билан, қолаверса, одоб билан сўзлади. Султон Берунийга:

— Бундан кейин ҳукмдор билан сўзлашаётганда эҳтиёт бўлмоқ даркор. Ҳеч қачон унинг раъйига қарши бормаслик лозим! — деди.

— Мен буни жуда яхши ҳис этурмен. Аммо томдан ташлаб юборганда ҳам ўлмаслигимни билур эрдим, — деб қолди олим.

Берунийнинг сўзидан Султоннинг ғазаби яна ошиб кетди. Шу дамнинг ўзидаёқ уни зиндонга ташлашни, то ўлгунга қадар ўша ерда сақлашни буюрди. Энди унга ҳеч ким ёрдам беролмас, ҳатто Султоннинг энг яқин кишиси ҳам.

Кунлардан бир кун Султон шикорга чиққан чоғида ови ўнгидан келиб, саройга хурсанд қайтаётганда Хожа Аҳмад Ҳасан гапдан гап чиқиб, Берунийнинг зиндонда соғлиғи ёмон бўлиб қолганлигини айтиб қол-

ди. Алломага қарши ғазаб-нафратидан анча тушган, боз устига овдан хурсанд қайтаётган Султон эриб кетиб, олимни озод этишга рухсат этди. Кейин унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, жуда кўп олтин-қумушлар ҳада этди.

## **ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ**

Ва ниҳоят, «Шоҳнома» киёмига етди, ниҳоят!

Фирдавсий яна қўлёзмасини бошдан-оёқ синчков-лаб тартибга солиб, варақларини бирма-бир кўздан кечириб, саранжом-саришта айлади. Яхшиям, кўрган экан, баъзи бир чалкашиб кетган варақларни қайтариб жойига қўйди.

Олтмиш минг байт — ҳар бири шоирнинг кўз нури, қалб қўри билан битилган. «Шоҳнома» шоир йигитлигининг қаймоғини олди, бутун бир умри, ёшлигини шу Ажам тарихини назмга солишга бағишлади. Қанча шаҳар, давлатлар, минтақаларни кезди. Авом халқ билган афсона-ю, турли битикларни йиғди. Бормаган, кўрмаган жойи қолмади. Ахир, ўттиз йилдан ортиқ давр — бир йигитнинг умри. Бунинг учун мустаҳкам ирода, чидам, ўқиш, тарих саҳифаларини бирма-бир варақлаш лозим эди. Бир сатр шеърни ёзиб қўйиб, уни асослаш учун тонг отгунча китоб варақлаган кунлари ҳам бўлди шоирнинг. Хатто уйқусида ҳам ўша, ёзмокчи бўлган мисралар шоирнинг тафаккури кўзгусидан ўтар, кейин уйқуни тарк этиб, ўрнидан туриб ёзишга тушиб кетар эди.

«Шоҳнома» унинг ҳаёт тарзига, кундалик асосий юмушига айланган. Шу асар деб боғига ҳам яхши қарай олмади. Натижада шоирнинг турмуши, яшаш шароити анча қийинлашди.

Энди, уни Фазнага, Султон Маҳмуд Фазнавий даргоҳига олиб бориши керак. Зеро, шоир бундан бир неча йиллар илгари Султон билан юзма-юз бўлган, «Шоҳнома»ни ҳукмдорнинг розилиги, қолаберса топшириғи билан ёзди. Энди подшоҳ ўз сўзидан қайтмаса керак. Ахир уни бир сўзлик, ваъда берса, албатта

устидан чиқади, дейишган эди-ку, ўшанда саройдаги шоиру алломалар. Шоир Унсурий ҳам шу гапларнинг устида бўлган. Ўзи ҳам бунга гувоҳ.

Фирдавсий ана шуларни ўйлади-ю, Фазнага боришга катъий қарор қилди. Тусдан Фазнага бориш анча узок йўл. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Маблағ керак. Шоирнинг омади келиб, Хиротга борадиган карвон чиқиб қолди. Карвонбоши анча саховатли, шоиртабиат инсон экан. Фирдавсийни бирга олиб кетишга бажонидил рози бўлди. Уёғи яна бир гап бўлар. Хиротга бориб олса бўлгани! У ерда Фирдавсийни танийдиган мухлислари кўп. Ахир, Хирот қадимдан шоиру фузалолар шаҳри-ку! Ҳаммаси шоир ўйлагандек бўлиб чиқди, Фирдавсийнинг хиротлик мухлислари карвонсаройдан бир яхши хужра олиб бердилар. Бир неча кун зиёфат, учрашувлар, «шоҳномахонлик»... Хуллас, шоир денгизга қўйиб юборилган балиқдек ўзини ҳис этди бу гўзал шаҳарда. «Шоҳнома»нинг овозаси бутун Хиротга кетди. Шоирнинг кичкинагина хужраси эрта-кеч мухлислар билан тўла эди.

Бир ҳафтадан кейин Фазнага савдо-сотик ишлари билан кетаётган Содиқ карвон деган хиротлик бир бадавлат киши Фирдавсийни ўзи билан бирга Фазнага олиб кетди. Содиқ карвон анча мурувватли, олижаноб, бадииятга ихлосманд инсон экан, бу сафар Фозил ҳаммомчиникига тушмади, чунки шоирни Фазнадаги яқин бир дўсти Шарофиддин Маҳмуд деган кишининг хонадонига жойлаштириб қўйди. Афтидан, Шарофиддин Маҳмуд илгари девонда ишлаган, Султон Маҳмуд билан анча яқин муносабатда бўлган экан.

Ўша куни Содиқ карвон Фирдавсийни олиб, Шарофиддин Маҳмуднинг хонадонига меҳмон бўлишди. Шунда шоир «Шоҳнома»нинг айрим қисмларини янги дўстларига ўқиб берди. Китобга қизиқиб, ҳатто учовлон тонг ёришганини билмай қолишибди.

Эртаси куни Фирдавсий «Шоҳнома»ни кўтариб, девонга йўл олди. Бу сафар Унсурий шоирни нечундир яхши қабул айлади. Сухбатдан сўнг, Унсурийдан ҳукмдорнинг ҳузурига киришга, «Шоҳнома»ни Султон Маҳмуд Фазнавийга ўз қўли билан топширишга

рухсат олиб беришни илтимос қилди. Унсурий чекка-  
сини қашиб турди-да:

— Ҳукмдорнинг ҳузурига кириш осон эмас. Ахён-  
да-ахёнда кўнгли чопган одамни қабул этмасалар, бош-  
қа ҳеч кимни киритмайдурлар. Фақат ўзлари чақир-  
саларгина қабул этгайлар. Бу бизга ҳам, барча сарой  
аҳлига ҳам тегишлидир. Мен бу ишнинг улдасидан  
чиқа олмаймен.

— Ахир, «Шоҳнома»ни ул олий зотнинг топши-  
риғи билан ёздим. Йигитлигимнинг қаймоғини олди  
бу китоб. Ўша вақтдаги келишувдан ўзингиз ҳам ха-  
бардорсиз...

— Бу тўғри. Лекин замон ўзгарди, одамлар ҳам.  
Ҳозир Султонимиз бутун жаҳонга машҳур ва маълум  
улуғ саркардайи замондурлар. Буюк давлатнинг ҳукм-  
дори эрурлар. Ул зотнинг қилғон ишлари, қаҳрамон-  
ликлари рустамона, исқандарнамо ишлардир.

— Мен ҳам Ажам тарихининг ана шу томонларини  
назмга солдим. Бу, албатта, ҳукмдорга маъқул туш-  
гай.

— Нечун Султонимизнинг ғозийликлари, қаҳра-  
монликларини қаламга олмайсиз? Қадим подшоҳлар-  
ку, майли, ўз йўлига.

— «Шоҳнома»да Султон Махмудга ҳам алоҳида  
бағишловлар бордур. Буни Сизга ҳам, Султонга ҳам  
илгари айтқон эрдим.

— Бу ишингиз жуда яхши, тўғри қилибсиз, аммо  
ўша бағишлов тугалланмай қолмасун. Яна сиз, вазир  
жаноблари Хожа Аҳмад Ҳасан ҳақида ҳам сўз юрут-  
моғингиз жоиз эрур.

Унсурийнинг сўзларидан Фирдавсийнинг бир оз  
кўнгли ранжиди. Нима учундур сарой маликушшуа-  
роси гапни бошқа томонларга буриб, уни Султон қабу-  
лига кўядими, йўқми, бу ҳақда ҳеч нарса демасди.

Илгариги Унсурий эмас, муносабати анча ўзгариб  
қолибди. Кетаётганида Султон ҳузурига олиб кирган-  
да яхши сўзлар айтган, ҳатто йўл харажатлари учун  
анчагина ақча ҳам олиб берган эди. Ажабо, ўша вақт-  
даги ҳурмати, эътибори унинг тезда саройдан кетиши  
туфайли экан-да!

Охири, Фирдавсий унга:

— Султон мени қабул этадими, йўқми? — деди бу сафар бир оз аччиқлангандай.

— Султон ҳозир Фазнада эмас. Уч-тўрт кундан сўнг қайтиб келади. Сўзлашиб кўраман. Аммо сиз аввал, вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанга киришингиз лозим бўлур. Агар ул зот рози бўлсалар, кейин Султон билан ўзлари сўзлашурдар. Ҳали Султоннинг қабул этишга вақтлари бўладими, йўқми, буни биз ҳам айта олмаймиз. Сиз «Шоҳнома»ни менга ташлаб кетинг. Биз сарой шоирлари билан ўқиб чиқайлик. Султон, албатта, биздан: «Сизлар ўқиб чиқдингизларму?» деб сўрайди. Биз ул жаноб олийларига ўз фикримизни айтишимиз керак бўлур. Яна қайтариб айтаманки, сиз энг аввал вазир билан сўзлашинг. Ўша киши рухсат этсалар, шундан кейин Султоннинг қабули ҳақида ўйлаб кўришимиз мумкин.

— Бир неча мисраларни вазирнинг шаънига бағишлаб юборсангиз, «карнайчидан пуф дегандай» гап бу. Ахир сиздан не кетур?

Фирдавсий энди ўзини тутиб тура олмади:

— Менинг номим Султоннинг карами билан эмас, назм билан боқий қолгай. Мен девон миннатини тортмаймен, — деди.

— Ҳали шундай денг. Майли, буёғини ўзингиз билурсиз. Яна маслаҳатим шулким, вазир жанобларини мадҳ айлашни унутманг.

Фирдавсий Унсурий билан суҳбатидан кўнгли тўлмайдик. Чунки, унинг сўзлари анча мужмал, тутиб оладиган жойи йўқ эди. Нима учундир хоҳлаб-хоҳламай, ҳардамхаёл сўзлашди. Гўё, «Шоҳнома»нинг Султонга етиб боришига, ўқишига кўнгли йўқдай.

Фирдавсий саройдан кўнгли забун бўлиб қайтди. «Шоҳнома»ни шунча йиллар йўқчиликда қийналиб, игна билан қудуқ қазигандай ёзди-ю, энди буёғи яна чатоқ. Йўлида катта ғовлар пайдо бўлди. Биринчи ғов саройнинг ўзида. Кимсан, машҳур шоир, сарой малиқушшуароси, Султоннинг эркатой шоири Унсурий. Энди яна вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак, хукмдорнинг суянган тоғи. У ҳаммадан ҳам баланд

тоғ. Агар ўша одам хоҳласа, Султон ёнига кириши мумкин, хоҳламаса йўл йўқ.

Эртаси куни шоир яна юрак ютиб вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан қабулига келди. У ҳам шоирни аввалига анча хуштабиатлик билан кутиб олди. Аммо унинг ясама кулишлари, тумтароқ сўзлари Фирдавсийга яна ёкмади. Ундан ҳам иш чиқмайдиганга ўхшайди. Чамаси, Унсурий ўша куниёқ вазирга учрашган, ўтган гап-сўзларни оқизмай-томизмай айтиб берган. Улар маслаҳатлашиб олган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

— «Шоҳнома» неча байтдан иборат? — сўради вазир ўсмоқчилаб.

— Олтмиш минг байт, тақсир.

— Оҳо, роса ёзибсиз-да эринмай...

— Шундок, тақсир, баҳолиқудрат, аммо унга кўп меҳнатим сингди игна билан кудуқ қазигандай.

— Кудуқ қазиган бўлсангиз ўзингиз учун қазигансиз, биз учун эмас.

Вазирнинг наштадли гаплари яна ўша сарой маликушшуаросининг ғийбатидан, «Мен девон миннатини тортмайман», деб унга тегизиб айтган сўзларидан бўлса керак. Шу сабаб вазирнинг юрагида Фирдавсийга нисбатан адоват уруғлари бордек эди.

— Китобингизнинг яна бир нусхаси бўлса менга ҳам бериб кетаберинг, — деди вазир.

— Мен бир нусхасини Унсурий жанобларига топширдим.

— Ундай бўлса нур устига нур. Биз ўкиб чиқиб бир хулосага келурмиз. Кейин Султонга ҳам ўзимиз бериб кўюрмиз, — деди вазир «энди гап тамом, кетаберинг», дегандек.

Шундай бўлса ҳам, Фирдавсий кун аро девонга бориб хабар олиб турди. Ҳар куни бир хил жавоб, Султон «Шоҳнома»ни ўқигани йўқ. Вақти бўлмади. Давлат ишлари билан банд деган жавоблар...

Кейин маълум бўлишича, Унсурий ҳам, сарой шоирлари ҳам «Шоҳнома»ни ўкиб чиқишган. Вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан подшоҳга шу ҳақда маълумот берганда, Султон: «Олиб кел, ўзим ўкиб чиқаман» деб, китобни олиб қолган. Сўнг боққа бориб,



сарой қиссахонини чакириб, китобни бир неча кун бошдан-оёқ эринмай тинглаган. Ҳатто боғда дам олаётган подшоҳнинг қизлари ҳам бўшаган варақларини ўқиб, айрим мисраларини ёдлаб олишган. Достон Маҳмуд Ғазнавийга ҳам ёққан. Айниқса, китобдаги жанг тасвирлари ҳикоя қилинган қисмларни Султон қайта-қайта ўқитиб, Рустамнинг маҳорат билан жангда кўрсатган жасорати, қахрамонликларида худди ўзини кўргандай бўлган.

Хос қиссахонининг «Шоҳнома» мутолаасидан мамнун бўлган Султон Маҳмуд Ғазнавий бир неча кун ўтгач, хузурига вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан, шоир Ҳасан Унсурий, аллома Абу Райҳон Беруний ва шоир Абул Қосим Фирдавсийни тор доирадаги суҳбатга чорлади. «Шоҳнома»дек муаззам достон бир маҳаллар Абул Қосим Фирдавсий ваъда берганидек, Султон Маҳмуд Ғазнавий истаганидек Ажам мулки, яъни Эронзамин ва Туронзаминда ўтган иқтидорли ҳукмдорлар, буюк паҳлавонлар тарихи ва тақдирдан, умуман, «Каямарс» достонида келтирилганидек, Олам ва Одам яратилишидан нақл этарди. Султон ана шу тарихни ўринлатиб манзума айлагани учун шоирдан ғоятда миннатдор бўлди. Чунончи, Фирдавсий «Шоҳнома» учун асос бўлгучи ривоятлар ва афсоналарни тўплаш учун Эронзамин мулкида анча йиллар машаққат чеккан, айна маҳалда саройдан анча йироқлашган, боз устига ғазал ёки қасидалари бошқа шоирларники сингари мамлакатда кенг тарқалмаган эди. Шунга қарамай, Соҳибқирон Султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистон мамлакатига навбатдаги юришдан анча толиқиб қайтган бўлса ҳамки, «Шоҳнома»ни қиссахонидан тинглашга улгурган, маликкушшуаро Ҳасан Унсурий ҳам асарни юксак баҳолагани учун кичик машварат кўпга чўзилмади. Бирма-бир жўяли мулоҳазалар ўртага ташланди.

Унсурий деди:

— Олампадох, ўзингиз айтқондек, Ажам тарихидан ҳеч ким бунчалик кўб ва хўб назм айтмаган. «Шоҳнома»даги ҳар бир достон ўзи бир олам эрур!

Беруний деди:

— Жаноб Абул Қосим «Шоҳнома» битмак йўлин-

да йигитлик шиддати, ўрта ёш ҳиммати, кексалик ҳикматини бахшида айлабдур! Шоир қалб кўри, кўзи нури билан яратқон дoston бутун авлодларга ёдгор колгусидир. Инчунин, авлодлар бундай мухташам дostonлар гулдастаси подшоҳи олам изми бирлан битилгани тарих саҳифаларида абадий қолур!

Султон Маҳмуд Берунийнинг ибрат ва эътироф тўла сўзларидан таъсирланиб кетиб деди:

— Иншооллох, «Шоҳнома»дек мухташам назм қасрини салкам ўтгиз йилда бунёд айлаган хокисор шоир Абул Қосим Фирдавсийни муносиб тақдирлагаймиз! Аркони давлат бирлан маслаҳатдан сўнг, бугун-эрта салтанат хазинасидан лойиқ тортиқлар берилгай! Биз «Шоҳнома»нинг ҳар сатрига бермак хусусиндаги бурунги Султон сўзимизда турурмиз! — деганидан кейин машварат аҳли ҳукмдор қабулхонасини тавозеъ билан тарк этди.

Эртасига Султон Маҳмуд вазири аъзам Хожа Аҳмад Хасанни ҳузурига чорлаб:

— Айтилғонидек, олтмиш минг дирҳам қизил тиллодан Фирдавсийга бериб юбор. Одам Атодан шу кунгача ҳеч ким бунчалик назм айтмаган ва айта олмайди ҳам! — деди.

Вазир ҳукмдорнинг шу топда сўзга содиқлиги ва хотамтойлиги тутиб, шунча кўп тиллони бир деҳқон шоирга ҳадя этаётгани учун ўзича мулоҳаза юритиб:

— Султонимизнинг бир шоирга шунчалик баланд ҳимматлари бағоят саховатпешалик эрур. Фирдавсий «Шоҳнома»сига қиёслаганда, бу инъомни икки бор кўпайтирмоқ лозим. Шунда ҳам бизга унинг ҳаққи кетади. Аммо рухсат этсангиз, ҳадяни оз-оздан, бўлиб-бўлиб бермоқ жоиз эрур, олампадох.

Вазирнинг гаплари Султонга ғалатироқ туюлди. Ўз ўзига: «Худди тиллони ўз ёнидан бераётгандай қизғанади», деб ўйлади:

— Нима, менинг хазинамда бунчалик зар йўқму? — деди бу сафар бир оз жаҳли чиққандай.

Энди вазир ўзини босиб, Султонга хушомадгўйлик билан:

— Олампадох, агар истасангиз ундан юз минг чандон ортиғи ҳам топилади. Аммо анча мункиллаб қолғон шоир катта бойлик ҳайратидин ва хурсандчиликдин ўлиб қолиши ҳам мумкин. Унда ҳайф бўлур гарчи Фирдавсий мўътазилий ва рофизий бўлса ҳам, — деб қўшиб қўйди.

Султон кейинги гапдан сўнг бир оз ўйланиб қолди. Бундан бир неча йиллар илгари Фирдавсий подшоҳ хузурида «Шоҳнома»ни ёзмокни келишиб олганда, Султон унга: «Сен қарматий рофизийларданмусен?» деганда, шоир: «Мен қарматий эмасмен. Бир мўмин-мусулмонмен!» дегани ёдига тушди. Энди вазир яна уни мўътазилий, рофизий деб Султонга ёмон кўрсатмоқда.

— Сен ўзинг ҳам мабодо анави рофизийлардан эмасмусен? Ўлгудек қайсарсан! Хос машваратда мен Султон сўзини айтиб эрдим! — деди Султон вазирга.

— Мен сизнинг содиқ кулингизмен, хазинангизнинг қўриқчи итимен. Айбим шу, олампадох.

Унинг сўзлари Султонга ёқди, жилмайиб қўйди. Кейин эриб кетиб:

— Фирдавсийни айтқонимдек рози қил, тағин менинг даргоҳимдан хафа бўлиб, кўнгли тўлмай чиқиб кетмасун. Шоир зотининг кўнгли жуда нозик бўлур, — деди.

Ўша куни вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак Султонга билдирмай, Фирдавсийга ўзи хазинадан ажратган тангаларни тўрвага солди-да, оғзини маҳкамлаб боғлаб, хизматкор фуломлардан бирини чорлаб, шоир билан бирга жўнатиб юборди.

Фирдавсий масаланинг бу қадар яхши ҳал бўлганидан ўзида йўқ хурсанд. Қиблага қараб Султон Маҳмуд Ғазнавийни дуо қилар, унга узоқ умрлар тилар эди. Кейин вазирга ҳам ўзининг беҳад миннатдорчилигини айтишни унутмади.

Фирдавсий бунча кўп бойликни тушида ҳам кўрмаган. Умри камбағалликда, ночорликда кечди. Отаси унга: «Шоир одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди, ҳамиша ночорликда кун кечиради», деган сўзларини эслади. «Мана, Оллоҳ берса, шоир ҳам бадав-

лат инсонга айланиб қолур экан-ку!» деб хаёлидан ўтказди.

Саксон ёшни қоралаб, анча чўкиб қолган шоир саройдан чиқиб кетаётибди-ю, хаёли хизматкор ғулом кўтариб бораётган тўрвадаги олтин тангаларда. «Энди шунча тиллони нима қиламан, уни қаерда сақлайман? Мен бир дарвиш, қари шоир бўлсам, кун-тун фикр-зикрим, юриш-туришим назм-наво бўлса! Ғазал мулкига бир шўнғиб кетсам, ундан сира чиқа олмасмен. Менга тилло ҳам, бойлик ҳам унчалик зарур эрмас. Энди Тусга жўнайман, она юртимга. Ўша ғариб кулбамга бориб, тиллоларимни яшириб қўймасам бўлмас? Ажаб, қўлимга катта бойлик тушди-ю, не учундир ташвишдамен. Ўзимни қайга қўярим билмасмен. Юрагим ғаш, гўё бирор муттаҳам, ўғри-каззоб уни ўғирлаб кетадигандай. Ҳа, бойлик қурсин, шоир одамни ҳам юрагига ғашлик туширар экан». Гўё хизматкор ғулом орқалаб кетаётган бойлик юки уни ҳам эзиб ташлагандай туюлди. «Тилло ҳам шунчалик оғир бўладиму?» деб кўнглидан ўтказди. Хизматкор ғулом билан тўппа-тўғри шаҳар чеккасидаги ҳаммомга борди. Чунки унда кадрдон дўсти, назм-навога иштиёқ қўйган ихлосманди Фозил ҳаммомчи ишлар, ўзи эса ҳаммом ёнбошидаги фақир хонадонда яшар эди. Шаҳарда ўшандан бошқа дардлашадиган содиқ дўсти йўқ шоирнинг. Уқалашга жуда устаси фаранг, ҳам ширин суҳбатдош. Фирдавсийнинг Султон хузурига кетаётганидан ҳам воқиф эрди. «Илоҳо, омадинг келсун! Агар ҳаққингни ундириб олсанг, Худо хоҳласа, бир маишат қилурмиз», деб дуо ҳам ният айлаганди.

Фозил ҳаммомчи хизматкор ғуломнинг оғир тўрвани елкасида зўр-базур кўтариб келаётганини кўрди-ю, қувончидан бақариб юборди. Хизматкор ғуломга ташақкур билдирган Фозил ҳаммомчи унга дирҳам беришни унутмади. Хизматкор ғулом кетгач, икковлон тўрвани даст кўтариб, бойликка ҳурмат юзасидан кулбасидаги эски сандиқ устига қўйишди.

— Азизим, кадрдоним, сенга ҳам бахт кулиб боқатурган замон келибди-ку?! Худоё худовандо, умринг зиёда бўлсун! Гадоларнинг бошига ҳам бахт куши

қўнар экан. Арзийди! Арзийди! Ахир, сен «Шоҳнома»ни ёзгунча не азоблар чекдинг! Юрак-бағринг эзилиб кетди-ку?! Бутун йигитлигинг қаймоғини шу китоб олди. Мана, энди роҳатини кўурсен.

Улар бир-бирларини кучоқлашганча туришар, ажраша олмас эдилар.

— Бир пиёла сув келтур, томоғим қақраб кетди, — деди Фирдавсий.

Фозил ҳаммомчи ёнидаги обдастани олиб, муздак кина сувни пиёлага куйди.

— Ҳаммасини бердимиз? — сўради ҳаммомчи.

— Вазир аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан айтдики, олти миш минг тилло танга! — деди ғурур билан шоир.

Ҳаммомчи ҳавас ва меҳр билан шоирга қараб турар, гўё бу тиллолар ўзига берилгандек.

Фирдавсий ҳар гал Ғазнага келган чоғларида ана шу қадрдони, оддий бир ҳаммомчи дўстининг хузурига тушар, битаётган ана шу машҳур китобидан унга парчалар ўқиб берар, Фозил ҳам китобхон, шоиртабиат, билағон одам эмасми, мутолаа чоғида «Шоҳнома»нинг баъзи байтларини ёдлаб ҳам олган, кўпинча ҳаммомга келган мижозларига дostonдан ўзи ёдлаб олган мисраларни оҳангдор қилиб суҳандон шоирлардек виқор билан ўқиб берар эди.

— Қани, очиб кўрайлик-чи! Бунчалик кўп тиллони умримда ҳечам кўрмаганмен, — деди ҳаммомчи.

Икковлашиб оғзи қаттиқ боғланган тўрванинг ўрма ипларини пичоқ билан узиб, оғзини очишди. Не кўз билан кўрсинларки, тўрва тўла кумуш чақалар эди.

Фирдавсий ҳам, Фозил ҳаммомчи ҳам бундай ҳолдан ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Ҳаммомчи кўзига ёш олиб хўнг-хўнг йиғлар, оғзига келган сўзлар билан Султон Маҳмуд Ғазнавийни лаънатлар эди.

— Подшоҳлардан ҳеч яхшилик чикмайди. Аблахлар, муттаҳамлар! Уларнинг жазосини Оллоҳнинг ўзи берсун.

— Кўй, йиғлама! Нима қиласан ўзингни қийнаб! Мен пул, давлат учун «Шоҳнома»ни ёзганим йўқ. Бойлик ҳам, подшоҳлик ҳам абадий эрмас. Бу дунёда ёзилган китобу дононинг сўзи қолур.

— Майли, дўстим. Мана бу ақчани олиб, май, яна

кабоб, нон, мева-чева олиб кел. Шу кеча маза қилиб бир маишат қилурмизки, барча ғам-андухлар чиқиб кетсун. Кўнгил дарвозасиз қалъа эрур.

Фозил ҳаммомчи шоирга меҳр билан қараб турди-да, «Шоҳнома»нинг бошланишидаги мисраларни ўқий кетди:

*Букун айни вақт ҳушёр суҳандон,  
Айтиб бергил ажаб яхши бир достон.*

*Суҳан негизида ақл бўлса ғар,  
Суҳандонга шону шараф нақадар...*

*Иш қилсанг, баҳосин берсин пок ақл.  
Сўнгра доноларга уни кўз-кўз қил.*

*Дехқон сўзларидан олиб бул замон,  
Сўйлаб берай андин қадимий достон.*

*Эскиб қолган эди бу достон эздан,  
Янгидан эшитсун мендан анжуман...*

*Абадий бир мева қолажак мендан,  
Ундан яшнаб турар бу боғи чаман.*

Сўнгра, Фозил ҳаммомчи Фирдавсийни бағрига босди. Кўзларидан тушган шашқатор ёшлар шоир юзларини ювгандай, бўса олгандай бўлди.

Фирдавсий Фозил ҳаммомчига нукра тангаларнинг йигирма минг дирхамини берди-да:

— Абдусамад бўзчи бор-ку, ўлгудай камбағал, жўжавурдай жон, ўшанга бергил, қолганини факиру гадоларга улашгил, — деди.

Фозил ҳаммомчи хонадонида тузалган дастурхон теварагида икки дўст ўша кеча тонг отгунча май ичиб, дилкашлик қилдилар, дард-ҳасратларини ёзиб, ширин суҳбат қурдилар. Бомдод намозидан сўнг Фирдавсий ҳаммомчи дўсти Фозил билан сўнгги бор нонушта қилди.

Фирдавсий хуржунни бўйнига солиб, она юрти Тус-

га равона бўлмакка шайланиб турганда Фазна шахридан чиқиб келаётган карвон, турли-туман моллар ортилган туялар, хачирлар тортиб бораётган карвон олдида эса суворий Абу Саҳл Саъид келарди. Султон Маҳмуднинг Хиндистонга юришидан кейин Фазна бозорига чиқарилган асл моллар энди Бағдод шахрига йўл олган эди. Фирдавсийга хазинадан берилган олти миш минг кумуш танга ҳаммомчи, бўзчига ва мискинларга тенг тақсимланиши Фозил ҳаммомчининг ўзини анча ташвишга солган, нуроний шоир девонга қайтиб бориб шикоят қилгандан кўра, Тус шахрига тезроқ жўнаб кетишини маъқуллаган эди. Карвонга кўзи тушгандан қувониб кетди.

— Ана, омадингиз чопди, менинг кадрдон дўстим Абу Саҳл Саъид карвони келмоқда. Бемалол, тинчгина кетадиган бўлдингиз-да, шоири замон!

Фозил ҳаммомчи карвон йўли бошида турганини кўрган Абу Саҳл Саъид одан тушиб, шерикларига ўтиб кетаверинглар, етиб оламан дегандек ишора қилиб, келиб кўришди. Фозил ҳаммомчи Бағдод карвони билан Тус шахрига етиб олмоқчи бўлган нуроний кимсани Абул Қосим Фирдавсий дея таништирганда Фазна адабий ва маърифий муҳитидан хабардор корчалон хайратланиб, завқланиб кетди. Негаки Абу Саҳл Саъид Абул Қосим Фирдавсий ҳақида жуда кўп эшитган, «Шоҳнома» дostonларидан айримларини мириқиб ўқиган, тинглаган бўлса ҳам, шоирнинг ўзини кўрмаган, унга ихлоси баланд эди.

— Ажабо, мен Сизни жуссаси бақувват, баланд бўйли дароз одам ўйлаган эрдим... Ўзи тасвир айлагон паҳлавонлар мисоли баҳодир киши дея тасаввур этган эрдим, — деди Фирдавсийни кучоқлаб.

— Азиз биродарим Абу Саҳл Абул Қосим Фирдавсий назм мулкида сен ўйлаган буюк паҳлавондур. Тенги йўқдур, — деди Фозил ҳаммомчи пайрав тариқасида.

Фирдавсий ҳам ҳазилга жавобан деди:

— Дўстим айтгандек, назмда тенгсиз паҳлавон бўлсам-да, карвонингизга оғир юк бўлмасмен!

Учаласи ҳам барабар кулишди.

Абу Саҳл Саъид Абул Қосим Фирдавсийни қўлтирдан кўтариб сал нарида кутиб турган кажава аравага кўндирди, эрта тонг куёши нурлари Фозил ҳаммомчи билан видолашган шоир кўзидаги ёшларда йилтилларди.

Кажава борар, «так», «тук», йўл оғир, манзил узок, арава филдираги балчикқа ботар, буёғи дўнг, тепалик, гўё ҳаёт чорраҳаларидек... Буюк даҳо ухлар, юмшоқ хашак устида, она ернинг хиди анқир «кўрпачаси»дан... Чарчаган, беҳол, бир ёғи кексалик. Не кунлар кечмади бу шўрлик бошидан. Доруломон кунлар, машаққатли дамлар, эндигина кўнгли тинчиди, шоҳ асари дунёга келиб. Умр бўйи шуни орзу қилган эди. Муроду мақсадига еткурди Оллохнинг ўзи. Энди бемалол ухласа, ором олса бўлади, ахир орзулари ушалди-ку!

Кажава борар «так», «тук», ҳали манзил олис. Даҳо ухлар, буюк «Шоҳнома»нинг муаллифи, масрур ва мағрур...



Фирдавсий ватанига жўнаб кетгандан кейин Фазна шаҳри бўйлаб дув-дув гап тарқалди. Нима дейсизларки, Абул Қосим Фирдавсий Султон Маҳмуд Фазнавий ҳақида бир ҳажвия битибдур, деган. Унда ҳатто Султоннинг насл-насаблари ҳақида ҳам ҳақоратли сўзлар дейилмиш. Баъзилар «роса бошлабди» деса, бошқалар «чакки бўпти, энди шоирга қийин бўлади», дер эдилар.

Аммо, шуниси қизиқки, ҳажвия ёзилиши билан ўша дамнинг ўзидаёқ Султонга бориб тегиши, бундай ўйлаб қараганда ечиб бўлмайдиган бир жумбоққа ўхшарди.

Султоннинг қўлига бориб тушган ҳажвияни Фирдавсий ёзганми ё бошқами? Султон Маҳмуд ҳақидаги ҳажвияни саройдаги, Фирдавсийни кўра олмайдиган, ғаразгўй шоирлардан бирортаси битган бўлса ҳам ажаб эмас, деган гаплар ҳам бор эди. Боз устига Фирдавсий қаламига мансуб қасидаю назм тароналарини ўқиган ва қилни қирқ ёрадиган назм



кушондаларининг ҳажвия «шоирнинг забонига ман-суб эрмас, Фирдавсийни кўра олмаган фанимларнинг қилмишидир бу, ҳажвиянинг забони улуф шоир ва бетакрор адибнинг услубига ўхшамайди», деган гаплар ҳам тарқалди.

Мана, ўша эл-улус ўртасида дув-дув гап бўлган ва бора-бора бутун Шарқ оламига машҳур бўлиб кетган ҳажвия! Унга «Султон Маҳмуд ҳажвида сўз», деб сарлавҳа қўйилган.

*Аё Султон Маҳмуд, соҳибқирон, сан –  
Бандадан қўрқмасанг, қўрққил Худодан.*

*Кимлигим билмадинг, писанд қилмадинг,  
Шамширимни назарга ҳеч илмадинг.*

*Мени баддин, бадхоҳу бадхўй дединг,  
Мен нарра шерман-ку, нечун қўй дединг.*

*Сўздан жаҳон қурдим, мисоли биҳишт,  
Сўз уруғин кимса мендек сочмамиш.*

*Ўттиз йил меҳнатга ўзим урдим мен,  
Форсийда Ажамни тирилтирдим мен...*

*Билимли, донишманд бўлсайди Султон,  
Тахтга ўтказарди мени бегумон.*

*Дину диёнатдан йироқ бўлса шох,  
Бўйла шахриёрдан пучак пул авло.*

*Қулвачча шоҳликка ярамас зинҳор,  
Агарчи отаси бўлмиш шахриёр.*

*Тубанларни юксалтиб, ардоқламоқ,  
Яхшилик келур, деб умид боғламоқ.*

*Киши ўз бошини ўзи емакдир,  
Кўйнида илонни асраш демакдир.*

*Оғочким, тийнати аччиқдир азал,  
Уни жаннатро кўкартиб агар,*

*Беҳишт суви билан айлаб сарафроз,  
Асал шарбати-ла суғорсанг-да боз –*

*Ҳосил берганида, балким, бари бир —  
Мағзи аччиқ бўлур, меваси тахир.*

*Магар гул бозорга тушаркан йўлинг,  
Гулларнинг атрига буркалар тўнинг.*

*Кўмирчи ёнидан ўтганинг маҳал,  
Огоҳ бўл, албатта, қораси юқар.  
Таги настинг иши наст эрур, ёҳу!  
Қоронғулик тундан тушарму айру.*

*Нопоклар наслидан умидвор бўлманг,  
Неча ювган билан кетармиди занг.*

*Баднафсдан кутма яхшилик андоқ,  
Кутсанг, кўзларингга тўлади тупроқ.*

*Мусаффо Эгамга фарёд этарман,  
Бошимга тупроқлар сочиб дам-бадам.*

*Ки, ё раб, жоним оташга отгил,  
Шу маҳзун юракни ўзинг ёритгил...*

Султон Маҳмуд Фирдавсийнинг хажвиясини ўқиб, шундай ғазабландики, қани, энди шу топда ўша шоир ёнида бўлса, уни ўз қўли билан бўғиб ўлдирса! Аммо у йўқ, қайдалиги номаълум. Хожа Аҳмад Ҳасан жўнатган айғоқчилар Абул Қосим Фирдавсийни кидириб Ғазнадан топиша олмадилар. Шаҳарни илма-тешик килиб ташлашди. Султоннинг одамлари унинг кетидан тушишган, аммо халигача хабар йўқ.

Энди подшоҳ аламини кимдан оламан деб турган эди, Хожа Аҳмад Ҳасан кириб қолди, қўлида ўша хажвия.

— Нима, мендан суюнчи олгани келдингму?

— Олампадох...

Вазири аъзам фақат шу сўзнигина айта олди. Султон шердек бўкириб, унга ёпиша кетди:

— Барчасига сен айбдор, маслаҳатгўй вазир эмиш, ўта аҳмоқсен. Иблис! У дединг, бу дединг, мени йўлдан оздирдинг, ҳадяни оз-оз берайлик, деган ким? Айт?!

— Мен, тақсир...

— «Қатга бойлик хайратидин ва хурсандликдан ўлиб қолиши мумкин», деган ким?

— Мен, тақсир.

— Бўлиб-бўлиб берайлик деган ҳам сен. Ҳаммаси алдоқчилик экан-да! Мени шунчалик маломатга қолдирган сен эмасму?!

Вазирнинг айтарга бир сўзи ҳам йўқ. Мулзам, нафасини ичига ютиб, бир сўз демай бош эгиб турарди.

— Нега энди тилло ўрнига нукра бериб юбординг? Ўзингни айтқонларингни ҳам қилмабсан-ку, бетайин! Бебурд, алдоқчи?

— Олампаноҳ...

— Мана, сенга, олампаноҳ! — деб Султон вазирнинг кўкрагига шундай қаттиқ мушт урдик, унинг зарби вазирнинг кўкрагини тешиб кетгундай бўлди. Гўё вазирнинг нафаси ичига тушиб кетгандай, бир зум ўзига келолмай турди. — Яна сенга исбот керакми? Ул аблаҳ шоир менинг насл-насабимни ҳам ҳақоратлабди.

Султон кўлидаги ҳажвия битилган қоғозни олиб, ўқий кетди:

— «Кулвачча шоҳликка ярамас зинҳор, Агарчи отаси бўлмиш шаҳриёр». Бунисига нима дейсан? Мен «кулвачча» бўлдимми, а?

Султон хонада бошини қўллари билан бекитиб ўтирган, ҳали ўзига келолмай турган вазирни «мана, сенга кулвачча!» деб тепа кетди.

Султоннинг кўзларига қон тўлишиб, юзлари кизариб кетган. У бунақа ҳолга ҳеч қачон тушмаган.

— «Таги пастнинг, иши паст эрур, ёху! Қоронғулик тундан тушарму айру». Хўш, бунисига нима дейсан? Мени таги паст дебди ўша гадойвачча. — «Мана сенга таги паст», деб вазирни яна тепа бошлади.

Вазирнинг ҳолдан кетиб қолганини кўриб, кейин ўзи ҳам юрагини тутиб, бошини ушлаганча тахт ёнига бориб ўтириб қолди.

Султон Маҳмуднинг жаҳли чиқиб кетганда ўз одамларини ҳақорат қилиш, уруш, тепиш одатлари бор

эди. Бир куни сарой ходимларидан бирини орқасига тешиб, эшикдан чиқариб ташлаган. Ё бўлмаса, шоир Лабибийни ҳам сўкиб, тарсаки уриб юборганини сарой ахли эслаб юради. Аммо бугунгиси ана шундай ҳаракатларнинг чўккиси эди. Зероки, вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак унинг энг яқин сирдоши, ҳеч кимга айтмаган гапларини унга сўзлар, маслаҳатлашарди. Бугун бўлса саройдаги энг кадрдон кишисини ўласи қилиб дўппослади. Албатта, вазирнинг ҳам бу ерда айби катта. Чунки ўзининг галамус қилмиши билан ҳукмдорни эл-юрт олдида, шоиру фузалолар олдида шарманда қилди.

Ҳасанак бир оз ўзига келиб ўрнидан туриб ўтирди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб, бурнидан оқаётган қонларни артди. Кейин тахт ёнида бошини ушлаганча кўзини юмиб ўтирган ҳукмдорга бир нарса демоқчи бўлди-ю, кейин ўйлаб қолди. Султоннинг жаҳли чиқиб турганда, яхшиси ҳеч нарса демаган маъқул. Агар бирор нарсани сўраса, кўнглига ёқмаса, яна «ўлганнинг устига кўмган» бўлмасун, қалтис гап айтиб балога қоласан. Яна шуниси борки, шу дамда Султоннинг ғазаби ҳалқумига келиб турганда, жаллодга буюриб, қатл этиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай воқеалар сарой тарихида жуда кўп бўлган. Хожа Аҳмад Ҳасаннинг ўзи бунга гувоҳ.

Вазири аъзам ҳозирги дамдагидай чигил, мужмал аҳволга тушмаган. Унинг ҳаёти хавф остида, ўлимга бир қарич қолган. Кўп йиллик хизмат фаолиятида жуда кўп чигал, мураккаб ишларни ҳал этган «донишманд» вазир шу топда ўзининг ақл хазинасидан Султон кўнглини топиш учун бирорта сўз топишга ожиз эди. Топа олмасди ҳам.

Ва ниҳоят, шу ҳолнинг устига билар-билмасдан Ҳасан Унсурий кириб қолди. Кирди-ю, вазиятни кўриб, кўпни кўрган зийрак одам эмасми, бу ҳолнинг сабабини дарҳол сизди. Гап нима ҳақида кетаётганини, ўртада хафагарчилик ўтганини билди. Айтмоқчи бўлгани хушxabар бўлганлиги боисидан ранги бўздек оқариб, ҳаяжонда ўтирган вазирга бир қараб қўйди-да, Султонга юзланиб:

— Олампаноҳ, мени афу этгайсиз, Сизга бир хуш-хабар келтирдим. Фарзанди аржумандингиз Амир Масъуд ўғил кўрди! — деди.

Султон Маҳмуд жим, ҳали жаҳл исканжасидан чиқиб кетганича йўқ. Аммо Унсурийнинг хушxabари унинг газаб тўла тош қалбини бўшаштиргандай эди. У шоирга андуҳдаги ҳолида яхши хабар келтиргани учун миннатдорчилик билдиргандай, жилмайиб қўйди. Кейин секин-аста турди-да, бориб тахтига ўтирди.

— Сизларга жавоб, мени ёлғиз қолдиришлар! — деди.

Кейин бир офатдан қутулгандай, шошганча чиқиб кетаётган Хожа Аҳмад Ҳасанга деди:

— Янги туғилган неварамга раҳмат айт, йўқса, бошинг кетарди!

## **ЧУВРИНДИ АЁЛ**

Бир тўда улфатлар йиғилишиб, Фазна шаҳар бозори чеккасидаги оромгоҳда кайфу сафо қилар эдилар.

Бир маҳал қандайдир «Чувринди аёл» «Хайру эҳсон қилинлар», деб шу масканга сўрамай-нетмай кириб келди. Ёнида бўлса яна оёқ яланг, уст-бошлари ночор, сочлари ўсиб кетган ёш болалар ҳам бор. Болаларнинг ранг-рўйига қараб кўнгли юмшоқ кишиларнинг раҳми келади.

Чувринди аёлнинг овози қўнғироқдек, ўзи ажаб тугул суҳандон эди, гўё шеър айтгандек чиройли сўзларди:

— Эй сиз, боёнлар! Сизларни Оллоҳнинг ўзи ёрлақасун! Агар биздек ғарибларга, етим-есирларга, нота-вонларга раҳм-шафқат айласангиз, бизга берган хайру эҳсонингиз ўзингизга ўн баробар бўлиб қайтгай... Агар билсангиз, мен ҳам бадавлат хонадоннинг эрка фарзанди эрдим. Отам катта лавозимларда хизмат қилар, бекаму кўст, бадавлат ҳаёт кечирар эдик. Еганимиз олдимизда, емаганимизни эрса оч-наҳорларга улашар, шу боис эл-юрт орасида обрў-эътиборга лойиқ бўлиб, хурмат, эхтиромга ботган эрдик... Билмадим, Оллоҳ-

данму, ё галамусларнинг тухмат ва иғвосиданму, бошимизга қора кунлар тушди. Шундан сўнг, отамнинг тўкин дастурхонлари тўрида ўтирган содиқ дўстлари бизни ташлаб кетишди, «юзингда кўзинг борми» демай, бирор жойда кўрсалар ҳам кўрмасликка олиб ўтиб кетадиган бўлиб қолдилар. Бахт-саодат биздан қочди, давлатимиз ҳам. Мана, энди юпун ва нигун ҳолатимни кўриб турибдурсиз. Сиёҳдек қора сочларимга кексаликнинг совуқ кирови қўнди. Оқ сочлар икки чеккамга барвақт ўрмалаб келмоқда. Ойдек юзларимда бахтсизлик чизиқлари — ажинлар пайдо бўлиб, ойнага қарасам, кўнглим ўксигай, ўзимдан-ўзим йиғлагим келур... Маишатингизни бузганим учун мен бир ғарибу нотавонни афу этгайсиз. Юзимдин ориятни сидириб ташлаб, ночорликдан ҳузурингизда аёл бошимни ҳам этиб турибдурмен. Энди менга, бир бахтиқаро, ожиза аёлга ҳеч нарса керак эрмас. Фақат мана бу бегуноҳ болаларимга ачинадурмен. Эртаю кеч оч-наҳор, баъзи кунлари туз ҳам тотмай ҳолдан тойиб, очлик азобини тортурлар. Аларни кўриб ич-ичимдан эзиламен, баъзан ўтириб йиғлайдурмен... Энди менинг гўрим ҳам яқин. Ҳеч нарса бермасангизлар ҳам розимен, йўлимга кетаберамен. Кўзларингиздан билиб турибмен — сизларга ёқмай, таъбингизни хира қилиб, жингизга тегмоқдамен. Бу юпун, маҳмадана гадо шу чурвақалари билан тезроқ кетақолса, деб турибсизлар. Майли, ниятингиз менга маълум бўлиб қолди. Ҳозир кетурмен. Хайр! Омон қолинглар, — деди-да болаларни етаклаб, уришиб, жеркиб, нималарнидир жавраб, маъюс бир ҳолда судралиб кета бошлади.

— Тўхта, эй муштипар аёл! — деди бир юзларидан қон томиб турган басавлат бойвачча йигит.

Аёл тўхтади, болалар ҳам гўё мурувват эшиги очилгандай. Йигит чўнтагидан бир кичик ҳамённи чиқариб унга узатди. Шундан сўнг бошқалари ҳам олтин, қумуш тангаларни этагига ташлай бошладилар. Аёл бўлса садақа қилаётганларнинг ҳар бирига яраша яхши сўз айтиб, тинмай дуо айтарди. Болалар ҳам ўз «саркарда»ларининг дуосига қўшилиб, ҳар сафар қўлларини фотиҳага очар эдилар.

Улфатлардан Аббос Хусайн деган йигит аёлнинг этагига бир неча тангаларни ташлаб туриб, унинг ярим очик юзига тикилиб қолди. Аёлнинг ойдек жамолига, бўйнидаги ярқилаб турган қимматбаҳо лаъли, гавҳар тақинчоқларига, кулоғидаги бебаҳо балдоғига кўзи тушди. Аммо ҳеч нарса сезмагандай, яна қайтиб бориб ўз жойига ўтирди. Чувринди гадой аёлнинг иши битди-ю, уларни яна дуо қилақила, болаларни эргаштириб ўз йўлига равона бўлди. Шунда ҳалиги бойвачча Аббос Хусайн улфатларидан узр сўраб, ўша Чувринди гадой аёл кетидан қорама-қора, изма-из эргашиб бораверди.

Аёл катта йўлнинг нариги томонига ўтди-ю, кейин безовта қушдай уёқ-буёққа аланглаб, хавотирланиб орқасига қараб қўйди. Демак, ҳеч ким йўқ, кўнгли жойига тушди шекилли, қаршисида интиқиб турган болаларга ўша пулларни улашди, кейин синчковлик билан нималарнидир тушунтирди. Болалар бўлса ўз улушларини олиб, бирпасда кўздан ғойиб бўлиб қолишди. Аёл бўлса, яна аланглаб турди-да, кейин теппага қараб кетган тор кўча томон илдам қадамлар билан кета бошлади. Уни қузатиб келаётган ҳалиги йигит ҳам унинг ортидан эҳтиёткорлик билан келаберди. Аёл бозор ёнидан ўтиб, ҳов, анави қатор бақатераклар ўсиб турган кўча юзасидаги ҳашаматли ойнаванд уй ёнига келиб тўхтади. Яна бирор киши кўриб қолмадим, дегандай уёқ-буёққа аланглаб қўйди. Эшик ёнида турган ҳам эдики, худди биров унинг келишини пойлаб тургандай, дарвоза бирдан очилиб кетди, аёл лип этиб, ўзини ичкарига олди. Эшик яна ёпилди. Ичкаридан қулфлангани эшитилди.

Аббос Хусайн хайрон, бу ерда нима сир бор, ўзи? Атроф-теваракка разм солди, ҳеч ким йўқ. Сал нарироқда устахонадан тақир-туқур қилган овоз эшитилди. Секин-аста юриб яқинроқ бориб қараса, анча ёшга кириб қолган, аммо ҳали жуссаси пишиқ, қўллари бақувват мўйсафид кўрага олов тоблаб, отга тақа ясаётган экан. Шогирди бўлса босқонни ботма-бот тортиб турарди.

Аббос Хусайн салом бериб, устахона ёнидаги кўрпа-

часи эскиб кетган ўриндиққа чўкди. Ота аввалига, унга эътибор ҳам қилмай, ўз ишини охирига етказди, қискичдаги гайёр бўлган от тақасини сувга ботириб олди, кейин қаршисида уни кутиб ўтирган басавлат йигитга «хизмат?» дегандек қараб турди.

— Сизга бир гапим бор эрди. Мени афу этгайсиз, — деди ва устанинг шогирдига қараб қўйди.

Шогирд йигит қўлидаги қискични қўйиб, нари кетди:

— Агар малол келмаса, бир нарса сўрамоқчи эрдим... — кейин овозини секин қилиб, — «Гап шу ерда қолсин!» — деб қўйди.

— Марҳамат этгайсиз! Икки қулоғим сизда. Бемалол сўйлайверинг, — деди тақачи чол.

— Мана бу ёнингиздаги хонадонда ким истикомат қилур, уларни танирсизму?

Мўйсафид бир оз ўйлаб турди-да:

— Мен, бир оддий захматкаш одам эрурмен. Улар бирлан бир чақалик ҳам ишим йўқдур. Ўзлари ҳам борми-йўқдай, маҳалла-қўйга ҳам унчалик қўшилишмайдулар. Аммо, билишимча, бул хонадонда фақат эр-хотин истикомат айласалар керак. Баъзан шу уйдан бир чувриндига хос кийинган аёл жома кўтариб чиқиб кетади. Афтидан, бозор-ўчарга борса керак. Балки шу уйнинг чўриси бўлса ҳам ажаб эрмас. Билишимча, илгари бу ҳовлида бағдодлик бир савдогар яшаган экан. Бошига бахтсизлик тушиб, уйини мана шуларга сотиб кетган эмиш. Маълумингизча, соҳиби хонадон девонда хизмат қилур деб эшитганим бордур.

— Майли, минг бор узр, аммо гап шу ерда қолсун, — деди йигит яна таъкидлаб.

Бойвачча Аббос Хусайн тақачи билан хайрлашиб, ўз йўлига кетди. У аслида Султон Махмуд девонидаги айғоқчи-айёрлар қисмида ишлар эди. Шахарда юриб, бутун олди-қочди гаплару, сиру асрорлардан кўз-қулоқ бўлиб юрар, одамлардан гап олар, исми шарифи Аббос Хусайн Кошоний эди.

Аббос айғоқчи бу ердан тўппа-тўғри подшоҳ саройига йўл олди. Бориб ўз хўжайини — айёрлар бошлиғи Камак Ҳамадонийга бўлган барча воқеаларни бош-



дан-оёқ оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Сўнггида Чувринди аёлнинг эри эса Маҳкамайи девонда ғулом бўлиб ишлар экан, деб қўйди. Пировардида, бу гапларнинг охири Султон Маҳмуд Ғазнавийга қадар бориб етди.

— Ажаб қизиқ воқеа эркан. Бунинг тагига етмок даркор. Гадо аёлнинг ўзи бир жумбоқ эрур. Нечун шунчалик тубанликка борибдур? Эри-чи, аёлнинг шундай разил қилмишларини билурму? Ёки билиб туриб шунга йўл қўйган бўлса, не деюрсизлар? Китобларга игна билан ёзиладиган бир жумбоқ ҳикоятдур бу, — деди Султон.

— Ҳақ гапни айтингиз, олампанох, бу ерда пинҳоний бир сир борга ўхшар, — деди Камак Ҳамадоний.

— Сиз, ўша Муҳаммад Исмоил исмли ғуломни тезда ҳузуримга келтиринг. Қани, ўзи не деркин? Сўнг уйига одам юбориб, аёлини ҳам оёғини ерга текизмай шу ерга ҳозир айланглар. Шундан сўнг, ҳамма нарса аён бўлур.

Камак Ҳамадоний:

— Олампанох, бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, узр.

— Хўш, не деюрсен?

— Агар ғуломга билдирмасдин олдин аёлни келтирсак, кейин...

— Нечун?

— Тагин аёл биздан ҳам айёр чиқиб қолса-чи? Чунки менинг айёрим уни таъқиб этган, уйи ёнидаги устахонадаги бир тақачидан уни суриштирган. Мабодо...

— Майли, бўлмаса зудлик билан аёлни келтиринглар. Ул аёл келганда ғуломни ҳам пинҳона олиб кинглар. У ҳам панада туриб, ҳамма гапни эшитиб турсин, — деди Султон.

Чувринди аёлни Султон қабулхонасига бир неча дақиқалардан сўнг олиб келдилар. Шинам, ораста кийинган, унинг барча қимматбаҳо тақинчоқлари бутун мамлакат хирожига арзигулик эди. Кўринишидан ёш, ўтгиз ёшлар чамасида. Қадди-басти шамшоддек келишган, холисанлиллоҳ айтганда, ниҳоятда хушрўй аёл эди.

У қабулхонада узок турмади. Чунки барча унинг келишини қизиқиб кутиб туришган эди.

Султон Махмуд Ғазнавий аёлнинг рухсорини кўриб: «Наҳотки, шундай ошуфтаҳол, суксурдек, Оллоҳнинг гўзал бир мавжудоти кўча-кўйда юриб, тиланчилик қилса!» деган фикр-жумбоқ хаёлидан кетмасди.

Аёл Султонга юзидаги рўмолини бир оз қия очиб, салом берди. Унинг овози худди ноёб куйдек эшитилди ҳукмдорга.

— Қани, синглим, айтинг-чи, кимсиз? Нечун бозор-ўчарларда юриб тиланчилик қилурсиз? Болалар ким? Исми-шарифингиз не турур?

— Эй сиз, подшоҳи олам, қиблайи бокарам, мўмин-мусулмонлар ҳимоячиси, исломнинг нури дийдаси, мендек бир бегуноҳ заифанинг беозор қилмишларим учун кечиргайсиз! Ахир, камина бир шўридаи бенаводурмен. Майли, мен гуноҳкор бўлақолай, агарким кўчаларда уйсиз, жойсиз, ҳар гўшада йиғлаб юрган оч-яланғоч, юпун, етим-есирларни деб қусур ишга қўл урган бўлсам. Зеро, камина қулингиз Оллоҳнинг мўмин-мусулмон бир бандасидурмен. Исми Шарифа Салим қизидур. Беш вақт намозни қанда қилмайдурмен, дилимда ҳам, тилимда ҳам Оллоҳнинг номи. Не гуноҳ қилган бўлсам, шу фақир гадолар деб қилдим, юзсизликка бордим. Бойвачча йигитларнинг бўлса молу дунёси кўпдир, егани олдида, емагани ортида. Шу бечора йўқсулларни деб Оллоҳ йўлига озгина садақа қилса, савоб эмасму? Сизлар мени жуда ҳам бадавлат аёл эркан деб ўйламанглар. Бой ҳам эмасдурмиз, камбағал ҳам. Худонинг бир мўмин бандаси эрурмиз. Фақат мархум онамдан қолғон мана шу тақинчоқларимгина асосий бойлигимиздур, холос. Бор-йўғимни камбағал бечораларга улашиб бўлдим. Аммо шаҳардаги етим-есир болалар менга ўрганиб қолишган, улар билан учрашадиган кунимиз, жойимиз ҳам аниқ. Улар менинг келишимни интиқиб кутиб ўлтирурлар. Кейин биз шаҳар кезамиз. Уларни деб ўзим ҳам суҳандон бўлиб қолдим. Кўп китоб мутолаа айлаймен: кўпинча бойвачча, бадавлат йигитлар даврасига борганимда улар сўзларимни тинглаб, «қойил» деб кўпроқ пул беришади. Мен уни «болаларим»га улашурмен.

Аёл гапдан тўхтаб, Султонга қараб турди.

Султон бир оз сукут сақлаб, кейин қаршисида ҳукм кутиб турган суҳандон аёлга:

— Сен ғазалхон шоирмусен, ё алломаму? — деди.

— Кўп китоб мутолаа этурмен. Сарой шоирлари-ю, бошқа таниқли алломалар битикларидин ҳам бохабардурмен.

*Булбулдан майин қўшиқ, сулсудан ширин наво.*

*Каккудин эшит ҳадис, қумридан нолайи зор.*

*Бири гул қўйнидадир, бири тол қучоғида,*

*Сарвнинг пойида бири, бирининг тахти чинор.*

Шоири замон Фаррухий жанобларининг ғазал рубойлари-ю, қасидаларини кўп мутолаа айлармен. Хасан Унсурий менинг сеvimли шоирим эрур. Фирдавсийга ихлосманд эрурмен.

Султон ўрнидан турди. Зукко аёл ваъзхонликдан тўхтади. Чунки подшоҳнинг ўрнидан турганлиги, «Энди, бас, шунча сўзлаганинг етар», дегани эди.

— Эй дардманд аёл, сенинг алдоқчилик билан қилаётган саховатли ишларингдан эринг хабардор турурму?

— Йўқ, ахир мен унга содиқдурмен. Эримга хиёнат иш қилаётганим йўқдир. У менинг меҳр-муҳаббатли завжайи ғамхўрим. Жонимдан ортиқ кўрурмен ани. Мана, теппамда Оллоҳ турибдур. У менинг подшоҳим. Сал кўполроқ бўлса ҳам айтай. Мен унинг содиқ итидурмен. Бағри кенг, шу боис қалби пок, олижаноб, раҳм-шафқатли инсон, узоқ кечалар ёстикдошим, коми дилим эрур. Мен унга Оллоҳга ишонгандай меҳр қўйганмен. Хурмат-эйтиқодим унга бекиёсдур. Ахир, эйтиқод — ақлнинг виждонидир.

— Тўхта, бас қил, эй, сен суҳандон аёл. Энди ростини айт-чи, нечун эрингдан берухсат тиланчилик қилурсен? Боз устига қилмишларингни ундан сир турсен?

— Эй сен, муслимлар паноҳи! Савол жуда ҳам ўринли. Лекин меним наздимда, агар сиримни яшурсам, у менинг асирим бўлиб қолур, билъакс, сиримни ошкор айласам, мен унинг асирасига айланурмен.

Энди гап тамом. Султон эшик орқасида туриб, бу ерда бўлаётган гапларни эшитиб турган сарой фуломларидан бири, яъни сухандон, тиланчи аёлнинг эри бўлмиш Мухаммад Исмоил Машҳадийни ҳам таклиф этди.

Мана, аёлнинг эри ҳам шу мажлисда ҳозир бўлди. Султонга таъзим-тавозеъ этиб, бўлаётган бу можароларга нима ҳам деярин билмай, шу олий даргоҳда. Барчанинг диққат-эътиборида турган хотинининг юзига қарашга ҳам ҳоли йўқдай. Уят-номус унинг йигитлик шаънига қаттиқ таъсир этган гўё. Тиллари лол.

— Шу йигит сенинг эрингму? — сўради Султон.

— Ҳа, у менинг қалбим мулкининг амири эрур. Орзу-умидим, бахт-икболим ҳам шу диловар йигит турур. Мен унга бир умрга содиқмен. Меҳримни ҳам, номусимни ҳам унга тикканмен. Эртаю кеч анинг дуосини қилурмен. Уни йўқотиб қўйишдан ҳавотирдамен. Тўғриси, кўрқурмен. Ўз эрига бевафолик қилган аёл ўта нодон, аҳмоқдур.

— У сенчалик сухандон эмасдур. Яна хунук, сўзлари пойма-пой эрур, — деди Султон.

— Чиройли кушлар кўпинча хунук сайрайдулар, бу одамларга ҳам хосдир, олампадох.

Султон аёлнинг топиб-билиб сўзлашига ҳайратланиб, шоир Ҳасан Унсурийга:

— Сарой шоирлари ҳузуринда бир сухандон шоирага ҳам жой топилурму? — деб қолди.

Унсурий деди:

— **Унинг ўзи назм-наво, бўлса ҳам гадо.**

Асжадий давом этди:

— **Йўқ, асло гадо эрмас, ширин бир наво.**

Аёл деди:

— Мен гадо ё тиланчи эмасдурмен. Сиз ҳақ гапни айтдингиз, — деди шоир Асжадийга юзланиб. — Зеро, ҳаётим бахш этганмен эзгу ишларга! Энг офир дамларда, бошимга бало тошлари ёғилган чоқларда эзгүликка йўл тутдим. Бобокалонларимиз демишларким, бошинга офир мусибат тушиб, ҳеч нарса, ҳатто ибодат айлаш ҳам кўнглингга таскин бермаса, етим-есирларга, хайру эҳсон қил, шунда юрагинг таскин топади. Икки дунёда ҳам хору зор бўлмагайсен.

Султон Маҳмуд:

— Бале! — деди.

Шундай килиб, Чувринди аёл қиссаси сўнгига етди. Султон Маҳмуд унга меҳр-окибат кўрсатди. Унинг эрига Маҳкамайти девондан яхшигина лавозим ҳам берди.

## **ИККИ БУЮК АЛЛОМА ЎЗИШМАЛАРИ**

Абу Райхон Беруний хужрасига ғариб бир оқшом чўқди.

Киндик қони тўкилмиш она диёри Хоразмдан жудо бўлиб, тақдир тақозоси билан Султон Маҳмуд Фазнавий ҳукмпешалик айлаётган бир мамлакатга, одамлар наздида шоҳона, ўз таъбири билан айтганда, мусофирлик юртидаги ҳаётга дучор бўлди аллома. Рост, истейдод соҳиблари, ҳар бир сўзни минг ранж ила юрак қонини сиёҳ айлаб битгувчи билимдон олимлар мамлакатлар ва шаҳарларни кезиб, янги билимлар, тажрибалар, маслақдошлар излашади, кўплари ғурбат, яъни ғариблик ва бегоналикда кечган умрдан асло афсусланмайдилар. Негаким, игна билан қудуқ қазимак амали бўлмиш ҳақиқий илм баъзида кишидан шундай қурбонлик ҳам талаб қилади, қанчадан-қанча авлодларга етиб боргувчи билимлар ер юзига сочиб ташланган кўринмас гавҳарлардек аста-секин жамланиб боради. Абу Райхон Беруний кўнглини тарк этмаган оғриниш ва иккиланишлар эса Султон Маҳмуд давлати пойтахти Фазна шаҳрида тортган риёзат, тўплаган қомусий билимларни Хоразмдек жаннатосо бир ўлкада, Қизилқум ва Қорақум саҳроси саррин еллари эркалови бағрида ҳам амалга оширмак, аввало ўз эли фарзандларини маърифатли қилмак, Хуросон диёри бир чеккасидаги Фазна шаҳридан кўра муаззам Гурганж шаҳри Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг илм-маърифат маркази бўлиб қолмагига ҳисса қўша олмаётганидан эди.

Маҳкамайти девондаги биқиқ бир муҳит, одамларнинг бир-бирларини кўролмаслиги, игво, фиску фасодлар жонига тегиб кетди. Нақадар озод, эркин эди!

Илм қилиб, рисоалар битиб, осмон тоқига нарвон қўйиб, коинот сирларига йўл кидирар, бу ишларидан ўзи завқланарди. Эл-юрт орасида энг обрўли, эътиборли, уни хоразмликлар кафтларида кўтариб юрар эдилар.

Мана, бу кун, тагин афтода, асаблари бузилган, дилига яқин ҳамсухбатлари ҳам йўқ. Боз устига бугунги машварат йиғинида Султон Махмуд яна: «Ибн Сино қайда? Сен уни биласан! Атайин бизга айтмайсан муқим турғон жойини!» деб зуғумга олди. Шу боис Султоннинг олимга муносабати анча совуқлашган, ҳар сўзида уни турткилагани-турткилаган. Бир мажлисда ҳатто уни «Томдан ташлаб юборинглар», дейишгача бориб етди.

Бундоқ ўйлаб қараганда, Султон Махмуд Фазнавийнинг хасталиги тобора зўрайиб бормоқда. Тинчлиги кетган, ороми бузилган. Кечалари баъзан миужжа қоқмай чиқади. Тахтда ўтирибди-ю, безовта, ўлимни ўйласа юраги орқасига тортиб кетади. Ахир, шунча аркони давлат, мол-дунё, мухташам салтанат энди кимларга қолиб кетади?

Кейинги кунларда, айниқса, асаби бузуклигидан ранги заъфарондек сарғайиб кетган, бунинг устига уйқусизлик дарди уни қийнар, руҳиятида таҳассур ва тушқинлик. Ҳар куни табиб чақиради, сарой табибига негадир ишонмай қўйди «ҳеч нарса билмайсан», деб.

Султон Махмуд Фазнавий энди фақат Абу Али ибн Синодек ҳозики замон дардига даво бўлмоғига ишонади. Ҳа, фақат ўша, ўша «жодугар», «сеҳргар» деб ўзи ерга урган оламгир ҳақим Султонга жуда-жуда ҳам керак. Наздида, фақат Ибн Синогина унинг дардига даво топиши мумкин. Шу фикр анчадан бери миясига муқим қўйилиб жойлашиб қолган. Афсус, минг афсусларким, машҳур ҳақим унга «тутқич» бермасдан қочиб юрибди.

Берунийга ҳам қийин. Нима қилса ҳам Ибн Сино унинг кадрдони, ҳамкасби. Бир вақтлар ўрталарида арзимас нифоқ чиқиб, бир-бирларидан «аразлашиб» қолган бўлсалар ҳам, бу фақат илм-фан йўлидаги илмий мунозаралар туфайли эди, холос.

Ибн Сино Берунийнинг саволларига жавобларини алоҳида китоб этиб, рисоланинг бошланишида Берунийга ҳурмат-икромли сўзлар битгани ҳеч кимга сир эмас. Унда «Абу Райҳон Муҳаммад ал-Берунийнинг Хоразмдан менга ёзиб юборган масалаларнинг жавоби ҳақида битган рисоламдир бу. Оллоҳ сени мақсадинга етишинг билан шод айласун. Барча орзу қилганларингни раво қилсун, икки дунё саодатини сенга насиб этсун» деб, алломага меҳрли-мурувватли сўзларни изҳор айлаган.

Бундай яхши ният билан айтилган сўзлар Берунийнинг ҳам, «фозил йигит» Ибн Синонинг ҳам ўрталаридаги муносабатни анча илиқлаштириб, баъзи бир ноаникликларга барҳам бергандай эди.

Айниқса, икки улув аллома Хоразмда учрашиб, «Мажлиси уламо»да бирга илмий-маърифий ишлар олиб боришганларида бу дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди, ҳатто Ибн Сино Хоразмда осмондан тушган тош-жисмни ўз қўли билан ёриб, майдалаб кўрган... Бу шарафли вазифани Абу Райҳон ҳурмат юзасидан Абу Алига топширган. Кейин мажлис аъзолари билан бирга унинг кимёвий хоссаларини ўрганишган.

Беруний эзгу хаёллар билан шу аснода ўзи учун энг тинч, осойишта қадрдон хужрадаги ёзув тахтаси ёнига чўкди.

Шамни ёқди.

Бундай дамларда ҳар қандай одам ҳам хаёлга богади.

Зерикарли дамлар.

Ҳали олдинда йилдек узун кеча бор.

Олимнинг одати аввал покланиб, хуфтон номозидан сўнг, қўлига қалам олади. Баъзан тонг отгунча тинимсиз ишлайди, шу боис хужрадаги биқик, зерикарли муҳит унга сезилмайди. Шу ҳаёт Оллоҳнинг унга бахш айлаган иноятидек туюлади.

Хонтахта устида оппоқ қоғоз. Мақсади Ибн Синога мактуб ёзмокчи. Бунга энди жазм этди. Подшоҳнинг айтганини қилмаса бўлмас. Қўпчилик сарой аҳли хузурида унга мурожаат қилиб, «Ибн Синога хат ёзиб юбор», деди. Бир марта Ибн Синонинг унга ёзган

хати Султон Махмуднинг кўлига тушиб қолганини барча сарой аҳли билади.

Мактубда Ибн Сино: «Мен Фазнага бормаи, Султон Махмуд раъйига қарши чикдим. Бунинг нақадар оғирлигини яхши билурмен. Бунинг учун Султон мени асло кечирмас. Буёғи энди Оллохнинг ихтиёрида. Не қилай, тутқунликдан эркинликни афзал кўрдим. Озод қушдек парвоз этишдан яхшироқ нарса борму экан бу дунёда?! Гурбатда, ғарибликда ватанимдан кетиб яшасам ҳам, лекин қафасда эмасмен».

Ўша воқеалар Берунийнинг кўз олдидан бирма-бир ўтди. Кўлидаги қалам оқ қоғоз устида юра бошлади:

*«Азизим Абу Али!*

*Авалло, сенга соғлиқ-саодат тилаб, сўнг дейман-ким, ушбу мактубни олиб бормиш менинг ишончли содиқ шогирдим ва салим йигит Абдурахмон Хоразмийдир. Ундан менинг фақат ўзинггагина айтиладиган сўзларимни эшитгайсен. Ўша қадрдон она юртим Хоразмда сен бирлан кечган саодатли, ҳам маърифий кунларимизни ёдга олсам, бу мушфиқ кўнглим негадир ҳазинлашиб, юрагимнинг аллақоерлари ачишгандай, озор чеккандай туюлур. Ажиб бир осойишта илмий муҳит эрди, деб кўнглимдан ўтказурмен.*

*Ушбу мактубни ёзишга нечун жазм этганимни ўзинг яхши билиб, сезиб олурсен. Шаҳаншоҳлар даргоҳида яшашдан оғир бенаволиқ йўқдир. Қафасга солиб қўйилган қушдек ҳис этурмен ўзимни бунда. Фақат аламимни китоб битишдан олаётгандаймен. Бу, албатта, яхши, ибратли алам эрур. Балки шундай шароитга тушиб қолганимнинг фойдали томони ҳам шу алам бўлса, ажаб эрмас.*

*Бунда, ўзинг билган, ҳурмат-икромли кўп шоирлару фозиллар жамулжам бўлмиш. Бу, албатта, ломакон юртимиз, унинг салоҳиятию маънавиятининг улуғлиги белгисидир. Бу илм-маърифатнинг асримиз камолидаги даражаси келажак авлодларимизга улкан, тенгсиз мулк бўлиб қолур. Хоразм мулкида бунёд этганимиз «Уламолар мажлиси» ҳозирги кунда Фазнага кўчирилган бўлса ҳам, илму фан тараққиёти,*



насримиз, назмимиз, забонимиз равнақи йўлида қилаётган жаҳоншумул илмий ишларимиз тимсолидир. Бу саховатли ишлар ҳеч қачон ҳаётда изсиз кетмас. Албатта, келажак авлодларимиз: «Ота-боболаримиз бизга тенгсиз, ўлмас мерос қолдириб кетган эканлар», деб ёдга олиб, руҳимизни шод айлаб, фахрланиб юрсалар биз учун бундан улуғ савоб, саховат, ҳурмат бўлиши мумкинми?

Сенга Гурганжда айтиб берган Қуёш тожининг авжи хусусидаги кузатишларимни ҳали ҳам давом эттирмоқдамен. Мунозара, тортишувлардан сўнг менинг хулосам шул бўлдиким, қуёш тожининг даражасини рақамга кўчирадиган бўлсак, бу оғиш 23—24 даражагача боргай. Бу соҳада Шарқ оламининг ажабтавр алломалари Хўжандийларнинг ўз расадхоналарида олиб бораётган тадқиқий ишлари диққат-эътиборга, қолаверса, алоҳида таҳсинга сазовордир. Мен йигирма ёшимда Маҳмуд Хўжандийнинг Таборак тоғида бунёд этилган расадхонасида бўлганмен. Бу ажойиб олим Қуёш баландлигини ўлчаш ёрдамида Рай шахрининг кенглигини аниқлаган. Мен сенга айтган эрдим, ёзган хатларимда ҳам қайта-қайта уқдирганимдек, сен «устоз» деб қўл берганинг Арасту барча фанларни тартибга солиб, хайрли ишлар қилган бўлса-да, аммо бу йўлда анчагина шошма-шошарликка, хатоларга ҳам йўл қўйди. Устозинг ҳақидаги фикрларимга яна хафа бўлиб юрмагил, чунки илм-фан соҳасидаги ҳақиқат қарама-қаршиликлар, соғлом мунозара ва тортишувлар орқали юзага чиққай. Илм-тадқиқотлар, аслида узоқ тажрибалар, кузатувлар мевасидир.

Сен табобат илми соҳасинда ягонадурсен. «Ал-Қонун»нинг билан бу ёруғ дунё осмонида Зухалдек порлаб туурсен. Инсониятга зарур ва шу билан Оллоҳ назари тушган саховатли инсон эурсен. Тожу тахтлар, улкан салтанатлар абадий эрмас, ариллаб-дариллаб, дунёни ларзага солиб турган подшоҳлар, шаҳаншоҳлар, амиру Султонлар оламдан номнишонсиз ўтиб кетурлар. Аҳли илм ва улар битган рисоалар, қилган амаллар абадулабад қолгай.

Бундай ўйлаб, фикрлаб қарасанг, илмга эга бўлмоқнинг ўзи бир тенгсиз подшоҳликдир. Кўп ўқиб, уқиб олган, мутолаа айлаган одам учун ҳаётнинг барча аччиқ-чучуклари тушунарли бўлур. Шу боис дунёнинг айланиб, ўзгариб туриши ҳақидаги ҳақиқат ҳар вақт кўз олдида тургай.

Илм — саҳрода дўст, ҳаёт йўларида таянч, ёлғизликда — йўлдош, саодатли дамларда раҳбар, оғир, ташвишли чоқларда мададкор, маслаҳатгўй. Илм одамлар орасида зеб-зийнат, ганимларга қарши курашда эса энг ўткур, маърифий қуроладур.

«Жаннат», «дўзах» деймиз. Уларнинг афсонавий тасвирини китоблардагина ўқиганмиз. Ёзганлар нимага асосланиб уни таъриф-тавсиф этурлар — уни ўзлари кўрган бўлмасалар ҳам. Бирорта ҳам дин ҳаёт-мамонт, охират ҳақидаги ҳақиқатни шу дамгача бизга айтиб беролмаган. Чунки динларнинг ўзи инсонлар ижодидур.

Фақат шу нарса бизга маълумки, ўлим ҳақиқат, абадий уйқу, биз шунга ва Оллоҳга ишонурмиз. Дунё бунёд бўлибдурдики, нариги дунёдан ҳалига қадар бирорта одам қайтиб келмаган. Агар шундай мўъжиза рўй берсайди, ҳамма нарса ҳал бўларди қўярди.

Яқинда сенинг «Ҳикматул машриқийн», деб аталмиш рисолангни ўқиб чиқдим. Ажабтавр етук бир китоб эрур. Устоз Арасту қарашларига ҳурмат-эҳтиром юзасидан анча янгиликлар қўшибдурсен.

Азиз дўстим Абу Али, сўзласам айтадигон дардларим, сўзларим кўп. Қани энди, осойишта бир муҳит бўлса-ю, яна бир кўришмоқ, юракдан сўзлашиб олмоқ насиб этса эрди!

Ечиладиган муаммолар бисёр, сенга айтадургон, маслаҳатлашадургон гапларим кўп. Нима ҳам қилар эдик, замон нотинч, тепамизда истибдод қиличи хавф солиб турадур. Бу, албатта, замон тақозоси. Ўйлайманки, тожу тахт, подшоҳлар, шоҳлар бор экан, зўрлик, куч-қудрат, ҳукмронлик деган нарса дунёни ҳеч қачон тарк этмагай.

Туғилибмизки, тепамизда подшоҳ бордур. Бу азият қонуни. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолур.

Ўша қилич бошимиз узра тураберади. Давлат ҳам, зўрлик ҳам давом этаверади. Биз яшаб турган замонда ўғирлик, гўстоҳлик, галамуслик, қотиллик ва бошқа ҳақсизликлар бўлаётганлиги учун ҳам давлатга эҳтиёж бордур.

Адолат ва ҳақсизлик, ёруғлик ва қоронгулик ҳаммаша ёнма-ён юргай. Агар бу дунё фақат ёруғликдангина иборат бўлганда ҳаёт бўлмасди. Инсон, деган буюк зот ҳам! Агар билакс, дунё фақат қуёшсиз, зулматдангина таркиб топса-чи, унда ҳам юқорида айтганимдай, ҳаёт бўлмагай. Дунё тузилишидаги, ҳаёт тарзимиздаги жуфтликлар: ҳақиқат ва ноҳақлик, адолат ва зуғум, яхшилик билан ёмонлик... Хуллас, бу рўйхатни яна узоқ давом эттиришим мумкин, олга ривож учун ана шу жуфтликлар зарур эрур. Агар шундай қонуният бўлмаса, дунё турғунликда қолур эди. Фикримча ҳаёт ҳам тўхтарди.

Яна бир фикр не учундур тафаккурим кўзгусидан кетмас. Уйлайманки, биз яшаб турган она заминимиздан ташқари бепоён коинотда яна бошқа дунёлар ҳам бўлса ажаб эрмас.

Яна шуни демоқчиманки, кеча билан кундузнинг алмашилиб туришидаги, Ой билан Қуёшдек буюк сайёраларнинг бирор сония тиним билмай, ўз фазоларида ўта нозик интизом билан айланиб туришлари Яратганнинг қудратига далолат эмасму!

Менинг наздимда Қуёш ёритқич ёки иссиқлик манбайи эмасдур, балки бағрига ўзига хос ҳаёт мужассам этқон ва инсон зотига маълум бўлмаган илоҳий мўжизадур.

Субҳи-содиқдан то Қуёш чиққунга қадар уфқда ёйилган қоронгулик билан ёруғлик ўртасидаги ҳолат — Оллоҳ ер юзи узра ёйиб қўйган соядир. Ул зот агар хоҳласа уни кетмайдиган қилиб қўйиши мумкин. Локин Тангри таоло чиқаётган Қуёшни соя борлигига далил қилади. Зеро, нур бўлмаса соянинг борлиги билинмас ва у соя пардани ер юзидан тортиб оларди.

Мен Ернинг ҳажми ё доираси дейми, узоқ тадқиқот ва кузатувлардан сўнг 6339,58 чақирим, деган

хулосага келдим. Балки, бир оз янглишгандурмен, аммо ўзимча ҳисоб-китобим анча аниқ эрур, деб ўйлайман. Гоҳо кавсуннаҳрга<sup>1</sup> қараб, кўп хаёлларга ботаман, шунчалик кенг дунё вақти келганда биз учун торлик қилса. Босқинчиликлар, уруш-жанжаллар нечун? Не сабабдин одамлар одамларга бўри бўлсин?

Ўйлайманки, етук иймонли бўлмоқ, Олий илоҳий кучни тушуниб олмоқ учун бепоён коинотга қараб турмоқнинг ўзи кифоя эрур. Чунки у Оллоҳнинг борлигини дилга солур. Ҳа, коинотда гап кўп, ажиб сирасрорлар, ажойиботлар дунёси эрур. Мен ҳозирга қадар 10291 Ахтар ва унинг ҳаракатини аниқладим, холос. Дунёнинг бошланиши қайда-ю, унинг сўнгги қайда? Коинотни кузатиб, тадқиқ этиб, унинг сўнгсизлигига, бепоёнлигига ва Яратганнинг қудратига таҳсинлар айтиб, эртаю кеч Оллоҳга ҳамду санолар айтувмен.

Кейинги рисоаларим, илмий тадқиқотларимда ана шу беқиёс, сўнгсиз дунёлар ҳақиқидаги фикрларим, сен билан олиб борган мунозараларим ҳақиқида ҳам ана шу рисоламда ёзганларим бордур.

Энди гапнинг инддаллосига келса, сенга мактуб ўйлашимнинг асли сабаби, Ғазна салтанати ҳукмдорининг раёи, ё сўровлариму ё фармонлари дейму, сенинг ул олий зот ҳузурига келишингни истарлар. Салтанатда ҳаким Ибн Сино учун барча шарт-шароит муҳайё.

Ҳукмдоримиз саховат юзасидан меҳр-мурувват айлаб, сен учун яхшигина маош, яшаш учун қулай шароитлар ваъда этмишлар. Ул жаноб олийларининг таклифи муборакларини етказмоқ менингдек бир иложсиз олими бенавога топширилмиш.

Азиз амакиваччам ва устозим Ибн Ироқ жанобларига суратингни чиздириб, барча ҳокимларга юборганларидин ўзинг ҳам воқиф бўлсанг керак. Устоздан хафа бўлиб юрма, ноиложликдан, истагига қарши бориб, шу қалтис ишга қўл урди, зеро, ул ҳурматли зотнинг бу ишда айблари йўқдур.

<sup>1</sup> Кавсуннаҳр — Куёш чикиб, ботгунгача кўзга ташланадиган масофа.

*Хуллас, бор гап шундан иборат. Кўнглинг чопса, бир қарорга келсанг, Ғазнага келақол. Ҳўлайманки, ҳукмдорнинг илтифотига сазовор бўлурсен.*

*Бу таширфинг билан, энг муҳими, биз бечора қадрдонларингни ҳам беҳад хурсанд этгайсен.*

*Дуойи салом бирлан, Абу Райҳон ал-Беруний».*

Берунийнинг ишончли кишиси Абдурахмон Хоразмий мактуб келтирганда, Ибн Сино ўз шогирдлари билан одатдагидек сабоқ олиб бормоқда эди.

— Ассалому алайкум, устози олий! Мен сизга Ал-Беруний жанобларидин кўпдан-кўп саломлар келтирдим, — деди бўйи-басти келишган серсавлат йигит.

Ибн Сино Абу Райҳон Беруний номини эшитиши билан ўрнидан туриб «саломлар» келтургувчи йигит билан самимий кучоқлашиб кўришди. Кейин шогирдларига: «Сизлар бугун озодсизлар», деб уларга рухсат бериб юборди.

Ибн Сино унга илтифот билан дастурхон тўридан жой кўрсатди, кейин кўзачадаги гулобдан бир пиёла куйиб, ҳаяжон ва ҳурмат билан термулиб турган йигитга узатди.

— Беруний жаноблари соғ-саломат эрурларму? Ғазнада қийналиб қолғонлари йўқму? Бизга қандай хушхабарлар келтирдинг?

— Энг яхши мужда устознинг Сизга юборган муборак дастхатлари. Бундан ортиқ хушхабар бўлиши мумкинми? — деди йигит.

Ибн Сино Берунийнинг шогирди сўзларидан хурсанд бўлди, садоқатли йигит эркан, деб кўнглидан ўтказди.

Хол-аҳвол сўраб бўлгандан сўнг, хоразмлик йигит Ибн Синога Берунийнинг эҳтиёт қилиб рўмолчага ўраб қўйилган мактубини узатди. Ҳаким хатни олиб, юз-кўзига суртди, кейин шоша-пиша очиб ўқий бошлади.

Меҳмон йигит Ибн Сино ҳақида кўп эшитган, унинг рисоаларини қолдирмай, симириб ўқиган бўлса ҳам, ҳакими замоннинг ўзини биринчи бор кўриши эди.

Қойил, айтганларича бор эркан: қаранг, юзларидин нур томур. Ақл-заковати пешанасидин кўриниб

турибдур. Меҳмон интиқиб, шоша-пиша мактубни ўқиётган алломанинг юзларига тикилганча қолди.

Мактубини ўқияпти-ю, чехрасида турли ўзгаришлар: гоҳо мамнунлик, маъқуллаб қўяр, гоҳо хаяжонда. Энди бир оз тўхтаб, хаёлга чўмиб кетди. Ҳар жумлани ўқиганда, ўзича нималарнидир деб пичирлар, лекин овози хат келтирувчига эшитилмасди.

Ва ниҳоят, Ибн Сино мактубни ўқиб тугатди. Кейин: .

— Маъзур тутгайсиз мени. Устознинг саломини эшитиб, хаяжондан исми-шарифингизни сўраш ҳам ёдимдан чиқибдур, — деди хаяжонда ўтирган йигитга қараб.

— Абдурахмон Хоразмий, — деди йигит.

— Илмнинг қайси соҳасинда иш олиб борурсиз?

— Устоз шуфулланган фанлар соҳасинда.

— Шунини унутмангки, кўп ўқиган, китоб мутолаа айлаган киши ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини яхши англаб, дунёнинг айланиб туриши ҳақидаги ҳақиқат хамиша кўз олдида турадур.

— Бале, устоз, ҳақ гапни айтдингиз. Донишманд алломалар битган рисоалар доимий йўлдошимдур. Кечаю кундуз китоб мутолаа айлармен.

— Жуда яхши, ҳақиқий шогирд эркансиз. Устоз ўрнини босишга лойиқ бўлинг.

— Миннатдормен. Илоҳо, айтганингиз келсун.

— Сиз эрта билан ҳузуримга келинг. Агар ётадургон жойингиз бўлмаса, шунда қолаверинг. Эрталабгача Беруний жанобларига жавоб ёзиб қўюрмен. Яна баъзи гапларни бафуржа сўзлашиб олурмиз, — деди Ибн Сино.

Эртаси куни белгиланган вақтда Абдурахмон Хоразмий келди. Ҳаким билан узок суҳбатлашди.

Кейин Ал-Берунийга ёзилган мактубни шогирд йигитга тутқазар экан:

— Эҳтиёт бўлинг, тагин бирортанинг қўлига тушиб қолмасун! — деди Ибн Сино.

— Хотиржам бўлинг, устоз! Ҳаммаси жойида бўлмай. Мактубни кўз қорачиғидек сақлаваймен, — деди самимият билан Абдурахмон Хоразмий.

Мана, ўша Ибн Синонинг Абу Райҳон Берунийга ёзган мактуби:

*«Қадрдоним Абу Райҳон Беруний!*

*Саломдан сўнг дейманким, сен юборган мактубни олдим. Ҳартугил соғ-саломат эркансан. Ўқиб, муборак дастхатингни кўриб, кўнглим равшан тортди.*

*Ақл-заковат руҳи билан йўғрилган фикр-мулоҳазаларингга тасаннолар бўлсун! Менким, бу ажойибот-ғаройиботларга тўла дунёни кезиб, аволим аҳволдан хабар топдим-у, лекин бу ёруғ жаҳондин рози бўлган бирорта инсон зотини учрата олмадим. Ҳа, бу таишвиш-ғурбатларга тўлган дунё ҳеч кимга вафо қилмас. У шунчалик кенг бўлса ҳам, барибир менга торлик қилди. Ёруғ дунё бўлса ҳам, менга баъзан қоронғудек туюлади.*

*Ҳаёт шуни кўрсатдики, бахт-саодатли кунлар, ғам-андуҳли дамлар туриш-турмушининг ёруғ ва қоронғуликларидир. Сен менга йўллаган битикларингга ёзганингдек, ўша бир-бирига қарама-қарши жуфтликлар, фикримча, ҳаётимизга йўналиш бергувчи доруломондур. Баъзан хаёлга чўмаман: ёруғлик билан зулматни кашф этган ким ўзи? Уйқуни, уйғонишни, туш кўришни йўлаган моҳир уста ким? Бу сўзлар ўша қадим-қадим замонлардаги зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да айтилгандур.*

*Мана, қадрдон она юртим Бухородан чиқиб кетганимга қанча йиллар бўлди. Азиз волидайн меҳрибоним, оқ сут берган онайн зорим мени кута-кута интизорликда ёруғ дунёдан кўз юмиб кетди. Нима ҳам қилардим? Иложсизмен. Тақдирнинг тақозоси шундай эркан. Ўз ҳаётим, бутун борлигимни илм-фанга, инсонлар оғирини енгиллаштиришига, дардига дармон бўлишига бахшида айладим.*

*Сен бундан аввалги хатларингдигдек бу сафар ҳам олам, коинот ҳақиқинда кўп ибратли, ҳайратомуз фикрлар билдирибдурсен. Уни ўқиб ва яна ўқиб дунё ва унинг тузилиши хусусидаги айтқон фикрларингдан ўзим учун яхши бир ажиб хулоса чиқардим.*

*Фалак деймиз, Коинот деймиз, ундаги қонуният-*

лар ҳақида фалсафий мушоҳада юритамиз. Мен шу сенинг сўнги хатингдаги мулоҳазаларингни, агар фикрим жоиз бўлса, дунёдаги энг олий зот — Инсон ҳақидаги, унинг тузилиши ҳақидаги масалалар билан боғламоқчимен.

Ўзинга маълумки, ҳаким табиб сифатида мен Инсон деган буюк зотнинг жисми урёни, танаси ҳақида кўп илм қилдим. «Ал-Қонун» ана шу узоқ йиллик тажриба, илмий кузатишларим мажмуаси эрур. Бу китоб қалб қўри билан, юрак қони билан битилган, десам хато бўлмас.

Агар атрофлича мулоҳаза айласак, Инсон ҳам кинотнинг бир парчасидир. Барча жонзотлар ичра яккаю ягона, мукамал, ақл бовар қилмайдиган даражада ғоят нозик дид билан яратилган. Худди ажиб бир кичик барҳаёт жонли дунёга ўхшар. Жонзотлар ичра бунақаси йўқ... Худди жумбоқдек, буюк Уста — Оллоҳ таоло унга кўриш, эшитиш, сезиш, ҳидлаш, сўзлаш ва ниҳоят ақл-идрок, фаросат каби хислатларни мужассам этмиш. Шу сабаб унга «Жаноби инсон» деган олий мақом берилган. Кўпни кўрган табиб ва олим сифатида шуни алоҳида қайта-қайта таъкид этмоқчимен.

Тиббиёт фақат табиблик деган тор тушунча эмас. У ҳақиқий илм-фандир. Менинг наздимда, тиббиёт илм бўлганда ҳам илмлар подшоҳидир. Зеро, у жонзотлар шаҳаншоҳи Инсон деган буюк зот, унинг танаси, ички дунёси, қолаверса, тафаккури, маънавияти, меҳр-муруввати ҳақидаги илмдир.

Баъзи оғзига кучи етмаган муҳолифларим мени: «Сиз тиббиётни илм деб, назарий қилиб қўйдингиз» деб, айбламоқчи бўлдилар. Санъатларнинг, ҳикматларнинг назария, амалияси бўлгани каби тибнинг ҳам назарияси ва амалияси бордир.

Боз устига оғзига кучи етмаган ўша муҳолифларим, тиббиёт соҳасидаги баъзи илмий-амалий ишларимни кўраолмай, мени «кофир» деб айюҳаннос солишгача бориб етдилар. Уларга дейманки, дунёда менинг иймонимдан қаттиқроқ иймон топилмайдур. Ахир мен жаҳон ичра яккаю ягона, кўп хайрли иш-



лар қилган таниқли одам бўлсаму, яна кофур бўлсам, демак, энди уларча дунёда битта ҳам мусулмон йўқ экан-да!

Жолинус ҳаким маймун ва бошқа ҳайвонлар ички тузилишини ўрганиб, одамнинг ички тузилиши ҳайвонникидан фарқ қилмайди, деб катта хатога йўл қўйди. Лекин унинг тиббиётда синаб кўриб, тажриба усулини илгари сурганлиги диққат-этиборга сазовордир.

Дини ислом тақиқлаган бўлса ҳам, юрак ютиб, Оллоҳга минг бор ҳамду санолар айтиб, илм-фан йўлида ҳамда инсон саломатлигини ўйлаб, ҳаётимда бир гуноҳ ишга қўл урдим. Бу сирни фақат ва фақат сенга айтишим мумкин. Мурдани ёриб, унинг ички аъзоларининг тузилиши, жойлашиш йўллари синчковлик билан тадқиқ этдим. Бу табиб учун, айниқса, илм-фан учун жуда, жуда ҳам зарур эрди. Ошқозон, ичак, юрак, ўпка, жигар, буйрак — ҳамма ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, тиббиёт илми учун бебаҳо далил, ҳужжатлар тўплادим.

Ахир, мусулмон дунёсида бундай тақиқ этилган ишга қўл урган гуноҳкор банда мен ўзим — Абу Али Ибн Сино эрурмен. Оллоҳ гуноҳларимни кечурсун! Мен шуни Яратгандан кечаю кундуз, ҳар намоз олдидан илтижо этурмен.

Мана, энди табиб учун ҳамма нарса аниқ ва равшан бўлди. Инсон танасидаги ҳар бир аъзонинг аниқ қилиб белгиланган вазифаси бор. Агар унга ташқаридан бирорта ноўрин ёндашув ё таъсир ўтказиладиган бўлса, бутун тана, вужуд ларзага келгай. Шўрлик жон азобга қолгай. Кейин хасталик бошланур. Ана шу таъсир туфайли бирин-кетин бошқа аъзолар ҳам хасталик дардига учрайди. Ўша она қорнидан тушгандан то ўлгунга қадар эртаю кеч, тинимсиз, бутун вужудингизни юргизиб турган юрак безовталана бошлайди. Бундан чиқадиган хулоса шулким, инсон танаси ҳақиқатдан ҳам коинотга ўхшар. Ундаги аъзоларнинг сон-саногии йўқдур. Тирноқдан тортиб кўз қорачигигача, бурун мўйидан тортиб киприкларгача ҳаммасининг, ҳар бирининг ўз вазифаси бордур.

Мен табиб сифатида инсон вужуди, танаси, ички дунёсидаги минг-минглаб аъзоларнинг, жуда кичкина аъзодан тортиб каттасигача кўриб чиқдим. Уларнинг ҳисоб-китоби йўқ, поёнсиз жонли дунё эркан. Биз билмаган, сезмаган шундай кўзга илинмас аъзолар борки, улар ҳам ўзларига яраша белгиланган ва-зифани садоқат билан адо этурлар.

Ўйлаб кўрсанг, доимий, умрбод кечаю кундуз демай, ҳеч тиним билмай инсон танасида айланиб турадиган «қон дарёлари» бутун танага жон бахшида айлар, юракдан тортиб ҳар бир аъзо ана шу «дарё» сувидан, қонидан мадад, жон, ҳаёт олура. У ҳеч қачон тинмайди, юрак билан бирга то Инсон ҳаётдан кўз юмгунга қадар тана бўйлаб оқаверади.

Инсондаги асаб-чи? Унинг ўзига хос хусусиятлари кўпдур. Инсон танасидаги барча аъзолардан фарқли ўлароқ, асабнинг кўз илғамайдиган нозик иплари жуда ҳам сезувчан бўлура. Ташқаридан берилган арзимас зарба ҳам бутун вужудингизни безовта айлар.

Асаб бузилган тақдирда, беморни даволаш учун берилган энг асл дори-дармон, ҳар қандай моҳирлик билан қилинган муолажа ҳам таъсир этмай қолади. Шу боисдан ҳам ҳар бир табиб беморни даволашдан аввал унинг ҳаёт тарзига, ички дунёсига — кўнглига йўл топмоғи даркор эрура. Юраги нотинч, ичида дарди бўлган, маънавий тушкунликка учраган кишини даволашдан оғир нарса йўқ. Агар унга анқонинг уруғи, қушнинг сути, энг нодир гиёҳларни, энг қимматбаҳо дори-дармонларни келтириб берсангиз ҳам шифо топмайдура. Демак, аввал ана шу инсон кўнглидаги уни эзиб, асабийлаштириб турган нарсани йўқотиш, кейин уни даволаш керак.

Яна бир муҳим айтадиган сўзим — табибнинг қўли ҳам, дили ҳам пок бўлсун. Беморни даволаш чоғида тамагирлик қилиш, баъзан шахвоний ҳирсларга берилиш, юзаки муолажа айлаш инсофсизликдир, табибликдек муқаддас касбга хиёнатдир. Қадим юнон табиби Жолинус ҳаким ишлаб чиққан табиблик қасами барча ҳакимлар учун дастуриламалдир.

Асаб инсоннинг маънавий дунёси билан боғлиқдур. Ўз гуноҳлари, ғаламус қилмишлари учун юраги безовта бўлаётган, хасталиги тобора ошиб бораётган одамларнинг кўплари оқибат-натижада асаб касалига йўлиқурлар. Бу касаллик айниқса кўпроқ ҳукмдорларга, бой-боёнларга тегишлидир. Мол-дунё, давлатга ружу қўйишнинг оқибат натижаси оғир ва аянчлидир. Мол-дунёси, зару қимматбаҳо дурдоналари кўп одамнинг уйқуси қочади, бузилади, ҳаловати кетади. Айниқса бундайлар ёши бир жойга бориб қолганда, тожу тахт, шунча аркон-давлат, беҳисоб бойликлар энди кимга қолади? деб, кўп ўйлайдиган бўлиб, тобора асабийлашиб борадилар. Мен табиблик қилган подшоҳлар, ҳокимлар, уларнинг фарзандлари, ё бўлмаса амалдорлар хасталигининг сабаби ҳам ана шу мол-дунё туфайлидир. Боз устига улар кўпроқ ёғлиқ, кучли таомларни ҳаддан ташқари кўп тановул айларлар, кўп шароб нўш этурлар, гиёҳвандлик балосига дучор бўлурлар. Хафақонлик, қон босими, бош оғриғи, асаб, ичак-ошқозон касалликлари, меъданинг сусайиб кетиши ана шунақанги олий табақа кишилар ўртасида кўпроқ учрайдур. Мен «Ал-Қонун»да ёзганимдек, меъда овқатни сингдириши ёки ҳайдаши овқатга ва ичимликка иштаҳадан, унинг ҳаракатларидан, меъда хафақони ва ҳиқичоқ азоби бетоқатлигидан белгиланади. Камбағаллар, йўқсуллар бўлса, бундай хасталиклардан холидирлар.

Сизнинг пуштипаноҳингиз, Султон Маҳмуд жаноби олийлари ҳам ана шундай бойлик касалига мубтало эрурлар. Қиргинбаротлар билан кўп мамлакатларни ўзига бўйсундириб, энди ўша ҳисобсиз бойликларни фарзандларига беришга ҳам қизганиб, хасталик тўшагига боши етганда, энди табиб истаб қолдилар. Бу барча ҳукмдорларга хос хусусиятдир. Ўлим тўшагида ётганда ҳам, Азроил жонини олгунга қадар бойлигини ҳеч кимга ишонмайди, фарзандларига ҳам.

Куёш қайдан чиқади — Шарқдан. Бу азалий ҳеч ўзгармас қонуният эрур. Дунё бошланибдурки, шундай. Бундан хулосаки, фикри ожизимча, Ерда ҳаёт

ҳам Шарқдан бошланган. Шу билан бирга илм-маърифатнинг тугилиши ҳам. Биз яшаётган асрда зулм-босқинчилик, ҳукмдорларнинг зуғум ва ҳақсизликларига қарамай, илм-фан, маърифат ва адабиёт соҳасида шундай буюк кўтариллишлар даври бўлдики, бунга қувонмай, таҳсинлар айтмасдан бўладими? Қанчадан-қанча жаҳоншумул, дунёга машҳур алломалар, шоиру фузалолар бизнинг замондошларимиздир. Илм-фанда бўлса беҳисоб кашфиётлар юз берди. Улар билан фахрланмай бўладими? Қойил дейман, шундай донишманд, ақл-заковат соҳибларини етказиб берган ажойиб, жафокаш умматимиз бордур.

Биз келажак авлодларимизга фахрланса арзигудек илм-маърифатдан тенгсиз, бой хазина, миллатимизга ҳеч тугалмас мустаҳкам пойдевор, теран маънавий илдизларни мерос этиб қолдирдик. Ҳа, биз ана шундай ақл-заковатли илмга меҳр қўйган элатмиз. Энди асл мақсадга кўчиб, сенга ҳақ гапни айтсам, менинг Ғазнага боришга раъйим йўқдур. Буни сенга Хоразмда ҳам, кейинги хатларимда ҳам айтган эрдим.

Шуни билгилки, сен подшоҳга ёқсанг, элга ёқмайсан, аксинча, элга ёқсанг, подшоҳга ёқмайсан.

Тугалланмаган китобларим, ёзадиган битикларим кўпдур. Энди буёғи қанча қолди — бу фақат Оллоҳга аёндыр.

Дунёда энг кенг нарса кўнгилдыр, энг тор нарса ҳам кўнгилдыр. Инсон қалби бир оғримасин, — уни ҳеч қачон аслига келтириб бўлмас.

Бир машҳур табибдан сўрабдурлар:

— Дунёда энг оғир хасталик недур? — деб.

Табиб дебдур:

— Албатта, хасталикнинг яхши-ёмони бўлмайди. Аммо энг ёмон касаллик нодонликдыр.

— Энг кучли одам-чи?

— Ўз кучсизлигини тан олган инсон кучли бўлиб етишади.

Биз ўз хато, камчиликларимизни тан олиб, уни тuzатиш йўлларини ахтарсак, ҳақиқий олим ва инсон бўлиб қолурмиз.

Яқинда мендин бир садоқатли шогирдим сўраб қолди: «Устоз, сиз оламдан кўз юмиб кетсангиз, ўрнингизга ким қолади?»

Шунда мен унга:

— «Ал-Қонун» қолур, — дедим.

Фикримча, биздан келажак авлодларимизга ёзган китобларимиз, қилган амалиётларимиз, меҳр-шафқатли ишларимиз қолгусидир.

*Эҳтиром ила, Абу Али Ибн Сино».*

## ХАЗИНА

Хазонрез фасли куз бўлса ҳам хали кунлар илиқ. Совуқ бўлмагани боисидан япроқлар тушмаган-у сариғ, қизғиш ранг бўлиб, гўзал бир манзара кашф этган.

Султон Маҳмуд Фазнавий кечки таомдан сўнг негандир ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Кўнгли беҳузур бўлиб, икки чеккаси чидаб бўлмас даражада зирқираб овғир, ўзини қайга қўярин билмас эди.

Табиб келди. У Султоннинг томирини ушлаб туриб, вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанга:

— Султон не овқат тановул айлаб эрдилар? — деб сўради.

— Кобили шўрва! Кейин уч-тўрт сих кабоб.

— Шароб ҳам ичиб эрдиларму?

— Ҳа, иштаҳалари йўқ эрди. Шароб ичганларидан сўнг кўнгиллари кабоб истаб қолди...

Табиб муолажа айлаб, кейин тегишли дори-дармонлар берди. Сўнг:

— Қайнатиб қўйилган маккайи сано ичсунлар, — деди.

Одатда, Султон Маҳмуд Фазнавий кечалари ётиш олдидан ичининг яхши юриши учун бир коса қайнатишган маккайи санодан ичиб, сўнг уйқуга кетар эди. Табиб маслаҳати билан хизматкорлар сано келтирдилар. Бу сафар ичкиси келмади, косани итариб ташлади. Чунки аҳволи анча оғирлашиб қолган, ҳардам кўнгли айниб, қайт қилғуси келарди. Хизматкор жом

олиб келиб тутди. Аммо ўқчиқ келарди-ю, қуса олмасди. Шу боис ўқчиқ зўрлигидан кўзлари кизариб, анча холдан тойиб, ёстиққа ўзини ташлади. Энди терлаб, бутун вужуди ёнарди.

— Илиқ сув келтиринглар. Хуқна қилмоқ даркор, — деди табиб.

Муолажадан сўнг, Султон бир оз бўлса ҳам ўзига келгандай, аъзойи бадани енгил тортгандай сезди.

Табиб яна кичик қоғозга ўралган, қуритилган гиёҳларни вазир Аҳмадга бериб, «Эрта билан ичирурсиз» деб, беморга қилинадиган баъзи бир юмушларни тушунтирди.

Султон уйқуга кетди. Эрта билан аҳволи анча яхши эди. Таҳорат айлаб, бомдод намозини ўқиғач, хизматкорни чақириб: «Бош вазирга айт, менинг хузуримга ҳеч кимни қўймасун», деб хос хонасига кириб кетди.

Туғилиш бор, ўлиш ҳам. Дунё ҳам шундай: келиш бор, кетиш ҳам. Инсон ёруғ дунёга келиб, унда абадул-абад қолиб кетмайди. Хар қандай одам ҳам ўлишини, кейин олиб бориб қора тупроққа дафн этишларини эсласа, юраги орқасига тортиб кетади. Ким ўлишни хоҳлайди, дейсиз. Инсон учун бундан оғир кулфат борми, ўзи? Ўлдинг, ўчдинг, дараксиз кетдинг. Кейин қайга борасан, буларнинг барчаси жумбоқ? Агар ўша ҳали ҳеч ким кўрмаган, билмаган дунёдан бирор киши қайтиб келганда эди, ҳамма жумбоқ хал бўларди қўярди. Дунё яратилибдики, шу пайтгача ҳеч ким қайтиб келмади, келмайди ҳам. Шундай бўлгандан кейин бу қирғин урушлар, босқинчиликлар, талон-тарожлар нега? Бу беш кунлик дунёда яхши амаллар қилиб, одамлар кўнглини олиб, дўст, биродар, ҳамкор бўлиб яшашдан яхши нарса йўқ-ку?! Бундай ҳаёт тарзи, одамларнинг эзгуликка, саховатга, меҳр-мурувватга йўналтирган хулқи-атвори Яратганнинг ўзига ҳам маъқул-ку?!

Ҳадеб Оллох, Оллох деябергандан кўра, ана шундай ибратли амаллар, эзгу ишлар қилмоқ Яратганга ҳам ёқади-ку? Оллохни юракда, дилда сақлаш керак, тилда эмас.

Султон Махмуд Фазнавий кўп мамлакатларни забт этди, Хиндистонга ўн уч марта юриш қилди. У ерлардан беҳисоб бойликлар келтириб, Фазна шаҳрини курди, обод этди, кудратли давлат барпо қилди. Ана, энди қариб, кучдан кетиб, умр дафтарига ёзиб қўйилган, белгиланган кун ҳам яқинлашиб қолгандай эди. Сандиқ-сандиқ олтину кумушлар ҳам, гавҳару жавохирлар ҳам энди унинг ҳаётини узайтириб, ўлимдан сақлаб қололмайди.

Шу топда Султон Махмуд Фазнавий ўзининг хос хонасида, ёлғиз қолиб, балки шулар хусусида ўйлаётгандир, ҳаётдаги қилган яхши-ёмонликларни тақдир тарозусига солиб кўраётгандир. Балки...

Султоннинг кечаси безовта бўлиб чиққанини эшитиб, Маҳкамайи девондаги барча мансаб аҳллари ҳукмдор ҳузурига келиб, аввало ҳол-аҳвол сўраб қабулхонада жамулжам бўлиб туришибди. Хизматкор гулом Султоннинг: «Хузуримга ҳеч ким кирмасун!» деган сўзларини айтиб, ичкарига одамларни қўймади. Ҳатто ҳар доим ҳузурига индамай кириб келадиган вазир аъзам ҳам шу топда унинг ёнига киришга юраги дов бермай турарди. Унсурий бош вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанакнинг ёнига келиб: «Ахир, Султоннинг олдига Сиз кирмасангиз, ким юрак ютиб йўлайди? Бетоб эркан, ҳол сўрамоқ, кўнглини кўтармоқ даркор эрур», деди.

Ҳасанак:

— Ўз хизматкорларига «ҳеч ким ҳузуримга кирмасун», дебдурлар-ку?! Наҳотки, шуни тушунмасангиз! — деди киноя билан.

— Бўлмаса, тураберар эканмиз-да! — деди Унсурий бу сафар кесатгандай.

Шу вақт сарой табиби кўринди. Ҳаммага салом бериб, сўнг бош вазирга «кирайми» дегандек савол назари билан қараб турди.

— Султонга «табиб келди» деб хабар қил, — деди гуломга у.

Хизматкор ичкарига кириб кетди-ю, оз вақт ўтмай қайтиб чиқиб: «Табиб ҳам, Сиз ҳам кирар экансиз», деди ниҳоят.

Бир неча дақиқа ўтгач табиб ҳам, бош вазир ҳам кайтиб чиқишди.

Хожа Аҳмад Ҳасан йиғилганларга қараб:

— Пуштипаноҳимизнинг соғлиқлари анча яхши. Улар сизларга катта миннатдорчилик билдирдилар. Сўнг дедиларким, барча сарой аҳли пешин намозидан олдин сарой ҳовлисига жамулжам бўлсунлар. Сизларга айтадурғон сўзлари бор эмиш, — деди.

Барча ҳайрон, бунақа воқеа ҳали сарой тарихида бўлган эмас. Нега сарой ҳовлисига йиғилар эканмиз? Ё ҳукмдоримиз васият қилмоқчимилар? Ё айтадиғон зарур гаплари борму? Баъзилар кўрқувда. Шундай кўпчилик йиғилганда, Султоннинг бирор айб қилиб қўйган мансаб эгаларини сазойи қилар, ёки жазолар, баъзан эса қатл этадиган одатлари бор. Балки бирор амалдорни олиб, ўрнига бошқа кишини тайинлар? Подшоҳнинг айвоқчилари, гап ташиб юрадиган, ким ҳокимлардин пора олди, ким Султон шаънига ёмон сўзлар айтди ва бошқа сиру асрорларни билиб, уни хабардор қиладиган махфий хизматчилари, айёрлари бирор гап топиб, айтган бўлиши ҳам мумкин. Хуллас, йиғилганларнинг барчаси ўзидан хавотирда.

Ўша айтилган вақтда девоннинг барча катта-кичик хизматчилари сарой ҳовлисига бирма-бир тўплана бошладилар. Ҳамма йиғилгач, вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак хизматкорларга Султоннинг тахтини кўтартириб, ҳовли ўртасига олиб чиқиб қўйишни буюрди. Бир оздан сўнг икки томонидан икки хизматкор суяб, Султон Маҳмуд Ғазнавийни тахтга олиб келиб, эҳтиётлик билан ўтказиб қўйдилар.

Султоннинг чехрасида ҳорғинлик, кечаси билан тортган азобининг излари қолган. Ранги заъфарондек сарғайиб кетган. Хасталик унинг паҳлавондек қоматини букиб қўйган, кўз қарашлари ҳам синик.

Султон тахтининг ўнг томонида вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасан бошлиқ барча вазирлару амалдорлар, казо-казолар савлат тўкиб, буёғи нима бўлур экан деб, сабрсизлик билан турар эдилар. Тахтнинг чап томонида эса укаси Исмоил, ўғли Муҳаммад, сарой маликушшуароси Ҳасан Унсурий, шоирлардан Асжа-



дий, Лабибий, Фаррухий, Манучехрий, Аторудий, Розий, Зийнатий, олимлардан Абу Райхон Беруний, Ибн Ирок, Абул Хайр Хаммор ва бошқалар туришибди.

Султон бу ерга жамулжам бўлган сарой аҳлига бир назар ташлади. Улар унинг ишонган тоғлари, яқинлари. Аммо гурунч курмаксиз бўлмас. Улар орасида баъзи бир гап ташувчи, бир-бирини подшоҳга ёмон кўрсатишга уринувчилари ҳам топилади. Анави савлат тўкиб турган дабири замон Байҳақий анча одоб-андишали. Қанча йил доруссалтанада ишлаган бўлса, бирор кишидан ҳам ул зот ҳақида ёмон гап эшитмади. Эртаю кеч бошини ишдан кўтармай, интизом билан иш юритарди. Унсурий бўлса, унинг энг яқин кишиси, дилкаш, ширинзабон шоир. Унга ишонса бўлади. Баъзан девоналиги ҳам бор, маишатпараст. Завзаний анча айёр, аммо ўз ишини яхши билади. Девондаги мустаҳкам тартиб-интизом ана шу инсон туфайлидир. Аммо унинг галамус ишлари ҳам бор, буни Султон яхши билади.

Бунда жам бўлганлар ҳақида ўзича фикр-мулоҳаза этиб турган эди, шоир Лабибийнинг ёнида турган бир йигитга кўзи тушиб қолди. Эғнида оқ ҳарир кўйлак, бошида шоҳи салла. Унинг чехраси подшоҳга таниш, қаердадир кўрган. Кимнидир эслатади. Ёдига тушмади, фаромуш хотиридан кўтарилган. Лекин жуда-жуда эсда қоладиган одам, наҳотки, уни унутган бўлса?

Барчанинг фикрида ўзига хос бир жумбок: бу мажлисдан мақсад не? Султон нима сабабдин шундай эътиборли зотларни одатдагидек саройга эмас, бориб-бориб ҳовлига йиғибди, деб. Боз устига ўзи касал бўлса!

— Сизларнинг хайратланаётганингизда ҳам жон бор, — деб гап бошлади ҳукмдор. — Кўнглингиздаги айтмоқчи бўлаётган гапларингизни ҳам сезиб турибдурмен. Қани, хазиначи, буёққа кел! — деб қолди Султон бир чеккада турган Абдулмажид Шошийга.

Қизик, подшоҳимиз, гап йўқ, сўз йўқ, не сабабдан хазиначини чақириб қолди. Демак, бу ерда бирор сир бор, Илоҳо, барчаси яхшиликка бўлсун. «Қани, энди хазинадаги олтин-кумушлардан барчамизга тухфа қилиб берсалар эди Султонимиз», деб ният қилиб турганлар ҳам бор эди шу топда.

Хазиначи югурганча келиб Султоннинг пойига тиз чўкди.

— Сен хазинадаги мен тўплаган барча тиллою зебу зийнатларни сандиғи билан ҳовлига олиб чиқиб қўй! — деди.

Йиғилганлар Султоннинг бу, ҳеч ким билмаган, ҳатто кўнглига ҳам келтирмаган ғалати бир ҳаракатини тушунолмай хайрон ва таажжубда. Ҳатто хазиначининг ўзи ҳам бундай бўлишини ҳеч ҳам кутмаган.

— Сенга нима деганимни эшитмадингму, хой, эси-паст? Не учун қотиб қолдинг? — деди Султон Абдулмажид Шошийга бақриб.

Хазиначи кўркқанидан шоша-пиша ичкарига қараб югурди. Бир дақиқа ўтмасдан сарой ғуломлари билан бирга зирхлари тилло суви билан йўғрилган катта-кичик сандиқларни кўтариб чиқиб, ҳовлига тартиб билан қўя бошладилар. Сандиқлар жуда кўп эди. Баъзиларини устма-уст қўйишга тўғри келди. Бир неча дақиқалар ичида сарой ҳовлиси хазинадан чиққан молу дунёга тўлиб кетди.

— Сандиқларнинг оғзини очиб қўй, ҳамма кўрсин! — деди Султон Маҳмуд.

Сарой ҳовлисида ўйналаётган бу томошадан шу ерда ҳозир-нозир бўлганларнинг ҳар бири ўзича қандай мулоҳазага бораётганини билиб бўлмасди, албатта. Турганларнинг бирортаси ҳам сўз айтишга ожиз. Бир-бирлари билан гаплашишга ҳам кўрқишар, ахир бу ерда Султоннинг бутун-бутун мамлакатлардан қон тўкиб ва жон бериб, халқларни қирғинбарот этиб келтирган бор дунёси. Бойлик бўлганда ҳам унақа-бунақа бойлик эмас, ҳисоб қилиб бўлмайдиган даражада кўп эди.

— Мана бу сандиқни оёғим остига олиб келиб қўй, — деди Султон хазиначига. Хазиначи кўп дунё кўрган. Султоннинг отаси Сабуктегин даврида ҳам хазиначи бўлиб ишлаган. Лекин бунақа ҳолатга биринчи бор тушиши. Абдулмажид Шоший сандиқни ҳукмдор айтгандек, унинг оёғи остига келтириб қўйди.

— Оғзини оч бунини! — деди Султон.

Хазиначининг қўллари қалтираб, ёнидан калитлар шодасини олиб, сандиқнинг оғзини очган эди, ярақлаган нур подшоҳнинг юзига тушиб, кўзларини қамаштириб юборди. Уни кўриб Султоннинг ҳам юрагидан нур чиқиб кетгандек бўлди. Сўнг эҳтиётлик билан тахтдан тушиб, сандиққа яқинлашди. Шу топда негадир вужудини эзиб ётган хасталик йўқолиб, ўзида илгаригидек куч-қувват сезди.

— Мана бу Ҳиндистоннинг Матхура шахридан. Рожанинг хазинасидан олинган қимматбаҳо гавҳар. Дунёда бунақа катта ва қиммат тош йўқдир. Оғирлиги тўрт юз эллик мисқол келур. Мана бу бўлса Каланжар вилоятидаги Нанда қўрғони хазинасидан олинган. Мана бу Пешовар ҳокими Жаяпалнинг бўйнидан олинган юз саксон минг динорлик тақинчоқ.

Кейин Султон Маҳмуд қолган ҳамма сандиқларни очиб қўйишни буюрди. Улар дуру жавоҳирлар, сонсаноксиз тилла ва кумуш тангалар билан тўла эди.

Бу ҳисобсиз бойликларни кўриб, баъзиларнинг кўзи чиқиб, «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ» деб бир-бирларига қарашар, нега бизга хазинадаги нарсаларни кўз-кўз қилурлар жаноб олийлари, деб ҳайратдан ёқа ушлашарди. Шоир Асжадий Фаррухийнинг қулоғига «Ҳозир Султон шу бойликлардан бизга ҳам берадигонга ўхшар», деди. Асжадий икки бармоғининг орасига бош бармоғини тикиб: «Мана сенга!» деб қўйди.

Шундан сўнг, Султон Маҳмуд тахтга келиб ўтирди-да, алломалар ичида турган серсавлат, юзларидан нур томиб турган ва бу томошага унчалик ажабланмай турган Берунийга:

— Абу Райҳон, хўш, бунга сен не дерсен? — деди.

Беруний аввалига сўзлашга ийманиб турди, кейин Султонга:

— Олампаноҳ, ривоятларга қараганда, жаҳонни фатҳ айлаган Искандар ҳам беҳисоб мол-дунё йиғиб, кейин ўлими олдидан бундай деб васият қилибдур: «Агар мен ёруғ дунёдан кўз юмиб кетар бўлсам, тобутимдин қўлимни чиқориб қўйинглар, токи одамлар шунча кўп бойлик орттирган Искандар Зулқарнайн

дунёдан ҳеч нарсани ололмай қўли очиқ кетди, деб айтсунлар», деган эркан.

Султон Маҳмуд жим бўлиб қолди. Бир кўнгли Беруний уни Искандарга тенглаштирганига мағрурланса, яна бир томондан аччиғланди. Берунийдек бир сўз, чўрткесар одам дунёда йўқдир, пайти келганда ҳеч кимни аямайди, бетгачопар. Сўзлари игнадек киши юрагига бориб тегади. Қачон ундан бир яхши гап чиққан? Ахир, мен ҳали ўлганим йўқ-ку, ҳозирнинг ўзида ўлдига чиқариб қўймоқчи. У шуни билсинки, ҳали ўладиган аҳмоқ йўқ, кўнглидан ўтказди Султон. Кейин Берунийга юзланиб:

— Мен ҳали ҳаётмен! Ўлсам бутун мулким фарзандларимга қолур, — деди. Кейин вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанакка қараб:

— Буларнинг ҳаммасини шахсан ўзинг, биттасини ҳам бегона қилмай, ҳазинага қайтариб олиб кириб қўй. Мен шунчаки аҳли саройга Ғазна салтанатининг хазинасидаги бор нарсаларни кўрсатиб қўйдим, токи билиб қўйсинларким, биз бекорга жанглар қилмаганмиз! — деди.

Кейин хизматкорлар Султон Маҳмудни тахти билан кўтариб, саройга олиб кириб кетдилар. Қолганлар пешин намозига йўл олдилар.

Шу вақт ўша ўзи қайдадир кўрган таниш чеҳрага яна кўзи тушди. У ҳамон Султондан кўзини узмай турди. Ҳа, энди таниди, ёдига тушди, ўша, шикор чоғида сувга ботиб қолганида уни қутқариб қолган йигит Алп Жамол Зобулистоний. Тахт олдида парки парвона бўлиб турган вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанга:

— Сен ҳов анави шоир Лабибий ёнида турган барваста йигитни менинг ҳузуримга олиб кир, тезроқ бор, тагин кетиб қолмасун, — деди.

Султон Маҳмуд ўзининг хос хонасида овчи йигит билан узоқ суҳбатлашди... Улар нима ҳақда сўзлашди, бу сир, уни ҳеч ким билмайди.

## ЭЪТИРОФ

Шахзода Масъуднинг голибона юришлари туфайли унинг обрў-эътибори ошиб бораётганлиги кун сайин куч-қувватдан қолаётган бетоб отасининг озгина бўлса ҳам ҳасад қилар, бирорта йинин ё суҳбат чоғида ўғлининг шаънига билмай ноўрин сўзлар айтиб юборганлигини ўзи ҳам сезмай қоларди. Бунақа вақтларда бошқа ўғли — Муҳаммаднинг меҳр-оқибатини, садоқатини кўпроқ мақтар, ҳатто Бағдод халифасига мактуб йўллаб, суюкли ўғлини фахрли унвон ё ёрлик билан такдирлашни сўраганлиги ҳам ана шу муносабатнинг далилидир.

Хасталик Султон Махмуд асабларини бўшаштириб қўйган. Баъзан ўз ҳолати забунлиги, ожизлигини ўйлаб, хафаконлиги яна ҳам ошар, баъзан кечалари оғриқдан боши ёрилиб кетгундай бўларди. Эсиз-эсиз, саломат юрган чоғида ўз соғлиги ҳақида кўп ўйламади. Тўғриси, унақа-бунақа касални писанд қилмади, «розиймен», деб пишқириб юраберди. Мана, энди шу аҳволга тушиб, оёғидан, белидан куч-қувват кетганидан сўнг ҳеч қандай дори-дармонлар, машҳур табибларнинг муолажаси ҳам кор қилмай қўйди. Ўзи бақувват бўлганлиги боисидан унақа-бунақа касални писанд қиладиганлардан эмас, сал тузалди дегунча ўрнидан туриб, ҳеч нарсани билмагандай яна ўша соғлик чоғидагидек ишга берилиб кетаберди. Ўзини тиймайди, табиблар буюргандек парҳез таомларни писанд қилмай, илгаригидек кучли овқатларга кўнгли мойил, кабобми, кази-қартами еяберади, майли, нима бўлса бўлди деб шаробми, чоғирми ичаберади. Чунки унинг паҳлавондек жуссаси шуни талаб қиларди. Ўзига келди, яна маишат, яна базми жамшид.

Мана, бу кун, эрта билан бомдод намозини адо этиб бўлгач, жойнамоз устида узоқ ўтирди. Нималарнидир ўйлаб, хаёлга чўмар, ўтирган жойида ўзича пичирлаб ё дуо ўқир, ё Оллоҳга ҳамду санолар айтар эди. Кейин ўрнидан турди-да, хона эшигини очиб ҳов анави бир чеккада мунтазир турган гуломга:

— Сен Хожа Аҳмад Хасанни, кейин Хасан Унсурийни... Ҳа, айтгандай, Байҳақий билан Берунийни ҳам ҳузуримга чақир, анави хазиначи Абдулмажид Шошийни ҳам, — деди.

Ўзи бўлса шоҳ либосларини кийиб хос хонасидан чиқди-да, бошига тож қўйиб, савлат тўкиб тахтга ўтирди. Бир неча дақиқадан сўнг чақирилган нуфузли зотлар, хазиначи ҳам «не гап экан», деб Султон ҳузурда ҳозир-нозир бўлдилар.

Султон уларни очиқ чеҳра билан қабул этди. Бир оз салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, ҳукмдор бир оз хаёлга чўмиб, айтмоқчи бўлган фикрларини дея олмагандай турар, бир вазири аъзам Хожа Аҳмад Хасанга, бир қаршисида савлат тўкиб турган Берунийга қараб қўяр эди.

Кўпни кўрган, Султоннинг дилидаги айтмоқчи бўлган фикрларни тезда илғаб оладиган Хожа Аҳмад Хасан ҳам шу топда ҳукмдорнинг ҳолатини кўриб тушуна олмай таажжубда эди. Кейин Султон ҳузурига чақирилган зотлар ҳам одатдагидек бир-бирига унчалик монанд эмас. Байҳақий, майли, ёзув-чизув дегандек, аммо анави «бетгачопар» Беруний нега таклиф этилган, хазиначи-чи? Хожа Аҳмад Хасан шу дамда ақл хазинасидан бирорта фикр, сўз тополмасди.

Султон бир оз иккиланиб турди-да, кейин қаршисида турганларга юзланиб, босиқлик билан гап бошлади.

— Сизлар унчалик ҳайрон бўлманглар, подшоҳимиз нега бизларни истаб қолдилар деб. Ҳузуримга чорлашимдан мақсадим шулким, шу дамгача дилимга тугиб қўйган ва ўзимни хижолат этиб, қийнаб келаётган бир масалани ҳал этмоқ ниятим бордур. Ахир барчамиз бу дунёга меҳмон эрурмиз, буёғи энди нима бўларди? Ўйлаганим, у ҳам бўлса, шоир Фирдавсийга ўша ваъда қилинган мукофот масаласидур. Биз сўзимизнинг устидан чиқмай, унга жабр қилдик. Ранжитдик. Буни Хожа Аҳмад Хасан жуда яхши билур... Бунинг сабаблари бор, албагта. Анча англашилмовчиликлар ҳам бўлди, гап-сўзлар ҳам.

Бош вазир бир оз ўзини ноқулай сезиб, турган жойида бетоқат қимирлар, лаблари учиб, ўзини анча ўнғайсиз ҳис этар эди.

— Майли, бўлар иш бўлди, карвон ўтиб кетди. Энди хатони кечроқ бўлса ҳам тузатмоқ даркор. Мана, хазиначимиз ҳам шунда. Менинг фармоним шулким, шоирга ваъда қилинган олтмиш минг тилло тангани ва шу билан бирга зарур совға-саломлар олиб шу бугуноқ Тусга равона бўлмоқ керак. Карвонни девондан бирор масъул киши, балки Хожа Аҳмад Ҳасаннинг ўзи, соқчилар, яна яқинда менинг ҳузуримда бўлган Жамол овчи олиб боради. Уни Хожа Аҳмад Ҳасан танийди, ҳузуримга ўзи олиб кирган. Фирдавсийдан унга етказилган ранж учун вазир Ҳасанакнинг ўзи уэр сўрасун. Бу менинг Султон сўзимдур.

Ҳамма жим.

— Энди сизларга рухсат. Бошқа айтадигон сўзим йўқдур. Бу ишларни қиёмига етказмоқни яна бир бор такрор айтаман, Хожа Аҳмад Ҳасанга топширурмен.

Барча таклиф этилганлар бирин-кетин чиқиб кетдилар.

Султон ёлғиз. Қўнгли энди бир оз таскин топгандек. Юрагини шу дамгача ғаш этиб, тугун бўлиб етган нарса энди ечилгандай, ўзини бир оз бўлса ҳам енгил ҳис этгандай.

Узун қулоқ гапларга қараганда, сарой шоирлари ичра эзгу ниятли бир ўта камсуқум, дарвишсифат Мискин исмли бир шоир бор эди, оз ёзарди, локин соз ёзарди. Султон Маҳмуд ҳам унинг ғазалларини яхши кўрар, гоҳо бирор вақт уни учратиб қолса: «Ҳа, шоири замон, янгиларидан борму?» деб сўраб қоларди. Мискин ўзи ёзган деярли ҳамма ғазалларини ёддан билар, агар уйқуда ётганида ҳам уйғотиб фалон ғазалини ўқиб бер, деб қолсангиз, ҳеч хато қилмай оҳанг билан чиройли қилиб кўшиққа ўхшатиб ўқиб-қуйлаб берарди.

Айтишларича, ўша шоирнинг ҳаммомчи билан яқин ошнолиғи бўлган. Ахир дили дилига пайванд одамлар топишиб олишади деганларидек, дарвиш шоир ҳам унинг ҳаммомига бориб бирга маишат қилур эр-

дилар. Бир куни ичиб ўтиришганда кайф устида ҳаммомчидан сўраб қолибдур:

— Дўстим, Фирдавсий Фазнага ҳар келганда сенинг хузуринга келиб турарди. Ростини айт-чи, сен у бирлан якин сирдош эрдинг, чиндан ҳам ўша ҳажвияни Фирдавсий ёзганми, йўқми, дебди.

Шунда ҳаммомчи:

— Сен Фирдавсийни шунчалик пасткашликка борур деб ўйлайсанму? Ахир у тенгсиз буюк шоир-ку!

— Мен ҳам шу фикрдамен, — деди Мискин.

Кейин пиёлада турган шаробни ичиб:

— Агар Фирдавсийнинг кўнглида озгинагина гараз бўлса, Султонга атаб мана шундай ажойиб шеър битармиди? Мана, эшит, уни мен ёдлаб олганмен, деб мадҳия-бағишловни ўқий кетди:

*Сано ул шаҳашшаҳга ёр айладим,  
Дирам йўқ эди, жон нисор айладим.*

*Дедим: тушларимга бу посух эрур,  
Жаҳонда анинг сўзи фаррух эрур.*

*Сано анга бўлсин ким ул юз сано,  
Бу тахту бу давлатга айтур басо.*

*Баҳор ўлди олам анинг фарридин,  
Само турсаҳобу нигорин замин...<sup>1</sup>*

Ўша девона шоир шу фикрларини бир вақтлар фурсати келганда бош вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак ва Ҳасан Унсурийлар олдида Султонга ҳам айтган, деган гаплар бор.

Шунда Султон Маҳмуд:

— Энди бўлар иш бўлди, ҳажвияни Фирдавсий ёздими ё ёзмадими, бу ҳалига қадар жумбоқ бўлиб қолмоқда. Аммо Фирдавсий тенгсиз буюк шоир эрур, биз кечиримли бўлмоғимиз даркор. Бу Оллоҳ сўзи, Қуръон сўзи. Магарам шоир бирлан бизнинг ўрта-

---

<sup>1</sup> Форс тилидан шоир Тўхтамиш Тўхтаев ўтирган.



мизни бузиш ниятинда бирор ғаламус, ичи қора ғийбатчи ҳажвияни ёзғон бўлса ҳам ажаб эрмас, майли биз энди шоирни айблаб, сўкиб юрмайлик, чунки тепа-мизда Оллоҳ бордур.<sup>1</sup>

Маълум бўлишича, бир неча кундан сўнг Тусга карвон кириб борганда Фирдавсий ёруғ дунёдан кўз юмган, унинг тобутини кўтариб, сўнгги даргоҳга кузатаётган минг-минглаб одамлар қабристон томон бормоқда эдилар...

---

<sup>1</sup> 1990 йилда Техронда Мухит Табобатабойининг «Фирдавсий ва «Шохнома» деган мақолалари тўплами босилиш чикди. Ушбу тўпламдаги «Султон Маҳмуд ва Фирдавсий», «Султон Маҳмуд ва «Шохнома» мақолаларида муаллиф, жумладан, шоир ва шох муносабатларига қуйидагича фикрларни билдирди:

«Султон Маҳмуд билан Фирдавсий муносабатини аниқлаш бўйича «Шохнома» матнидан бўлак ҳикоя ва афсоналарни қабул қилувчи кишилар китобнинг кўп жойларида ёзилган мана бу ва шунга ўхшаш фикрларга назар ташласа яхши бўларди. Шунда (унга) Фирдавсий қай даражада Султон Маҳмудга ва Султон Маҳмуд эса унинг асарига алоқадорлиги маълум бўлади. Чунончи, «Рустам ва Шугот» ҳақидаги фаслнинг охириги байтида шоир Султон Саройида ва худо раҳматли бўлганидан кейин эса у дунёда шохнинг тухфасидан, яъни Султон Маҳмуднинг берган совғасини жаҳонда хотира сифатида қолишини орзу қилади. Иттифоқан, қадимги «Шохнома» муқаддимасида ёзилган бу нарса амалда ҳам шундай бўлди. Яъни Султон Маҳмуд шоир асарини охирига етказганидан кейин Ғазнадан Тусга юборган маблағи етиб келди ва шоирнинг қизи талаби ва Маҳмуднинг кўрсатмасига биноан унинг қабри устида ҳашаматли мақбара қуришди ва бу мақбара мўғуллар босқинигача Тусда ўз жойида обод турган. Мақбарага сарфланган маблағдан ортиқчасига бир қишлоқ сотиб олинди ва у мақбарага вақф қилинди».

Иккинчи мақолада адибнинг «Ҳажвия» борасидаги фикр ва қарашларини тасдиқловчи бундай сўзлар бор:

«Биз шоир асарини бошдан-охир жуда диққат ва синчковлик билан ўқиб чикдик. Шоир билан Султоннинг муносабати ҳар доим бирига бирига яхши ва мулојим бўлган.

Билмадим, «Ҳажвнома» ёзишга шоир қачон, қайси замонда мажол топди экан. Чунки «Ҳажвнома» ёзилган 402 ҳижрий йилида шоир 80 ёшли, куч-қувватдан қолган чол эди. Кўзи ожиз ва қулоғи оғир, оёғи бўшашган ва у шаҳардан бу шаҳарга қочиб юришга куч-қуввати етмасди.

Яна баҳор айёми келди, яна олам тўла гул-чечак, яна қир-адирларда лола гулханлари ёнар, яна қушлар гўё қўшиқ айтар кўклам келди деб. Айниқса, «Боғи Фируз» шундай гўзал бир тусга кирганки, уни кўрган киши гўё жаннатга тушиб қолгандай ҳис этади ўзини.

Султон Маҳмуд Ғазнавий энди анча ўзига келган. Хасталик туфайли қиши билан чеккан азоб-укубатлари уни тарк этгандай эди. Шундай айёмда девондаги сиқиқ муҳитдан табиат кучовига чиқиш, гул фасли нашидасидан баҳраманд бўлишдан ортиқ роҳатижон нарса бўлиши мумкинми. Ахир, хасталикдан эзилган, ғижимланган юракларга ором беришга нима етсун?

Мана, шу вақт салом бериб Ҳасан Унсурий кирди. Султон Қуръон тиловат айлаб ўтирган эди, шоирни кўрди-ю, тиловатни тўхтатмай, унга «ўтиринг» деб ишора қилди.

Сарой маликушшуароси таъзим-тавозеъ билан бир чеккага чўкди. Султон тиловатни тугаллаб, фотиҳага қўл очди. Унсурий ҳурмат юзасидан яна ўрнидан туриб, ҳукмдорнинг сихат-саломатлигини сўради.

Султон Маҳмуднинг шоирга ҳурмати чексиз. Зеро, унинг битган дилбар шеърлари, дostonлари элга маълум ва манзур. Баъзи дostonларини Беруний араб тилига таржима қилган. Ваҳоланки, Берунийдек зукко, талабчан алломайи замон унақа-бунақа рисолаи бошқа тилга ўгирмаган. Маҳмуд Ғазнавий Унсурий тазкираларини юксак баҳолаган. Султон ўзининг садоқатли шоирига қараб: «Паризоде, парирўе, паричеҳре, парипайкар, Дилороме, дилорое, ғаманжоме, ғамафзое», деб қироат билан ўқиди. Бу байт Унсурийники. Шоирнинг шеърий санъатдаги ўзига хос услуби эди, бир қасидаси бошланишида мана шу гўзал «тавсиф» ишлатилган, ўша байтни Султон Маҳмуд кўнгли эзгулик истаб турган чоғда ўқиб шоирга бўлган ҳурматини, яқинлигини билдиргандек бўлди.

Унсурий хурсанд, чунки Султон бирор марта ҳам унинг ғазалини ёддан ўқимаган, қарангки, ҳукмдор байтни ёдлаб олган экан.

— Олампанох, сизни шундай соғлом, хуштабиат ҳолда кўришдан беҳад хурсандмен. Илоҳо умрингиз зиёда бўлғай, олам тургунча туринг фақир шоирингиз бахтига! — деди бир оз кўзига ёш олиб.

Султон сукутда шоирга меҳр билан қараб турди-да:

— Қани, «Боғи Фируз»га кетдик, шундай гўзал айёмда бу ерда не бор? Фарзандларим, невараларимга хабар қил, Девондагиларга ҳам, — деди подшоҳ.

Мана, Султон Маҳмуд барпо этган, бутун Шарқ оламига машҳур бўлиб кетган жаннатсимон боғ.

Фазнавийларнинг бутун сулоласи шунда. Маҳмуднинг ака-укалари, ўвиллари, опа-сингиллари, неварачеваралари, ҳаммаси жамулжам. Укаси амир Юсуф икки қизи билан боғдаги шоҳсупада чакчақлашиб, акаси ёнида ўтирибди.

— Мана, булар менинг севимли қизларим, — деди амир Юсуф қизалоқларини кўрсатиб.

Султон Маҳмуд қизалоқларнинг пешанасидан ўпиб, бир оз уялиб андишада турган қизларнинг каттасига мурожаат этиб:

— Исминг недур? — деди.

— Гулбону, — деди қиз.

— Сеники-чи? — деди жажжигина кулиб турган қизалоқдан.

— Дилафрўз.

— Умрларинг узоқ бўлсун! Яхши жойлардан ато қилсун! — деди Султон. Шу аснода бир нарса ёдига тушиб қолди-ю, ёнида ўтирган ўғли Муҳаммадга:

— Мана шу гўзал Гулбонуни сенга бугуноқ никоҳ қилиб берурмиз. Ҳа, шу топнинг ўзида сарой қорисини чақириб, никоҳ ўқитурмиз! — деб қолди.

Барча хайратда. Муҳаммад бўлса жим, хурсандлигини ҳам, норозилигини ҳам билиб бўлмасди. Амир Юсуф нима дейишни билмас, Султонга гап қайтариб бўладими, қизалоқлар бошларини ҳам эгганча уялиб туришарди.

Ўғли Амир Масъуд бўлса ўнғайсиз ҳолатда қолган. Отасининг амир Муҳаммадга қилаётган илтифотидан кўнгли ўксиди, «Шу ерда ҳам отам мени камситди», деб юрагига олгандай. Ўрнидан туриб кетиш-

ни ҳам, ўтираберишни ҳам билмасди. Султон Маҳмуд ўрлининг ҳолатини сезгандай Масъудга:

— Мана бу иккинчи чиройли кизалоқ сеники. Гулбону Муҳаммадга, Дилафрўз бўлса сеники бўлсун! Аммо Дилафрўз ҳали ёш эркан. Ўзинг катта қилиб олурсен, ҳозирча никоҳ ўқитмайдуرمىз, — деди Султон.

Ўша куни боғда кагта тантанавор тўй ўтказилди. Гулбону Муҳаммадга никоҳ қилинди. Султон эриб кетиб ёш келинчакка энг қимматбаҳо тухфалар ҳадя этди. Амир Юсуфга битта оппоқ тулпор, бир хуржун олтин-кумуш танга, заррин тўн, кумуш ханжар ва бошқа нарсалар тухфа айлади. Маросим тугамасдан Султон Маҳмуд «чарчадим», деб саройга жўнаб қолди.

Нима бўлди-ю, тўй сўнглаганда янги келинчакни «Кўшки шоҳ»га узатиб бормоқчи эдилар, бирданига кўнгли айнаб, бирор ёмонроқ нарса еб қўйганми, қуса бошлади. Ҳамма ҳаяжонда, дарҳол табибга одам юборишди. Аммо табиб етиб келганда қиз оламдан кўз юмган эди...

Воқеани тезда Султон Маҳмудга етказишди.

— Нечун ўлибдур, ахир?

— Заҳарланган бўлса керак! — деди вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак.

— Ким уни заҳарлабдур? Тезда ўша ғаламусни топинглар! — деди Султон ғазаб билан.

Кейин бир оз ўйлаб турди-да:

— Сен тезда тўйхонага етиб бор. Кўп йиғи-сиғи қилишмасун. Бундан фойда йўқдур. Оллоҳнинг иродасига қарши бориб бўлмас, — деди вазирга яна:

— Ўзинг ўша ерда туриб, Юсуфнинг иккинчи қизи ёш бўлса ҳам Муҳаммадга шу бугуннинг ўзидаёқ никоҳ қилиб беринглар! Ёдимдан кўтарилибди, қизалоқнинг исми не эрди? — сўради Султон вазирдан.

— Дилафрўз, — деди вазир.

— Ҳа, ўшани, Муҳаммаднинг кўнгли яна ўксимасин.

Вазир етиб келганда шахзода Масъуд ҳам фожиа устига етиб келган, отасининг кейинги қароридан ғазабда эди. Масъуд вазирнинг олиб келган янги фармонидан норозилигини билдирган эди. Вазир унинг кўнглини кўтариб:

— Шахзодам, хафа бўлмангиз! Отангизнинг ҳолатини ҳам тушунишингиз даркор. Анча касалманд бўлиб қолдилар. Базм кечасида ҳам ҳолатлари яхши эмасди. Аммо шуни билингки, Ғазна салтанатига сиздан бошқа киши подшоҳ бўла олмайди, — деди.

Масъуд индамади. Вазирга бир оз қараб турди-да:

— Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз! Ҳали шундай кунлар келадики, ўшанда ҳаёт ўз ҳукмини чиқаргай! Сиз тўғри айтдингиз, Ғазнада Султониятни менадан бошқа ҳеч ким эплай олмайди. Шуни сиз ҳам икки қулоғингиз билан эшитиб қўйинг, ҳа. Худо хоҳлагани бўлғай, — деди.

Шу чоқ кимнингдир йўталгани эшитилди. Вазир қўриқиб уёқ-буёққа аланглади, аммо ҳеч ким кўринмади. Улар хайрлашиб, Масъуд ўз йўлига, вазир бўлса Султон ҳузурига кетди.

Вазир келганда Султон Маҳмуд тўшақда муккасидан тушганча бошини ушлаб ётарди.

— Хўш, келдингми? Қани, айт-чи, сен не учун Масъуднинг ортидан бординг? Унга нима дединг? — деб кесатгандай сўради.

Бунақа вақтда, айниқса подшоҳнинг тоби қочиб турганда тўғриси айтмаса бўлмасди. Агар шундай қилмаса, Султоннинг ғазабни келиб, яна тутоқиб кетса борми, аҳвол чатоқ. Қўлни кўрган ва Султоннинг одадини яхши билган Ҳасанак Масъудга не деган бўлса, ростини айтди қўйди.

Шундан сўнг, Султон бир оз ғазабидан тушди. Вазирнинг ҳақ гапни очиқ-ойдин айтганлиги унинг юрагидаги ғазабни сўндирди чамаси. Ҳарҳолда Масъуд унинг пуштикамаридан бўлган. Зеро, ота ўз ўғлини ақл-заковатию, салтанатни бошқаришга ҳам қодир эканлигини яхши билади.

— Ахир, сиз кичик қизалоқни Масъудга ваъда қилган эдингиз... Шунга...

— Қўявер, Масъудга қиз топилади. Аммо Муҳаммаднинг кўнгли оғримасун, деб шундай қарорга келган эрдим, — деди.

— Қизалоқ жуда ёш-қу, ҳали ўн иккига ҳам кирмаган.

— Кўп гапирдинг, Ҳасанак. Сен ҳам энди анча

қарибсан. Айтганимни қилабер. Қизалокни ўзи бир амаллаб катта қилиб олади дедим-ку.

Шу воқеадан анча кун ўтгач, машварат мажлиси чоғида Султон Махмуд халифанинг юборган ёрлиғини амир Муҳаммадга топширди. Ана шу тантанада ўғли ҳақида кўп ибратли сўзлар айтди. Фақат салтанатга ворислик ҳақида гап бўлмади.

Мажлис тугагач, Масъуд барчадан олдинроқ чиқиб кетди. Унинг кўнгли яна ўксигандай эди. Ҳасанак унинг ҳолатини сезиб, ортидан чиқиб Масъуднинг кўнглини кўтариб:

— Не бўлса ҳам сен Муҳаммаддан устун турарсан. Буни Султон жуда яхши билади. Ҳозирги отангинг ғазабноклигининг асл сабаби хасталиги, қувватсизлиги. Энди Султон қўлига қилич тута олмайди, отга ҳам зўрға минади. Ҳатто кейинги вақтларда энг сеvimли иши бўлган шикорга ҳам бора олмай қолди, — деди:

— Майли, садоқатинг учун минг раҳмат, — деди Масъуд.

Вазир Масъудни кузатиб қўйгач, қайтиб Султон хузурига кирди. Султон вазирига ер остидан қараб қўйди. «Донишманд вазир, узокни кўриб иш қилур, ҳалитдан ўғлимнинг пинжига кириб олди. Ернинг остида илон қимирласа ҳам билур. Зукко, муғамбир. Ҳамма нарсага ақли етади, ҳатто мендан кейин ўрнимга Масъуд подшоҳ бўлишини ҳам».

— Қани, Ҳасанак, ўтир! Ҳадеб Масъуднинг орқасидан чопаверма! Сен муғамбир бўлсанг, мен сендан ҳам ўтурмен. Ичингдаги ҳамма ўйлаётган гапларингни билиб турибмен. Масъуднинг Муҳаммаддан афзаллигини сендан ҳам мен яхши билурмен. Сени ўғлимга куйинаётганинда ҳам жон бордур. Мен сендан хурсандман, сен ҳам биз учун бегона эмассен, дилимдагиларни яхши билурсен, тахтни Масъудга қолишини истайдурсан. Энди ҳақ гапим шулким, мендан сўнг истамаган тақдиримда ҳам Ғазна салтанатига Амир Масъуд подшоҳлик қилғай. Буни икки кулофнинг билан эшитиб қўй, гарчи «васиятнома» Муҳаммадга қолдирилган бўлса ҳам. Тушундингми? Масъуд ҳеч кимга Ғазна тахтини бермас. Яна шунини сезиб, билиб турурманки,

агар мен ёруғ дунёдан кўз юмиб кетсам, Муҳаммаднинг холи вой бўлғай. Мени шу ўғлимнинг тақдири қийнайди. Эртаю кеч шуни ўйлаймен. Масъуд унга ҳеч қачон йўл бермас.

## **ТОЖУ ТАХТ БЕВАФОДИР**

Султон Маҳмуд қанчадан-қанча эл-элатлар, мамлакатлар, мустаҳкам қўрғону, қалъа шаҳарларни забт этди. Не-не амирлар, хонлар, ҳоконлар, шоҳлар, рожалар унинг куч-қудратига бардош беролмай, оқибат бўйсунишга мажбур бўлдилар.

Бу йўлда қонхўрликлар, хунрезликлар ҳам, меҳр-шафқат ҳам, босқинчилик, шафқатсизликлар ҳам, адолат ҳам, ноҳақлик ҳам барчаси бўлиб ўтди. Нима ҳам қилсун, замона шундай. Агар сен ўлдирмасанг, сени янчиб ташлашади. Сен босиб олмасанг, сени оёқости қилиб топтар эдилар. Куч-қудратинг бўлса, муҳолифларинг мутеъ бўлиб, сени тан олиб, ҳайиқиб туришади. Агар заифлашиб қолсанг, устингга чиқиб тепишади. Султон Маҳмуд Ғазнавий шуни яхши билар эдики, зулмнинг ҳам, одилликнинг ҳам мароми, мезони бўлиши керак.

Давлатнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишда ҳам ана шу ўрта меъёрни сақлашга ҳаракат қиларди. Мана, энди бўлса барчаси ортда қолиб кетди: куч ҳам, қудрат ҳам! Давлат, салтанат, тожу тахт сенга абадий берилган эмас. Куч-қувватинг кетиб қолгандан кейин Оллоҳ сени бирин-кетин барча имкониятлардан маҳрум этгай: кўзинг хиралашади, қулоғинг эшитмай қолади, оёқ қўлингдан куч, мадор кетади. Бобокалонлар дермишларким, «арслон қаригач, сичқон тутадиган бўлиб қолур», деб. Султон Маҳмуднинг шу дамлардаги ҳолати ана шу қари арслонни эслатарди. Мана, энди тожу тахт ҳаваси кетиб, давлат ишларини ҳам ташлаб қўйди.

Султон Маҳмуднинг ўғиллари аллақачон камол топган. Амир Муҳаммад Жузжонда ҳоким, кичик ўғли Амир Масъуд бўлса Исфаҳонда. Узункулоқ гапларга қараганда, жаҳонгашта ўғли Ҳамадон, Бағдодга лаш-

кар тортиб бормоқчи эмиш. Исфаҳон амири Алоуддавл  
ла шаҳзода Масъуднинг қудратли қўшинига бардош  
бера олмаслигини билиб, ҳеч қандай қаршилиқ кўрсат  
масдан шаҳарни ташлаб, Ҳузистон томонга чекинган.  
Унинг мақсади Ҳузистон ҳукмдори билан қўшилиб, ке  
йин биргалиқда газналикларга қарши курашмоқ эди.

Султон Маҳмуд хасталик тўшагида. Кечаси билан  
ўзини билмай алаҳлаб чикди. Уни энди ҳеч ким дар  
дига дармон бўла олмайди. Гоҳо-гоҳо ўзига келиб ни  
маларнидир демоқчи бўлади. Аммо тили айланмас,  
забони кетиб қолгандай. Толиққан кўзларини очиб,  
уёқ-буёққа аланглайди, кимнидир қидиради. Аммо кўзи  
хиралашиб атрофида кимлар турганини англай ол  
майди. Кучсиз, қувватсиз, энди унга ҳеч нарса керак  
эмас — подшолик ҳам, тожу тахт ҳам, давлат, бойлик  
ҳам. Қўллари бўм-бўш. Ҳатто қўлидаги узуги ҳам  
унга оғирлик қилмоқда.

Уни ҳамма мақтарди, Олампанох, йўлбошчимиз, пуш  
тпанохимиз деб. Аммо эл-юрт, авом халқ бўлса қарғар  
ди — золим, қонхўр деб. Ҳа, ўзларини буюк, энг ақлли  
деб ўйлайдиган ҳукмдорлар вақти-соати етганда энг  
кичик, ҳеч нарсага кучи ҳам, қурби ҳам етмайдиган  
дилмурда одамга айланиб қолишни ҳеч қачон кўзлари  
олдига келтиролмайдилар. Ариллаб-дариллаб, мендан  
кучли, ақлли, донишманд одам йўқ деб хайкириб юра  
берадилар. Султон Маҳмуд ҳам ўз салтанати остидаги  
бирор жойга бориб авом ҳолидан хабар олмоқчи бўлган  
да, унга мутеъ бўлган ҳокимлар фуқароларни яхши  
кийинтириб, ибратли гапларни ўргатиб, подшоҳга рўбарў  
қилар эдилар. Султон бўлса уёқ-буёқни суриштирмай,  
улар ҳол-ахволини сўрамай, арзи-додини эшитмай, ме  
нинг фуқароларим давлатим паноҳида яхши ҳаёт кечи  
рурлар, деб хурсанд бўлиб кетаберган.

Мана, энди Султоният ҳам, подшоҳлиги ҳам сарик  
чақага арзимас бўлиб қолди. Ҳазинадаги ўзи кўз-кўз  
қилган ҳисобсиз давлати ҳам унинг жонига оро кира  
олмайди. Ҳа, бу дунё ҳеч кимга қолмас, келадилар,  
кетадилар. Яна янгилар келишар, яна кетишар —  
шоҳми, гадоми, барибир. Ўлим олдида ҳамма тенг,  
ажал келганда, «сен подшоҳ экансан, ё гадо экансен»,  
деб суриштириб ўтирмайди...



Султон Маҳмуд 1030 йил оғир хасталик туфайли ёруғ дунёдан кўз юмди. Бу шум, нохуш хабар жуда тезлик билан дунёга тарқалди. Ҳаммадан аввал Исфохон амири Алоуддавла Ғазнавийлар хуружидан қутилган эди. Шу билан бирга Ғазнавийларга мутеъ бўлган эллар, вилоятлар, ҳокимликлар «Сулаймон ўлди, девлар қутулди» кабилида иш тутиб, баъзилари бож тўла-маслик, масжидларда хутбани Султон номига ўқитмаслик йўлига ўтиб олмоқчи бўлдилар.

Ғазнада ҳам бекарорлик. Сарой арконлари Султон Маҳмуд васиятига амал қилиб, Журжонда амирлик қилаётган ўғли Абу Аҳмад Муҳаммадни тахтга ўтказишга қарор айладилар. Журжонга чопар юбориб, Муҳаммадни тезда Ғазнага етиб келишини, тахтни эгаллашни хабар қилдилар.

Шундай қарорсизлик ҳукм суриб турган дамда шахзода Масъуд холаси Ҳадичадан мактуб олди. Унда отасининг вафоти ҳамда пойтахтда бўлаётган можаролар хусусида хабар қилинган эди:

«Олампаноҳимиз раббилохир ойига беш кун қолганда пайшанба куни аср намози чоғида ёруғ дунёдан кўз юмиб, Оллоҳ даргоҳига кўчдилар. Кейин ўша куни «Боғи Фируз»га дафн этилдилар. Бизлар барчамиз ҳарамдагилар билан биргаликда Ғазна қалъасида турибдурмиз. Барча ишлар ҳожиб Али Ғариб қўлида. Султон дафн этилгач, ўша куни тунда Журжонга чопар юборилиб, Амир Муҳаммадни олиб келиб тахтга ўтказишди».

Холаси ёзган номасида бўлаётган барча синоатлардан Масъудни воқиф этган. Шундан сўнг, бир неча кун ўтгач, Амир Масъуддан махсус чопар келди: бири турк, иккинчиси бадавий эди. Улар тўрт отни йўлмай-йўл алмаштириб, ярим кун деганда Ҳиротдан Ғазнага етиб келишди. Чопарлар келтирган мактуб барчага, сарой аҳлига ўқиб эшиттирилди. Амир отасининг вафотидан қайғуда эканлиги, бундай пайтда, айниқса, содиқлик зарурлиги, осойишталик сақланиши муҳимлиги таъкидланади. Мактуб Амир Масъуд девонининг бошлиғи ҳаттот мирзо Тоҳир томонидан битилган ҳамда ҳожиб Али Ғарибга доир кўрсатмалар бе-

рилган эди. Ўша зарур вазифалар мактубнинг сўнггида шахзода Масъуднинг ўз дастхати билан ёзилган эди. Укаси Муҳаммадга ибратли насихатомуз фикрлар билдирилган. Мактубда амир Муҳаммадни Тагинободдаги Кўҳидиз қалъасида сақлаб туриш ҳақида ҳам алоҳида кўрсатма берилган эди.

Али Ғариб ўша заҳотиёқ Масъуднинг мактубини амир Муҳаммадга тўлалигича ўқиб берди.

Шахзода Масъуд отасининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириш учун барча вилоят ва давлатлардан тинимсиз оқиб келаётганларга бағишлаб ўша ерда махсус қабул маросими ўтказди.

Эғнида оқ ҳарир ёпинғич, оқ халат, бошида оқ салла. Унинг яқинлари, сарой аҳли ҳам оқ либосда эдилар. Султоннинг оиласи, қариндош-уруғлари ва барча қўшинлар уч кеча-кундуз мотам тутишди.

Мотам маросими тугагач, Амир Масъуд Бағдод халифаси Абу Жаъфарга элчи оркали махсус нома юбориб, отаси Султон Махмуднинг вафоти туфайли Исфаҳонни Алауддавлага қайтариб берганлигини маълум қилди.

Шу билан бирга Исфаҳон, Торум, Жабал, Гургон, Табаристон, Нишопур, Хирот ва бошқа вилоятларга нома юбориб, отасининг вафоти муносабати билан ҳокимиятни ўз қўлига олганлигини маълум қилди.

Дунё бевафо, бебако дерлар, нечун? Бундай ўйлаб қарасангиз, дунё бевафо эмас. Ахир, Оллоҳ уни бениҳоя гўзал ва кўркам, осойишта ва саришта этиб яратган-ку! Ҳақ гапни айтадиган бўлсак, дунёни бевафо, нотинч айлайдиган, ғам-андухларга тўлдирадиган, бебаҳо қиладурган инсон зотининг ўзи-ку?!

Мана, дунёни титратиб турган Султон Махмуд ҳам оқибат оламдан кўз юмди. Биз унинг жўшқин ҳаётидан айрим лавҳаларнигина битдик, холос. Ўлим ҳақ экан. Шохми, гадоми суриштириб ўтирмас ҳеч қачон. Оллоҳ томонидан ажратилган вақт-соат етиб келгач, Яратганнинг даргоҳига кўчгайсен. Бошқа иложинг ҳам йўқ. Аммо бирор кимса ҳам сўнги нафасигача бу ёруғ дунёни ташлаб кетгиси келмас!

Жаҳонгир соҳибқиронлар, Султонун алломалар бу дунёдан кўз юмиб кетсалар ҳам, аммо жаҳон бир

дақиқа ҳам ақли расолардан, донишмандлардан холи қолмас. Оталар ўрнини фарзандлар, шоҳлар ўрнини шахзодалар эгаллайди. Фарзанд падарларининг пуштипаноҳидан бўлганлари учун ўз оталаридан ўтмоқлари даркор. Замона, ҳаётнинг ўзи фарзандларни шунга йўллайди. Салтанатга ҳар бир ҳукмдорнинг ўз измидаги янги вазирлар, алломалар келур.

Амир Масъуд ҳам ота ўғли эмасми, унинг ўз йўли, режалари бор, албатта. Отаси бунёд этган буюк салтанатни сақлаб, мустаҳкамлаб, кенгайтириш йўлларини ахтарарди. Аммо бу йўлда кўп қийинчиликлар бор. Отаси дунёдан кўз юмиб кетгач, энди ўйлаб қараса, падарибузруквори ҳаёт чоғида унга суяниб бемалол от суриб юрган, катта давлатни бошқариш ўз-ўзидан бўлмайди экан. Боши тақ этиб ерга теккач буни сезиб қолди...

Ёдига тушди: отаси кунлардан бир куни ўғиллари Масъудни, Муҳаммадни ёнига ўтқазиб бундай деган эди:

— Отам раҳматли Насруддавла Сабуктегин бизларга шундай бир салтанат барпо этиб бердиларким, мана, энди бемалол Султониятнинг даври-давронини суриб юрибдурмиз. Аммо отам дунёдан кўз юмиб кетгач, нечундир қийин аҳволга тушиб қолдим. Вафот этибдиларки, шундан бери бирор кун ҳам оромим йўқдир. Тағин ўйламанглар, отам кайф устида бу гапларни айтмоқда деб. Агар шундай деб ўйласангиз, катта хатога йўл қўйган бўлурсизлар. Билсангиз, бу шунчаки бир гап. Ҳали бизлар ҳам бу дунёдан ўтиб кетурмиз. Ана ўшанда сизлар ҳам мен ўйлагандек ўзингизча фикр юритгайсизлар. Қачонки, ўзларингизга ҳам навбат етиб келганда, ўшанда менинг қадримга етиб: «Отам тўғри айтган эканлар», деб, менинг ҳақлигимни тушунгайсизлар.

— Азиз падарибузрукворимиз, бизнинг фикримизда бунақа гап мутлақо йўқдир, Сиз ҳали узоқ йиллар яшайсиз, — деган эди ўшанда шахзода Масъуд отасига қараб.

Султон Маҳмуд бошқа сўз демаган эди ўшанда. Яна, ибратли насихатомуз сўзлар айтиб, кейин ўғилларига жавоб бериб юборган эди.

## ЯНГИ ПОДШОҲ — ЯНГИ ҚОНУН

Янги подшоҳ, янги тартиб деганларидек, мана, Султон Маҳмуднинг вафоти, у неча йиллардан бери бошқариб келган давлат тизими, шу билан бирга девондаги хешу ақраболарнинг ҳам тақдирига таъсир этмай қолмади. Подшоҳнинг ўлими туфайли сарой атрофида йиллар давомида давлат ишларини бошқариб келган бош вазирдан тортиб, девоннинг каттами-кичикми мансабдорлари ҳам ўзларининг тақдирлари ҳақида ўйлашарди. Сарой катта бир томоша сахнасига ўхшар, гўё энди ҳар ким ўз ўрни, қисматини ўйлаши керакдек. Энди янги подшоҳ кимни ўзига бош вазир этиб олур экан? Собиқ бош вазир амалдалик чоғида ҳукмдорга ишониб, кимларга зуғум ўтказмади?! Ҳамма бир чеккага чиқиб, бир-бирлари билан сирлашишар, тахт атрофида бўлаётган саноатларни билар-билмас, уёқ-буёқдан эшитганларини, гўё ҳамма нарсадан хабардор одамдек гапириб беришарди. Яна бировлар: «Энди ҳукмдорнинг эркаси — Хожа Аҳмад Ҳасаннинг ҳам ҳолига вой, Султоннинг айғоқчиси эди. У ҳамма нарсадан воқиф, ернинг тагида илон қимирласа биларди. Ажаб бўлди. Мана энди одамларнинг юзига қарай олмайди, яккамоҳов бўлиб қолди», дердилар.

Салтанатда Султон Маҳмудга жон-жаҳди-ю, яна садоқат билан хизмат этиб келганларга энди бошқача муносабат, бошқача қараш кайфияти ҳукмрон. Девоннинг ҳар бир амалдори, оддий хизматчиси, «мен энди шу олий даргоҳда қоламанми, йўқми, буёғи энди не бўлур», деб ҳар ким ўзича мулоҳаза юритарди.

Ҳукмдор хасталик чоғида ҳеч ким танимаган бир барваста йигит унинг ҳузурини бўлиб, девондаги баъзи бир амалдорлар, шу жумладан, вазирнинг ҳам хуфия қилмишлари, кирдикорлари ҳақида маълумот берган. Афтидан, ўша йигит Султоннинг бирор зот ҳам билмаган махфий айғоқчиси бўлган эмиш. Аҳмад Ҳасанак уни кўрган. Афтидан, Тусга, шоир Фирдавсийга юборилган карвонни бошлаб боришни ҳам подшоҳ нечундир ўша йигитга топширган. Шу миш-мишлардан кейин ҳамма ўзидан хавотирда. Султон Маҳмуд ўлимидан олдин айғоқчиси айтган сирларни бирортага

айтганми, йўқми ёки айтолмай ўзи билан бирга олиб кетганми, бу сир-сирлигича қолди.

Амир Масъуд тахтга ўтирди-ю ана энди ҳақиқий томоша бошланди.

Ақл соҳибларининг айби шундаки, улар кўпинча ифво, фиску фасодларга лаққа тушадилар, зеро, ўша ифвогар ғаламуснинг сўзларида, чақимларида ўз шахсий манфаатлари борлигини билмайдилар. Бошингга тож қўнган вақтда ҳар бир сўзинг, гар ақлли гап бўлмаса ҳам, нишонга тегар, барча уни қувватлар эди, мансабдан кетдингу, энди айтаётган фикрларинг доно, ибратли, ҳар қандай ақлли сўз бўлса ҳам, ҳеч ким уни тингламайди, эътибор ҳам қилмайди. Султон Маҳмуднинг сирдоши, энг ишонган тоғи Хожа Аҳмад Ҳасан(ак)нинг ҳолати ҳам худди шундай аянчли, фожиали эди. Йиллар давомида салтанатнинг ёғини ялаган, ҳар бир сўзи ўқдек мўлжалга бориб тегиб турган вазирнинг бошига ҳам энди бало тошлари ёғилмоқда, ҳаёти ҳам хавф остида қолган. Унинг юриш-туришида ҳаловат йўқ, ҳеч ким унга энди эътибор ҳам қилмас, баъзилар ҳатто кўрганда саломлашмас эди. Ҳа, дунё шундай, мансабдан кетдинг, обрўйинг ҳам бир пул.

Буни ҳаёт дерлар. Ўйлаб қаралса, вазир амалдаги чоғида Султоннинг ишончига кириб олиб, одамлар бошига не савдолар солмади дейсиз. Халол, покиза одамларни Султон Маҳмуд Ҳазнавийга ёмон кўрсатиб, саройдан четлаштирилганлар, зиндон ё қатл этилганлар озми?!

Бугун машваратнинг мажлиси. Амир Масъуд биринчи бор девон аҳлини йиғиб, энди очикчасига «дилдан» сўзлашиб олмоқчи.

Қарангки, унинг тахтга келишига тиш-тирноғи билан қарши бўлган, Султон вафотидан кейин Мухаммадга чопар юбориб, уни тахтга ўтқазиб қўйганлар ҳам жимгина писиб ўтиришибди. Иймонлари комилки, зийрак ва тадбиркор ўғил барча сиру синоатлардан бохабар. Унга аллақачон кўп гапларни оқизмай-томизмай етказишган. Боз устига ўзи ҳам кўп нарсаларни билади, сезгир. Бу ўринда вазири аъзамнинг ашаддий душмани, у билан доимо нифоқлашиб келган Хожа Абу Саҳл Завзаний ганимдан энди ёвуз душманга айланди.

Машварат йиғинида вазир Амир Масъуд берган саволларига жавоб бериш ўрнига, яна эски одати бўйича «мен отангизнинг содик кишиси эрдим, отангиз ундай қилардилар, бундай қилардилар», деб янги ҳукмдорнинг кўнглини бўшатмоқчи бўлди.

Шунда Абу Саҳл Завзаний:

— Жаноб олийлари, энди сизнинг карвонингиз ўтиб кетган. Амир не деса, гап қайтармай сўзсиз бажармоғингиз даркор. Раҳматли Султон Маҳмуд сизни жуда эркалатиб юборган эрдилар. Энди сизнинг кунингиз битди ҳисоб. Қилмишларингиз учун жавоб берадурғон вақт келди, — деди-ю ғазаб билан унга қараб турди.

Ҳали Султоннинг гўрига тортилган тупроқ қуримай, бу нобакорнинг подшоҳимиз шаънига айтаётган гапларини қаранг, деб кўнглидан ўтказди собиқ вазир.

Кейин Абу Саҳл Завзаний:

— Бу қарматий ит билан сўзлашиб ўтирмак даркормикин? — деди Масъудга юзланиб.

Хожа Аҳмад Ҳасан(ак) ҳам бўш келмай:

— Ким сак, ким одам, билмаймен. Бу ердагиларга ва барчага менинг тағи-тахтим, насл-насабим беш қўлдек маълумдир, Султонимга ҳам, — деди гапга унчалик аралашмай ўтирган Амир Масъудга ишора қилиб. — Менинг кимлигим сизларга маълум-ку?! Амалим, олий даражам, беҳисоб хизматкорларим бордир, агар билсангиз. Дунёнинг барча аччиқ-чучукларини кўрдим. Султон Маҳмудга садоқат бирлан хизмат этдим. Ул раҳматлик буюрган барча ишларни ўринлатиб бажардим. Хўш, мендан не истайдурсизлар? Барчамизнинг сўнги борадиган жойимиз маълум ва аниқдир. Агар ажалим етган бўлса, майли, ўлақолай. Ахир мен Алининг ўғли Хусайндан ортиқ эмасман-ку?! Нақадар пасткашлик бу! Менинг ҳақимда ёмон сўзлар айтаётган, ит деб ҳақорат қилаётганлар, ҳатто меним ҳақимда шеър битиб, эшигимга ташлаб кетибдурлар. Бу қандай ғаламуслик, кошки эди ер ёрилсаю, унга кириб кетсам. Бола-чақаларим олдида шарманда-ю шармисор бўлдим-ку! Сиз, амирим, мени жуда яхши биласиз-ку, — деди яна Амир Масъудга мурожаат этиб. Масъуддан садо чикмади. Гўё у масалани ҳал этишни машваратнинг ўзига қўйиб бергандай.

Барча ялт этиб Абу Саҳл Завзанийга қаради: «Нахотки, шундай пасткашлик қилган бўлса» деб. Унинг ранги бўздек оқариб кетган эди. Шу пайт иложи бўлса Хожа Аҳмад Ҳасанакни тилка-пора қилиб ташласа эди. Уришиб кетишларига ҳам оз қолди.

Абу Саҳл Завзаний алаmidан бакириб:

— Сен ўзинг қаерда ўтирганингни билурсанму? Гўё ҳали ҳам ўзингни вазирдек тутмоқдасен. Шундай олий машваратга ҳурматинг йўқму?! Бошингда давлатинг бўлган чоғда, бизга не қилиқлар қилганинг, ажаб хангомалар кўрсатганинг ёдингдаму? Раҳматли Султон Маҳмудга уни чалғитиб, гап ташиганинг, ҳатто шоир Фирдавсийга олтин ўрнига кумуш танга бериб, Султоннинг обрўсига путур етказганинг-чи? Фирдавсий Ғазна шахриндин йироқлашмай туриб, унинг номидан битилган, даргоҳга етиб келган, марҳум Султон Маҳмуд Ғазнавийни ҳақоратлаган ҳажвияни аслида ким ёзганлигини билурсен. Ёдиндан чикдиму ўша ғаламусликларинг, фитнагар?.. Амирим, — деди Амир Масъудга юзланиб. — Энди гапни қисқа қилайлик. Бу йиғинда бир масалани ҳал этмоқ ниятда тўплангандурмиз. Ҳиндларда бир мақол бор: «арқоннинг узун, гапнинг қисқаси яхши», деган. Аҳли мажлис, шунча гап-сўз етар энди. Қатъий бир қарорга келайлик, ҳукумдоримиз Амир Масъуд ҳам бизни шу мақсадда бу ерга йиғмишлар, — деди Абу Саҳл Завзаний яна ҳукмдорга суянгандай бўлиб.

Хожа Аҳмад Ҳасан жим. Ҳамма гап Амир Масъудда. Бу савдолар унинг изми билан бўлаётгани маълум бўлиб қолди, барибир энди уни аямайдилар, бу унга маълум. Такдирга тан бериш керак. Фишт қолипдан кўчган. Ўша вақтда қарсиллаб-гуриллаб юрганида мансабидан фойдаланиб қанча одамларнинг ёстигини қуритмади. Бунга ўзи ҳам яхши билади. Ундан ҳамма қўрқар, хавотирда юрар эдилар. Иложи бўлса, унинг суҳбатидан ҳам қочишар, агар бирор ноўрин сўзлаб қўйишса, Султоннинг қулоғига тезда етиб борганини ўзлари ҳам билмай қолардилар. Ўлгудай гап ташувчи, ғаламус эди. Шу одам туфайли саройдаги барча бемаъни, майда-чуйда гаплардан ҳам подшоҳ воқиф эди.

Машварат котиби кўлидаги қоғозга қараб собиқ вазирнинг мол-мулки, хазинасидаги беҳисоб жамғармалари, ерлари — ҳамма-ҳаммасини бирма-бир санаб чиқди.

Шундан кейин Абу Саҳл Завзаний:

— Мана, энди бирор қарорга келмоқ даркор, — деди.

Ўтирганлар бир-бирларига қараб кўз уриштиришар, бўлаётган можарога ўз муносабатларини айтишга негадир юраклари дов бермас, собиқ вазирнинг турқидан, савлатидан ҳали ҳам кўрқишарди. Агар масала чаппасига айланиб кетса, нима бўлади, деб. Бунақа ишлар подшоҳлар саройи тарихида бўлган, ёлғон ростга, рост ёлғонга айланган вақтлар ҳам.

Одамларнинг кўрқиб ўтирганини сезиб:

— Сиз энди эшикка чиқиб турингиз. Энди биз келишиб, бир қарорга келайлик, — деди Абу Саҳл Завзаний унга қараб.

Собиқ вазирнинг ҳолига вой. Энди уни қудратли ҳимоячиси, ишонган тоғи йўқ. Амир Масъуд бўлса гўё бетарафдек бошини ҳам қилганча аста-секин мажлисдан чиқиб кетди.

Бир неча дақиқа ўтмасдан уни яна машваратга таклиф қилишди. Ҳукми олий ўқилди. Унинг барча мол-мулклари мусодара этилиб, ўзини дорга осишга қарор этилган эди.

Шу заҳотиёқ вазирнинг қўл-оёқларига кишан солиб, олиб чиқиб кетдилар. Қисмат китоби пешанасига шундай шармандалиқни ёзган экан — на қилсун? Энди ундан мутлақо қутулиб чиқиб кетишнинг имкони йўқдир.

Шунда собиқ вазир уларга сўнгги бор мурожаат айлаб:

— Сўнгги илтимосим шулким, оилам, бола-чақаларимга озор берманглар. Менинг Оллоҳ олдида виждоним пок эрур! — деди.

Муҳокамадан сўнг, бош вазирнинг қўлларини боғлаб, оёқларини кишанлаб шаҳарнинг марказий дарвозаси томон олиб кетишди. Подшоҳ жарчилари шаҳар бўйлаб одамларга бўлажак қатл ҳақида жар солар эдилар. Тумонат катта-кичик дарвоза томон оқиб бо-



рарди. Оломон хаяжонда, баъзилар йиғлаб, ачиниб, баъзилар «ажаб бўлибди» деб вазирни сўкиб-қарғар эди. Бир тўда қаландарлар «ё Оллох, ё Оллох» деб айюханнос солишар, ваҳима билан жазавалари тутиб, уларнинг юз бераётган қотилликка мойиллигини ҳам, қаршилигини ҳам аниқ билиб бўлмасди.

Мана, кажавода собиқ бош вазирни шаҳар дарвозаси ёнига олиб келишди. Дастори ҳам йўқ, боши офтоб нурида ялтирайди. Чунки бошида битта ҳам туки қолмаган, калбош эди. Жабрланувчининг бошига махсус тикилган қопни кийдириб, бўйнига сиртмоқ солинди. Бир дақиқа ичида ҳамма нарса тайёр. Барча ҳаракатлар олдиндан ўйлаб қўйилган. Дақиқалик мудҳиш бир жимжитлик. Ясовуллардан бири пишқириб безовта турган отни қамчи билан қаттиқ урган эди, кажава ажралиб, Хожа Аҳмад Ҳасанак сиртмоққа осилганча типирчиларди. Бир оз безовта бўлиб оёқлари қимирлаб турдида, кейин жим бўлиб қолди...

Оломон ўртасида дод-войлар бошланди. Кимлардир айюханнос солиб йиғлар, кимлардир Оллохга ҳамду сано айлар, кимлардир қарғар эди.

Айниқса, вазир онасининг оппоқ сочларини ёйиб, дод-фарёд билан айтиб-айтиб йиғлаши, ҳатто душманларни ҳам юрагини эзиб юборар, ўтган-кетганлар бир оз тўхтаб, онанинг нолишини эшитиб, уни юпатишга уринишар эди.

— Эй Оллох, қариганимда не кунларни бошимга солдинг? Энди фарзанд доғи ҳам бор эканму қариган чоғимда? Аҳмадим фарзандларим Султони эрди. Унинг ўрнига мени дорга оссалар бўлмасмиди?! Султон Маҳмуддек подшоҳи олам унга бу дунёни ҳадя этди, Амир Масъуд бўлса у дунёни лойиқ кўрди, эй Худо, бу не кўргилик, шунчалик ҳам адолатсизлик, қонхўрлик бўлурму?

Ўтган-кетганлар дорга осилган вазирни, сочларини юлиб зор-зор йиғлаётган онаизорнинг нолишини эшитиб, кимларнидур лаънатлар, қарғар эдилар. Бир нишопурлик шоир ўша куниёқ вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанакка атаб тўрт банд байт ҳам тўкибди:

*Оқиллар оқили эди у, аммо,  
Бошин танасидин этдилар жудо.  
Неча-неча йиллар эрди-ку, буткул,  
Подшоликнинг кўрки, шамшири ул.*

*Қарматиймиди ё жуҳуд, ё динсиз,  
Хукмдор қаҳрига учради, эсиз.  
Ўта аблахликдур, этмаклик аниқ,  
Дастурхонга айлаб бошини тортиқ.*

Дунё ишлари шундай, кеча осмонда эдинг, мана ерга тушиб, бугун дорга осилдинг. Бебако дунё дەرлар буни, тожу тахт, мансаб, бойлик ҳеч қачон абадий бўлган эмас, юзларингни ҳадеб машриқ ва мағриб томонларга бурабериш яхшиликка олиб келмас, эл-юртга садоқат ва меҳр билан хизмат қил, ҳасад-ғийбатдан ўзингни сақла. Ғаламисликнинг оқибати яхшилик билан тугамас. Фоний дунёда иймон-эътиқодли бўлиб, яхши амаллар қилиб яшамоқ даркор.

Зуғум ва инсофсизлик шунчаликки, марҳум вазирнинг оиласи, болалари минг бор ялинсалар ҳам Хожа Аҳмад Ҳасанакнинг мурдасини дордан олиб кетишга рухсат этишмади...

Мана, энди яна бир катта чинор йиқилди, девон гўё эгасиз қолгандай. Чунки вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак ўзининг салобати, ишбилармонлиги ва ниҳоят қаттиққўллиги билан ҳаммаёқни тартибга солиб қўйган, бирор киши унинг измисиз иш тута олмас, чунки саройда илгаритдан маълум тартиб-интизом жорий этилган эди.

«Кимга тўй, кимга аза», деганларидек унинг қатл этилишидан баъзилар ғам-ташвишга тушиб қолган бўлсалар, баъзи биров унинг вазоҳатидан кўрқиб хавотирда юрган, айниқса, Абу Саҳл Завзанийга ўхшаганлар хурсанд, бир балодан кутулдим деб. Энди унинг «мушугини пишт» дейдиган одам йўқ, Абу Наср бўлса, ўзини анча тортиб қўйган, бир томони қарилик бўлса, иккинчи томондан, суянчиғи, пуштипаноҳи Султон Маҳмуд оламдан кўз юмиб кетди. У саройда анча ёлғизланиб қолган. Сарой шоирлари, олиму фузалолар ҳам илгаригидек ўзларини унчалик эркин ҳис этмасдилар. Уларни қўллаб-қувватлаб, ҳаттоки йўқлаб,

мушоиралар ўтказиб, совға-саломлар бериб турадиган пуштипаноҳлари йўқ. Албатта, Амир Масъуд ҳам уларни эътиборсиз қолдирмайди, лекин ҳарҳолда отасидек эмас. Бунда Абу Саҳл Завзанийнинг ҳам маълум даражада таъсири бор, чунки унинг наздида давлат хазинасига анча оғир тушаётган «бекорчи» шоирлар «ўроқда йўқ, машоқда йўқ», битта байтми, ё қасидами ёзиб, хазинадан жарақ-жарақ пуллар олса, шу ҳам мурувватданму!

Хожа Аҳмад Хасанак дорга тортилган ўша мудҳиш кундан сўнг, Завзаний бир оз ўзига келди. Уни четга суриб, жиловини тортиб турган одам энди йўқ. Девонда «ўзи хон, ўзи бек». Унинг учун бемалол, ҳеч нарсадан қўркмай ишлайдиган давр келди. Амир Масъуднинг унга муносабати анча яхши. Девонда кун бўйи иш кўп эди, кечга томон ҳукмдор ҳам хуфтон бўлмасдан эртароқ, «Боғи Фируз»га кетди. Абу Саҳл Завзаний ҳаяжонда, гўё Ғазна салтанатига ўзи подшо бўлиб қолгандек. Нечундур шу чоқда юрагини ёзадиган, қувончларини сўзлайдиган бир дилкаш бўлса эди. Қутилмаганда эшик очиб қадрдон дўсти Ўғдулмиш кириб келди. Уни ўзи девонга ишга олган.

— Яхши келдинг, азизим, Хизрни йўқласам ҳам бўлур эркан, — деди кўнгли ёришгандай.

Ўғдулмиш бир чеккага чўкди, қўлини дуога очиб:

— Илоҳо, умрингиз узоқ, мансабингиз бундан ҳам зиёда бўлсун!

— Кўнглим сени истаб турган эди, дўстим, қани, кел, менинг даври-давронимда бир маишат қилайлик, бемалол ўтиравер, Амиримиз ҳам букун хилватга кетдилар, хури филмонлар билан маишат қурурлар. Ул олий зотнинг соясинда биз ҳам бир маза қилайлик, — деди-ю эшик ёнидаги ғуломлардан бирини чорлаб, хонага емак-ичмак келтирмоқни буюрди. Кейин: «Мутрибларни ҳам чақир», деб қўйди.

Бир зумда дастурхон тузалди. Мажлисга мутриблардан ташқари бир неча ғуломлар ҳам таклиф этилди. Ўз-ўзидан бир дақиқа ичида майлар қўйилиб, ширин суҳбат бошланиб кетди. Бу шошилишч мажлисдан Ўғдулмиш ҳайрон, илтифотнинг барчаси гўё унинг учун бўлаётгандай эди.

Бир-икки пиёла май ичилгандан сўнг, гап-гапга ковушиб кетди. Абу Саҳл Завзанийнинг оғзи тинмас, кайф устида яна ўша Хожа Аҳмад Ҳасанакни ёмонлар, амирлар амири, бизнинг пуштипаноҳимиз деб, Масъудни осмонга кўтариб мактарди.

Яна бир пиёладан май ичилгач, Муҳаммад Завзаний очилиб кетди, қаршисида ўтирган хушмўйлов, қадди-басти келишган ғуломга ишора этиб:

— Темуртош, қани, ҳалиги овқатингни олиб кел, — деб қолди кўзини қисиб.

Ғулом шуни кутиб тургандек, дик этиб ўрнидан турди-ю, таъзим-тавозеъ билан кўлини кўксига қўйиб, хонадан чиқиб кетди ва бир дақиқа ҳам ўтмасдан, кумуш идишда, қопқоғи ёпилган таомни олиб кирди ва авайлаб дастурхон ўртасига қўйди. Ҳамманинг кўзи ўша идишда, нима овқат экан деб.

— Жуда ҳам тансиқ таом эрур, атайин сизлар учун деб тайёрланган, — деди маст кўзларини сузиб Муҳаммад Завзаний.

Кейин ғуломларга қараб:

— Шу таомни еймизми? — деди.

Улар бараварига:

— Еймиз, еймиз, — деб шовқин солдилар.

Ўғдулмиш хайрон: ёш ғуломлар бу зиёфатдан хабарлари бор экан шекилли, деб кўнглидан ўтказди.

— Қопқоқни очаберамизми? — деди яна.

— Очаберамиз, — деди улар яна ўргатилган тўтидек бараварига.

— Очабер бўлмаса, — деди Завзаний ғуломга.

Темуртош гўё бир муҳим вазифани бажараётгандай виқор ва илтижо билан қопқоқни кўтарган эди, дастурхон атрофида ўтирганларнинг барчаси бўйларини чўзиб, кумуш идишга энгашдилару, кўрқувдан «ханг-манг» бўлиб қолдилар. Абу Саҳл Завзанийнинг ёнида ўтирган дўсти Ўғдулмиш бирданига ҳушидан кетиб йиқилди...

Хожа Муҳаммад Завзаний ранги докадек оқариб, ерда беҳуш ётган дўстига қараб:

— Эй сен кўрқоқ, чумчук юрак, ҳали шунчалик асабинг бўшму? Тур ўрнингдан, — деб пиёладаги майни юзига сепиб юборди.

Ўғдулмиш бир оздан сўнг, ўзига келиб, зўр-базўр ўрнидан туриб ўтирди. Лекин рангида ранг йўқ, тинмай тамшанар, кумуш идишга қарамай, дир-дир титраганча юзини тескари ўгириб ўтирарди.

Мажлис аҳли не кўз билан қарасаларки, кумуш идишда таом эмас, қонга бўялган ва куни кеча дорга осилган вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанакнинг боши эди. Уни Абу Саҳл Завзаний ўзининг ишончли одамларига буюриб, шаҳар дарвозасидаги дордан атайин олдириб келтирган экан.

Бундай ўта табъсизлик маишат қилиб ўтирганларнинг баъзи бирлари учун жуда ҳам ёмон кўнгилисизлик эди. Ўғдулмиш бўлса, аччиғидан бирор гап айтмоқчи бўлиб оғзини жуфтладию кейин фикридан қайтди. Умуман ўтиришга совуқлик тушди, қўйилган майлар идишида қолди. Мутриблар асбобларини йиғиштира бошладилар. Абу Саҳл Завзаний мажлис аҳли олдида ўзини ноқулай ҳис этар, кейин идиш кўтариб кирган гуломга «Темуртош, тур, анавини олиб чиқиб кет», деди жаҳл билан.

Албатта, Хожа Абу Саҳл Завзанийнинг бу жирканч қилмиши ҳақидаги гап девондан ташқарига ҳам чиқиб кетди. Бу ўта нохуш ғаламуслик Амир Масъуднинг қулоғига бориб етдими, йўқми, бирор нарса дейиш қийин. Аммо Ўғдулмиш эртаси куни Абу Саҳл Завзанийнинг ҳузурига атайин кириб, дўстига айтадиган гапини очиқчасига юзига солди:

— Бу қилмишинг билан ўзингни ким эканлигингни кўрсатиб қўйдинг. Нечун шунчалик қабиҳликка бординг? Бу қилмишинг худога ҳам, бандасига ҳам ёқмай-дур. Оллоҳнинг ғазабидан қўрқмадингму? Анави ҳажвияни ҳам вазирга тўнкадинг!

Ўғдулмиш айтадиганини айтди. Кейин индамай этагини қоқиб, қўлидан келса мени ишдан бўшатиб юборар, бу даргоҳни елкаминг учи кўрсин, деб чиқиб кетди. Абу Саҳл Завзаний унга бир оғиз ҳам сўз демади, дея олмасди ҳам.

Ўша аянчли кунлардаги зуғум, инсофсизлик шу даражага бориб етдики, марҳум вазирнинг онаси Султон ҳузурига ялиниб-ёлвориб борса ҳам аввалига майитни дордан олиб кетишга рухсат этишмади.

Кейин онаизор хадеб йиғлаб-сихтаб амирнинг хузурига келаверганидан жони ачишиб, кўз ёшларига раҳми келиб вазирнинг жасадини олиб кетишга розилик берди.

Хожа Аҳмад Ҳасан(ак)нинг яқинлари унинг бир неча ой дорда осилиб турган ва қуриб қолган жасадини тушириб олганларида, вазирнинг боши йўқ эди. Кейин бу фожиани ҳеч кимга билдирмай, майитни кафанга ўраб бутун расм-русумлар билан қабристонга элтиб кўмдилар. Сўнг эл-юртга ош бериб, унинг рухига хатми Куръон ўқилди.

## **ЧАРХИ ФАЛАК ДЕРЛАР БУНИ**

Ота улуғ, муқаддас сиймо. У шохми, гадоми, барибир, оиланинг бошлиғи, фарзандларининг падарибузруквори. Отанинг кадри, айниқса, унинг вафотидан кейин билиниб қолади. У ҳали ҳаёт экан, оила тинч, фарзандларининг кўнгли тўқ, бағри бутун, ҳеч нарсани ўйламасдан, отам бор деб керилиб, давридаврон суриб юраверади.

Шахзода Амир Масъуд ҳам шундай ҳолатда. Энди ўйлаб қараса, отаси унинг учун бир баланд тоғ экан. Унга жуда-жуда суяниб қолган экан. Султон Маҳмуд ёруғ дунёдан кўз юмиб кетдию, унинг тинчлиги бузилди. Дастлаб тожу тахт можаролари билан подшоликка интилиб, укаси Муҳаммадни тахтга йўлатмади, гарчи отаси подшоликни унга васият қилган бўлса ҳам. Ҳатто уни қалъага олиб бориб қўйиб, барча ишлардан мосуво қилди. Мана, энди боши бир тошга бориб тақ этиб теккандан кейин кўзи очилди. Кўп нарсага тушунди. Отасини эслаб қолди.

Ҳиндистонга зафарли юришларида қўли баланд келиб, кўп бойликларга эга бўлиши, қаерга қўлини урса, омади келиб, ошиғи олчи турганлиги, бундай ўйлаб қараса, буларнинг барчаси орқасида мустаҳкам таянчи, отасининг борлиги экан. Мана, энди Султон Маҳмуд йўқ, тожу тахт, бутун салтанат, хазинадаги беҳисоб бойликлар — барчаси унга қолди. Шундай катта давлатни бошқариш унинг қўлида. Лекин шахзоданинг негадир юраги нотинч, уни ҳимоя қилиб турган

маънавий бир куч энди йўқдай. Баъзан ўзидан ўзи юраги орқасига тортиб кетади, безовта ухлайди, юраги сиқилиб, томоғига бир нарса келиб тақалади. Нега, нечун шундай? Ё ноўрин ишлар қилаётгани учун отасининг руҳи уни босмоқдами?

Аввало у Султон Маҳмуд вафотидан кейин саройда бир неча йиллар давомида отасига садоқат билан хизмат қилган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ишончли кишиларни бирма-бир ишдан четлаштира бошлади, баъзиларини хору зор айлади. Айниқса, Султон Маҳмуднинг энг ишонган вазири Шамсулмулк Хожа Аҳмад Ҳасанни шармандаю шармисор этиб, молу мулкани мусодара айлаб, ўзини ўлимга маҳкум этди. Бу, албатта, эл-юрт ўртасида кўп шов-шувга сабаб бўлди.

Булар етмагандек Абу Саҳл Муҳаммад Завзанийнинг Хожа Аҳмад Ҳасанакнинг калласини олиб келиб ўз шогирдлари олдида мактаниб ўта юзсизлик қилгани галамусликнинг чўққиси бўлди. Бу номаъқулчиликлар Масъуднинг обрўсига соя солди, албатта. Чунки Абу Саҳл Завзаний отаси вафотидан сўнг, унинг ишончли кишисига айланган эди-да. Султон Маҳмуднинг тахт вориси этиб Муҳаммадни тайинланганида ҳам гап бор экан. Чунки донишманд, тажрибали ота, афтидан, шахзода Масъуднинг феъл-атворидаги қора томонларини сезган экан ҳаёт чоғида. Балхнинг собиқ ҳокими Али уни муборакбод этиб, совға-саломлар билан келганида, аввало, иззат-икром билан қабул айлаб, кейин хайрлашиб чиқиб кетаётганда ваҳшийларча калласини олдириб юборганлигини қандай баҳолаш керак? Амир Масъуднинг бу номард қилмиши ҳам ҳеч кимга ёкмади.

Бундан ташқари, Амир Масъуднинг баъзи бир хулосахўрлик, харом ишлари ҳам кибор доиралари ўртасида гап-сўз бўлиб қолди. Хуросон нойиби Ас-Сурийнинг Амир Масъудга хушомадгўйлик қилиш мақсадида давлат хазинаси учун халқдан ундирган бойликлардан ташқари, Амир Масъудга қилган кўп қимматбаҳо совғалари тўрт миллион дирҳамлик бўлганлигини айтиш кифоядир.

Шу боисдан Амир Масъуд бир куни кайф қилиб ўтирган чоғида яқинларига фахр билан: «Мана шу

Сурийга ўхшаган яна икки-уч хизматчим бўлганда жуда катта фойда олардим», деб мактанган.

Бой-боёнлар вилоятларда кичикроқ амалдорларни талайди, улар бўлса бунинг ўрнини тўлдириш учун оддий халқни, камбағал-бечораларни талайди. Шу босидан қашшоқлашиб қолган деҳқонлар бошқа жойларга, шаҳар ҳунармандлари, баққоллар уй-жойларини ташлаб, қўшни вилоятларга қочиб кетишган, ҳатто баъзилари қароқчилик қилишга мажбур бўлган. Ахийри Хуросон босиб олинди-ю, бечора халқ кутулди.

Адолатсиз, ноўрин ишлар туфайли салтанатнинг пойдевори зил кета бошлади. Ўша вақтдаги инсоф-адолат, халқ манфаатларини ўйлаш, лашкарлардаги мардлик ва ватанпарварлик ҳиссиётлари борган сайин сўна бошлади. Турли қавм-элатлардан ташкил топган қўшинлар ўртасида ҳам низо, бир-бирини кўра олмаслик кайфиятлари кучайиб борди.

Салжуқийлар амири Чағрибекнинг атоқли лашкар-бошиларида бири ёзиб юборган бир хат ўша кунлардаги Ғазна салтанатидаги вазиятни белгилаб бергувчи ҳужжатдир. Мактубда бундай дейилади:

«Салжуқ амирларининг қиличлари ҳам тиллари каби ўткирдур. Сен, ҳукмдоримиз эса уларнинг чангалларини аввалроқ қискартириш ўрнига, май ва муסיқа базми билан овора бўлдинг. Кўзадаги майнинг тиниклигига ва хонандалар хонишига маҳлиё бўлган одам подшоҳликка муносиб эрмас. Энди сенинг давлатинг қариди. Ҳеч бир табиб уни яшартира олмайди. Салжуқларнинг юраги жангларда қувват ва тарбия топган. Улар ўлим хавфидан қўрқмайдилар. Уларнинг қахрамонлари гўё одам зотидан эмасдай, ўлимни хурсандчилик билан кутиб оладилар».

Амир Масъуд мактубни ўқиб чикқач, ғазаби қўзиб кетди. Кўзларига қон тўлиб, агар ўша лашкарбоши ҳозир шу ерда бўлса эди, бу ҳақоратли сўзлари учун жағини ёриб ташлаган бўлур эди.

Жаҳонни ларзага солиб, ҳеч кимга ўзини ҳам, сўзини ҳам бермаган, кимсан, буюк салтанатнинг яккаю ягона подшоҳи, Шарқ оламидаги барча давлатларга йўл-йўриқ кўрсатиб турган Амир Масъуд энди салжуқийларга масхара бўлиб қолибдурму? Мен айш-ишрат, май, му-



сиқа базми қилсам нима бўлибдур, бу гуноҳму? Қайси подшоҳ айш-ишрат билан машғул бўлмас эркан? У ўзига-ўзига хўжайин, ҳукмдор бўлгандан кейин нима қилса ўз ихтиёрида-ку?! Ажабланарлиси шундаки, ахир салжукларнинг ўзлари-чи, май ичмайдиларму, маишат қилмайдиларму? Агар уларнинг қилмишларига бир назар ташласангиз, эҳ-хе, дунёда не бемаънигарчилик бўлса, барчаси ўшаларда-ку! Энди, афтидан, ўзларини адолатли, хушфезл, инсонпарвар қилиб кўрсатмоқчилар шекилли! Қани, энди ўша номард лашкарбоши ёнимда бўлганда қўлларини синдириб ташлаган бўлардим. Амир Масъуднинг фиғони чиқди. Юзлари қизариб кўзи қонга тўлиб, лаблари титрарди.

Амир Масъуд сарой ғуломига зудлик билан Абул Фазл Байҳақийни чақиришни буюрди. Бир неча дақиқадан сўнг, салом бериб Байҳақий кирди. У анча ўзини олдириб қўйган, чунки вазири аъзам Хожа Аҳмад Ҳасанак қатл этилгандан кейин, Хожа Абу Саҳл Завзаний унга кун бермай қўйганди. Ҳар қадамда уни оёғидан чалишга ҳаракат қилар, қилган ишларини ёқтирмас, агар Амир Масъуд Байҳақийни қувватлаб турмаганда, Абу Саҳл Завзаний уни аллақачон ишдан четлатиб юборган бўлур эди. Хожа Аҳмад Ҳасанакнинг шунчалик хор-зор бўлиб ўлиб кетишига асосий сабабчи ҳам Абу Саҳл Завзаний бўлди.

Ҳукмдор бир оз сукутга кетди. Кейин Байҳақийга синовчан кўзлари билан қараб турдида:

— Жавоб ёзсак, не деюрсиз? — деди.

— Ёзмасангиз ҳам бўлур!

— Нечун?

— Индамасликнинг ўзи фикр айтмоқдур!

— Маъкул дедингиз, аммо...

Байҳақий деди:

— Олампадох, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, кўнглимга тугиб қўйган сўзларим бор, рухсат айласангиз!

— Сўзлангиз, ахир сиз ёмон фикр айтмайсиз-ку, икки қулоғим сизда, — деди ҳукмдор.

Байҳақий деди:

— Ўйлаб қарасам, бу дунё биз ўйлагандек эрмас эркан. Энди шу нарса аён бўлиб қолдиким, ҳамма

нарсани қилич кучи билан бажармоқлик хато эрур. Ақл-заковат билан, масалани минг бор ўйлаб, кейин бир марта кесмоқ даркор. Бобокалонингиз Сабуктегиннинг бир неча бор айтган сўзлари ҳеч ёдимдан кўтарилмас. Жайхун билан Сайхундек икки улуғ дарё оралиғида ва теварағида қадимдан жойлашиб қолган ва шу билан бирга дунё узра илдириб кетган туркий қавмлар, уруғ-аймоқлар, элатлар, барчамиз қондошлармиз, оға-инилармиз, қонимиз бир, туфроғимиз бир жойдан олинган Оллоҳнинг бандаларимиз. Биз ана шулар билан бир-биримизни суяб, дўст бўлиб, тил топишиб яшамоғимиз даркор эрур. Ҳадеб қилич кўтариб, яна бир-биримизга кўнгил оғритар сўзлар айтиб, душманчилик қилишдан не фойда? Сиз муаззам Ғазнавийлар салтанатининг бошида турибсиз. Агар иложи бўлса сулҳ, тинчлик, осойишталик йўлини қидирмоқ даркор эрур. Нечун биз Хоразм шоҳи, ўша донишманд олими замон Маъмунни жаҳолатли, мудҳиш ўлимга қадар олиб келдик. Туркий элларнинг қатта бир таянчи эрди-ку, ул тилло бош. Мен кўпни кўрган тарихнавис сифатида демоқчиманким, ифво, фиқу фасод гапларга учмасликнинг ўзи олижанобликдир. Амирим, Сиз мен бир фақир хизматкорингизнинг сўзларига аччиғингиз келмасун, менга ақл ўргатмоқда деб. Бу деганларимни менинг сизга, бутун ота-боболарингизга, барча туркий эл-элатларга бўлган ҳурмат-эҳтиромим, садоқатим белгиси деб билурсиз.

Амир Масъуд ўйланиб қолди.

Шу вақт эшиқдан Завзаний кирди. Унинг энди подшоҳ олдига бемалол, сўрамасдан кириб келишга ҳуқуқи бор. Чунки Масъуднинг ўзи унга шундай имконият берган. Завзаний Байҳақийга бир хўмрайиб қўйди-да, амирга салом бериб, бир чеккага ўтирди. Ўртага жимлик чўкди. Амир Масъуд ҳам, Байҳақий ҳам гўё «Завзаний не дер экан», деб унга қараб туришарди. Завзаний бўлса нима учундир бир сўз ҳам демай, гоҳ подшоҳга, гоҳ ўзининг ёрдамчисига қарар, айтарга сўз тополмасди.

— Сиз ҳам анави салжуқ амирининг мактубидан бохабар бўлсангиз керак? — деди ниҳоят Амир Масъуд.

— У аблахга тезда хат ёзмоқ керак. Сиз ҳазрат олийларига шунчалик ҳам беодоблик, ҳурматсизлик қилурму? Сиз киму, у ким? Бир биёбонийга бизни масҳара қилиб хат ёзмоққа ким ҳуқуқ берибдур? Агар Сизнинг ўрнингизда отангиз раҳматли бўлганларида эрди, шу бугуноқ аларнинг устига лашкар тортиб бориб, адобини бериб қўйган бўлур эрдилар.

Амир Масъуд Завзанийнинг сўздан кейин яна ғазабноклиги тутиб, салжуқ амирининг юзсизлиги, инсонгарчилиги йўқлигидан нафратланиб ҳақорат сўзларини айтди. Кейин:

— Тезда Чағрибекка мактуб йўлланг, айтингизки, Ғазнавийлар билан ўйнашманглар. Бизнинг куч-қудратимизга шу дамгача ҳеч ким бардош бера олмаган. Яна шундай ёзингларки: «Биз билан ўйнашма, адабингни бериб қўйурмиз», деб. Эслатиб қўйинглар, чунки бизнинг Султонлигимиз ҳам, амирлигимиз ҳам бор. Уларга ўхшаш пасткаш итваччалар эмасмиз. Ярим Ҳиндистон бизнинг пойимизда. Буёқда Хуросон, Хоразм... Сизларни кичик бармоғимиз билан эзиб ташлаймиз, деб ёзинглар. Яна буёғи ўзларингизга. Абул Ғазл гапга уста, бошлаб ёзсун. Бу ғазабнок ҳукмдорнинг аччиқ устида ўйламай айтган сўзлари эди.

Амир Масъуднинг Байҳақийни «гапга уста», деб мактаб қўйгани Завзанийга ёқмади. «Шу одамни саройдан йўқотмасам бўлмас», деб юрагига тугиб қўйди. Улар энди чиқиб кетаётган эдилар:

Амир Масъуд Байҳақийга:

— Сиз кетмангиз, — деб қолди.

Байҳақий чиқиб кетаётган жойида қайтиб келиб, «Не гап экан» деб ҳукмдорга қараб турди.

— Ўтирингиз, — деди хушмуомалалик билан.

Байҳақий одоб сақлаб чеккадаги ўриндикқа томон юрган эди, Амир Масъуд:

— Мана бу ерга ўтиринг, — деб ёнидан жой кўрсатди.

Ўртага бир оз жимлик чўқди. Амир Масъуднинг не учундир кайфияти бошқачароқ. Байҳақий бир оз хижолатда, бирор гап сўрамакни ҳам, сўрамасликни ҳам билмасди.

Амир Масъуд алломага ер остидан қараб турди-да, гап бошлади.

— Олиб қолишимдан мақсад, Сизга демоқчи бўлган гапим бор эрди, шу кунларда нима учундир отам раҳматли тушимдан чиқмай колдилар.

Байхакий ўтирган жойида бир тебраниб қўйди. Хукмдорни бунақа ҳолатда ҳеч кўрмаган эди.

Тушимдамиш, отам бир гўзал ва кўркам боғда ўлтирган эрмишлар. Бошдан-оёқ нурга кўмилган. Боғнинг ўртасинда зумраддин ясалган, кўм-кўк сарховуз бор эрмиш, анинг суви худди кавсардек зилол ва тиниқ эрди. Ҳовуз чеккасида сарвдек кўм-кўк дарахт бор эрмиш, қарасам, ул падаримнинг муборак бошлари узра бахт-саодат нуридин соя сочиб турибдур. Атроф сабззор, ранг-баранг турфа гуллар чамандек очилиб ётибдур.

Отамни кўриб хурсанд бўлиб кетдим, кучоқлаб юзларидан ўпдим, кейин пойига тиз чўкиб, этакларини ўлиб «Сизни соғиниб кетдим» деб, кўзимга ёш олдим. Кейин бу бахтнинг сабабини сўрдим. Шунда отам айтдилар:

— Эй менинг юрагимнинг бир пораси, ўвилгинам! Буларнинг барчаси менга Яратганнинг меҳр-муруввати эрур. Тириклик чоғимда қилғон саховатли, савоб ишларимга берилган мукофотдур.

Ҳиндистонга қилғон сафарим чоғинда кичик қишлоққа кириб бордик. Унда одамлар жуда ҳам қашшоқ яшар, уй-жойлари ўта хароб ва ночор эрди. Шу вақт дод-фарёд овози эшитилди, қарасам, бир золим каззоб, суяклари суягига ёпишиб кетган бир шўрлик қарияни дод-войига қарамай, икки боғ ўтинини, яна қопдаги сомонини, ҳатто овқат еб ўтирган яшил рангли сопол косасини олиб чиқиб кетмоқда экан. Ғазабим кўзгаб, навқарларга ўша золимни ушлаб ҳузуримга келтиришни буюрдим. Гувоҳлар иштирокида ул аблахнинг айбини бўйнига қўйдим, кейин ўғирланган нарсаларини қайтариб бердим. Золимни эса эл-юрт олдида бўғзидин дарахтга остирдим.

Менинг қилғон гуноҳларим кўп, албатта. Бегуноҳ фақат Оллоҳнинг ўзи, ана шу бир ғайридинга қилғон адолатли ишим учун Оллоҳ барча гуноҳларимдан кеч-

ди. Ўша бечора қариянинг уй-жойини сақлаб қолганим учун ушбу жаннат макон боғ менга ато этилди. Икки боғлиқ ўтинни қайтариб берганим учун бу тўбий-мисол дарахт соясидамен. Яшил косасини олиб берганим эвазига мана шу зумрад ховуз менга ҳадя этилди. Бир қоп сомон эвазига мана шу сен кўриб турғон майсазор боғлар менга насиб этди. Олчоқ бир золимини жазосини берганим учун менга абадий роҳат-фароғатли ҳаёт мукофот этилди.<sup>1</sup>

Амир Масъуд кўрган тушини батафсил айтиб берди-да, кейин Байҳақийга қараб турди, аллома не дер экан деб.

— Ажаб бир яхши туш кўрибдурсиз, оламpanох, — деди Байҳақий.

— Бунинг таъбири не бўлур?

— Таъбири шундай эрурким, сиз олий ҳазратлари ҳамон отангизнинг эътиборида эурсиз. Ул зот ўзларининг ўша қилғон саховатли ишлари ҳақинда хабар айлаб, яна бир бор Сиз севикли фарзандларига подшоҳликда қиладурғон дилкушо ишларингиз ҳақинда хабар бермишлар. Бунинг моҳияти яна шундаки, отабоболарингиз бунёд этган салтанатнинг қадрига етиб, кўпроқ адолатли, меҳр-муруватли ишлар қилиб, эл дардига дармон бўлмоқ лозимлигини билдирганлар. Бу ишда айниқса қариялар, етим-есирларга саховат кўрсатиб, золим, ғаразгўй, қабиҳ ниятли кишиларга эса аёвсиз, қаттиққўл бўлиш ҳақинда фикрлар айтмишлар.

Амир Масъуд Абул Фазл Байҳақийнинг сўзларини эътибор билан тинглаб турди, алломанинг овози кулоғига гўё шу дамда отасиникига жуда-жуда ўхшаб кетгандай туйилди. Амир Масъуд ўйлаб қараса, Байҳақий ҳақ гапларни айтур. Зеро, Беруний ҳам шундай фикрларни амирга айтган эди. Минг афсуслар бўлсинки, Амир Масъуд алломаларнинг маслаҳатларига ун-

---

<sup>1</sup> Атоқли шарқшунос олим ва адиб Азиз Қаюмов романи эътибор ва кунг билан ўқиб чикқандан сўнг қимматли фикр ва мулоҳазалари билан бирга буюк Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonидан олинган ушбу лавҳани илтифот менга бериб, уни асарнинг бирор жойида фойдаланишни маслаҳат берган эди.

чалик эътибор билан қарамади. Нима қилса ҳам, оламга донғи кетган ҳукмдор бўлгандан кейин кўнглига келганини қилади-да.

Мана, энди карвон ўтиб кетди, гишт қолипдан кўчди. Бундай ўйлаб қараганда, салжуқийлар билан тил топишса бўларди. Шарқда «Яхши гап билан илон инидан чиқади», деган мақол бор. Амир Масъуд шундай қилмади. Раҳматли бобоси Сабуктегин айтган эди: «Салжуқийларнинг илдизлари туркий қавмларга бориб тақалади», деб. Ҳарҳолда улар бегона эмас. Тилини топса бўларди. Ахир, қорахонийлар билан уруш-жанжалсиз сулҳга келишди-ку! Ҳатто қуда-андачалик билан дўстлик, қондошлик ришталари боғланди. Шуларни ўйлаб, бир кўнгли Чағрибекка юбормоқчи бўлган ўша номани қайтариб олмоқчи ҳам бўлди. Аммо ҳукмдорлик шаъни-шуҳрати бунга йўл қўймади. Гўё бундай қилмоқлик унинг иззат-нафсига тегадигандек, обрў-эътиборига зиддек туюлди. Беқарорлик, иродасизлик Ғазнавийларга ярашмайди, бобом ҳам, отам ҳам ҳеч қачон ўз айтқон сўзиндан қайтмаган. Ер остидан Байҳақийга қаради. У ҳукмдорнинг ички дунёсида бўлаётган ғалаёндан хабардордек, иккиланиб турганини сезаётгандек туюлди.

Шундан сўнг, ўртага бир оз сукут чўкди, амир Масъуднинг хаёллари бўлиниб, гўё бирор фикр айтишга ҳам ожиздай. Кейин ўзига эътибор билан қараб турган Байҳақийга юзланиб:

— Сиз не маслаҳат берурсизким, меним анчадан бери ўйлаб юрган бир ниятим бордур.

— Қандай ният эркан? Ҳарҳолда, сиз ўйлаган режа албатта саховатли иш бўлса керак?

— Падарибузрукворимга шаҳарнинг энг гўзал бир жойига мақбара курсам дерман, буни анчадан бери ўйлаб юрган эрдим. Ёдгорлик қуриладурган жойни ҳам мўлжаллаб қўйганмен.

— Жуда маъқул ўйлабсиз, амирим, кўп саховатли иш бўлур. Ахир, раҳматли отангиз Ғазна салтанатининг бобонгиз Амир Сабуктегиндин сўнг ҳақиқий ҳукмдори эрдилар. Энди сиз ҳам ота-бобонгиз йўлидан бориб, кўп элга манзур ишлар қилурсиз. Отангизга

хурмат юзасидан қанча яхши амаллар қилсангиз оз эрур, сизга ҳам фарзандларингиздан қайтгай. Ахир, буни қайтар дунё дерлар, буғдой эксанг — буғдой, арпа эксанг — арпа олурсен...

Амир Масъуд ўйланиб қолди. Айниқса Байҳақийнинг: «Отангизга ҳар қанча қилсангиз ҳам оз турур», деган сўзлари юрагига бориб теккандай бўлди.

Шу учрашувдан бир неча кун ўтгач, Амир Масъуд Фазнанинг моҳир усталари, курувчиларини чорлаб, ўз чизгиси билан отасига барпо этиладургон ёдгорлик мақбаранинг режаларини белгилаб, мақбарани тезкорлик билан қуриш ҳақида қатъий кўрсатмалар берди.

Шуниси муҳимки, Амир Масъуд мақбара қурилиши бошланишидан охиригача шахсан ўзи унга бошчилик қилган. Ёдгорлик битгандан сўнг, бутун шаҳар аҳлига ош бериб, катта маросим ўтказган!

Шундан бир ҳафта ўтгач, салжуқийларнинг кўп минг кишилиқ лашкарлари Балх шаҳрини қуршаб олдилар. Уларнинг аскарлари шунча кўп эдики, саноғига етиб бўлмасди. Отлари ҳам хипча, тезчопар, жангарий йигитлари от устида эпчил чавандоздек ўзини тутар, қиличлари ўткур. Лекин бундай қараганда лашкарларида интизом йўқдай. Чунки улар Балх атрофига тўпланиб, тинмай уёқ-буёққа чопишар, қичқиришар, бир-бирлари билан гоҳ уришар, гоҳ ҳазил-хузил қилиб ёқалашишарди. Майдон худди Фазна бозорини эслатарди. Агар жанг бошланса, улар худди чумолидек устингга босиб келаберади. Қўшин бошлиқларининг кийимлари оддий, ҳайвон терисини ёпиниб олишган.

Амир Чағрибекнинг елкадошлари Тўғрулбек, Ибн Довуд, Алп Арслон ва бошқа лашкарбошилари ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, жанговар, уруш усулларини яхши биладиган саркардалар эди. Салжуқий амирлар унақанги хашамат, ўзини қахрамон, паҳлавон деб мақтайдиган лашкарбошилардан эмасди. Урушда оддий жангчидек, муҳорабаларда оддий лашкарлар билан ёнма-ён туриб жанг қилишар, ўлимга ҳам тик боришга қодир эдилар.

Улар шаҳарни бир неча кун қамал этиб турдилар.

Амир Масъуднинг отасидан мерос бўлиб қолган юз минг кишилиқ кўшинлари жанговар ҳолатга келтирилган. Аммо Ғазнавийларнинг илгаригидек жангаворлик ҳолати энди йўқдек, лашкарларнинг ҳам, кўшин бошлиқларининг ҳам руҳий ҳолати яхши эмас. Баъзи бир лашкарбошилар Амир Масъуднинг сиёсати-ю, тутган йўли, муносабатидан норози. Улар Султон Маҳмудга, унинг ҳамшиша дадил, ишнинг кўзини билиб, кўшинларга ғамхўрона йўлбошчилик қилишига ўрганиб қолишган. Энди бўлса сиёсат ҳам бошқача, лашкарбошилар фақат ўз манфаатларини кўзлайдилар, баъзан қўлга олинган ўлжаларни беркитиб, ўзаро бўлиб олишади. Бу эса кўшинлар ўртасида бошбошдоқсизлик туғдирар, интизомсизлик шу даражага бориб етдики, мол-дунё деб баъзи лашкарбошилар ўзаро келиша олмай бир-бирларига душман бўлиб қолдилар. Ғазнага шу дамгача қатъий бўйсуниб келган Хуросон нойибининг золимлиги, яна бунинг устига порахўр-тамагирлиги туфайли халқ ўртасида норозилиқ кучайиб, оқибат-натияжада Хуросон Ғазнавийлар кўлидан чиқиб кетди.

Мана, букун ҳам Балх шаҳри душман қуршовида қолди. Улар чиябўридек ёпишиб, шаҳарни ҳар тарафидан кириш йўлини ахтаришарди. Деворлар, дарвозалар палахмон тошлари билан бузилди, салжуклар хужум бошладилар. Шаҳар деворларига ўрмалаб чиқа бошладилар. Ғазна лашкарлари аросатда.

Энди иш тамом. Кўшинни сақлаб қолиш керак. Шунда Амир Масъуд бир кечанинг ўзида Балх шаҳрини ташлаб чиқиб, Марвга дохил бўлди. Аммо салжуклар унинг ортидан қолмай изма-из қувиб келмоқда эдилар. Буни эшитган Амир Масъуд аввал Нишопурга, кейин у ерда ҳам тўхтамай, Сарахсга келди. Оч-наҳор қоча-қоча чарчаган, ҳолдан тойган лашкарлар, ҳатто кўшин бошлиқлари ўртасида ҳам бундай йўл-йўриқдан норозилиқ кайфияти кун сайин кучайиб борарди.

Амир Масъуд ҳам чарчаб, ўша куни кечаси билан яхши ухламади, алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Негадир тушида бир кўзи мажақланган, бир кўзи билан ҳеч нарса кўра олмас эмиш. Гўё ҳаммаёқни туман



босгандай. Бир вақтлар Балхнинг собиқ ҳокими Али унинг томоғидан бўғиб: «Сен виждонсиз, номард одам экансан, мен сенга яхшилик истаб келган эрдим, сен бўлсанг, менга хиёнат қилдинг, шу ҳам мусулмон одамнинг ишиму?» деб, кўзига қўлини тикиб олган эмиш. Амир Масъуд алахсираб уйғониб кетди. Ўрнидан туриб, калима келтирди. Демак, энди иш чатоқ, кўнгли гаш, ўз тақдирини ўйлаб хўрлиги келиб кўзига ёш келди. Ха, у умрида биринчи бор йиғлаши. Дунё шундай, бошингда тож бўлиб, ариллаб-дариллаб юрган чоғингда, шундай аянчли тақдир сени кутаётганини сира-сира хаёлингга келтирмайсан. Чунки сен ҳукмдорсан, ҳар бир сўзинг отилган ўк, ҳамма сенга бўйсунди, буйруқларинг жой-жойига бориб тушади.

Амир Масъуд ўзидаги тушқунлик, бир томондан кўрқоқлик кайфиятига ҳайрон. Нега ахир шундай ҳолатга тушиб қолди? Бобоси Сабуктегиннинг ўзи ҳақида айтиб берган ҳикоятларини эслади, куллик занжирига тушиб қолганда ҳам бобоси ўзини йўқотмаган, ана шу ҳолатда чиқиб оқибат-натижада Ғазна салтанатига асос солди, уни мустаҳкамлади, ерига ер қўшди. Фарзандларига, невараларига шундай қудратли подшоҳликни қолдирди. Наҳотки, мен, Амир Масъуд шунчалик чиниққан лашкарларим билан орқамдан қувиб келаётган салжуқийларга қарши жанг қила олмасам.

Амир Масъуд шуларни ўйлаб, мулоҳаза этиб, бир қарорга келди ва қўшинларига Марвга қайтиш ҳақида буйруқ берди. Улар Дандонакон қалъаси олдида салжуқийларга дуч келдилар. Аммо, қарангки, шундай масъулиятли дамда қўшин бошлиқлари ўртасида жанжал-тўполон бошланиб кетди. Бир вақт қарабсизки, лашкарлар иккига бўлиниб, бир-бирлари билан савашиб кетишди. Бунинг устига шу дамда салжуқ амири Чағрибек ўз лашкарлари билан етиб келиб, ўртада шундай қаттиқ жанг бўлдики, унинг тавсифини таърифлаш учун сўз ҳам ожизлик қиларди. Ит эгасини танимайдиган қаттиқ муҳораба бошланди. Ғазнавийлар ўзаро жангга берилиб кетиб, буёқдан устларига ёпирилиб келган салжуқ лашкарларига эътибор ҳам қилмай, бир-бирлари билан савашардилар, ўткир қиличлари, найзалари-

ни кунни кеча бирга жанг қилган биродарларига санчишарди. Ўлган ўлиб, қочганлар қочиб қолди. Жанг ту-гагач амир Чағрибек Амир Масъуднинг қароргоҳига кириб, унинг тахтига ўтирди. Шундан сўнг, улар Балх яқинида турган Масъуднинг ўғли Маъдуд ва хоразм-шоҳ Олтинтош кўшинларини ҳам тор-мор келтирди-лар. Қочган-қочиб, ўлганлар майдонда қолди.

Амир Масъуд бўлса қолган-қутган лашкарлари билан барча давлат хазиналарини олиб Ҳиндистонга қараб жўнади. Йўлда Наҳор қалъасида тутқунликда ётган Муҳаммадни, унинг оиласи, бола-чақаларини озод этиб, яна йўлида давом этди. Йўл узок, манзил олис эди. Улар қоронғу тушиши билан бир кўкаламзор, сувлоқ ерга етиб келишгандан сўнг, Амир Масъуд шу жойда тунаб қолишга қарор этди. Подшоҳ учун тезда алоҳида боргоҳ қурилди. Ҳеч қаерга сифмай, ҳеч кимга ишонмай, шундан-шунга олиб келинаётган барча хазина ва қимматбаҳо бойликлар шу қароргоҳга олиб кириб, яшириб қўйилди.

Бошингга кетма-кет ғам-андуҳ тушиб, омадинг сени тарк этган чоғда ушлаган балиғинг ҳам қармоқдан чиқиб кетади, энг яқин кишиларинг, ишонган тоғларинг, ҳамма-ҳаммаси сени ташлаб, омади чопган томонга ўтиб олади. Буни ҳаёт дерлар, азалдан яшаш, курашиш қонуни шундай.

Амир Масъуднинг ҳолати забун. Энди атрофида уни қуршаб, маслаҳат бериб турадиган казо-казолар йўқ. Эсиз, отасининг энг яқин маслаҳатгўйи, донишманд вазири Хожа Аҳмад Ҳасанакни ҳам дорга осиб юборди. Ҳар қалай салтанатнинг таянчи эди-ку?! Ўшанинг уволига қолди шекилли. Оқ сочларини ёйиб, зор-зор йиғлаб келган вазирнинг онаизори кўз олдига келди. Ўшанинг қарғиши урдими ё? Юраги ёнади, бобосидан, отасидан мерос бўлиб қолган шундай буюк давлатни ушлаб қололмади, мана, энди тушқунликда, энг яқин саркардалари унга хиёнат қилди, керак вақтида уни ташлаб кетишди.

Боргоҳнинг бир чеккасида милтиллаб ёнаётган шам пилпиллаб ўчай-ўчай деб турибди. Қайдандир кириб қолган кичкинагина капалак шам атрофида парки-парвона, ўқтин-ўқтин ўзини шамга уради, шўрликнинг

бирор жойи куйди шекилли, боргохнинг бир чеккаси-га бориб йиқилди. Масъуд парвонага раҳми келиб, ўрнидан турди-да «қайга тушди бечора», деб уни излади, шам хира эмасми, йиқилган жойидан топа олмади, менга шу шўрликнинг дарди ҳам бор эканми деб, кўнгли бузилди. Ноумид хаёллар билан ёстикқа ўзини ташлади, кўзи илиниб, уйкуга кетганини сезмай қолди.

Қанча ухлаганини билмайди, қандайдир дахшатли овоздан чўчиб уйғониб кетди. Қараса теппасида шипдек бўлиб, юзига ниқоб тутган шарпалар турибди. Қиличига қўл узатган эди, кучли бир қўл унинг томоғидан бўғди. Яна иккинчиси амирни даст кўтариб қўлларини орқасига буриб боғлай бошлади.

— Сотқинлар, хоинлар, нечун берухсат кирдинглар? Хой, соқчилар! — бақирди Масъуд.

— Улар гўрда, сенга энди ўзимиз соқчимиз, кунинг битди, олампадох, — деди баланд бўйли ниқоб кийган кимса.

У туркийлардан эмас, лаҳжаси бошқача, лекин овози Масъудга танишдек туюлди, ёдига келмади, боши гаранг, қони миясига уриб кетгандай, қулоғи шанғиллайди.

— Мендан не истайсизлар?

— Ҳеч нарса истамаймиз, сен энди ўлимга маҳкумсен.

Кейин ҳалиги бўйдор киши ёнидагисига буйруқ берди.

— Хаммаёқни қара, хазина шу ерда бўлиши керак, — деди у.

Улар уёқ-буёқни тинтиб, боргоҳ бурчагида устига гилам ёпиб қўйилган қопчиқларни кўриб қолишди.

— Топдик, мана, шу ерда экан.

— Олиб чиқиб отларга ортинглар, — деди ҳалиги ҳамма нарсага бош-қошлик қилаётган ниқобдор киши.

— Қанча мол-дунё бўлса, барчаси сизларга, аммо менга тегманглар, — деди Масъуд.

— Сен иблисга ишониб бўладими, ўлдирмасак эртага сен бизни дорга осасан, аммо сени ўлдирмаймиз, тинчгина қудуққа ташлаймиз, ўша ерда азоб чекиб ўлгайсан, — деди ҳалиги ниқобдор.

Кунни кеча Фазна салтанатини бошқариб турган, ҳеч кимга белини ҳам, тилини ҳам бермайдиган, буюк давлатни тебратиб турган Амир Масъудни ярим тунда оёқ-қўлларини боғлаб, ташқарига судраб олиб чиқдилар, кейин чорбоғ эҳагидаги чуқур қудуқ ёқасига олиб бордилар.

Амир Масъуд:

— Аблаҳлар, сотқинлар, бу қилмишларинг учун ҳали жавоб берурсизлар, — деганча қолди. Уни қудуққа ташлаб юбордилар, кейин устига ўша ерда тўплаб қўйилган тош ва харсангларни ташладилар.

Шундай қилиб, Султон Маҳмуднинг ишонган ўғли Амир Масъуд ўзи топтаган Ҳиндистон тупроғида аянчли ўлим топди.

Масъуднинг ўғли Маъдуд бўлса, шу тўс-тўполон, жангу жадал чоғидан фойдаланиб, амакиси Муҳаммаднинг яшириниб ётган жойини излаб топди. Кимнингдир ғариб хонадонида, ғам-андуҳлардан азоб чекиб, кўр бўлиб қолган касалманд амакиси, бутун оиласи, фарзандлари билан шунда паноҳ топган эди.

Муҳаммад Маъдуднинг овозини эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди, «Ниҳоят, бизни йўқлайдиган одамлар ҳам бор экан», деди келин ойиси. «Яхшиям сиз бор экансиз, амакингизнинг аҳволи забун, эс-ҳуши ўзида эмас, эй худо, бизга шу кунлар ҳам бор эканму?» деб хўнг-хўнг йиғларди. Муҳаммад бўлса: «Жигаргўшам, сени йўқлаб келишингни билардим, бугун тушимга кирган эдинг», деб Маъдудга кучоқ очди. Аммо Маъдуд уни итариб юборди. Кенойиси, унга умид боғлаб турган болалар бундай муносабатдан кўрқиб ханг-манг бўлиб қолдилар.

— Вой, ўлмасам, ҳали сиз ҳам уларнинг...

Келин ойисининг гапи оғзида қолди.

Маъдуд ўзининг содиқ кишилари билан амакиси Муҳаммадни, бутун оиласи билан банд айлаб, кимсасиз саҳрога олиб бориб ваҳшийларча ўлдирди.

Ҳа, дунёнинг ишлари шундай экан, бос, тепиб ўт, ўлдир, агар сен ўлдирмасанг, улар сени ўлдиришади, ҳукмронлик қонуни бу, вақти келганда ҳокимият деса ота ўғилни, ўғил отани, ака-укани аямайди, ҳар қандай ёвузликлар қилишдан тойишмайди.

Мазкур хунрезликлар гувоҳи, Амир Масъудга хамроҳ бўлган Абул Фазл Байҳақий деди:

— Бу олам, ўйлаб қарасангиз, ҳақиқатдан ҳам карвонсарой экан. Ахир, бу ёруғ дунёга кимлар келиб кетмади, карвонсарой бўлса ўз жойида қолаберади, ҳамиша гавжум ва уйғоқ. Ўткинчи, бебақо дунё деб шуни айтсалар керак. Зеро, у доимо айланиб туради, ҳа, уни чархи фалак дерлар... Келурмиз, кетурмиз, қайдан келурмизу, қайга кетурмиз, бу жумбоқ, буни ҳали ҳеч ким еча олмаган, еча олмайди ҳам...

Фазна тахтига Амир Масъуднинг катта ўғли Маъдуд келиб ўтирди. Катта маросимга қайинотаси Қодирхон бебақо совға-саломлар билан ўз элчисини йўллабди. Куёвига бебақо «якдона» деган икки жуфт гавҳар, уни аслида Султон Маҳмуднинг ўзи Қодирхонга ҳадя этиб юборган эди, кейин ўзининг севимли «Булут» исмли оти ва яна кўп қимматбақо саруполар ҳадя этибди. Шу туфайли анчадан бери бундай тантаналарни кўрмаган саройда бир оз бўлса ҳам жонланиш кайфияти ҳукмрон бўлгандай эди.

Ҳасан Унсурий ўзининг одатдаги шохсупасида ўтирибди. Атрофида уни қуршаб олган шоирлар гулдасгаси йўқ, кўплари Завзанийнинг зулмига чидай олмай девондан кетиб қолишди, баъзилар эса раҳматли бўлиб ёруғ дунёни тарк этишди.

Султон Маҳмуд вафотидан сўнг, Унсурийнинг руҳи тушган, илгариги вазоҳати йўқ. Айниқса, Амир Масъуднинг фожиали ўлимини эшитиб, ташвишлари ортди, энди унинг суянган тоғлари йўқ. Фақат эртаю кеч тинмай нималарнидир битар, аммо кўп ишлай олмас, кўзлари тинар, асаблари қақшар. Шунақа вақтда ўзига бирор меҳрли суҳбатдош ахтариб қоларди. Айниқса, кейинги вақтларда Беруний билан кўпроқ мулоқотда бўлур эди.

Мана, Абул Фазл шу топда ҳам ўзининг одатдагидек добирлик ўрнида, қўлида қалам, нималарнидир ёзиб ўтирибди. У добирлар Султони. «Қобуснома»да добирлик лавозими хусусида айтилган фикрлар унинг ҳамиша ёдида: «Эй фарзанд, агар добир ва котиб бўлсанг, ёзма нутқни яхши эгаллагил, хатни яхши билгил, ва кўп ёзмокни одат қилғил, токи бу ишга

мохир бўлгайсан... Ва номани (Қуръон оятлари), истора (ўхшатиш)лар, ибратли фикрлар билан бойитвил. Котибга соҳиб идрок бўлмоқ ва рамзли сўзларни англамоқ лозимдур».

Байхақий ана шундай серфикр, суҳандон, билимли добир эди.

Қунлардан бир кун Султон Маҳмуд Султоният тахтида мустаҳкам ўтирган кезларда Бағдод халифасига: «Пойтахтингни филларга бостираман», деб мактуб юборган. Шунда халифа ал-Қодир жавоб мактубида бундай деб қисқачагина жавоб йўллайди: «Бисмиллаҳир раҳмонир Раҳийм, Алиф, лом, мим».

Султон Маҳмуд мактубни олиб, хайрон бўлди, халифа бу билан нима демоқчи деб. Бу хатнинг мазмунини добирлар бошлиғи Абу Наср Мишкон ҳам, вазирлар ҳам тушунишмаган. Шунда ёш добир Абул Фазл Байхақий «Қуръон»даги фил воқеасини, филбонлар бошига Оллоҳ офат юборганини айтиб беради. Шундан сўнг, Султон добирнинг фикри теранлиги, Қуръонни яхши билганлиги учун мартабасини яна оширган. Сўнг Султон Бағдод халифасидан узрлар сўраб «Амиралмўминин фармонига бўйсунамиз», деб жавоб ёзиб юборди.

Абу Райхон Берунийнинг ҳам Байхақийга ихлоси баланд эди. «Бу ўта тиришқоқ эртаю кеч тиним билмас, чумолидек меҳнат қилодурғон Абул Фазл Байхақийдек инсонлар дунёга бир келурлар. Алптегиндан тортиб то Иброҳимгача бўлган Ғазнавийлар тарихини кунма-кун, ойма-ой, йиллар аро синчковлик билан қаламга олган бунақанги тарихнавис бу дунёда йўқдур. Ҳали келажак авлодлар унинг қадрига яна ҳам етгайлар».

Байхақий ёза-ёза чарчади, шекилли, бир оз шамоллаб келай деб шоир Унсурий ҳузурига кириб борди. Кўрдик, шоир бир салобатли мўйсафид билан суҳбат қуриб ўтирар эди. Ҳазрат Беруний ҳам шунда экан. Суҳбатдошининг муборак чехраси жуда-жуда танишдек, уни қаердадир кўрган, аммо фаромуш хотирдан кўтарилган. Ҳурмат юзасидан унга салом берди, ул зот ҳам саломга алик олдию кейин қулоч ёзиб келиб, Абул Фазлни бағрига босди.

«Дил дилга йўл берар», деганларидек, ул зот ўша биринчи бор Ғазнага иш излаб келганида карвонсаройда учратган Абу Солиҳ Саъид эди, таниди.

— Азизим Абул Фазл, Оллоҳга минг бор шукурлар бўлсинким, соғ-саломат эркансиз. Сизнинг битикларингизни кўп ўқиганим бордур. Офарин, офарин.

— Қарилик курсун, минг узур, ўшандан бери, эҳе, қанча йиллар ўтиб кетибдур, қанча сувлар оқиб ўтди, — деди Байҳақий Абу Солиҳни яна қайтадан бағрига босиб.

Шунда Унсурий икки дўстнинг самимий учрашувларини кузатар экан, Байҳақийга:

— Сизнинг девонга ишга келишингизга сабаб бўлган инсон шул олижаноб зот эрурлар, — деди.

— Ҳа, тоғ тоғ билан учрашмайди, аммо инсон инсон билан албатта учрашади. Сизга минг раҳматлар бўлғай, мендан қайтмаса Оллоҳдан қайтсун, — деди Байҳақий.

Беруний деди:

— Жуда ҳам тўғри айтурсиз, кўрингки, тақдир тақазоси ила бир олижаноб инсон сабаб, Сиз шундай олий даргоҳда муқим топибдурсиз, катта тарихнавис олим, арбоб бўлиб етишдингиз.

— Раҳмат сизга минг бор, — деди Байҳақий Берунийга миннатдорчилик билдириб.

Шунда Беруний завқи келиб, илхоми жўшиб сўзлай кетди:

— Сиз билан биз яшаб турган бепоён, сўнги йўқ дунё ўткинчи эмас, абадийдир. У ҳамиша бетиним ҳаракатда. Оқиллар яратган рисоалар, ашъорлар ҳам абадий қолур...

— Ҳазрат, Сиз ҳақ гапни дедингиз, инсон зотига умр бир бор берилур, у ҳам ўлчоғлик, бирор инсон бу ёруғ дунёда абадий яшаб қолмаган. На подшоҳ, на гадо, — деди Байҳақий.

— Сиз ҳам менинг дилимдаги сўзларни айтурсиз, қойил. Шу чоғ барча ибрат олса арзигулик бир ривоят ёдимга тушиб қолди, сизларга айтиб бермасам бўлмас, — деди Беруний.

— Айтингиз, икки қулоғимиз сизда, айниқса биз

фикр изловчи фақир ва жокисор шоирлар учун, — деди Унсурий гапга аралашиб.

Беруний косадаги гулобдан бир хўплади-да, қаршисида турган, ҳар бириси бир дунёга татийдурган алломаларга юзланиб деди:

— Жаҳонни титратган Искандар Зулқарнайн ҳукмронлик чўққисига кўтарилгач, унда узоқ умр кўриш иштиёқи туғилибдур. Дунё кезган жаҳонгашта бир сайёҳ унга: «Сулаймон тоғинда бир яширин гор бордур, ўшанда «обиҳаёт» суви булоқ бўлиб қайнаб ётур, бу сирни менга ёши юздан ошиб кетган бир пиру нуроний айтқон эрди», деб қолибди. Шундан сўнг, Искандар уни излаб ўша томонларга йўл олибди. Қидира-кидира, йўл юрса ҳам мўл юриб, ва ниҳоят «обиҳаёт» топиб, бир шиша идишга тўлдириб қайтиб ватанига йўл олибди. Йўлда чарчаб, зулмат чўқиши билан бир бешада тўхтаб, ўша ерда тунашга қарор этибди. Йўл азоби, гўр азоби деганларидек, чарчаганидан тезда ухлаб қолибди. Уйқуда-ю қулоғига мунгли нолиш эшитилибдур. Уйғониб, ўша йиғлоқ овоз келаётган томон кетибди. Қараса, баҳор тошқинлари чоғинда ўпирилиб кетган чуқурда эти-этига ёйишиб суюғигина қолғон бир одам ётиб эркан. Фақат кўзи милтиллар, оғзи кимирлаб мунгли овоз чиқарур эмиш. Искандар ҳайрон, жаҳон кезиб бундай аянчли ҳолатга биринчи бор йўлиқиши эркан.

Шунда Искандар унга мурожаат этиб:

— Эй дилимни эзган мажруҳ, инсонмусен, ё инсжинсмусен, не гуноҳ қилибдурсенким, бунчалик хорзорлик қисмати бошинга тушибдур, — дебди. Шунда у тилга кириб деди:

— Эй Искандар, мен ҳам сен каби дунё кезган жаҳонгашта подшоҳ эрдим. Ёшим бир жойга бориб қолганда, подшоҳлик ва бойлик ҳирси кучайиб, Оллоҳ менга берган умрга қаноат қилмай, сен борган томонларга йўл олдим, «обиҳаёт»ни излаб, топиб, уни ичган эрдим. Минг афсуслар бўлсинким, ўта нодонлик қилғон эрканмен. Шундан сўнг, узоқ умр кўриб, юз ёшдан ошиб кетдим. Фарзандларим, невараларим ҳам дунёдан бирин-кетин кўз юмиб кетдилар, дўсту ёронларим ҳам. Подшоҳлик тахти ҳам, йиққан давлатим ҳам бар-



часи қўлдан кетди. Оқибат мени танийдиган бирорта одам қолмади, кўча-кўйда адашган ит каби сарсон-саргардон бўлиб юрдим. Одамлар мени кўриб, қочадурган, хатто ирганадурган бўлиб қолдилар. Охири газабнок мардум менинг қўл-оёғимни боғлаб, мана шу чуқурга олиб келиб ташлашди. Ўлиб ўлолмаймак, тирик бўлиб ўликдаймен. Ҳа, тирик, жонли мурдамен. Эртаю кеч яратгандан ўзимга ўлим тилаймен. Оллоҳнинг бўлса кўзи кўр, қулоғи гаранг, ҳамма гуноҳ ўзимда, кўриб турибсен, эртаю кеч дўзах азобини тортадурмен.

Шўрлик тирик мурда хўнг-хўнг йиғлар эрди.

Шунда Искандар қароргоҳига қайтиб келиб минг машаққатлар билан олиб келаётган «обиҳаёт» суви солинган шиша идишни олиб чиқиб, бир дарахтга урибди. У, кўм-кўк арча экан. Ривоятларга қараганда, «обиҳаёт» сувини ичган арча уч юз йил яшар эркан. Ўша сувдан қайдандир шу дақиқа учиб келган зоғ ҳам ичган эрмиш.

Беруний уни эътибор билан тинглаб турган суҳбатдошларига қараб турди, улар не сўз айтар эканлар деб.

— Ажаб тугал ривоят эркан, кўпларга ўрناق бўлурли, — деди Унсурий.

— Тарих дафтарига игна бирлан ёзилгудек ҳикоят, — деди Байҳақий.

Ҳа, бу ёруғ дунёга келмоқ иродат, бахт-саодат эрур, кетмоқ эса азалий қонуниятдир. Бундай ўйлаб кўрсангиз олиму фузалолар, шоиру алломалар, аҳли донишлар Оллоҳнинг меҳри тушган инсонлардур. Улар давлатнинг таянчи, пуштипаноҳи, обрў-эътиборидир. Ана шу етук, аҳли донишмандлар туфайли Ғазнавийлар салтанатининг донғи, таъриф-тавсифи дунёга кетди, тарих саҳифаларида абадулабад ёзилиб қолди.

## ЁЗУВЧИДАН

Ва, ниҳоят роман сўнглади.

Демоқчименки, туркий тарих вақт ўтиши билан ўз давлатчилигининг янги сифат босқичига юз тутди. Парчаланган эл-элатлар буюк уйғониш, ҳайратланарли маънавий юксалиш иноятига яна мушарраф бўлдилар. Тарихнинг ажиб бир ҳукми яна бўй кўрсатди: куллик, тобеълик маҳкумлигидан, наинки, эркинликка чиқиш, ҳатто ҳукмронга айланишдек саодат миллатнинг қисматини беади. Замона зайли ўлароқ, кулликка тушиб қолган Ғазнавийлар бобокалони Сабуктегиннинг тақдири, ўзи асос солган буюк салтанат алалоқибат, тақдирлар такрорланиши ўлароқ, инкирозга учраган бўлса-да, лекин унинг теран тарихий-маънавий илдизлари мустаҳкамлиги туфайли янгидан тикланиш ибтидосида турарди. Ғазнавийлар салтанатининг миллий давлатчилик тарихидаги буюклиги ҳам ана шунда.

Жаҳон узра илдиз отиб кетган туркий дунё яна миллий тикланишдек қисмат меҳваридан тарихий хосу мос ўринни эгаллади. Миллий бунёдкорликка чорловчи даъваткор дунёвий таълимотлар, «Даст ба кору, дил ба ёр» каби нақшбандия ғоялари, миллий ўзлик, ўзига эгалик шарафини, эрк муқаддаслигини қайтадан тарбиялаб, қавмларни, барча уруғ-аймоқларни бирлаштирувчи маънавий-рухий қудратга айланганди.

Туркий тарихнинг қадимий ўзига хос сахнаси толе юлдузи чакнаган буюк Амир Темурни кутмоқда эди.

### **«ҒАЗНАВИЙЛАР» романи ва унинг муаллифи ҳақида**

Ҳаёт муттасил равишда оқиб турувчи дарёдир. Бу дарё ўзининг абадий ҳаракатида давом этар экан, бешик-бешик тўлқинлар билан бирга кунлар, ойлар, йиллар, улар билан бирга одамлар ва авлодлар ҳам оқиб, тарих деган чексиз-чегарасиз ҳавзага бориб кўшилади. Шу тариқа даврлар қарвони ўтиб, ҳаёт янгиланиб, аждодлар орқасидан янги авлодлар туғилиб боради.

Сиз ҳозир ўқиб тугатганингиз асар, ўз жанрига кўра, тарихий романдир. Унда тасвир этилган воқеалар ўзбек халқи тарихининг X—XI асрларига оид бўлиб, ўз даврида катта мавқега эга бўлган, ўзбек давлатчилиги шонли саҳифаларидан бирини ташкил этган Ғазнавийлар сулоласи ҳақида.

Маҳмуд Ғазнавий ва унинг салтанати тўғрисидаги илмий-тарихий адабиётни кўп, деб бўлмайди. Шу пайтгача ўзбек китобхонларига Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида бериб келинган маълумот эса бирёқлама бўлган. Холбуки, Ғазнавийлар ҳукмронлик қилган давр Шарқ халқлари тарихида давлат қурилиши, ободончилик, маданият ва маърифат соҳаларида улкан кўтарилиш, ҳатто маълум даражада Уйғониш даври бўлган десак, муболаға бўлмас. Шу даврда вужудга келган илм-маърифат ўчоқлари: Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат», Хоразмдаги шоҳ Маъмун ташкил этган «Мажлиси уламо», Ғазнавийлар девонидаги шоиру олимларнинг илмий-маърифий мактаби, Қорахонийлар, Сомонийлар салтанатидаги шоиру уламолар мажмуаси ана шу уйғониш даврининг асосий маданий ва маърифий йўналишларидир.

Маҳмуд Ғазнавий ибн Сабуктегин, сўнгги маълумотларга қараганда, 967 йилда Ғазна шаҳрида дунёга келган. Сомонийларнинг Ҳиротдаги нойиби Сабуктегин 997 йили вафот этгач, унинг тўнғич ўғли Маҳмуд Ғазнавий тахт учун курашда ғалаба қозонади. Сомонийлар давлати ҳукмдори Мансур ибн Нух II уни Балх, Термиз, Бўст шаҳарларининг нойиби сифатида эътироф этишга мажбур бўлади. Маҳмуд Ғазнавий бу билангина кифояланиб қолмай, бутун Хуросонни забт этиб, ўзини Султон, деб эълон қилади. Шундан кейин унга «ямин уд-давла ва амин ул-милла», яъни давлатнинг ўнг қўли ва миллатнинг ишончи деган фахрий унвон ва Хуросон ҳокимлиги ҳақида ёрлиқ берилади. Бу тарихий воқеа 999 йили рўй беради.

Омад ўтган асрлар давомида ҳамиша кучлилар томонида бўлиб келган. Бахт қуши ҳамиша тарих синовларига дош бериб, ўз вилояти ёки мамлакати чеғараларини кенгайтирган Султонлар бошига қўнган. Аммо тарих бунинг эвазига улардан мамлакатни ободонлаштириш, илм-маърифат ва маданиятни ривож-

лантиришни талаб қилган. Буни яхши сезган Маҳмуд Фазнавий ўзи забт этган ерлардан қимматбаҳо ўлжа ва асирлар билан бирга ўз даврининг Абу Райҳон Беруний сингари алломалари, шоиру фузалоларини ҳам олиб келган. Унинг ўзи ҳам илм-маърифатдан бебаҳра киши бўлмай, сарой кутубхонасига кўплаб нодир китобларни тўплаган, қадимги эрон ва араб тилларини яхши билиб, шеърлар ҳам ёзган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Фазнавийнинг ўша даврда маданият ва маърифат ҳомийси сифатида шуҳрат қозониши тасодифий эмас эди. Унинг саройида Унсурий, Фаррухий, Манучехрий, Асжадий, Аторудий, Маъсудий, Лабибий, Зиннатий каби ўша даврнинг тўрт юздан ортиқ шоиру ғазалхонлари жамулжам бўлишган. Айниқса, шоирлар мажлисига Абул Қосим Фирдавсий келиб қўшилгач, унинг обрў-эътибори яна ҳам ошиб кетган.

Шу билан бирга Абу Райҳон Беруний ва Ибн Ирок бошлиқ Хоразм академияси — «Мажлиси уламо» олимларининг Ғазнага олиб келиниши Ғазнавийлар салтанатига яна ҳам катта шуҳрат келтирди. Боз устига, Шарқдаги буюк давлатлар паноҳида илм-фан ва маданиятнинг тиббиёт, математика, риёзиёт, мунажжимлик, мантиқ, адабиёт ва санъат сингари барча соҳалари ривожланиб, бу соҳаларда оламшумул кашфиётлар юзага келди.

«Ғазнавийлар» романида ана шу Уйғониш даврининг шу вақтгача ўзбек адабиётида тасвир этилмаган ҳаётий манзаралари ўзининг бадиий тажассумини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туркий қавмлар сардори Сабуктегин барпо этган Ғазнавийлар салтанати унинг ўғли Султон Маҳмуд даврида янада кенгайиб, мустаҳкамланиб, унинг сарҳадлари Хуросон ва Ҳиндистон яриморолидан тортиб то Каспий денгизига қадар етиб борди. Султон Маҳмуд ўзининг ишбилармонлиги, моҳир сиёсатдонлиги билан машҳур давлат арбоби даражасига кўтарилди. Унинг теги-тахти ҳам аслзода, ҳарбий саркарда, туркий қавмларнинг бобокалони Алптегинлар авлодига мансуб эди. «Тегин»лар қадимдан жасур саркарда ва лашкарбошилар сифатида донг таратиб келишган.

Ўзининг замонавий ва тарихий мавзудаги роман ва қиссалари билан адабиётимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган ёзувчи Мақсуд Қориев узок йиллардан бери Ғазнавийлар тарихи билан қизиқиб, Маҳмуд Ғазнавий яшаган давр ва у ҳақдаги илмий-тарихий адабиётни ҳавас қиларли даражада қунт ва сабот билан ўрганди; илмий адабиётда етарли маълумот бўлмаган, ҳатто исми тухматнамо ривоят билан ўралган Маҳмуд Ғазнавий ва у асос солган салтанат тарихига бағишланган роман яратди.

Одатда ёзувчилар тарихий роман жанрига мурожат этганларида ватан ва халқ тарихининг яхши ўрганилган саҳифаларини бадий гавдалантирадилар. Миллий адабиётларда тарихий роман жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши шу зайлда кечади. Ўзбек тарихий романнавислиги бугунги кунга келиб, халқимиз тарихининг қарийб барча муҳим даврларини бадий тадқиқ этди. Нафақат Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур, Машраб, балки улардан олдин яшаган Беруний, Ибн Сино сингари аجدодларимизга бағишланган асарлар ҳам яратилди. Тарихий роман жанри ўзининг тараққиётида фақат замонавий тарих фани ютуқларига суянибгина қолмай, ватанимиз ва халқимиз тарихининг ҳали яхши ўрганилмаган, аммо ўзбек миллий давлатчилиги тарихида муҳим ҳисобланган даврлар ва шу даврларни ўзида мужассамлантирган тарихий сиймолар образини ҳам яратиб боради. Зеро, тарихшунос олимлар ва тарихнавис ёзувчиларнинг иш юритиш усуллари турлича бўлишига қарамай, мақсадлари битта: халқнинг шаклланиш ва тараққиёт тарихини ёритиш.

Агар шу фикр-хулосадан келиб чиққан ҳолда адиб Мақсуд Қориевнинг ижодига назар ташласак, унинг Ибн Сино ҳақидаги романидан кейин Ғазнавийлар салтанати тарихи билан қизиқиши ва шу салтанатнинг асосчиси Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида роман яратиши сабаблари яққол кўринади.

Султон Маҳмуднинг отаси Сабуктегин фарзандлари ва неваралари даврасида ўз ҳаёти, бошидан кечирган воқеаларни бундай ҳикоя қилиб беради:

«Менинг падарибузрукворим, Алптегин ҳазратлари Шошга обиҳаёт оқиб келадиган баланд тоғлар ёнба-

ридаги боғу бўстонлиқ ям-яшил кишлокда тамал топган эдилар. Биз уч ака-ука эдик. Акам Исҳоқтегин, укам Билгатегин ҳам менга ўхшаш паҳлавонқомат эрдилар. Отам бўй-басти дароз, мендан ҳам жуссали, элда обрў-эътибор қозонган инсон эрдилар. Ул зотни бирор киши ҳам оёғини ердан уза олмаган.

Хов, анави боғимиз оёғидаги осмонўпар чинорлар бор-ку, кўраяпсизларму, уларнинг илдизлари она заминга жуда ҳам чуқур кириб кетган, яхши эътибор қилсангиз, пастидан ҳам яна янги шохчалар чиқиб турибди. Туркий эл-улусларни худди ана шу чинорларга киёс қилса бўлур. Биз шундай тағи-тахти пухта, илдизларимиз теран, уруғ-аймоқларимиз, Мағрибдан Машриққача тарқаб кетган элатмиз. Биз бўлсак ана шу турк қавмининг бош бўғинимиз. Сизлар буюк бобомиз паҳлавон Алп Эртўнға ҳақиндаги халқ дostonларини ўқиганмусиз? Ўша дostonларни ёшлигимдан ўқиб ёдлаб юрардим».

Бизга қадар етиб келган тарихий маълумотларга кўра, сомоний лашкарлари билан бўлган жангда Сабуктегиннинг отига ўқ тегиб, соҳибқироннинг оёғи от остида қолади. Шунда унинг ожиз ҳолатидан фойдаланган душман уни кишанлаб, қул қилиб олиб кетади. Тақдир тақозоси билан Сабуктегинни бир ҳоким сотиб олади. Сабуктегин садоқатли хизмати, боз устига, жасур паҳлавонлиги туфайли ҳокимнинг ишонч ва ҳурматини қозонади. Охир-оқибат ҳоким уни ўзига ворис этиб тайинлайди.

Ёзувчи романда ана шу тарихий фактдан келиб чиққан ва унга асосланган қолда воқеаларнинг мантикий окимини тасвирлаш йўлидан боради.

Тарихий рисоалардан шу нарса маълумки, Султон Махмуд илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилган, уларга яхшигина маош тайин этиб, саройдан уй-жой берган. У форс-тожик адабиёти асосчиларидан бири Абул Қосим Фирдавсийга ҳам ҳурмат ва эътибор кўрсатиб, «Шоҳнома»ни ёзишни унга шахсан ўзи топширган. Бу, тарихий ҳақиқат. Аммо шу вақтгача ёзилган илмий ва адабий асарларда гўё Султон Махмуд шоирни «карам билан эмас, алам билан кутиб олган», «Шоҳнома» учун ваъда қилгани олтин танга ўрнига

кумуш танга бериб, подшолик рутбасига муносиб бўлмаган ишни қилган, деган таъна билдирилиб келинди.

«Ғазнавийлар» романида ёзувчи бу масалага бошқача ёндашган.

Маълум бўлишича, Султон Маҳмуд «Шоҳнома»ни ўқиб тугатгач, ваъда қилинган олтинларни Фирдавсийга бериб юборинглар, чунки «Одам Атодан шу дамгача ҳеч ким бунчалик назм айтмаган ва айтолмайди ҳам», деган. Шундай экан, Султон ҳақидаги хажвиянинг дунёга келиши Фирдавсийнинг ижодий камолотини кўролмаган, фаразгўйлик қилиб, подшоҳга уни ёмон кўрсатмоқчи бўлган қора ниятли кишиларнинг қилмишлари эмасмикин? Таниқли адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий «Кўхна тарих дурдоналари» китобида ёзганидек, Фирдавсийнинг Султон Маҳмуд ҳақидаги хажвияси — ниҳоятда чигал ва жумбоқ муаммо. Чунки, хажвиянинг бу қадар тез ёзилиши ва ўша куниёқ Султонга бориб тегиши ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар жумласидандир.

Романни ўқир эканмиз, Султон Маҳмуд саройида тўпланган шоирлар орасида бир девонасифат, ростгўй Мискин таҳаллусли истеъдодли шоир билан танишамиз. Ёзувчи тасвирлашича, уни Султоннинг ўзи ҳам ёқтирган. Баъзан подшоҳ шоирни кўриб қолганида: «Қани, шоири замон, янги ашъорлардан борму?» деб сўраб ҳам турган. Ана шу шоирнинг Фозил ҳаммомчи билан яқин ошнолиги ҳам бўлган.

Шубҳасиз, ёзувчининг мазкур романни ёзишдан мақсади Маҳмуд Ғазнавий ва Фирдавсий муносабатлари масаласига аниқлик киритиш эмас. У ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги Ғазнавийлар салтанатининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш, X—XI асрларда қудратли ўзбек давлатига асос солган Маҳмуд Ғазнавийнинг тадбиркор подшоҳ ва маърифатпарвар инсон сифатидаги сиймосини гавдалантириш, шунингдек, у ҳақида турли миш-мишларнинг сохта эканлигини бадий асослашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Шу нуқтаи назардан ёндошганимизда, романнинг Ғазнавийлар саройида ижод қилган шоиру уламо ҳаёти тасвирланган, уларнинг нафис адабиёт ва илм-фан рав-

наки йўлидаги саъй-ҳаракатлари муҳрланган саҳифалар ёзувчи бадий ниятининг рўёбга чиқишида муайян аҳамиятга эгадир. Асардаги «Икки буюк сиймо ёзишмалари» боби шу жиҳатдан, айниқса, эътиборга сазовор. «Ўйлайманки, етук иймонли бўлмоқнинг ўзи кифоядур. Чунки, у Оллоҳнинг борлигини дилга солур», деб ёзади Беруний бир мактубида. Ибн Сино эса ўз жавобида: «Мен табиб сифатида инсон деган буюк, зотнинг жисми урғи ҳақида кўп илм қилдим. Тиббиёт, баъзилар ўйлаганидек, фақат табиблик, деган тор тушунча эмас. У ҳақиқий илм-фандир, менинг наздимда, тиббиёт илм бўлганда ҳам илмлар подшоҳидур. Зеро, ул инсон деган буюк зот ҳақидаги илмдур», деб ёзади.

Муаллиф романда ана шу улур сиймолар ёзишмалари орқали ўша даврда Шарқда илм-фаннинг нақадар тараққий этганлиги ва бунда Ғазнавийлар салтанатининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини ўзига хос йўл билан кўрсатиб берган.

Маҳмуд Ғазнавийнинг давлат қурилиши, шу жумладан, ҳарбий соҳада амалга оширган тадбирлари салтанат қудратини яна ҳам кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этди. Аскарликка олинган сипоҳийлар маош билан таъминланган, давлат қурилиши ва ҳарбий соҳаларда қаттиқ интизом ўрнатилган, лашкарларга жангу жадал олиб боришнинг жуда кўп усуллари ўргатилган. Энг эпчил, заковатли йигитлардан махсус қисмлар тузилган, давлат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳатто айғоқчи айёрлар гуруҳи ташкил этилган, ҳарбий юришлар учун эса энг яхши отлардан ташқари, жанг қилишга ўргатилган филлар ҳам бўлган.

Султон Маҳмуд ниҳоятда қаттиққўл бўлган, кези келганда, ҳатто энг яқин кишисини ҳам аямаган. Иккинчи томондан, у «ҳам хонлиги, ҳам беклиги бор», сирасини айтганда, ҳам золим, ҳам одил ҳукмдор, маърифатли ва жонқуяр инсон ҳам эди. Асарнинг «Ашуро байрами» бобида новвойлар бошлигини қатл этилиши, «Беруний ва Султон» бобида эса ҳатто буюк алломанинг томдан ташлаб юборишга амр қилиниши ва бошқа воқеалар тасвири бунинг далилидир. Аслида, бу кўпданкўп ҳукмронларга хос хислатдир. Бу, балки тарихий



давр ва шароит тақозоси, давлатни бошқариш йўллари-ридир. Чунки сен заиф бўлсанг, сени янчиб ташлайди-лар, сен босиб олмасанг, сени босиб оладилар. Тарих-нинг кўп қаватли биносида адолат ва инсонийлик билан бирга ҳақсизлик ва қонхўрлик ҳам ёнма-ён яшайди.

Ривоятларга қараганда, ўлимга ҳукм этилган бир йигит жаллод қиличи остида турганида, Султон Мах-муд:

— Ўлимнинг олдидан айт-чи, исминг не? — деб сўрабди.

Йигит:

— Исминим Махмуд, — дебди.

Шунда Султон:

— Мен ўзимнинг исминдаги одамни ўлдирмайдур-мен, — деб уни озод этиб юборган экан.

Ёзувчи Султон Махмуд Ғазнавий характери-ни тўла-қонли яратиш учун уни турли ҳолатларда, у яшаган тарихий даврнинг турли манзаралари фонидида тасвир-лашга ҳаракат қилади. Масалан, шикорга чиққанда подшоҳнинг ботқоққа ботиб қолиши ёки икки ёш ошиқ-маъшуқа иттифоқо «Боғи Фируз»да маишат қилиб ўтирганида улар хузурига балиқчи қиёфасида кириб бориши, ёхуд «чувринди аёл»га бўлган самимий муно-сабати ва шунга ўхшаш фавкулудда ҳолатларда унинг характери яна ҳам равшанроқ очилади.

Махмуд Ғазнавий фақат золим ва қонхўр эмас, айни пайтда кўнгли эзгуликка мойил, одил подшо ҳам бўлган. Акс ҳолда шаҳзода Масъуд балхлик савдогар-нинг қарзини бермай, сарсонун саргардон қилиб қўйга-нида у ўғлини шарият суди ихтиёрига юбормаган бўларди. Дарвоқе, ёзувчи шу каби воқеалар тасвири орқали Султон Махмуднинг адолатпарвар ва инсон-парвар подшоҳ сифатидаги образини гавдалантириш-га эришган.

Махмуд Ғазнавий ўз саройида Унсурий, Дақиқий, Фаррухий, Беруний, Байҳақий каби атоқли шоиру ал-ломаларни тўплаб, уларга ижод ва илм билан шуғулла-ниш имконини яратибгина қолмай, балки, тарихий маъ-лумотларга қараганда, ўзи ҳам баъзан ғазаллар битган. Шу маънода, «Навбахор кечаси» боби романнинг энг чиройли, ўқимишли бобларидан биридир.

Маҳмуд Ғазнавий 1030 йилда Ғазнада вафот этади. Сарой ҳаётида катта мавқега эга бўлган аслзодалар унинг ўрнига ўғли Муҳаммадни қўймоқчи бўлишди. Дарвоқе, Султоннинг васиятида ҳам шундай дейилган эди. Подшоҳ вафоти туфайли саройда қарорсизлик ҳукм суриб турган бир вақтда амир Масъуд холасидан мактуб олади. Унда отасининг вафоти ҳақида бундай хабар берилган эди:

«Олампаҳоҳимиз раббихир ойига беш кун қолганда пайшанба куни аср намози чоғида ёруғ дунёдан кўз юмиб, Оллоҳ даргоҳига кўчдилар. Кейин ўша куни «Боғи Фируз»га дафн этилдилар. Бизлар барчамиз ҳарамдагилар билан биргаликда Ғазна қалъасида турибдурмиз. Барча ишлар хожиб Али Ғариб қўлида. Султон дафн этилгач, ўша куни тунда Жузжонга чопар юборилиб, Амир Муҳаммадни олиб келиб тахтга ўтказишди».

Амир Масъуд анойилардан эмас эди. У аллақачон ҳеч кимга сўзини ҳам, белини ҳам бермайдиган каттиққўл ҳукмдор сифатида шаклланган эди. Амир зудлик билан нафақат Ғазнага чопар, балки салтанатга қарашли барча вилоятларга нома ҳам юбориб, ҳокимиятни ўз қўлига олганлигини маълум қилади. Султон Маҳмуд ҳаёт чоғидаёқ айтган эди, ҳокимиятни Муҳаммадга васият қилсам ҳам, Масъуд уни Муҳаммадга барибир бермайди, деб.

Романда Султон Масъуд Ғазнавий давридаги муркаб вазият, суронли воқеалар ҳам изчиллик билан ҳикоя қилинади.

Мақсуд Қориев — ўзбек китобхонларининг сеvimли ёзувчиларидан бири. У ҳаётининг қутлуғ санази — саксон ёшга тўлиши арафасида узок йиллар мобайнида олиб борган изланишларининг ижодий самараси Султон Маҳмуд Ғазнавий романини ёзиб тугатди. Романнинг қўлёзма нусхаси аллақачон тайёр бўлганига қарамай, у асарни ёзувчилар, тарихшунос ва адабиётшунос олимлар назаридан ўтказиб, унга қайта-қайта сайқал берди. Китобхон олдидаги, ўзбек адабиёти олдидаги масъулият туйғуси, афсуски, ҳамма ёзувчиларда ҳам мавжуд бўлавермайди. Шундай фазилатга эга бўлган ёзувчиларгина

ижодий камолот йўлидан борадилар. Мақсуд Қориев ёзувчилик бурчини теран ҳис этадиган, ана шундай камёб ижодкорлардан биридир.

Мақсуд Қориев Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Юридик институтига ўқишга кирди, кейин аспирантурада тахсилни давом эттириб, юридик фанлари номзоди деган илмий даражага эришди. У тақдир тақозоси билан 1949 йили бир мақола ёзиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасига олиб борганида, мақола ҳам, унинг муаллифи ҳам муҳаррирга манзур бўлди шекилли, уни газета таҳририятига ишга таклиф этишди. Мақсуд ака шу вақтдан бошлаб «Қизил Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати», «Муштум» ва бошқа даврий нашрларда бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир лавозимларида ишлабгина қолмай, ўзи ҳам тинмай қалам тебратди.

Хуллас, Мақсуд ака митти ҳикоялари билан ижод оламига кириб келди. Сўнгра йирик насрий жанрларга ўтиб, «**Ойдин кечалар**» (1968), «**Жийда гуллаганда**» (1970), «**Ой тугилган кеча**» (1971), «**Қиз узатиб борганда**» (1972), «**Афросиёб гўзали**» (1974), «**Турналар баланд учади**» (1976) сингари қиссаларини яратди. Китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинган бу қиссалар академик Воҳид Зоҳидовнинг ҳам назар-этиборини қозониб, у ҳатто ёзувчи ижодига бағишланган «Митти ҳикоялардан катта ривоятларга» деган мақола ҳам ёзди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди, муаллиф қатор-қатор ҳикоялари ва қиссаларидан кейин «катта ривоятлар», «**Спитамен**» (1989), «**Ибн Сино**» (1995) тарихий романлари билан ўзбек ёзувчилари сафидан ўзига муносиб ўрин эгаллади. Мазкур қиссалар ва «Спитамен» тарихий романи қатор хорижий тилларга ҳам ўгирилиб, адибга катта шухрат келтирди.


Тиниб-тинчимас адибнинг саксон йиллик умр бўса-ғасида тарихимизнинг яна бир муҳим қатламини очиб, бундан ўн аср аввал ҳукм сурган Ғазнавийлар салтанати ҳақида катта эпик полотно яратиши унинг ҳали ҳам катта ижодий куч-қувватга тўла эканини намоён этиди.

Камина романга илова этилган ушбу сўнги сўзни тугатар эканман, ажойиб инсон ва атоқли адиб Максуд Қориевга муборак умрининг саксонинчи йилларида ҳам хормай-толмай ижод қилиши учун узоқ умр, сихат-саломатлик ва ижодий кайфият, ҳурматли китобхонларга эса сеvimли адиб билан адабиётимизнинг қисса ва роман сингари майдонларида тез-тез учрашиш бахтини тилайман.

**Наим Каримов,**  
*филология фанлари доктори.*

## **МИННАТДОРЧИЛИК**

Ғазнавийлар салтанати тарихига оид ушбу романимни синчковлик билан ўқиб чиқиб, дўстона фикр ва мулоҳазалар билдирган ёзувчилар, шарқшунос олимлар: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Хайтметов, тарихшунос олимлар Наим Каримов, Собир Мирвалиев, Ҳамиджон Ҳомидий, Абдурахим Маннонов, ёзувчилар Муроджон Мансуров, Раҳимжон Отаевларга чин кўнгилдан самимий миннатдорчилик билдираман.



Махмуд Ғазнавий мақбараси.

ҒАЗНАВИЙЛАР ШАЖАРАСИ



## МУНДАРИЖА

Карвонсарой.....	5
Ота ва ўғил.....	12
Бобокалон ўғитлари.....	19
Мўлтондаги жанг.....	34
Хоразм фожиаси.....	42
Икки байт.....	51
Ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғу.....	59
Шоирнинг ўлими.....	73
Шикордаги воқеа.....	78
Навбахор кечаси.....	87
Ашуро байрами.....	107
Сафарнома.....	116
Дил изхори.....	132
Беруний ва Султон.....	138
Тақдир тақозоси.....	148
Чувринди аёл.....	165
Икки буюк аллома ёзишмалари.....	173
Хазина.....	189
Эътироф.....	197
Боғи «Фируз».....	202
Тоғу тахт бевафодир.....	207
Янги подшоҳ, янги қонун.....	212
Чархи фалак дерлар буни.....	222
Ёзувчидан.....	242
<i>«Ғазнавийлар» романи ва унинг муаллифи ҳақида.....</i>	242